

ШАРҚ ЎЛДУЗИ

Адабиёт журнали

1931 йилдан чиқа бошлаган

O'z DK

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Бобур Алимов – кенгаш раиси
Ўрзбой Абдураҳмонов
Эркин Воҳидов
Тўра Мирзаев
Иқбол Мирзо
Минҳожиддин Мирзо
Абдуваҳоб Нурматов

Абдулла Орипов
Тўра Саидов
Сироҗиддин Сайид
Йўлдош Солижонов
Хайриддин Султонов
Шарап Уснатдинов
Рустам Қосимов

Бош муҳаррир в.б.
Бош муҳаррир ўринбосари
Масъул котиб
Наср бўлими мудири

– Улугбек Ҳамдам
– Икром Отамурод
– Зиёдбек Ўринов
– Асад Дилмурод

МУНДАРИЖА

НИГОХ

Султонмурод Олим. Ҳалиқ, мерос ва маънавият 3

ШЕЪРИЯТ

Ҳалима Худойбербиева. Чарсиллаган бир ўт ёнар ичимда. Шеърлар 9

НАСР

Қамчибек Кенжак. Тошқин. Қисса 13

ШЕЪРИЯТ

Ўткир Раҳмат. Қутлуг кун шарафи. Шеърлар 52

НАСР

Нурилло Аббосхон. Шўрқишлоқ. Роман. Охири 56

ШЕЪРИЯТ

Чоршамъ. Висолинг соғиниб. Ғазаллар 104

ИЖОДХОНАДА БИР СОАТ

Наим Каримов, Улуғбек Ҳамдам. Асар юрак қони билан ёзилади. Суҳбат 107

ШЕЪРИЯТ

Хуршида. Бахтнинг рангларини қура бошладим. Шеърлар 120

Сирожиддин Рауф. Кўксидга ўзликни чўғдек асраган. Шеърлар 123

ТАФАККУР МИНТАҚАЛАРИДА

Артур Шопенгауэр. Ҳаёт, инсон, изтироб 126

БОЛАЛАР ДУНЁСИ

Хуррам Райимов. Тойчоққинам бирам шўх. Шеърлар 138

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

Умарали Норматов. Бедорликда ўтган умр. 140

НАЗМ БЎСТОНИ

Ойша Турол. Ҳаётимнинг отапидир борлигинг. Шеърлар 148

МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

Отабек Жўрабоев. Лирикада тарих тасвири 150

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Малика Ибодуллаева. Кўзларимдан сени ахтарар йўллар. Шеърлар 160

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Ҳакимжон Каримов. Бугунги насрнинг хусусияти ва тамойиллари 162

Муқаддас Тожибоева. «Ҳаёти жовидон миллат» 170

Саъдулло Қуронов. Шеъриятда геометрик изланишлар 173

ДИЛЛАРДАН-ДИЛЛАРГА

Дилшода Муборакова. Тасвир қирралари 178

ЁДНОМА

Шодмон Отабек. Сўнгги дарвеш 181

ГУЛҚАЙЧИ

Турсунбой Адашибоев. Пародиялар 188



Султонмурод ОЛИМ,
Республика Маънавият тарғибот
маркази раҳбари ўринбосари

ХАЛҚ, МЕРОС ВА МАЪНАВИЯТ

Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қиласди.

Ислом КАРИМОВ

Миллий маънавий-маърифий меросимиз таркиби

Истиқлол туфайли, аввало, маънавий эркимизни қўлга киритдик. Эрк тушунчасига эса миллий маънавий-маърифий меросга муносабат ҳам киради. Миллий маънавий-маърифий меросни халқ, унинг вакиллари яратади. Бунда буюк зотларнинг ҳиссаси ҳамиша катта бўлган. Умуман, элимиз орасидан етишиб чиқсан улуғларни ва улар яратган маънавий-маърифий меросни шартли равишда бўлса ҳам тўрт сирага ажратиш мумкин:

1. Олимлар яратган мерос.
2. Бадиий ижодкорлар яратган мерос.
3. Давлат ва жамоат арбоблари яратган мерос.
4. Аэзиз – авлиёлар яратган мерос.

Олимлар яратган мерос бундек караганда, шўро замонида ҳам ўрганилган. Бироқ, у замон мағкураси илм аҳлини икки тоифага, яъни, реакцион ва прогрессив га ажратган эди. Ана шу мағкура чиғириғидан ўтганларнигина ўрганаардик. Имом ал-Бухорий, Имом Термизий, Маҳмуд Замахшарий, Бурҳониддин Маргиноний, Имом Мотуридий, Абу Ҳафс Кабир Бухорий сингари алломаларнинг номини ҳатто эшитмаган ҳам эдик.

Истиқлол йилларида номлари саналган зотларнинг ҳаёти ва фаолияти, илмий мероси тадқиқ килиниб, асарлари нашр этилди. Айримларининг таваллуд тадбирлари кенг миқёсда нишонланди. Улар шарафига Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигига миллий анъаналар ва замонавийлик уйғунлашиб кетган қанчадан-қанча меъморий обидалар барпо этилди. Бу жойлар чинакамига муқаддас зиёратгоҳларга айланди.

Бадиий ижодкорлар яратган меросга шоирлар, ёзувчилар, рассомлар, меъморлар, бастакорлар яратган асарлар киради. Тўғриси, эски тузум даврида адабиётимиз бир қадар ўрганилди. Лекин яна ўша-ўша гап.

Биринчидан, реакцион деган тамға босилган, айтайлик, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Бокирғоний, Сўфи Оллоёр, Хўжаназар Ҳувайдо, Абдурауф Фитрат,

Абдулҳамид Чўлпон ва бошқа яна қанчадан-қанча ижодкорлар ҳаёти ва фаолиятини ёритишга сира руҳсат бўлмади.

Иккинчидан, прогрессив деб ўрганилган шоирлар, ёзувчилар ижоди ҳам фақат шўро мафкураси манфаатларидан келиб чиқиб баҳоланди.

Юқорида номлари қайд этилган ижодкорларнинг асарлари халқ қўлига фақат истиқлол туфайлигина тегди. Улар ҳаёти ва ижоди таҳлилига бағишиланган кўплаб тадқиқотлар яратилди.

Давлат ва жамоат арбоблари яратган мерос ҳақида гап кетар экан, аввало, шуни айтиш керакки, бу тоифа буюкларимизга синфиийлик нуктаи назаридан қаралиб, батамом қора бўёқлар чаплаб ташланди. Шўролар даврида давлат ва жамоат арбоблари, бой одамларнинг бари, қайси асрда, қандай жамиятда яшагани, миллий тарих ва тараққиётда қандай ўрин тутганидан қатъи назар, ёмонотлиқ қилинди. На Жалолдиддин Мангубердини, на Амир Темурни, на Заҳириддин Бобурни халқни адолат ва тараққиёт сари етаклаган деб тилга олиш мумкин эди.

Энди, ҳар йили уларнинг таваллуд тадбирлари ўтказилади, уларга салобатли ҳайкаллар қўйилди. Халқ бу жасур ва мард улуғлари билан астойдил фахрланадиган бўлди.

АЗИЗ – АВЛИЁЛАР ЯРАТГАН МЕРОС ҳақида гап кетганда, шўро даврида даҳрийлик, яъни, худосизлик мафкураси учун халқни муқаддас динидан, зътиқодидан, авлиё зотларидан маҳрум қилиш бош мақсад қилиб қўйилганлигини айтиш ўринлидир. Чунки, динга қарши кураш баҳонасида миллатга қарши кураш олиб борилган эди.

Истиқлол даврига келиб эса, Президентимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида қайд этганидек:

“Мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган...”

МАЪНАВИЯТИМИЗ ВА МАЪРИФАТИМИЗНИНГ ИСТИҚЛОЛГА ҚАДАР БЎЛГАН ДАВРДАГИ АЯНЧЛИ АҲВОЛИ ВА БУНИНГ САБАБЛАРИ

Бир юз ўттиз йил мобайнида жафокаш халқимиз миллий мустақиллиги ва тарихий давлатчилигини йўқотиб, мустамлака асоратида яшади. Аввал чор Россияси, сўнг эса қизил империянинг беадад зуғумларини кўрди. Чекмаган азоби, кечирмаган уқубати қолмади.

Халқнинг жаҳон тамаддуни (цивилизацияси) равнақига улкан ҳисса бўлиб қўшилган бафоят бой тарихи топталди. Миллат ўз кечмишидан мосуво қилинди. Халқ ўз тарихи қолиб, ўзгалар тарихини ўрганишга мажбур этилди. Миллий тарих одамларга фақат ва факат қора бўёқлар чапланган ҳолда ўргатилди. Шу тариқа, сенлар қолоқ, маданиятсиз эдинглар, биз келиб, маданият тарқатдик, биз сенларни одам қилдик, деган иддаога, писандага ҳар лаҳзада дуч бўлдик. Йиллар ўтиб, одамлар шунга кўнишиб, бу гирт ёлғон талқинларга ишониб ҳам қолган эди.

Мустамлакачилик сиёсати халқдан етишиб чиқсан тарихий шахсларга муносабатни издан чиқарди, миллатнинг ўз аждодлари билан Фахрланишига, биз шундай улуғ зотларнинг фарзандлари бўламиз, дейишига сира йўл қўймади. Кўп улуғ одамлар номига мағзавалар тўкиб, улар ҳаёти ва фаолиятини истаганча қоралаб кўрсатди, айримлари ҳақида, ҳатто, оғиз очишига имкон бермади.

Тилимиз таҳқирланди. Ҳатто, зўр бериб ҳозирги тилимиз эски ўзбек тилининг бевосита давоми эмас, у батамом янги тил, дея талқин этилди, сўз бойлигимиз камбағаллаштирилиб, тилимизга бўлар-бўлмасга русча-европача сўзлар тиқиширилаверди. Оқибатда, газета-журнал, радио-

телефидение тили билан табиий халқ тили орасида катта тўсиқ пайдо қилинди. Ўзбек тили хонаки тил, уй-рўзгор тили даражасига тушиб қолди. Рус тилини билганлар кўп имтиёзларга эга бўлди, айрим тоифалар ўз тилимизни билишни маданиятдан орқада қолиши, қолоклик ҳисоблади. Ўзбек тилида сўзлашмайдиган, ҳатто, бу тилни билмайдиган ўзбеклар тоифаси пайдо этилди.

Ўзбек халқи маънавий-маданий меросдан тўла баҳраманд бўлиш ҳукуқидан маҳрум қилинди. Меросга муносабатда тамоман мустамлакачилар нуқтаи назари ҳукмрон бўлди. Коммунистик мафкура ўз чириғидан ўтган асарларнигина ўрганди, уларни ҳам ўз гаразли мақсадларига мослаб, аксарият хато талқин этди. Мероснинг катта қисмига қўл теккизишга, улар ҳақида оғиз очишга йўл қўймади.

Ўзбек миллий урф-одатлари, халқ анъаналарига қарши муттасил кураш ўюштирилди. Миллийликни йўқотиши амалда замонавийлик, илфорлик тарзида улуғланди. Халқ ўз аждодлари анъаналари асосида яшашга, лоақал, тўймаросимларини кўнгилдагидек ўтказиш имконига эга бўлмади. Миллий байрамлар, оиласий маросимлар яшириқча ўтказилар, ҳукмрон сиёсат бундан хабар топса, очик-ошкор жазо чоралари кўрар эди.

Коммунистик сиёсат, энг аввало, миллатнинг зиёлиларига қарши ҳужум бошлади. Халкни айнан ақлли, тафаккури кучли вакилларидан жудо қилишни ўзининг асл мақсади янглиғ билди. Инқилоб баҳонасида бойларни синф сифатида йўқотиши шиори остида мамлакатнинг не-не ақлли, кучли, тадбиркор, дунё кўрган одамлари ноҳақ қирғинга дучор этилди.

Таълим-тарбия, ахлоқ-одоб борасида миллий ҳусусиятлар мутлақо инобатга олинмади, ёшларни ўз миллатидан нафратланадиган, ўзбек тилидан ор қиладиган этиб тарбиялашга уринилди.

Мустабид, маъмурий-буйруқбозлиқ тизими одамлар эркини бўғиб, уларда ижодкорлик, бунёдкорлик, интиувчанлик фазилатларини йўқотди, ўзбек халқи онг-шууридан Ватан тушунчасини сиқиб чиқаришга ҳаракат қилди.

Истиқлол туфайли амалга оширилган улуғвор ишлар

Истиқлол Ўзбекистон олдига мустақил миллий давлат тузиш, эски тузумдан тамоман воз кечиб, янги – бозор иқтисодига асосланган ҳукуқий демократик жамият барпо этишдек икки муҳим вазифани қўйди.

Тарихга муносабат кескин ўзгариб, бу борада, тамомон янгича муносабат шакллантирилди, ўтмишга халқнинг пойдевори, унинг келажагини таъминлаб берувчи қадрият сифатида қараладиган бўлди. Ўз тарихимизни ўзимиз ўрганишга киришдик. Тарих бугунимиз ва келажагимиз учун чинакам сабоққа айланди. Халқнинг тарихий илдизлари қанча чукур бўлса, келажаги ҳам шунча буюк бўлади, деган оқилона ақидага амал қилинадиган бўлди. Истиқлол даври тарихини яратишга киришилди. Уч минг йиллик ўзбек давлатчилиги тарихининг ёритилмаган сахифалари ўқила бошлаёнди.

Тарихий меросга муносабат кескин ўзгарди. Коммунистик мафкура тақиқланган қанчадан-қанча асарлар тадқиқ қилиниб, нашр этилди, улар чинакам халқ мулкига айлантирилди. Бу борадаги ишлар мунтазам равишда давом эттириляпти.

Тарихий шахсларга муносабат ўзгарди. Алишер Навоий (1991), Баҳоуддин Нақшбанд (1993), Мирзо Улуғбек (1994), Амир Темур (1996), Имом ал-Бухорий (1998), Аҳмад ал-Фароғоний (1998)нинг таваллуд саналари жаҳон миқёсида ўтказилди. Бу тантаналар ўзбек халқининг чинакам байрамига айланниб кетди.

Муқаддас динимиз, эътиқод эрки ўзимизга қайтди. "Қуръон" таржимаси, Имом ал-Бухорий саралаган тўрт жилдлик "Хадис"лар мажмуи, қанчадан-

қанча диний китоблар босилиб чиқди. Қанчадан-қанча масжидлар қайта обод этилиб, уламолар ихтиёрига топширилди, кўплаб янги масжидлар қурилди, Марказий Осиёдаги энг йирик ибодатгоҳ – Бухоройи шарифдаги Масжида Калон батамом қайта таъмирланди. 1999 йили Тошкент Ислом университети ташкил этилди, унда замонавий дин мутахассислари тайёрланади. Рамазон, Курbon ҳайитлари умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган бўлди. Ҳаж ва умра зиёратлари учун қулай шароитлар яратилди. Мустақилликнинг ҳар йилида ўртacha тўрт мингдан ошиқ мусулмон ҳаж зиёратини адо этяпти.

Тилимиз тамоман янги мавқега кўтарилди. Унинг давлат тили сифатидаги нуфузи ошиди. Истиқлол йилларида у муттасил бойиб, такомиллашиб боряпти. Ўзбек тилида чиқаётган газеталар, журналлар, китоблар ва бошқа нашрларнинг, радио ва телевидениенинг тили кун сайин сайқалланиб, жило топаётгани, халққа яқинлашаётгани сир эмас.

Таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга, уни миллий анъаналаримиз ва бугунги илфор замон талабларига жавоб берадиган янги бир поғонага кўтаришга киришилди. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилиниб, 1997 йилдан бўён уни ҳаётга татбиқ этиш изчил суратда олиб бориляпти. Истиқлол йилларида талай янги олий таълим муассасалари, касб-ҳунар колледжлари ва академик лицейлар, умумтаълим мактаблари ташкил этилди, эскилари замон талаблари асосида таъмирланди. Бу жараён жадал давом этяпти. Ўзбекистонлик йигит-қизлар дунёнинг илфор давлатларида таълим оляпти, малака оширяпти. Таълим тизимини ислоҳ қилишга онгни ўзгартириш, янги замон кишисини тарбиялаш, ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий омили сифатида қарабялапти.

Халқнинг руҳи тикланди, миллий ғурур, ватанпарварлик, фидойиликнинг мазмун-моҳияти тубдан ўзгарди, ҳар бир фуқаронинг ўзини шу Ватаннинг фарзанди деб ҳис қилиш тарзи кучаймоқда. Давлатимиз рамзлари – Байроқ, Герб, Мадҳиянинг аҳамияти ортиб, улар кишиларимиздаги Ватанга садоқат ҳис-туйғулари ифодачиси бўлиб боряпти.

Мерос ва қонун

Миллий мерос, аввало, қонунлар орқали муҳофаза қилинади.

Миллий меросни муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар (кенг маънода бунинг таркибига қонуности ҳужжатлари ҳам киради) иккига бўлинади:

Халқаро қонунлар;

Миллий қонунлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддасида шундай деб ёзилган:

“Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар.

Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир”.

Ўзбекистон халқининг меросини **миллий мерос** деб аташ ҳам мумкин. Чунки бир халқ яратган ва аждодлардан-авлодларга қолдирилган бойликлар **миллий мерос** дейилади.

Шу маънода, ўзбек халқи – буюк халқ. Элу элатларнинг буюклиги эса шу миллатга мансуб аҳолининг умумий сони, шу халққа тегишли миллий давлат худудининг катта-кичиликлигига қараб белгиланмайди. Бунда ҳар бир халқнинг жаҳон тараққиёти, инсоният равнақига қўшган улуши инобатга олинади.

Бу жиҳатдан юртимиз дунёнинг қадимдан илм-фан, ишлаб чиқариш, маданият, адабиёт, санъат ва бошқа кўплаб соҳалар юксак даражада ривож топган маконларидан бири ҳисобланади.

Миллий меросимиз Конституциямизда тарихий, маънавий ва маданий меросга ажратилган.

Тарихий меросга мамлакатимиз ҳудудидаги қадим шаҳарлар ёки уларнинг колдиқлари, ер ости қазишмаларида топилган осори атикалар, санъат асарлари, ишлаб чиқариш қуроллари, ўтмишда яратилиб, ҳозиргача сақланиб қолган меъморий обидалар ва ҳоказолар киради.

Маънавий мерос деганда, халқнинг тили, дунёқараши, урф-одатлари, маросимлари, анъана, қадриятлари, байрамлари, қадриятлари, диний эътиқод ва удумлари тушунилади.

Маданий мерос тил, адабиёт, санъат асарлари, кийиниш маданияти, урф-одат, анъана, қадриятлар, илм-фан соҳасида яратилган тадқиқотлар, китоблар, қашфиётлар, ишланмалар, ихтиrolар, янгиликлар сингари сираларни қамраб олади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Ўрол Ҳайитовнинг "Маданий меросимиз – йўлчи юлдузимиз" ("Миллий тикланиш", 2010 йил, 28 апрель) мақоласида бу икки турдаги қонунларнинг асосийлари санаб ўтилган. Мавзу тақозоси билан биз ҳам уларни келтириб ўтишни маъқул кўрдик.

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти хузурида Фан, таълим ва маданият масалалари билан шуғулланадиган ЮНЕСКО ташкилоти бор. Умумбашарият меросини асраб-авайлаш бу ташкилотнинг бевосита вазифалари сирасига киради. Шунинг учун ҳозирги пайтда ЮНЕСКОнинг мана бу беш ҳужжати халқаро миқёсда амал қилиб келяпти:

- *Харбий можаролар пайтида маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисида Конвенция* (1954 йил, 14 май);
- *Маданий меросни ноқонуний олиб кириш, олиб чиқиш ва мулкни бошқаларга беришнинг олдини олиш ва таъқиқлаш тўғрисида Конвенция* (1970 йил, 14 ноябрь);
- *Бутунжаҳон маданий ва табиий меросни саклаш тўғрисида Конвенция* (1972 йил, 16 ноябрь);
- *Сувости маданий меросни саклаш тўғрисида Конвенция* (2001 йил, 6 ноябрь);
- *Номоддий маданий меросни саклаш тўғрисида Конвенция* (2003 йил, 17 ноябрь).

Бу халқаро қонунларнинг аксариятида маданий мерос тушунчаси таркибиға адабий мерос ҳам киради, алабатта.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида миллий меросга муносабат

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобида Марказий Осиёда туғилиб ўсан, жаҳон илму фани, маънавияти, адабиёти ва санъати равнақига муносабиҳ ҳисса қўшган қирқ олти нафар буюк зотларнинг номлари тилга олинади. Энг муҳими, китобда улар ҳаёти ва фаолиятини, меросини ўрганиш, хотирасини абдадийлаштириш борасида мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар ҳам эсланади.

Ана шу зотларнинг ўн саккиз нафари бевосита адабиёт аҳли ҳисобланади. Муаллиф Рудакий, Нажмиддин Кубро, Ахмад Яссавий, Алишер Навоий, Махтумқули, Абай, Тўқтағул, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир, Ойбек,Faфур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Сайд Аҳмад, Озод Шарафиддинов номларини маънавий

мерос яратган буюк қалам соҳиблари сифатида тилга олади, улар ҳаёти ва ижодига муносиб баҳо беради.

Муаллиф наздида, энг буюк жасорат – маънавий жасорат. Китобда маънавий жасорат намунасини кўрсатган уч шахс – Яхё Фуломов, Зулфия ва Озод Шарафиддинов ҳақида алоҳида тўхталинади. Буларнинг икки нафари ҳам аҳли адаблардан ҳисобланади.

Китобда номлари фахр билан зикр этилган Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Баҳоуддин Нақшбанд, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори, Исҳоқон Ибрат, Лутфихоним Саримсоқова, Ҳалима Носирова, Олим Хўжаев, Рассоқ Ҳамроевлар фаолияти ҳам адабиётга бегона эмас эди.

Шахсга ҳам, миллатга ҳам, халқка ҳам, аввало, маънавиятига қараб баҳо берилади. Чунки маънавият – инсоннинг инсонлигини белгилайдиган, уни бошқа жонзотлардан устун қилиб турадиган жамики фазилатлар мажмуидан иборат.

Бутун дунёда бир мезон баҳслашиб ўтирилмасдан қабул қилинади – халқлар, мамлакатлар, давлатларга аҳолисининг сонига, эгаллаб турган ҳудудига, ҳатто, моддий бойликлари умумий миқдорига қараб эмас, айнан, башарият тамаддунига қўшган маънавий ҳиссасига кўра баҳо берилади.

Мамлакатимиз ҳудудининг катталиги жихатидан дунёдаги икки юз давлат орасида эллик бешинчи ўринда туради. Ўзбекистонимиз – Италиядан бир ярим баробар катта. Аҳоли сонига кўра, қирқ иккинчи ўринга эга. Аммо халқимиз жаҳон тамаддуни равнақига қўшган ҳиссаси бўйича жуда олдинги ўринлардан бирига даъвогарлик қиласи. Шу нуқтаи назардан, биз, шубҳасиз, буюк халқмиз. Чунки ҳар қандай мамлакат ёки халқ ҳавас қилса арзигулик улуғ меросимиз бор. Айниқса, мустақиллик йилларида буни борлиқ олам тан олди.

Биринчидан, шу йиллар мобайнида изчил равишда: “Ҳеч кимдан кам бўлмаганимиз”ни дунёга исботладик.

Иккинчидан, бу бизга: “Ҳеч кимдан кам эмасмиз”, деган ғояга қатъий амал қилишимиз учун буюк асос бўлиб хизмат қилди.

Учинчидан, бу икки асос: “Ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам”, дейишга, шунга интилиб, шунга эришишнинг йўлларини излаб яшашга унади.

“Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида ана шу уч фикр бўртиб туради, мантикий тарзда асослаб берилади.

Истиқлол йилларида тарихга янгича муносабат шаклланди. Бу эса халқимизнинг жаҳон тамаддуни равнақига қўшган муносиб ҳиссасини холисанилло баҳолаш, у билан фахр-ифтихор қилиш, фурурланиш, энг муҳими, шу шонли тарихга муносиб бўлишга интилиш имкони қўлга кирди. Бу, албатта, маънавиятнинг ўзак масаласи саналади.

Тарихга муносабат замираша доимо тилга, динга, миллий қадрият, урф одат ва анъаналарга, аждодлар ҳаёти ҳамда фаолиятига, қисқа қилиб айтганда, меросга муносабат ётади.

Шундан ҳам кўриниб турибдикси, мозийга нигоҳ ташлашнинг бошланиши амалда маънавиятга муносабатнинг ўзгарганидан далолат беради.

Тарихда ўтган улуғ аждодларимизга муносиб бўлиш, улардан қолган буюк меросни қадрлаш барчамизнинг зиммамиздаги муҳим масъулиятдир.



Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА

Чарсилаған бир ўт ёнағ шимда

Чарсилаған бир ўт ёнағ

Унутманг

Елкам халқим елкасига тегиб турмоғи учун,
Бошим халқим кўлкасига эгиб турмоғим учун,
Унга қарши нима келса енгиб турмоғим учун,
Мендан қай иш лозим бўлса,
Барчасига тайёрман!

Дардига малҳам бўлайин, хотирин кучлантирай,
Ҳар фарзандини ичга тортайин, ичлантирай,
Ҳар фарзандини юртга боғлайин, бурчлантирай,
Мендан қай иш лозим бўлса,
Барчасига тайёрман!

Жужукларга айтгим келар, қаёнларни кўзлайсиз,
Ох, зохирга ўч болам, сиз аёnlарни кўзлайсиз,
Аммо бу юрт, сирли юртдир, сизам сирли бир найсиз,
Мендан қай иш лозим бўлса,
Барчасига тайёрман!

Сиз қуёшсиз, баландлангу ботар ерни унутманг,
Илдиздансиз, тагин илдиз отар ерни унутманг,
Туркистондай қайтиб келиб ётар ерни унутманг,
Мендан қай иш лозим бўлса,
Барчасига тайёрман!

Батамом уйғониб ололсам эди

Тураётган қүшга ўхшайман жуда,
Күшларга ўхшайман уйғонаётган.
Баъзи томирларим ҳали уйқуда,
Баъзи томирларда қонларим қотган.

Хас-хашаклар билан судралиб юриб,
Үзлик орзусида кетиб борар ёй.
Үзимча нелардир гудраниб юриб,
Гулдайин умримни бермоқдаман бой.

Үзимча кимнингдир ғамини едим,
Кимнингдир кунига юрибман яраб.
Батамом уйғониб ололсам эди,
Учидеги кетармидим кўкларга қараб.

Билмаслар

Кўрдим, қишлоқ, гўзал шаҳарлар кўрдим,
Оҳорлари кетиб борар, билмаслар.
Жамалаксоч пари – пайкарлар кўрдим,
Баҳорлари кетиб борар, билмаслар.

Тугмак бўлса етмас белбоғ учлари,
Дунё молин маҳкам тишлар тишлари,
Боғларининг ширинзабон қушлари,
Олқорлари кетиб борар, билмаслар.

Отлари-я, қорабайир отлари
“Гижинглайди”, деб ўйласам, додлади,
Ёли бўрон бўлганлигин ёдлади,
Шунқорлари кетиб борар, билмаслар.

Кузатиб бу дунёning ўру қирини,
Билмай қолдим келмак, кетмак сирини,
Ёлғон ёрлар ялашиб бир-бирини,
Чин ёрлари кетиб борар, билмаслар.

Чарсиллаган бир ўт ёнар ичимда,
Мен шеър айтсам, айтмадим тил учинда,
Бу талотўп, қув-қув, чоп-чоп ичинда
Халима ҳам ўтиб борар, билмаслар.

Сиз келмадингиз

Сувлар қайтиб тушди тағин тоғлардан,
Дўллар қайтиб келди, сиз келмадингиз.
Улоқиб-улоқиб ўзга ёқлардан
Йиллар қайтиб келди, сиз келмадингиз.

Тўзғин кўйлакларин кўклаб, янгориб,
Бири қиёғи яшил, бири зангори,
Яратувчинингми олдига бориб,
Гуллар қайтиб келди, сиз келмадингиз.

Баъзан бетартибу баъзан ботартиб,
Бирин чанглаб, бирин чангларин артиб,
Маним соchlаримни оппок օқартиб,
Йиллар қайтиб келди, сиз келмадингиз.

Чинқирдим дунёни бузолмадим, мен,
Денгиз қаттол эди, сузолмадим, мен,
Оёғим занжирин узолмадим, мән,
Сизам келмадингиз, сиз келмадингиз...

Дашти биёбонман

Дашти биёбонман. Хўлламади хут,
Минг йилки чил-чилман бўлмагандай бут,
Мени унуганинг тамоман унут,
Сен томон сузгувчи қайик бўлдим, мен.

Қадди шамшод эдим, тўлган ойлардай,
Менга туюлди ишқ-йўлим бойлардай,
Лек, сен ёмон отдинг, таранг ёйлардай,
Ҳажринг ўқларидан майиб бўлдим, мен.

Воҳ, ишқнинг тақдири зумда ҳаллигин,
Мен қайдан билибман тили боллигим,
Қанчалар хуш эди камбағаллигим,
Фам билан бойитдинг, бойиб бўлдим, мен.

Кул бўлиб, кул бўлиб аросат аро,
Томчи ишқ сўровдим, мен мотамсаро,
Румиймассан, мен деб киймассан қаро,
Кўкингдаги Шамсадай фойиб бўлдим, мен.

Дашти биёбонман. Хўлламади хут...

Ўзни ўргатдим

Тўлдими, албатта тошаркан у жом,
Мудом тўлмасликка ўзни ўргатдим.
Қорайса, қорайиб келаверсин шом,
Осон ўлмасликка ўзни ўргатдим.

Яшасам-да, боғнинг гиёхларидай,
Куч, қудрат яширин қиёқларимда,
Топталсам-да тўфон туёқларида,
Синиб, сўлмасликка ўзни ўргатдим.

Билмам, қайда ўсдим, қандай ўсдим, бас,
Бу зер, забар матоҳ – менинг пўстиммас,
Кўқдан тушолмаслар менинг дўстиммас,
Мен пастлик, хасликка ўзни ўргатдим.

Жумлага, жумладан, менга ҳам ривож
Берсин қодир худо, аммо, юпун, оч,
Бахтсизнинг олдида ярқиратиб соч
Бахтли бўлмасликка ўзни ўргатдим.

Тўлдими, албатта, тошаркан у жом...

Түшалган йўл

Түшалган йўл. Бухорийман.
Омон Мухтор

Мен шаҳарни яхши кўраман. Аммо
Яшолмайман дашту чўллар бўлмаса.
Дилим хуфтон эди, очилмас эди,
Шатир-шутир кузги дўллар бўлмаса.

Биламан довондир, йўлимда ҳар тош,
Аммо, тошлар сирин қдолмасам фош,
Тирик қолармидим куйдирса қўёш,
Кўйлагим кўзёшдан хўллар бўлмаса?

Чит кийиб, чийландим, ўрандим зарга,
Гоҳ тожга, гоҳ эса илашдим барга,
Дарддош бўлармидим бу давраларга,
Дардлари менданам мўллар бўлмаса?

Билмадим, қора қор, оқ қормидим, мен,
Тилсиз дарё, тинсиз оқармидим, мен,
Дунёсидан этак қоқармидим, мен,
Гоҳ одам деганим – моллар бўлмаса?

Бухоро-ку қадим. Мен ҳам кўп қадим,
Миноралар янглиғ қаддим кўтардим,
Қадим Бухорога қандоқ етардим,
Осмондай тўшалган йўллар бўлмаса?





Қамчибек КЕНЖА

ТОШҚИН

Кисса

1

Воқеа юз берган куннинг эртасига ажралишмоқчи бўлишди. Бутунлай. Шундок, ихтиёрий равишда. Албатта бундай қарорга дарҳол келишгани йўқ, балки қарийб йигирма йиллик умр масофасини босиб ўтишганди.

Айтганча, қаҳрамонларимиз «Орзумандлар» қиссасини ўқиган китобхонларимизга таниш. Ўша асарда «Шавкатнинг тоғаси Рустам қайлиғи Рисолатни ана шундай тошқинларнинг бир галгисида бешафқат тўлқинлар ўз домига тортмоқчи бўлган ваҳший гирдоб қаъридан олиб чиққан» деган жумла бор. Қисса хотимасида мавзуга кейинроқ қайтиш борасида андак шама ҳам қилиб ўтилган эди, бироқ мен Бобур халқаро илмий экспедицияси сафарлари ва улар ҳақида хотиралар ёзиш билан андармон бўлиб, бошқа ижодий юмушлардан анча йироқлашиб қолгандим. Сўнгги воқеани эшитгач, собиқ қаҳрамонларим билан қизиқдим. Қудрат (Рустамнинг поччаси) номзодликни бир амаллаб ҳимоя қилибди. Тошкентдаги қайсиdir илмий-текшириш институтида илмий ходим экан. Тоғаси билан Тегирмонбошида яшаётган Шавкат ўрта мактабни битирибоқ ота-оналари Қудрат ва Ҳабиба ёнига жўнабди. Политехника университетида яхши ўқиган экан, ўша даргоҳга ишга олишибди. Рустам ўзимизга кел, деб анча ўтинибди, аммо дадаси «Қишлоқда ўсмайди, ўсадиган муҳит ҳам йўқ» деб, кўнмабди. Ҳабиба, гарчи укасига ачинса-да, эрининг фикрини ёқлабди. Шавкатнинг ўзига ҳам бир вақтлар мослашолмаган шаҳар ҳаёти ёқиб, тоғаси, келин аясидан узр сўрабди, озрок ишлаб кўрайчи, балки кейинроқ вилоятга қайтарман, деб, уларни овутибди. Рисолатнинг иккинчи ҳомиласи, учинчи, тўртинчилари ҳам бўйидан тушиб кетибди, қисқаси, болалик бўлишолмабди. Жувон руҳан эзилганиданми, юраги ўқтин-ўқтин безовта қила бошлагач, ёз ойларини Қорадарёнинг ўрмон билан туташ соҳилида ўтказишга келишишибди. Кеч куздан кўкламгача ҳамма уй-уйида бўлиб, унча билинмайди, ёзда эса кўча тўла бола... Рисолат уларга қараб эзилади. Бунинг устига хотин-халаж кечкурунлари ҳовлилари

орқасидаги хода-ўтиргичга қалдирғочдай терилиб, лақиллашга тушишади. Уларнинг иккidan бир гапи ўғил уйлаш, қиз чиқариш, ким сандигига нима сеп ташлагани хусусида бўлади. Шунга қарамай, бошда Рисолатни унатиш анча қийин кечибди. У бир дугонамни бошига етган, ўзимниям нариги дунёга олиб кетишига бир баҳя қолган ўша ёвуз дарёга тикилиб ўтираманми, деб анча тайсаллабди. Рустам: дарёнинг у йиллардаги важоҳатидан, даҳшатидан асар ҳам йўқлигини биласиз-ку, энг асосийси, дўхтирлар айтгандай, иқлим алмаштириш учун узоқ жойларга боролмаймиз, бунга шароит ҳам, имконият ҳам чатоқ, дарё бўйи эса қулай, ҳам уйимизга жуда яқин, истаган пайтда келиб кетаверамиз, деб аранг хўп дегизибди. Ростдан ҳам тепада сув омбори қурилгач, дарёнинг эни бир чақиридан зиёд ўзанининг уч-тўрт ерида эгри-буғри шалдирама сойлар ҳосил бўлган, фақат кўкламда, ёмғир мавсумида бир оз кўпаярди-ю, бурунгидай пишқириб, кўпирашиб, қирғоқларга хавф-хатар солиб оқадиган сув одамларнинг тушига ҳам кирмай қўйган эди. Рустамнинг у ёққа интилишининг бошқа сабаби ҳам бор эди – кейинги маҳаллардаги унинг асосий машғулоти, тириклилик воситаси балиқчилик эди. (Бояқишининг хунари, касби, дурустроқ илми ҳам йўқ-да). Куз, баҳор ойларида, ҳатто қишида ҳам тўр, қармоқ, сават каби воситалар билан балиқ тутиб сотарди. Ёзда, балиқ овлаш таъқиқланган паллаларда бу борада бир мунча қийинчиликлар, муаммолар туғиларди. Шу жиҳатдан мўлжалдаги маскан айни муддао – дарёнинг ўзидан ташқари ўрмон ичидан оқадиган ирмоги ҳам жуда овбоп эди. Энг муҳими – соҳилда ота «мерос» уйча бор эди. У салгина таъмирланса бас, вақтинча яшашга бемалол яради.

Кулба ўрмон бошланиб, дарё ўзани қиялаб кетган «чиғаноқ»да жойлашган, худуд сувга сероб, намчил қайирлиги боис, майса-гиёҳлар то мезон охирларигача яшил либосини ечмас, ҳаво мўътадил эди. Субхи содиқда ёруғлик неъматини, ёруғ дунёни кўриш саодатини ўзаро суюнчилашиб, бу бебаҳо хушонлар завқи-суруридан ғофил бандалар оламини ҳам баҳраманд этишга ошиқкан сергак, хушнаво кушлар хониши авжига минарди. Сўнгроқ ер узра аста кўтарилиб чиқадиган күёш нурлари нариги қирғоқдаги мирзатерак, кўктерак япроқларида қирмизи тусда товланиб, ғаройиб манзара касб этарди. Дарёнинг ул юзида яшовчилар сувсиз ўзанининг анча қисмига ҳам тол, тераклар экиб юборишган, аёллар, ёш келинчаклар, қизлар ана шу дов-дараҳтлар орасидаги ёлғизоёқ йўлдан шалдирама бўйига тушишарди-да, чўнқайишганча, идиш-товоқ ювишар ё пакир, обдасталарапда сув опчиқиб кетишарди. Дараҳтларнинг сийракроқ учлари орасидан хийла олисдаги, бир замонлар аламнок амирзода Заҳириддин Бобур тўриқ оти жиловидан тутиб, паришонхаёл кезинган баланд-паст Андижон адирлари хусусан тиниқ тонгларда палаги йиғиштириб олинган полизда думалаб ётган қирқма қовунлар каби яққол кўэга ташланарди. Машриқ томондан сарин еллар тоза тоғ нафасини уфуриб келарди. Май ойининг бошларидан шингил-шингил, қалампирмунчоқсимон жийда гулларининг мушк-ифори еру осмонни тутиб, атрофдаги бор жонзотнинг баҳри-дилини очиб юборар, худди ана шу кунларнинг чошгоҳларида ҳатто сувилонларнинг ҳам бемисл ўткир ҳиддан маст бўлиб, сўқмоқ четларида хирагина чипор тангаларини кўёшга солиб, талтайиб ётганини кўриш мумкин эди. Ўзандаги сойларнинг тошдан-тошга урилиб, шарқираб оқиши, айниқса, тунлари жудаям мароқли эшитиларди. Жилғасимон оқимлар мавжида балоғат палласидаги оймоманинг танҳо, уялиб титрабгина чўмилиши, балиқлар билан қувлашмачок ўйнашлари янада ўзгача роҳат бағишларди кишига. Бу гўзал ҳолатларни Бунин, Пришвин, Паустовский каби табиат тасвири моҳирлари кўрганида ёқа ушлаб, таърифга сўз тополмай қолишилари, Левитанга ўшаган мусавиirlар эса капа тикиб, беармон мўйқалам суришлари тайин эди.

Бир хоналик уй ёнида уч тарафи очик айвон бўлиб, туну кун фир-фир шабада аримайдиган ўша оромгоҳ супасида атрофни томоша қилиб ўтириш бағоят ҳуэзурбахш эди. Кечаси ичкарида, илон ё бошқа газанда кириб олмаслиги учун эшикни зичлаб беркитиб ётишарди. Ўрмонда ахён-ахёнда тулки бир дам узун, паҳмоқ думини намойиш этиб, кўздан фойиб бўларди, товуқ йўқлиги боис, уй теварагида ўралашиб юрмасди. Ўн-ўн беш қадам наридан ўтган, икки лабини яшил қиёқ, кулранг ялпиз босган ирмоқда эса сувкаламуш – қундузлар чопир-чопир қилиб сузиб юришар, баъзан қирғоқда ҳам кўзга ташланиб қолишарди. У чаққон жонивор тасодифан ё жаҳли чиққанида бирон ерингизни тишлаб олиши мумкин-у, ҳарқалай хавфли эмас. Шундай бўлса-да, Рисолатга ҳамроҳ, эрмак деб, мушук бокишид. Калта дум, кесма қулок сариқ кўппак Қайтмас эса доим улар билан бирга эди.

Асли у ерни ўрмон деб аташ ҳам ножоизроқ. Чунки майдони унча катта эмас – ўн беш-йигирма гектарнинг нари-берисида, мулки – бойлиги эса асосан мирзатерак, толтерак, бақатерак, анча-мунча қарагай, заранг ва ёввойи жийдадан иборат эди. Шунинг учун маҳаллий аҳоли Ўрмонча дейди. Бир вақтлар инсон юришга қийналадиган қалингина, файзлигина эди, вилоят ўрмончилик хўжалиги қоровул қўйиб, ойлик берарди. Рустамнинг отаси шу вазифада узок йиллар ишлаган. Мустақиллик арафасидаги бошбошдоқлик даврида, газ йўқ, чироқнинг ёнишидан учиши кўп, қишлоқ аҳли икки қишида қийратиб ташлади. Одамгина эмас, машина, трактор ҳам бемалол бу ёғидан кириб, у ёғидан чиқиб кетаверадиган қаровсиз сийрак дарахтзорга, болалар кўй-мол бокадиган ўтлоққа айланди. Янаям, тол, жийда беор нарсалар экан, қанча синдириб, кесиб кетилса ҳам, ёнидан, тагидан ўсиб чиқаверарди. Чакалак босиб ётарди. Рустам чопиб, қиртишлаб, сал эпақага келтириб қўйди. Ён дала фермери ўз ерига қўшиб олиш пайига тушиб қолувди, у ҳамон ўрмончилик хўжалиги ҳисобидалигини аниқлагач, кўз олайтирмай қўйди. Рустам ўз хоҳиши билан маошсиз, текинга қараб туришини айтганида, хўжалик раҳбарияти ундан жуда хурсанд бўлди. Рустам эса гўё шу билан анча-мунча ноқонуний балиқ овлашини ўзича оқламоқчи эди.

Қорадарёда сув билан бирга баликлар тури, микдори ҳам камайиб кетган, асосан шим, оқ амур, сўзанбалиқ (усач), майда чўрттан, зогора балиқ бўлиб, булар ичиди сероброби шим (баъзи шеваларда «шум») билан оқ амур эди. Лекин сув тоза, ҳидсизлиги учун Қорадарё ва унинг ирмоғидаги балиқларнинг гўшти бошқа жойлардагига нисбатан анча ширин, хуштаъм, шу сабабли харидоргир эди. (Аслида бу сув ости эркатойлари чукур ўзанли дарёларда тўп-тўп бўлиб яшайди, лекин яқин-атрофда унақа сой ё анҳор бўлмагач, бечоралар нима қилсин, қайга борсин!)

«Шикор»га асосан кечаси, жониворлар емиш излаб изғийдиган маҳалда чиқишига тўғри келарди.

II

Рустам хафтада бир-икки бозорга қатнар, ўрмондаги кариб куриган ё шамол белидан чўрт узиб юборган дарахтларнинг шоҳларини бутаб, кесиб-майдалаб келарди. Сўнг эр-хотин, бири ўт ёкиб, бири қозон ковлаб, кичкина декчада икки косагина мастава ё бир чўқимгина ош пиширишар, овқатдан сўнг кўк чойни ўгириб, у ёқдан-бу ёқдан гаплашиб ўтиришарди. Диққатпазлик, асабийлашиш кам, бирор уларнинг мушугини пишт, итини кет демас, ўзлари хоҳлаганича, бамайлихотир умргузаронлик қилишарди.

Ха, аслида улар ҳаётларидан нолишмаса ҳам бўларди. Рисолат эрдан ёлчиган, Рустам эса энг улуғ, мўътабар орзузи – севганига етишишдек толега зришганди, бу толе, саодат унга садоқатли ҳамроҳ ва ҳамдам эди.

Фақат, бир кам дунё деганларидек, чақалоқ йиғиси ва кулгусига зорлик кейинги пайтларда ўртага соя ташлай бошлади. Шугина бир кемтик, шугина ўқинч иккаласининг юрагига васваса солаётгандек, ҳар иккисини охир бир кун асосий йўлдан, ҳаёт сўқмоғидан чалғитадигандек туюлаверарди. Кўни-кўшни аёллар ва яна кимларнингдир ачинганнамо, назарида, ҳатто, истеҳзоли қараб қўйишларини, Рисолатнинг гўё ошкор этолмаётган, ийманиш, андиша йўл бермаётган ўпка-гинаси, надоматини ҳам сезиб-сезмасликка олар, тўғрироғи хаёлидан ўтказарди. Анави, рафиқасинининг қизлик пайтидаги хуштори бир даврада: «Гап соҳт-сумбатдаям, телва кучдаяммас. Рисолатнинг умрини бекор ўтказяпти, у яхши қиз эди...» – деб отган қора чакир тош юрагига ёмон ботиб, тинчи, оромини йўқотди. Эслади, қалтирок босарди. «Рақиби»нинг Тошкентдан келганини эшитса, хезланиб, кечкурунлари кўчаларни айланаб юрди, лекин ҳеч хилватроқ жойда тўқнашишмади. У оиласига бирор билан муштлашмасликка сўз берган, шунинг учун ўша олифтанинг кекирдагини икки бармоғи билан қисиб, чакки айланадиган ургочи тилини кўриб кўймоқчи эди, холос. Секин-аста ғазаб алангаси пастилади. Кесак қисган, пакана аламидан, куйганидан деса дегандир-да. Бир ҳисобда... эҳтимол бошқасига тегса фарзандлик бўлармиди... Ё у ярамас, номард ўзи кўз тикаётганмикин-а? Йўғ-ей, ўлибдими, хотини билан муносабатлари жуда яхши дейишади, ўғил-қизлари бор. Лекин одамзоднинг сийратини билиш қийин. Балки аёлининг ҳам ҳамон унга майли бордир. Ахир ўн йил бир синфда ўқишиган, энг бебаҳо ёшлиқ даврларини бирга ўказишиган. Дарвоқе, Аскарнинг Рисолат эсдалилка ҳадя этган, саҳифалари ичига «А.А.+Ҳ.Р.» ҳарфлари ёзилган «Ёшлиқда берган кўнгил» китобини ҳалиям асраб-авайлаб юриши қулогига чалингандан дилида яна ғулгула ғимирчилаб, буни ҳам анчагача унтулмай қийналган.

Хуллас, ўша куни гапни бир жойга қўйишди. Улар бир-бирларининг кўнглига тегишимаганди, кейинчалик бирга кечирган фараҳли дамларини кўмсашларини тахмин қилишарди. Иккинчи турмушидан ичи чиқмай, кўз очиб кўргани билан қайта топишиб кетган эр-хотинлар камми? Шунинг учун юз кўришмас бўлиб ажралишни иккиси ҳам хоҳлашмасди. Иккови ҳам бир-бирларининг армон ва изтиробларини англаған, ҳис-туйгуларини қадрлаган, ўзаро омад, баҳт тилаган ҳолда, аёл эр хонадонини тарқ этадиган бўлди.

Рустамнинг саноқлигина чўпқатлари, мижозлари, эшитиб ё суриштириб келадиган балиқхўрлар бор эди. У ўлжаларини зарурат туғилгандагина бозорга элтиб, пишириб сотадиганларга улгуржи ўтказиб келарди. Воқеа юз берган, эр-хотин ажрашишга аҳдлашишган оқшом Рустам кўпроқ балик тутиб, эртасига шаҳарга бормоқчи, сотиб, пулига Рисолатга совфа-салом олиб келмоқчи эди (лекин бу ниятини хотинига билдиримаганди). Ўша оқшом, табиийки, унинг ҳам, аёлининг ҳам кайфиятлари носоз эди. Рустам куни бўйи гарангсигандай ўлланиб юрди, хаёлидан кўп нарсалар, деярли йиғирма йиллик ҳаёти, ҳатто уйланмасдан аввалги ошиқи бекарор чоғлари ҳам бир-бир ўтди. Каерда қиз-жувонлар тўпланиб туришган бўлса, ўшалар орасидан Рисолатни қидирарди. Тўйларда у яхши кўринадиган жойни чамалаб, меваларини болалар шип-шийдам қилиб қўйишган олмагами, беҳигами суяниб, оёқларини чалиштирганича, мўлтайиб тикилгани-тикилган эди. Ўзиям севиклисини чаманзордаги ягона атиргулдай, кўзининг қирида танирди. Рисолат безори (қизлар Рустамни шундай аташарди)нинг «еб қўйгудек» қараётганини пайқаса, «гўлаймай ўл, кўзинг тешилгур...», дея пичирлаб, шартта ёнбошига ўгирилиб ё нарироқча жилиб олар, лекин икки-уч дақиқа ўтиб-ўтмай «безбет, андишасиз» йигитни яна рўпарасида кўриб энсаси қотарди. Шундай кезлар гоҳида Рисолат икки-уч дугонасини етаклаб,

түйхонадан чиқиб кетишни маъқул кўрарди. Рустам сурлик қилиб уларнинг изидан тушар, буни сезган қизлар оҳудай ҳуркишиб, қадамларини тезлатишар ва ўзларини дуч келган дарвозага уриб, кўздан ғойиб бўлишарди. Мулзам хуштор ўша ерда, бирон дараҳт панасида шумшайиб кута-кута, сўлжайиб қайта бошлар, шунда орқасидан «қиқир-қиқир» кулги эшитилар, лекин энди иззат-нафси оғриган йигит уларни қувалашдан ўзини тиярди. Ҳозир ўша тентакликларини ўйласа, Рисолатнинг олдида ерга кириб кетгудай уялади, ундан қайта-қайта кечирим сўрайди. (Рисолат ҳам унинг хурмача қиликларидан ғаши келиб, зада бўлганларини айтиб берар, аммо сўкиб-қарғаганлари ҳақида индамасди). Яхшиямки, бошқаларга – тенгқур, каттароқ йигитларга қўллайдиган номаъқулчиликлари – атайнин елкаси билан тутиб ўтиш, бақириб-чақиришларини қизга нисбатан ишлатмасди. Аксинча, Рисолатнинг қорасига нигоҳи тушиши билан қадамлари ўз-ўзидан сустлашиб, ёввойи куч кўпчитиб турган томирлари, мушаклари дами чиқиб кетган шардай бўшашарди. Асқар билан бир-бирларига ёв қараш қилиб юришарди. Тўй ва бошқа йигинларда Рустам гап ковлаштириб, жанжал қўзишга уринар, лекин Асқар ундан ёш бўлса ҳам, оғир-босиқлигиданми ё чўчирмиди, ҳартугул фижиниш, пичинг-кесатиқлардан ўт чиқмасди. Кейин у ўқишига кетворди-ю, қиздан қуруқ қолди. Ўзидан кўрсин, олифта, пандавақи...

Зотан, ажралиш борасида авваллари ҳам эр-хотин ўртасида ҳазилмичин ишоралар бўлиб туради-ю, ҳар гал Рустам мавзуни бошқа ёққа бурарди. Кўпинча таклиф Рисолатдан чиқарди. У оналик баҳтига мұяссар бўйолмаганидан ҳам кўра, Рустамга оталик саодати, ифтихорини ато этолмаганига кўпроқ куюнар, хижолат чекарди, чунки у айбни ўзида деб биларди. Табибларга, дўхтирларга кўринишиди, уларнинг тавсияларига биноан кўп даволанишиди, бироқ самара йўқ эди. Фарзанд ҳар иккисига ҳам жуда зарур эди. Шавкат борлигидаям унча сезилмасди, у пойттахтга кетиб, Санобар хола оламдан ўтгач, хувиллашиб қолди. Рустам хотинини ўйлаб, тўр судрашга ҳам қизиқмай кўйди. Пулга зориқиша қўшнининг қизларидан Рисолат билан бирга ўтириб туришини илтимос қилиб, дарёга йўл оларди. Бироқ бундай пайтларда соат миллари жуда шитоб айланётгандай, бетоқатланиб, ови мўлжалига етмаса ҳам, тезроқ қайтиб юборарди. Шунаقا маҳалда Рустамга фарзанд, айниқса ўғилнинг қадри ўтарди. Кўпгина болалар Россия, Қозоғистон, бўлак хорижий мамлакатларда ишлаб, доллар жўнатишиб оила боқишияпти. Рустамларнинг дастлабки гўдаги ўлмаганида ҳозир йигирмага кириб, у ҳам ишга ярайдиган азамат йигит бўп қоларди. Бошқа ёққа бориб пул топиб келишининг ҳожати йўқ, отасига қарашиб, унга ҳамдаст бўлса бас эди. Рисолат ҳам шу фикрда эди. «Бечорага жуда жабр, ҳамма ишга бир ўзи... – деб мулоҳаза юритарди у. – Бир қора кўз «қўчкор» туғиб берганимда ёнига кираварди, жилла қурса, саватини жилдиришиб, пакир-мақирини кўтаришиб юраварди...» (Ўғиллари бўлганда, балки умуман сават, пакир орқалаб, бемахалларда сув кечиб изғишига ҳам тўғри келмасди).

«Ақалли бир қизалоқ кўрганимизда... – кўнглидан ўтказарди Рустам, – уйда онасига қарашиб, унинг ёлғизлигини билдирамасди». Рисолатнинг кундузлари ҳам зерикаб сикилишини (аксига олиб, ҳовлилари ҳам унча катта эмас эди), кечалари у овдан ё бирон издиҳомдан келгунча юраги дукиллаб, кўзи тўрт бўлиб ўтиришини яхши билар, шунинг учун қаердан бўлса ҳам барвақтроқ жилишга ошикарди. Айниқса, даврада аёллар ҳақида ҳар хил гап кетган чоғларда пайтавасига қурт тушиб, безовталаниб қоларди. Балиқчилик қишлоқ шароитида одамни бой қиласидиган касб эмас, ундан келадиган даромад кундалик тирикчиликни тебратишга учма-уч етади, хо-

лос. Дарёда сув оз, балиқ кам... Колаверса, сал қўри бор ёшларни демаса, бошқалар баракаси йўқ, бир ейишлик нарса, гўшт ўрнини босмайди, унга яна оқ ёғ (ўсимлик мойи) ҳам кетади, деб, балиққа унча қизиқишмайди. Ҳар замонда истаб-сўраб келадиганлардан тушадигани нимаям бўларди. Кейин, якка одам қанчаям балиқ тува оларди? Хуллас, фарзанд йўқлиги ҳар қадамда, ҳар тарафлама сезилиб турарди. Ажралишга эса Рустамнинг ҳеч қўзи қиймас, жудоликка чидолмайман, деб қўрқарди. Бунинг қатор асослари бор эди, албатта. Аввало у нохуш бир тасодиф, фавқулодда ходиса баҳонасида етишган қалбининг чироғи, уйининг фариштаси – маликасини ҳамон илгариgidек яхши қўрар, унинг дилига озор етказиб қўйишдан мудом ўзини эҳтиётлаб юрарди. Келин эса завжи муҳтарами ҳоҳиш-иродасига ҳеч қарши бормас, у билан талашиб-тортишмас, рўзгор камчиликларидан, бошқа етишмовчиликлардан зорланавермас, ҳеч кимга ҳасрат қилмас (бунақаси, айниқса, ҳозирги замонда камдан-кам учрайди), ичи кулмаса-да, сиртдан мумкин қадар жилмайиб туришга тиришарди. Куёвига кир уст-бош кийдирмасди. Ҳар доим бет-қўлига сув тайёрлаб беради, таъби тусаган таомни вақтида муҳайё этади. Шаръий жиҳатдан ҳам рисоладагидай иш тутади... Шунингдек, улар никоҳ аҳдини бузишга сабаб бўлаётган омил туфайли бир-бирларига суюниб қолишган эди. Хуллас, ҳеч муболағасиз аҳил яшашарди (хонадондаги ғалва-низоларни, келишмовчиликларни, одатда, аксарият жигарбандлар, уларнинг ота-онаникига зид дунё-қарашлари, эркалик ё инжикликлари, поёнсиз орзу-ҳаваслари, бад феъллари келтириб чиқаради-да). Бундан ташқари, Рисолатнинг кўч-кўрони билан бориб ўтирадиган жойи ҳам чатоқ – ота ҳовлиларида акаси билан келинаяси бир этак жужуклари билан ўзларини аранг эплаб кун кўришади. Рисолатнинг эри билан иноклигидан кўнгли тўқ оға онасининг ҳужрасига ҳам қизларини жойлаб қўйган эди, синглиси учун алоҳида уй-жой тиклаб беришга унинг қурби етмас, бу иш Рустамнинг ҳам қўлидан келмас эди. Бошпана ҳал этилган тақдирда ҳам, бир-умр келинаяси, жиянларининг қошқовоғига қараб кун ўтказиш қийинлигини Рустам ҳам, Рисолатнинг ўзи ҳам яхши англарди. Гарчи Рисолат «сиз яна уйланиб кўринг, мен минг марта розиман», деса-да, аслида ажралишга қатъий ҳаракат қилмаётгандек туюлар, бир вақтлар уни тошқин балосидан, нақ ажал чангалидан ажратиб олгани учун ўзини қарэдор, бурчли деб билиб, нима бўлса ҳам, то ҳайдаб юбормагунча шу одам билан яшашим, унинг хизматини ўташим керак, деб ўйламаяптимикин, деган иштибоҳ эзарди Рустамни. Бу ҳақда Рисолатнинг ўзидан сўрамоққа оғиз жуфтлар, аммо шундоқ ҳам кўнгли ярим аёлнинг ярасини тирнаб қўйишдан чўчирди. Рисолат эса тошқинни бот-бот эслар, пушти паноҳидан ўла-ўлгунча миннатдорлигини таъкидлар, унинг сўzlари жуда ҳам самимийга ўхшарди.

Рустам қатъий қарорга келгунча, тўғрироғи, хотинининг маслаҳатини ёқлаб, розилик билдиргунча бу масала ўзлари ўртасидагина эмас, бошқалар иштироки, аралашуви, тазиқида ҳам кўп бора муҳокама этилди. Раҳматли қайнона келинини жони-дилида қўрарди, чунки Рисолат ҳам уни ўз онасидай эъзозлар, юзига тик қарамасди. «Машварат»ларда Санобар хола кўпинча сукут сақлар, кейинроқ ўғли билан ёлғиз қолишганда ихтиёрни унинг ўзига қўяр, лекин гап орасида Рисолатдай оғир-босик, эсли жувонни топиш қийинлигини, унга ачинишини ҳам қистириб ўтарди. Қишлоққа ҳар замонда бир келадиган опа – Ҳабибагина узил-кесил ажралиш тарафдори эди.

– Биттагина ўғилсан, мен бирорвнинг хасмида, бошқа фамилиядаман, сендан кейин насл-насабимиз йўқолиб кетади-ку, – деб Рустамни қисди-

қафасга оларди. – Намунча ундан кўнгил узолмайсан, ҳамма хотин бир хотину, пушти куйган, түғмас илм-амал билан ҳушиңгни оғдириб, тилингни бойлаб олганми дейман?! Яхшиям у сенимас, сен уни кутқарволгансан!..

Рустам бетини сидириб, шифокорларга қатнашганини айтишга жазм этади.

– Дўхтирлар...

Ҳабиба унинг гапини тилидан узиб, ёқасига ёпиширади.

– Буни фақат Худо билади, ё дўхтирларинг Худоданам зўрми? Улар айтишаверади. Ана, Тошкўчадаги неччи йил тирнокқа зор бўлиб юришган Суроб билан Марзия сатанг бошқа рўзгор қилиб, иккаласиям болалик бўлишибди!

Рисолат қайнопасининг ташрифидан безилларди. «Опа-опа»лаб, иззатикромини жойига қўйишга тиришса-да, Ҳабибанинг зимдан нохуш қарашини, у тўғрида укасига бир нималар деб саннашини кўнгли сезиб турарди.

Поччаси Кудрат ака тушунган одам-да, «Опангиз гапираверади, фарзандсиз яшаётганлар бир сизлармас, яхши хотин – асиш хотин. Ҳозирги болалар ота-онасига нима каромат кўрсатишяпти?» деб, Рустамга таскин берарди. Ҳабиба эса ажралишга далил бўладиган важларни ошириб, қалаштириб ташларди. Рустам жигарининг авлод хусусидаги кўйи-нишларида жон борлигини тан олар, ўша пайтда иккиланар ва опанинг даъватига мойиллиги кучаярди-ю, орадан бир кун ўтиб-ўтмай яна шашти пасаярди. Рисолатнинг охуники каби ҳимоя излаб, шафқат тилаётган чиройли, маъсума кўзларига нигоҳи тушиши билан ажралишга оид хаёллари пардай тўзириди. Ким аввал, ким кейин – Худо билади, лекин... Агар Рисолат ёлғиз қолгудай бўлса, бу уйда ҳоли нима кечади? Кексаяди, касалга чалиниши бор... Боши ёстиққа текса ким қарайди?.. Акасиникида бўлса, ҳар қалай, бир туғишигани-ку, хор қилиб ташлаб қўймас ахир. Балки, биронтасига... Рустам шунисини ўйласа, дарҳол айнирди. Ўзи билан шунча йил бир ёстиққа бош қўйган суюклисини бошқа бир кимсанинг қўйнида тасаввур этса, аъзои бадани титраб, ичи ёна бошлар, кўзларини қаттиқ юмиб, пастки лабини қонатгудай тишлар, баъзи пайтларда жазаваси тутиб қоларди. Агар Рисолат ёнида шундай ҳол рўй берса, дарҳол ундан узоқлашиб, тўр ямаш, ўрок чархлаш каби юмушлар билан ўзини чалғитиш пайига тушарди. Жувоннинг дилидан ҳам «бошқа бир эркакка тегиб кўрсам нима бўларкин», деган хаёл кечиши мумкинлиги ҳақидаги фараздан эса янада баттар изтироб чекар, дунё кўзига коронги кўриниб кетарди. Аммо ҳаётнинг шундай аччиқ ва лекин темир қонунлари борки, бандаси уларни ўзгартиришга қодир эмас, бўйсунмасликка ҳам чора топа билмас. Ҳақиқий эркак эса ҳақиқат юзига мардона қарashi, унинг шафқатсиз, одилона ҳукмидан бўйин товламаслиги лозим. Аёл кишини фарзандли – баҳтли қилолмадингми, тақдирга бош эг-да, муштипар-бечоранинг ўз толеини яна бир бор синаб кўришига изн, имкон бер! Яхши кўрган одамингнинг энг улуғ, энг тансиқ орзуси ушалишини наҳотки хоҳламасанг? Наҳотки, ўшандай жонажонинг шодлигини ўз қувончингдай билмасанг, у билан қўшилиб севинолмасанг?.. Лекин Рустамнинг ўзи-чи? У ким билан қолади, оғриб-нетса, ким унга ғамгузор, ҳамдард бўлади? Биргина илинжи Шавкатдан эди, у ҳам Тошкентда қолди. Ўша жиянини ўйлаб олишса, келин, уларнинг болалари билан овуниб яшашаверармиди... Балки опаси айнан шунинг учун ҳам ўғлининг қишлоққа қайтишини истамагандир...

Ҳа-а, ўзингникимас-да... Бир ҳисобда ёшларнинг келажагига тўғаноқ бўлиш ҳам инсофданмас. Лекин опаси айтгандай, бошқа бировни Рисолатга ўхшата олишига Рустамнинг кўзи етмасди. Рисолат ҳам ўзга бир эркакнинг елкасини силашни зинҳор истамасди. Агар акасининг ўғил-қизла-

рига яхши гапириб, кўнглини овласа, улар ҳам ўз фарзандидай қовушиб кетиши мумкин. Рустам ҳам Рисолатнинг шундай йўл тутиб, жиянларининг меҳрини қозонишига ишонарди, ахир у тили ширин, мулоим жувон-ку. Буни Рустам хотинига ҳам шама қилади. Ўзининг яна уйланиб кўриши ҳақида эса, лом-мим демайди. Рисолат гап айлантирса, маъюс бош чайқайди.

– Йўқ, Рисолат, яхши кўрмай турмуш қуриш қийин бўлса керак. Мен фақат сизни ёқтирганман.

– Ахир эркак бошингиз билан ёлгиз ўтиrolмайсиз. Хотин кишининг йўриғи бўлак – кирини ўзи ювади, озиқ-овқатини ўзи пишириб, қозон-товоғини ўзи ювади, йиртиқ-ямоғини ўзи тикади, – дерди Рисолат сидқидилдан. – Олам-да яхши аёл кўп...

– Рисолат...

Бу исм – сўз ифодаси, оҳангида илтижо, ўқинч, миннатдорчилик, ачиниш – бари мужассам эди, буни Рисолат ҳам дил-дилдан ҳис этарди.

– Сиз жуда яхши инсонсиз, Рустам ака...

– ...

– Мени яхшилик билан эслаб, соғ-саломат юришингизни хоҳлайман.

– Мен сизни баҳтиёр қилолмадим.

– Унақа деманг, пешонамизга ёзилганини, насиб этганини кўрмай ило-жимиз йўқ. Эҳтимол, бу икковимизга Яратганинг имтиҳонидир.

– Бошқа ҳар қандай синовга чидашга розийдим... – Рустам мижжалари-га сизган намни бош бармогининг орқаси билан киши билмас сийпалаб, ўрнидан кўзгалди. Рисолат унга ёндошиб, чўка бошлаган елкаларига енгил титраётган кафтларини босди.

– Тавба денг, Рустам ака, яхши яшадик... – Аёлнинг кўзларидан дума-лаган ўш эрининг ёқасига томди. У чукур энтикиб, сўлиш олди. Хотинига меҳри товланиб, уни огушига тортди-да, суюклигим, азизам, йўқ, сени ҳеч кимга бермайман, дегандай маҳкам қучди. Аёл бакувват билаклар қисуви-дан малолланмади, балки қоникиш тўйди. Қани энди шу шафқатли, қайнок бағрга сингиб кетса, ундан сира, ҳеч қачон ажралмаса... Жувоннинг анор юзини паногоҳи – кенг, алпона кўкракка босиб, кўзларини юмиб туришида шу истак, шундай маъно зоҳир эди. Рисолат учун шу пайтда орзу-ҳавас, ҳузур-ҳаловат, фарзанд, умуман ҳаёт меҳрибон, муҳаббати зўр эрининг кўксидан, унинг қалби тафтидан, баданинг ҳароратидан иборат, нажот эса белига ёқимли ботаётган ва тобора жипслаб тортаётган кучли қўллар-да эди. Рустамнинг шундай маҳалда боз алангаларадиган эҳтироси чорло-ви, ундовига Рисолатнинг ройиш ҳиссиятлари тортинибгина майл этиб, ўша эҳтирос ила қовушиб-қоришиб, имдод олмоқ, тобе бўлмоқ, иккала вужудни ҳам қиздириб куйдира бошлаган оташ-оловни пасайтироқ иштиёқида мавж-ланиб талпинар, маҳзун шаҳло кўзлар нурланиб, қимтилган фунча лаблар қати қия очилиб, ўзларини бағишиламоққа ҳозирлигидан пинҳона далолат қиларди... Иккиси ҳам оламни, унинг барча ташвишлари, ғамларию кем-тикларини, бор армону надоматларини уннутишар, шундай яшайвериш мум-кин-ку, деган ёқимли, умидбахш хаёлдан тасалли топишарди... Ажабки, айнан юракни зиклаб, дилга ғашлик соладиган ажралиш муаммосига оид мусоҳаба, муҳокама ниҳояси ана шу тарзда, ана шундай хотимада тўхтай-ди. Кейин анчагача бу мавзуни қайта қўзғашга ҳеч ким ботинолмайди, истамайди. Ўртада бир сабаб кўндаланг бўлмагунча умр ўз маромида да-вом этади.

Қувончу қайғу ҳамиша ёнма-ён юрадиган ёруғ жаҳоннинг одамзотга мурувватидан кўра ранжу озорлари бисёроқ. Ёшлиқда-ку унча эмас, ўш ўта бошлагач, аёл ҳам, эркак ҳам кўмакчига, ҳамроҳга, ҳамдардга муҳтож-

лик сеза бориши сир эмас. Ахир жамики ер усти, сув ости жониворлари, ҳатто ёввойи, ваҳший ҳайвонлару даррандалар ҳам гала-гала, түп-түп бўлиб яшайди-ку. Бир пақир сувгаям, бир тутам ўтинашга эр ёки хотин ўзлари юргурган пайтларда, бир ғўлани арралашга тўғри келганда яна шерик, ёрдамчи – фарзанднинг ўрни билинади. Меҳмондорчиллик ва бошқа йигинларда ўғил-қизлар ҳақида гап кетса, Рустамнинг юраги увишиб, чайнагани бўғизида қоларди. Бола етаклаб бораётган аёлни кўрса ғалати бир қизиқиш ўйғонгандек бўлиб, дарҳол ўзини чалғитишига ҳаракат қиласди. Кўчада бола билан, боласиз юрган қиз-жувонларнинг ҳеч бири Рисолатга менгзамаслиги, унинг ўрнини босолмаслигини ўзига пеш келтириб тетиклашади. Уйлари томон қадамини тезлатади. Хотинининг қора кўзларига назари тушгач, хотиржам тортиб, кўнгил тубида фимирилаган хавас никобидаги ножоиз хаёл учун хижолат чекади-да, нигоҳини олиб қочади. Аммо барибир қачондир бир қарорга келиши зарур эди. Ахир умрбод иккиланиб, мужмалланиб, аросатда яшаш азоб-ку. Кейин, Рустам Рисолатни қанчалик яхши кўрмасин, қанчалик қизғонмасин, тили бошқага уйланмайман, демасин, миясинг бир чеккасида «эҳтимол, опам айтгандай, дўйтирлар ҳам янгишаётгандир, ўзимни бошқа билан синаб кўрсам, қандай бўларкин», деган мулоҳаза ҳам йўқ эмас эди. Балки Рисолат ҳам ундан ажрашибок, биронтасининг этагидан тутиб кетар. Эркак кўзи билан ёқтиради, бироқ у сирли хилқатнинг эркакка нима учун, қандай кўнгил қўйишини англаш амри маҳол. Ҳалводай юмшоқ, тошёнгоқдай қаттиқ ва жумбоқ хотин зотининг қалбини забт айламоққа баъзида бир оғиз ширин сўз, бир дона гул ёки бир маъқул ҳатти-ҳаракат кифоя қилиши мумкин. «Мақтовордан суюлмайдиган, хушомадни чинакамига инкор этадиган аёл ҳали туғилмаган», дейди шаҳарда ишлайдиган бир жўраси. Рустам-ку кўчадаги гапларга ишонавермайди, ҳаммаси бирдай бўлиши мумкинмас, ўйларди у ичида. Масалан, Рисолати асло унакамас. Аммо бутоқда куртак бўлса, албатта бир кун ниш уриши рост. Иштиёқ ҳам шунга ўхшаган нарса.

Хуллас, Рустам отасию акаси ўрнидаги ягона тоғасига дил ёрди. Рисолатнинг йигирма йилдан бери «бетинг қурсин» дейдиган бир иш қилмагани, бунинг онасини бирон марта ранжитмаганини, фақат у, гарчи сездирмасликка уринса-да, гўдак ҳидига юраги эзилаётганини, шифокорларнинг хулосаларини яширмай (айб иккисидаям борлигини), очиқ айтди.

– Бунақа чигал ишда бирорвга йўл кўрсатиш мушкул, жиян, – деди андисхали, мулоҳазали тоға. – Кўпга маслаҳат сол, ўз билганингдан қолма, дейди ҳалқ. Оила – нозик, инжиқ соҳа. Бир этак бола билан кунда қирпиҷоқ бўлиб яшаётган ё озор-безор бўлиб кетаётган эр-хотинлар ҳам кўп. Дунёда бефарзанд бир сенмидинг?! (Поччаси ҳам шундай девди). Аммо ақлли инсондан бир нарса қолишиям керак: ё илм, ё хунар, ё зурриёт. Шу жиҳатдан опанг ҳақ. Келинни фикри қандай?

Рустам каловланди. «Бу фикр ўшандан чиқсан» деса, тоғаси нима хаёлга боради?

– Аввал кўнмай юрди. Ҳайдаяпсизми, деб хафаям бўлди. Мен сизни кейиннингизни ўйляяпман, ўзимга қолса ажралгим йўқ эди, деб тушунтирдим.

– Бола боқиб олсанглар-чи?

– Бунга иккаламизниям рағбатимиз йўқ. Чунки у «зувала» кимники бўлади, зоти қанақа... Рисолат акасига гап учириб кўрди – қизларингиздан биттаси бизникоша юриб турса дегандай... Келинаянг билан маслаҳатлашайлик-чи, деганича жимиб кетди. Хотини унамади шекилли. Ташланди, бирорвга бериб юборилган болани... мен яхши тушунмайман. Пушт булғанғандан кўра... Ҳафиз ака эсингизда борми, асрраб олтан ўзини

осиб қўйиб, қанчагача тергов бериб юрган. Ҳозир болани нархиям ошиб кетиби...

– Майли, тағин бир танангга ўйлаб кўр. Ажралиш осон – бир оғиз калима, тамом, лекин мустаҳкам оила қуриш қийин. Кейин, Парвардигор боғлан риштани банда узолмайди, яна, тақдирларинг билади.

Рисолатнинг ҳам акасидан ўзга яқин қариндоши йўқ эди. Унга қолса, синглиси туғадими, туғмайдими, тушган ерида тошдай қотиб ўтиргани яхши. Эридан чиқса, униқидан – ота жойидан бошқа борадиган макони борми? Унга-ку, оғирлиги тушмайди, оғирлиги тушган тақдирдаям қовоқ чимиришга ҳаққи йўқ, ахир нима бўлсаям, ёлғиз сингил, мусулмончилик нуқтаи назаридан ҳам унга қанотини очиш – бурчи. Қолаверса, онаси: шу, Рисолат биронта туғиб олмади-да, боласиз оиланинг риштаси мўрт бўлади, қаттиқроқ бир тортилса, узилиб кетади. Сен – ота ўрнидасан, кўз-қулок бўлиб тургин. Мени ҳужрамни бузвормагин, бирон кор-ҳол юз берса, синглинг келиб ўтиради, деб кўп тайнинларди. Аввало ўша кор-ҳол юз бермасин, юз берса, жигарчилик, қараб турармиди, кўчириб келади-да. Аммо ўртада «вижи-вижи» қилиб қулоқни ейдиган, муҳаббати, таманноси билан, булар иш бермаса, мўлтони-кашмирилиги ё муттаҳамлиги билан ҳар қандай эркакни похол бовлиқдай эшиб, қўғирчоқдай пилдиратиб юборадиган хотин деган бир кас бор...

III

Машъум тошқингача, тўйгача Рисолатнинг ҳаёти бутунлай бўлакча кечган эди. У мутаассиб диндорлар хонадонида туғилган бўлиб, Яратган эгам гўзаллигу латофат бобида қарамию қудратини қиздан аямаган эди. Ўрта бўйдан тикроқ, бўлимлигина. Киприклари зич, қора қошлари худди она қорнидаёт фаришталар томонидан териб қўйилгандаи – меъёрий энликда, учлари бир оз эгилган, манг-лайи ҳам рисоладагидай – кенг ҳам, тор ҳам эмас, бурни, ияги нафис, хуллас, қадди-қоматио юриш-туришидан ҳатто ашаддий ҳасадгўй аёл ҳам қусур тополмай қийналарди. Айниқса, шу замонда жуда ноёб ва тансиқ ҳодиса бўлган бир ўрим, сонига урадиган тўсдай қоп-қора сочи бўйига жуда ярашиб, хиёл бўрттик бўксаси узра енгил силкинарди. Аслида табиатнинг бу инъомидан Рисолатнинг ўзи у қадар мамнун эмас эди. Узун соч ўрими деярли урфдан чиқсан, орқага ташлаб, ҳар хил назарларни жалб этишни хушламасди ҳам. Мактабда ўғил синфдошларнинг тегажоқлигидан безиллаб, уйда иш билан машғул пайтларда боши орқасига кулча қилиб, ўраб-чирмаб олар, аммо ҳадеганда тушиб кетавериб зериктиради. Ота-оналарининг тазийқидан қўрқиб кестирмас, узун сочни эса, пахмайтириб ёйиб юриб бўлмас, бунга уйдагилар йўл қўйишмасди ҳам.

Рисолат мактабда яхши ўқирди, эртаю кеч китобга ёпишаверганидан ҳадиксираган она уни барвақт бир чеварга шогирд қилиб берди. Мактабни битирган чоғда институтга ўқишига киришдан сўз очиб кўрди, волидай муҳтарама: ўзингга яраша илминг, хунаринг ҳам бор, ҳадисларда қиз болага энг яхши касб чеварлик дейилган, барибир отанг кўнмайдиям, деб шаштидан қайтарди. Хонадонда отанинг гапи – гап, унга эътироэ билдириш расм эмас эди. Якка қизлигига қарамай, оиласда Рисолатга ҳам ортиқча эрк берилмасди.

Онаизор нури дийдасининг чехраси очилмай қолганидан ташвишланиб, гапнинг учини чиқарувди, эр унга бир ҳўқиз қарашиб қилди. Одамнинг жонжонидан ўтгувчи бу қарашиб ҳам жавоб, ҳам дашном эди. Отанинг тарбия усули шундок эди – урмай-сўкмай жон сугуруради. Исми Ҳалим эса-да, феъли ҳалим эмас эди. У «қиз деган нарса»нинг нотаниш жойларда ёлғиз,

назоратсиз юриши фурбат келтиради холос дерди. Бошқалар-чи, деган му-лоҳазага «бу ҳамманинг шахсий иши, ҳар ким ўзи жавоб беради, аммо фарзанд номай аъмоли учун ота-она масъул», деб, яна қатор ҳадисларни қалаштиради. Аллоҳдан «Эй Парвардигоро, шу ожизамизни эгасига, бир мўмин-мусулмонга топширгунимизча, ўзидан кўпайиб, тиниб-тинчигунча менга умр бер», деб тиларди. Афсуски, ниятига етмади, дуолари ижобат бўймади.

Рисолат чеварчиликка, бичиш-тикишга муккасидан тушиб, уйдан чиқмай қўйгани учунми, ойдай юзи заҳиллаша бошлагандай туюларди. Аслида бунинг боиси бошқа эди.

Рисолатга харидор кўп эди, лекин уларнига совчиликка ҳамма юрак ютиб боравермасди: ҳалқ Ҳалим қорини ўзи ҳам, остонаси ҳам қаттиқ, деб биларди, оқсоқол ҳам фўраша лойдай элга аралашавермасди.

Ҳалим қори ҳовлисидағи танҳо «нафармон гул»га кўз тиккан, унинг илинжида тунларни бедор ўтказиб, саҳарлар нолавор хониш қиласидиган «булбул»лардан бири, шубҳасиз, Рустам эди. Гулрухсори кўчада кўринди дегунча изидан тушар, йўлини тўсиб, қишлоқласига, дангалига «менга тегасизми?» деб сўрар, қиз лом-мим демай, бошини эзганича уни четлаб ўтиб, қадамини тезлатар, Рустам эса «барибир сизни оламан, мана қараб турасиз!..», дерди тап тортмай ва орқа-олдига қарамай чопиб бораётган Рисолат кўздан йироқлашгунча кузатиб қоларди. У аслида барваста, келишган, қизлар диккатини тортадиган келбатли йигит эди, лекин Рисолатнинг унга рўйхушлик бермаслигининг сабаблари бор эди. Мактабда яхши ўқимаган (у Рисолатдан уч синф юкори эди), Рустам ҳали у, ҳали бу билан муштлашиб юрар, кўплар ундан ҳайиқарди. Қолаверса, Рустамни Рисолатнинг дугонаси Дилором яхши кўрарди.

– Нимасини ёқтирасан ўзи ўша безорини? – сўрарди Рисолат пешонасини тириштириб.

– Шўхлигини, дадиллигини... Агар сени ўрнингда бўлганимда...

Рисолат икки қўлини кўтарарди.

– Ҳай-ҳай-ҳай, ўзингга буюрсин ўша сўлақмонинг.

– Ҳо-о, сизники нақд-да, а?..

Рисолат синфдошларидан бирига кўнгил берган, бу борада у анча жасоратли эди. Ишқ ҳар қандай қўркоқни ботирга, ҳазрат Навоий ёзганидек, мусулмони комилни кофир, ғайриддинга, ашаддий художўйни дахрийга айлантириши ҳам ҳеч гапмас. Улар кечалари Рисолатнинг қишлоқ четида жойлашган овлоқ уйлари орқасидаги теракзор-гилосзорда учрашишарди. Асқар мактабда Рисолатга секин дафтар ё китоб узатар, унинг орасига солинган бир парча қофозда учрашув вақти кўрсатиларди. Қиз рози бўлса, индамас, акс ҳолда фурсатни ўзи белгилаб, «Бу китобни ўқиган эканман», деб қайтариб берарди. Теракзорга ҳовлиқиб, муддатидан аввалроқ борган йигитча қадрдон бақатерак ёнига газета түшаб, шитирлаган товушни пойлаб, интизорлик билан, юраги дукиллаб ўтиради. Дарича орқали ўтган Рисолат шох-новдаларни икки ёққа эҳтиёткорлик билан қайириб, малакмонанд оҳиста, оёғи ерга тегиб-тегмай келарди. Асқар ўрнидан даст турар, икки навниҳол ва бокира вужуд узоқ вақт кўришмагандек бир-бирига интиклик билан талпиниб, яқин келишганда тўхташар, йигит қизнинг иссиқ билакларидан тутар ва улар сукунатнинг олис-олис пучмоқларига, балки, одамлар қўли, сўзи етмас осмону фалакка парвоз этишарди. Хийла мухлатдан сўнг ерга қайта кўнишгач, улкан бақатеракка суюнганча, елкалари

аро бир-бирига туташаётган ҳароратдан аъзои баданлари қизиб, қалблари ҳаяжонга тўлиб, томирларида қон гупуриб, узок-узоқ ўтиришарди. Қулоқларига чигиртка-чирилдоқлар чириллаши кирмас, бойқуш овозидан ҳам чўчишмасди. Теракларнинг ой нурида ял-ял товланаётган кумушранг япроқлари лолу бехушлар қулогига: «Қандай баҳтлисизлар...» дегандай ёқимли шивирларди, шохлар орасидан мўралаб-мўралаб қўяётган тўлин ой эса: «Баҳузур ўтираверинглар, мен кўэ-кулоқ бўлиб тураман, тўйиб-тўйиб дийдорлашинглар, бу дамлар – қайтмас дамлар», деяётгандек... Нихоят Асқар тилга киради-да, Чўлпон сатрларини такрорлаб: «Сиз ойдан-да гўзалсиз» дейди Рисолатнинг узун соchlарини билагига ўраб. (Шоир деярли барча соҳибжамол маҳбубаларнинг волаи маҳлиёлари дилидаги, тилидаги лутфни қофозга туширган). «Қўйсангиз...» дейди қиз ва йигит кифтига пешонасини ишқаб эркаланади. Ой мавзууда бошланган сухбат Отабек ва Кумуш, Муқаддас ва Шариф қиссаларига, вафога, ўзаро аҳд-паймонга уланади. Рисолат йигит қўлларининг бежо ҳаракатларидан ҳимояланмок учун унинг пинжига суқилади. Асқар бағрига босиб-босмай, лаби юзларига тегиб-тегмай, қиз ўзини олиб кочади, «бўлди-да- ей, бетимни қизартириб ташлайсиз, аям сезиб қолса, нима дейман» деб, бошини яна шайдосининг кўксига яширади.

- Жуда бўлакча ёқимли-да, – дейди йигит энтикиб.
- Нимаси бўлакча, ҳамманикига ўхшаган-да, – ғамза ила эътиroz билдиради қиз.

- Йўқ, Рисол, бошқаларникига ўхшамайди.
- Қаёқдан биласиз, ё бошқаларниям ўпиб кўрганмисиз?

Кулишади.

- Фақат юзим бўлакчами?
- Ҳамма жойингиз...
- Алдоқчи-ей...

Навозишли раддиялар навқирон қалб ҳиссиётларини пуфлаб алангала-тади... Қиз шундай бўлаётгани – йигитни авжлантираётганини пайқармикин? Ҳойнаҳой, пайқарди...

- Мен сизга тўярмикинман?..
- Тўярсизам, қизиқмаям қўярсиз...
- Йўқ, мен сизга асло тўймасам керак.
- Тўйдирмайманам-да...

Асқарнинг талтайган дудоқлари чўччайиб, яна санами томон интилади. Рисолат ёноқларини кафти ё дуррачси билан тўсади, бетоқат, бебош ошифтанинг иягига секин чертиб қўяди. «Хаддингиздан ошманг-да, адабсиз бола» дея, унинг кафтларини оташ бўлиб ёнаётган гулгун чехрасига босади. Бошлар тиззалардан ором излайди. Йигит қисимига тўлиб-тошиб, хуш бўй тара-тувчи соchlарни силаб ўйнайди. Ҳатто ойсиз, қоронғу кечаларда ҳам бир-бирларини қалб кўзлари билан равшан кўришиб, ҳирсона термулишарди.

Улар кўпинча ҳамма нарса – дунёни, ота-оналарнинг хоҳиш-иродаси, ҳадик, вақт деган пойлоқчи, таъкибчиларни бутунлай фаромуш этишарди. Қиқир-қиқир кулгулари баландлай бошлагандагина қаердаликлари эсларига тушарди.

– Қайтайлик энди, кеч бўлди, мени истаб қолишади, – дейди Рисолат кўйлаги этакларини қоқиб, маҳбуби ёйиб юборган соchlарини ўриб-тузаткан, аммо ўрнидан қўзғалмайди. Рустамнинг қўлларини ушлаганича бир нималар дегиси келар, йигитнинг яна нималарнидир пичирлашини, севгисини очиқроқ изҳор айлашини кутарди. Асқар бир қадам жилади-да, қайтади, қиз унинг елкасига нозланиб бosh қўяди. Ошиқ суюклисини бағридан бўшатгиси, суюклининг ҳам ҳароратли, сеҳрли оғушдан узилгиси келмайди.

Нихоят у бошини орқага ташлайди-да, қўлларини Асқарнинг кафтларига қўяди.

– Аҳдингиз чинми? – сўрайди нечанчидир бора. – Менга уйлансангиз, кейин афсусланмайсизми? Ҳар доим шунақа яхши бўласизми? Уриб-сўкиб, кўз ёшимни селоб қилмайсизми?

Асқар жавобан қизни қаноатлантириб, ўз навбатида у ҳам савол айлади:

– Ўқишга кириб қолсан, кутасизми, ота-оналарингиз зўрлашса, бошқага тегиб кетмайсизми?..

Хайрлашаётгандарида Рисолат қўйнидан бир тўргам нон чиқариб Асқарга тутади.

– Чўнтағингизга солволинг, бемаҳалда инс-жинслардан сақлайди. Дуолардан ўқиб юринг, – тайинларди у.

Ўшанда ўтлиғ ўпичлару эркаланиш-эркалашларнинг асл ишқ далолатлари эканлигига иккисининг ҳам шак-шубҳалари йўқ эди. (О, ўсмирликнинг қизғин мавсуми – содда, беғубор, ҳали қалблар, орез, эътиқодлар панд емаган палла!...). Иккаласи ҳам пешоналарига бошқа бир йигит ё қиз битилиши мумкинлигини тасаввурларига сифдиришолмас, бу ҳақда умуман ўйламасдилар ҳам. Уларнинг назарида муҳаббат – башарият сайёрасининг меҳвари, ундан улуғроқ туйғу, ундан қудратлироқ куч, севишганлар лафзидан қатъйироқ онт, ошуфта диллар орасидаги кўринмас ипдан-да пишиқ, мустаҳкам ришта йўқ эди. Факат ва ёлғиз Асқарники бўлишига Рисолатнинг имони комил эди. У онам мени тушунади, хоҳлаганимга беради, деб ишонарди. Отаси қаттиқўл бўлсаям, меҳрибон эди, қиз падари бузрукворининг ана шу фазилатидан умидвор эди.

Кейинроқ теракзорда кечган ойли ва ойсиз кўп оқшомлар, ўша дилдан ўчмас лахзалардаги ҳеч кимга айтиб бўлмайдиган дил изҳорлари, юракни кўкрак қафасини ёриб чиққудек потирлатадиган ғўр хаяжонлар, болаларча сархушликлар, аъзои баданни ловуллатиб юборадиган қайнок бўсалар ёдига келса, юзлари гулдек қизариб, қўзларини қаёққа олиб қочишни, ўзини қаерга яширишни билмай қоларди. Бахтига, Рустам, гарчи ўша «гаплар», «ходисалар»дан қисман, фаразан хабардор бўлса-да, ўтмишни ковлаштириб, жувоннинг бағрини эзиб, жароҳатини янгиламас, қанча йиллар ортда қолиб кетган номатлуб воқеаларни юзига солмасди. Аёл эрининг мана шу мардона феъли учун ҳам унга ўла-ўлгунча вафодор, содик танмаҳрам бўлишга рози эди. Эҳтимолки, Рустам соддадил Рисолатнинг «Ҳа, ёшлиқ экан-да...» деб юборишидан ҳадиксираб мавзуни қўзғашдан ўзини тиярди. Чунки Асқарни эсласа Рустамнинг ичини рашк кемира бошларди. Лекин Рисолат йигитнинг отини ҳам атамас (энди нима фойдаси ҳам бор?), у ҳақда бирон муносабат билан гап очилган чоғда ҳам тилидан умр йўлдошини шубҳалантирадиган сўз чиқиб кетишидан эҳтиётланиб, мулоқот оқимини тезроқ бошқа ўзанга буриб юбориш пайида турарди. Сирасини айтганда, қиз ҳам «хўп» дейишга деб қўйиб, урушқоқ, жанжалкаш инсон билан қандай муроса қиларкинман, деб кўп хавотирланувди. Кейин билса, «безори»нинг тезлиги, жizzакилиги ориятчанлигидан, аммо ўзи дили очиқ, самимий, ҳам одамга жуда раҳмдил экан, рўзгорпарварлиги ҳам жойида эди. Қолаверса, никоҳ, чимилдик деган сирли мўъжизаларнинг күёв-келин қалбида илиқлик уйғотиши ҳам ҳақиқат-да, Рисолат ўэ-ўзидан қайлиғига кўнгил қўя борди. Асқар билан муносабатларини ўйласа, худди эрига хиёнат қилаётгандай уялиб, титраб кетарди. Болалик – бебошлиқ, деганлари тўғри экан, биз ҳам тентак эканмиз, деган фикр онгига секин-аста қатъйлашди. Рисолат ўшанда Асқарнинг қалтис иш содир этмаганидан, шундай иш содир этишга уринмаганидан (у ўша маҳалда йигитни жуда-жуда яхши кўрар, унга инонар ва

раъйини қайтаролмай қолиши мумкин эди) суюнар, айни вақтда шууридан балки, ўша иш... юз берганида отаси Асқарнинг совчилари га хўп дейишга мажбур бўлармиди..., деган фикр сийнасини симиллатиб ўтарди. У Асқарни хотирласа, ҳамон бир энтишиб қўярди.

Асқар тўғрисида орқаворотдан ҳар хил гаплар келиб турарди. Йигит ўқишини битириб, Тошкентда қолди, қайтиб Рисолат билан қизиқмаганига қиз ичидан зил кетарди. Хат-ку ёзмайди, лоақал биронтасидан бирон марта салом йўлламаганига чидолмас, унга ўтирганлари, қиз бола бўлатуриб, яхши кўришини ошкора айтганларига пушаймонлар ерди. Албатта, Асқар ҳар қанча дуои салом билан мактуб йўллагандага ҳам унга жавоб битолмас, зеро у қатъиятсиз, ҳазилакам ошиқдан асло умидвор ҳам эмас эди-ю, унинг бир вақтлар юрагига чўғ соглан сўзлари (ахир, ишқ савдоси бобида кўз очиб кўргани эди, унга бетоқатлик билан талпинарди – буни тан олмай иложи йўқ) чин бўлганлигига қаноат ҳосил қилишни хоҳларди. Айниқса, йигитнинг айнан Рисолатлар кўчасидаги чирой-чиммати ўртачагина қизни дабдаба-ю, мартаба билан Тошкентга олиб кетгани жуда ошиб тушди. Атай, менга ўчашиб шундай қилди, деб, анчагача ич-этини еб юрди (аёл насли барибири куйканаклигига боради-да).

Рисолат фарзандлари турмаслиги ё туғилмасдан нобуд бўлишига, икки номуродга бир овунч, суюнч тилаб кечалари Оллоҳга ёлворганлари, оҳу нолаларининг ижобатсизлигига ёшлиқ, фўрликдаги нодонлик орқасида Асқар билан ножоиз, ношаърий ҳатти-ҳаракатларга изн беришгани – но-маҳрамнинг жисми-тани баданига, лаби юзларига теккани, яъни гуноҳга йўл қўйилгани сабабмасмикин деб хомушланар, лекин ўзини ҳам, йигитни ҳам айбдор санагиси келмасди. Чунки ҳаётида дийдорлашувга у қадар ошиқиб талпинишлар, ундай ҳаяжонли оқшомлар, лаззатбахш сирлашувлар, ҳавои фазолар бағрида, яшил орзулар беланчагида тотли ҳаёл суришлар кайта тақрорланмаганди.

IV

Ўшанда Рисолатнинг тақдирни ўзи кутгандай бўлиб чиқмади. Асқар пой-тахтдаги дорилфунунга ўқишига кирди. Қизга эса совчилар кела бошлади. Ўша маҳалларда улар кунора хат ёзишарди. (Эҳ, соғинч, муҳаббат, орзи-қишлилар изҳорига тўла у ишқномалар қаерларда сарғайиб, лойларга қоришиб, кимларнинг тандирига тутантириқ бўлиб кетдийкин?) Рисолат на-вбатдаги мактубларидан бирида ҳолатни баён этди, кўнгли нотинчлигини яшириб ўтирамади, теракзордаги аҳдлашувларни эслатди. Асқар зудлик билан қишлоққа етиб келиб, мактабда тарихдан дарс берадиган амакиси орқали уйидагиларни оёққа турғазди. Амаки масаланинг нозик ва муҳимлигини, йигит қизга сўз бериб қўйганини яхшилаб тушунтиргач, ота-она ўғилларининг ҳаёли бўлинишини ўйлаб ижирғанишса-да, тавакkal қилиб кўришдан бошқа чора йўқлигини англаб етишди. Лекин совчилар дастлабки ташрифларидаёқ симёғочга урилган варракдай шалвираб қайтишди – Ҳалим қори уларга ҳам кескин рад жавобини берди, маслаҳатлашиб кўрайлики, деб ҳам ўтирамади.

– Узок шаҳарда ўқиётган болага қиз беролмаймиз, ўқишини тугатгунча эса ожизамизни сақлаб туролмаймиз, ҳарбийга ҳам бормаган – хом экан, овора бўлишнинг ҳожати йўқ, – деди илтижо, ўтинчга ўрин қолдирмай.

Хар қалай кўча кўриб қолган Асқар иззат-нафси, гурури топталгандай оғринди, айниқса «хом» деган тамға кўксига наштардай санчилди. Кимсан, мамлакатдаги энг обрўли олийгоҳнинг талабаси-я?!. У Рисолат ва отасидан қаттиқ ранжиди, бирини тушунмаганликда, қолоқ қориликда, иккинчисини тушунтиrolмаганликда, муҳаббатларини ҳимоя қилолмаганликда айблади.

Амаки уни ёнига ўтқазиб, обдан тасалли берди.

– Асли шу ишга мениям ройим йўқ эди, жиян. Чунки сен илмни кетидан қувишиңг зарур, уйлансанг, келинни Тошкентга олиб кетишиңг керак. Қаерда, қандай яшайсизлар? Бу ёқда қолса, отанг айтганда, фикринг чалгийди. Болалик бўлсанг, уларни боқиш керак. Унда ўқиши, орзу-ниятларни йиғишириб кўйиб, ишлашга тўғри келади. Ёшсан, ҳали сенга яхши қизлар учрайди. Албатта, Рисолат ёмон қизмас, ўзим ўқитганман, биламан, лекин унашмаса, нима чорамиз бор, зўрлик қиломаймиз-ку, жияним. Рисолатданам ўпкалас юрмагин, қиз бола отасига, Ҳалим қоридай ўжар, кож одамга қандай мен фалончига тегаман деб айта олади? Бу бизнинг удумларимизгаям, мусулмончиликкяям тўғри келмайди. Кейин, улар ўта тақводор, замон билан ҳисоблашишмайди. Хил келишимиз ҳам қийин. Сениям диққат қип кўйишлари мумкин. Менимча, Ҳалим қори шу тарафлариниям ўйлаб йўқ деган...

Асқарнинг тарвузи қўлтиғидан тушди. Ҳаёлан барибир Рисолатни кечирмади, у билан учрашишга ҳам имкон изламай, Тошкентга жўнаворди. Сирасини айтганда, амакиси башорат қилгандай, пойтахтда, институтларда фасон юрадиган ҳар-ҳар қизларни кўриб кўнглида андак тараффудланиш, янги ҳаяжонлар туғилган бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмасди. Балки, «Рисолатни қўшни қишлоқлик бир қавмларининг ўғлига беришармиш» деган «миш-миш» йигит қалбини батамом вайрону ҳафсаласини мутлақо пир қилгандир. «Нима бўлсаям, мен бурчимни бажардим, лафзимда турдим», деб ўзини оқларди у.

Асқар кўришишни тиламай жуфтакни ростлаганини эшигтан Рисолатнинг дили ҳам қаттиқ оғриди, ахир, иш узил-кесил бир ёқли бўлгани йўқ, чора ахтариш, уриниб кўриш мумкин эди-ку! Каттарок кишиларни, оқсоқолларни ўртага кўйишса, отаси уларнинг юзидан ўтолмай майли деб юборамиди...

Қизнинг аввало қиблагоҳининг ўжар ва чўрткесарлиги, андишасизлиги учун узр сўраб, ҳали бутунлай умид узишга эрта эканлигига ишора қилиб битган дилномаси дом-дараксиз кетди. Ҳатим етиб бормадимикин деб, яна ёзди. Бу гал ҳам Асқардан на жавоб келди, на салом. Рисолат шундан сўнг ўйдан чиқмай кўйди, ҳовлида ҳам бошини ҳам килиб юрар, тузук-куруқ овқат емас, «ҳа» ёки «йўқ»дан бошқа сўз айтмасди. Она «шамиён қайирап чол»ини бир амаллаб кўндириб, қизни далага чиқарди. Унинг тундлиги буткул ёзилмаса-да, рухияти ҳамон тушкун бўлса-да, ҳар ҳолда рухсорига пушти ранг югуриб қолди. Дилором билан дардлашиб сал енгил тортарди. Дугонаси эса Рустамдан, унинг бепарволигидан нолирди.

– Қиз бола бўла туриб, сен яхши кўрсангу, муҳаббатингни қадрига етишмаса, одамга ёмон алам қиларкан. Беҳис, тўнка!.. – дерди у чарос кўзларига ёш олиб.

– Шошмай тур, ҳали орқангдан шундай югурсин, – тасалли берарди Рисолат. – Бир хилги йигитлар шунақа бўлади ўзи – қиз боланинг мойиллигини сезса, дарров димоги ишиб, бурни кўтарилади, лекин кейин шунақа мулоийим-мушукка айланишадики... – У мен турмушга чиқиб кетсам, Рустамнинг Дилоромга кўнгил кўйишдан бошқа иложи қолмайди, деб ўйларди.

– Бунақа бўлишига ҳеч кўзим етмайди.

– Мана, мени айтди дейсан...

Дилоромнинг ҳам ёш тинган кўзларига нур ина бошлайди.

Аммо Рисолат ҳамон гоҳи-гоҳи кечалари тўлғониб, ухломас, падари бузрукворининг ўз дилбанди, ёлғиз қизига қилган адолатсизлиги, айниқса, Асқарнинг қатъиятсизлиги (бевафолиги, субутсизлиги дейишга тили бор-

масди) уни изтиробга соларди. Демак, севгиси шунчаки ҳавас, вайдалари ёлғон экан-да. Ё Тошкентда биронтасига илакишиб қолдимикин?..

Бирдан-бир сирдоши Дилором эди. Юраги сиқилса, унинг юпатишлари билан овнарди. Рустамдан совчи келгач, икки дугона ўртасига ҳам ола мушук оралади. Гарчи Рисолат Рустамни сўймаслигини, отаси йигитнинг элчиларини ноумид қайтарганини билса-да, энди Дилоромнинг қалбида пинҳона файирлик, ҳасадга ўхшаш бир нима ниш урган эди. Энди жигарбагри хун Рисолат ундан ҳам ўзини тортар, ўз ёғига ўзи қоврилар, ўзи савол бериб, ўзи жавоб қайтарар, жумбоқни ёлғиз мұхқома қиласади. Балки Асқар мендан қаттиқ хафадир, ҳамма айбни менга түнкаб юргандир, ё эҳтимол, уям қийналаётгандир, куйинаётгандир дер, ростдан ҳам Асқарда күнгли борлигини айтгани ботинолмагани учун ўзини койир (аммо ота қизидан бир оғиз сўраб қўйишни ҳам лозим кўрмади-ку), шунча йил бирга яшаган одамига сўзини ўтказолмаган волидасидан ҳам ўқинар (падар бу ҳақда гап очган аёлини силтаб ташлаган эди), муҳаббат деб ўйлагани сароб бўлиб чиққанидан қайғуга ботарди. Бошига ҳар хил мудҳиш хаёллар келарди. Тошқин юз берганида, дастлаб «мана, дилимдаги иш амалга ошадиган, икки ўт орасида куйиб-тугашдан, ҳамма азоб-уқубатдан бир йўла кутуладиган бўлдим», деган фикр онгидан «лип» этиб ўтди. Лекин Дилором жонининг борича «Рисо-ла-а-ат!..» дея чинқирганида бирдан хушига келгандай, тетикланди, овоз чиққан тарафга қараб, дугонаси сари талпинди. Сув тезлик билан кўпайиб, қизнинг ўзини тутиш учун бошини олдинга чўзиб, дарё тубига маҳкам босишига ҳаракат қилаётган оёқларини суриб кетди. Кейин...

V

Воқеа эртакни эслатиб юборарди, аммо ҳақиқат эди. («Орзумандлар»да мана шу аянчли лавҳалар назарда тутилган эди).

Майнинг охирлари, кунлар иссиқ, айни ғўзага ишлов берадиган мавсум эди. Ўша куни ўнга яқин қиз-жувон Қорадарё яқинидаги ўн етти гектарлик пайкала чопиқ қилишаётганди. Улар орасида Рисолат билан Дилором ҳам бор эди. Қомати бежирим, қишлоқ қизларига нохос фавқулодда оппоқ, хумор кўзли Рисолат қалин соchlарини ҳар доимгидай бошига чамбарак қилиб олган. Аввалдан офтоб тифида, чанг-ғуборлар ичиди қарсиллатиб кетмон чопиб юрадиган, бўйи Рисолатницидан пастроқ Дилором буғдой ранг, қотмагина, ҳаракатлари шаҳдам, қарашлари чақноқ. Умуман у қишлоқ хонадонига келинбоп қиз эди.

Тушлиқдан кейин икки-учтадан бўлиб, соя-салқинга ўзларини уришди. Рисолат билан Дилоромни эса дала офтобида оловланган таналарини со-вутиб, чарчоқни (диққатчиликни ҳам) ёзиш истаги дарё бўйига етаклади. Улар аланглашиб, атрофда зоф йўқлигига ишонч ҳосил этишгач, ўзан ичиди олтмиш-етмиш қадамлар чамаси юриб, кучсизгина шалдираб оқаётган, икки томони қуруқ тошлоқ сув ёқасида, аввалдан маълум паккада тўхташди. Одам бўйидан пастроқ юлғун ва бошқа ўсимликлар панасига чўнқайганча, рўмол, кўйлакларини ечиб, бута шохига ташлашди, сўнг тунлик ҳарир кийимларида, бошларини энгаштирган кўйи оппоқ тўшларини оқимга бериб, оёқларида сувни болаларча чапиллатишганча, оҳиста суза кетишиди. Сувнинг юзаси, чуқур бўлмагани учун таги ҳам у қадар совуқ эмас, шу боис баданга бағоят хуш ёқарди. Вужудларига ором иниб, фарогат баҳрига чўмишган бўй қизлар ташвиш, ҳадикдан ҳоли эди. Одатда, бунақа иссиқ паллада қишлоқдан анча олис бу пастқамликка чумоли ҳам ўрмаламасди. Қизлар кўлида беш-олтига зогора балиқ чизилган тол чивиқни саланглатганча ўрмондан қайтаётган Рустамни кўришмас, умуман, бирорнинг назари тушиши

мумкинлигини ўйламас эдилар. Йигит қандайдир қиқир-қиқирни эшитиб, қадамини секинлатди. Теваракка олазарак боқди ва нигохига бирдан дарё ўртасидаги юлғинга илинган қизил, яшил либослар илашди. Бўйдоқларга хос жўшқин қизиқиши билан ўша ёққа тикилди. Қизларнинг чуғур-чуғури дудмол акс-садо каби эшитилардию, ўзлари пинҳон эди. Овоз эгалари, айниқса биттаси жуда яқин туюлди йигитга. У соҳилда у ёқдан-бу ёкка юриб, ниҳоят чўмилаётгандар ора-сира кўринадиган жойни топди-да, ўзини қари, буқри тол орқасига олиб, астойдил кузатмоққа тутинди. Қизлар ўн етти-ўн саккиз ёш – балофат даврининг таърифга сифмас ўтли ҳиссиётлари оғушида эҳтирос, завқ ила бир-бирларини босишар, юзларига сув сочишар, қийқиришар, хандон отиб кулишарди. Улар дунёни, ҳатто бағритош бевафоларнинг ситамларини ҳам тамомила унутишган эди.

Сув париларининг кимлигини аллақачон фаҳмлаган Рустам юраги гуп-гуп уриб, ширин, лаззатли хаёлларга берилди, «пистирма»сидан бошини кўтармай, ички кўйлак, лозимлари билан лаққа балиқдай сузаётгандарни томоша қилиб, ҳуши оғиб тураверди, унинг учун вақт тўхтаб қолгандай эди. «Қани энди ҳозир Дилоромнинг ўрнида мен бўлсан... – ўйларди у лаблари ёйилиб. – Ҳа, қайсар қори, қизини мендай йигитга бермади-я... – Рисолатнинг отасидан ёзғирди у. – Мен уни елкамдамас, кафтимда олиб юрардим, кафтимда. Шундай жазирама иссиқларда далада ишлатиб қўймасди – қорайтириб, ҳовлимизни гуллатиб юрса ҳисоб эди. Ҳали уям афсусланади...»

Бир пайт Рустамнинг қулоғига аллақандай ваҳимали гулдираш кириб, дам сайин кучайиб, яқинлаша бошлади. Товуш замин остидан келаётгандай эди. Бирок ер тинч, силкинаётгани йўқ. Йигит теграсига, кўкка жаланглади. Осмон боягидай мусаффо, қуёш чараклаб, ҳароратини беомон пуркарди. Шу аснода қизларнинг кўрқинч, таҳлика ичидаги қийқириғи янгради. Рустам қараса, не кўз билан кўрсинки, тип-тиник сув бир лаҳзада қорайиб, кўпайиб бораради. Бешик-бешик тўлқинлар сувнинг сокин сатҳини чайқатиб, ёвуз шарпадай бостириб келиб қолган эди...

Одатда Қорадарёнинг ҳар қандай шўхлигу бебошликлари бу пайтгача барҳам топган бўларди. Барча анхору сойлар каби қадимда Иламиш атамиш бу кекса дарёда ҳам кўкламда, олма гулидан кейинроқ сув кўпаярди. Рустамнинг болалигига эса бу дарёи азим доим лимиллаб, тўлиб-тошиб оқарди. Соҳилдаги ўтлоқлар гул-гул яшнарди, марзаларга сапчиган ёввойи фаввораларда қуёш нури, ой шуъласи жилва қиласарди. Майса-гиёҳлардан бир бокира, хушбўй ҳид тарааларди. Лекин ўқтин-ўқтин дарёнинг жазаваси тутар, шунақа кезларда тунни бошига кўтарадиган шовқин-суронлардан, жарларнинг ўрилиб-шалоплашидан қишлоқ аҳли таҳликага тушарди.

Хуллас, дарё одамларнинг юрагига кўп кутқу солган, жудаям шўх, ёвқур эди, ҳеч нарсани, ҳеч кимни менсимасди, аямасди. Айниқса, кунлар исиб, Арслонбоб тоғларида тош қотган муз-қорлар эрий бошлаган, сел-жалалар авж олган маҳалларда дарё кўпирниб, қоп-қора бўтана бўлиб, оч қолган урғочи шердек наъра тортиб оқарди. Рустамнинг, бошқаларнинг ҳам ёдида: эл-халқ кўч-кўронини йиғишириб, дарвозалари биқинида кўзларини йўлга тикиб, кулоқларини динг қилиб ўтиришарди. Қишлоқ фаоллари, бригадир, ҳосилотлар отда айланишиб, уларга далда, тасалли бериб юришарди. Бир неча отлик эса тўхтовсиз дарё бўйига бориб келарди. Ҳамма «Қани, юкларни кўтаринглар!..» деган буйруқни эшитишдан безиллаб, жон ҳовучлаб турарди. Анча-мунча ботир йигитлар, сувдан қайтмас шўх-шаддот қизларнинг бошига ҳам етган бу қонхўр дарё! Ким, қачон, нима сабабдан шундай ном қўйган, ҳеч ким билмайди – унинг тошқин ҳолатини, жазавали алпозини «Қора хўжа» деб аташарди. «Қора хўжа»нинг одам «овламай» кўйганига анча йиллар бўлган эди. Бугун нима жин урди, нега тушов уздийкин у?..

Қизлар жон ҳолатда күлоч отиб, қирғоқ сари сузишарди. Үртадаги тошлокни ҳам тошқин босиб улгурган эди. Рустам шиплагини ва дүпписини ечиб, ҳар ёққа ташлади-ю, ўзини дарёга отди. Орадаги масофа эллик қулочча бор эди. Сув тұхтовсиз күпаяр, йигит бор кучини ишга солиб қизлар томон интилар, қизлар эса бу ёққа талпинишарди. Рустам тұлқинлар узра, оғзи-бурнига кирған сувни пуркаб-пуркаб қулоч отаркан, «Күркманглар, күркманглар!..» дея бақириб, далда бермоқчи бўларди-ю, ҳеч звини қилолмасди. Сувдан калла кўтаргиси, бир сония-ни ҳам бой бергиси келмасди. Лекин... шу он тошқин бирдан, бир неча баробар авжланиб, ҳайқириб, Рустамни ҳам куйига оқиза бошлади. У ўркач-ўркач долғалар қуршовида қолди. Бироқ, қони қайнаб, бўйдоқлик куч-кувати жўш урган йигит ўзини асло йўқотмай, қизларни кўздан қочирмасликка уриниб, оқимга қарши ёндалаб борарди. Яна бир неча қулоч отса бас эди – иккаласини ҳам тутиб олган бўларди. Аммо... У кўл чўзишга улгурмади – сув тағин бир кўтарилиб, тұлқинлар кўкка иргиди. Қизлар бирваракайига «Ая-а-а!..» дея қаттиқ чинқиришилди-ю, жимиб кетишиді ва иккиси ҳам кўздан фойиб бўлди. Кучли саросимага тушган Рустам сув сачрамалари қисиб қўяётган қовокларини йиртгудай очиб, ён-атрофни қидираркан, беш-олти метр нарида силтаниб-хилпираётган икки ўрим соч учларини кўрди. «Бу – Рисолат!» деган фикр миясида чақмок чақди. Яна бошқа тарафга жонсарак кўз югуртириб, Диломни ахтарди, бироқ, қараса, ҳалиги сочни ҳам йўқотиб қўядиган (бундай чоғда мия хужайралари ё қарахт бўлиб қолади ё фавқулодда шитоб ишлаб кетади). Шу ўйни дилидан кечириб улгурмай, Парвардигор инояти билан гоҳида ана шундай ёввойи, безабон кучларда ҳам шафқат ҳисси уйғониб кетиши мумкин чоғи, тўлқин бир суриб, Рустамни ўша икки ўрим соч ёнига олиб бориб қўйди. Қаттиқ ҳамла билан қўл узатган эди, сочнинг бир ўрими бармоқларига илашди. Қўлини икки марта айлантириб, сочнинг қарийб ярмини билагига ўраб олди ва забт билан ўзига тортди. Яна тўлқин ёрдамга келди: хушсиз бош сувдан бир қалқиб чиқди, аммо шу заҳоти тағин чўка бошлади. Бироқ йигит сочни билагидан заррача бўшатмай, эпчиллик билан бир қўллаб сузиб, қисман оқим кўмагида Рисолатни судраганича қирғоққа интилди. Албатта, буларнинг ҳаммаси қисқа муддатда содир бўлди. Саёзликка етганида йигитнинг ҳам силласи куриб, ҳолдан тойған, оёқларидан мадор кетган, лекин ақли-хуши ўзида эди: сув хўплаган қиз шўрлик тезроқ силқитиб юборилмаса, иш чатоқ. У қолган бутун куч-куватини тўплаб, Рисолатни бўйни ва тиззалари остидан кўтарида-да, ивиб оғирлашган шими почаларини шалоплатганча соҳилга яқинлашди.

Хаёлида панжаларини қимирлатишга ҳам мажоли йўқдай эди. Билакларида бўйига етган, дуркунгина, зангори ич кўйлаги баданига чиппа ёпишган соҳибжамол кўзлари юмуқ, ранги тамом бўзарган, лаблари ярим очик ҳолда, нафас олмай ётарди. Ўшанда мускуларида қаердан, қандай ғолибона кудрат пайдо бўлди – ҳалигача ҳайрон, Рисолатни бир шахт билан елкаси баробар кўтариб, қирғоққа ётқизди. Кейин ўзи ҳам тирмалашиб чиқиб, қизни ёнбошлатди-да, оёқларини жуфтлаштириб, сал кўтариб бир икки силтаган эди, оғзидан сув варақлаб отилди... Рисолат секин ингради. Йигит ўзини ерга ташлади. Сўнг фала-ғовурдан кўзини очиб, тепасида бириғазаб, бири ҳайрат билан тикилиб турган ҳалойикни кўрди.

Дарё шаштидан бир оз тушган, лекин йиртқичлар ҳамласидан ўлар ҳолатда чопиб, хавф-хатардан қутулган, аммо ҳамон пишиллаши босилмаган йилқи галасидай бўғиқ шовулларди.

Дилоромнинг жасади икки кундан кейин Фарғона канали тўғонидан топилди.

Рисолат бир хафта деганда тилга кирди. Шунгача, Дилоромнинг отоналари «норасидамиз, кўзимизнинг оқу қорасини умрига зомин бўлди» деб, Рисолатнилар «бокирамизни бадном этди» деб, Рустамлар эшигининг турумини бузишашёзди. Шунгача Рустам туман ички ишлар бўлнимининг хибсонасида тергов бериб ётди. Унинг гапларига ҳатто яқинлари ҳам ишонмасди. Кейин Ҳалим қори ҳам, Рисолат ҳам Рустам олдидаги бурчли эканликларини англадилар. Йигит жасорати тўғрисида бирорга мақтанимасди, лекин ич-ичидан қизга ўзини кўрсатиб қўйганидан, ўзидан мамнун эди. Барibir шармандали ҳол юз берди деган фикрни калласидан чиқариб юборолмаётган Ҳалим қори бу «шов-шув»нинг ҳадемай юргаб тарқаб улгуришидан ҳадикланиб, ўзи орага киши қўйди. Ишқилиб, йигит ниятидан қайтиб қолмаганмикин?.. «Шундоқ мард ўғлонга қизимизни қўшқуллаб тутганимиз бўлсин...» Рустам эсанкираб, ўзини йўқотаёзди. Рисолатни куткариб олдим, энди уни менга беришади, деган иддао хаёлига ҳам келмаган эди. Яна бир ҳол уни ғоят ажаблантириди. Рисолатлар тарафдан элчи келган кунданми ё ундан сал аввалроқми, у феълида қандайдир ўзгариш юз берагетгани – сипо тортиб, мулоимлашиб бораётганини, одамларга яхши назар билан қарай бошлаганини ҳис этарди.

Рисолат ҳам энди онасининг сўзларига ерга боқиб, сукут билан жавоб берди. Асқар ҳануз сувга чўккан тошдай ном-нишонсиз, Рустам эса фойдага қолган жонининг халоскори, эгаси эди. Қолаверса, энди унинг кимга тегиши барibirдай эди, илло, ҳамонки бир кимса билан ҳаётини боғлаши шарт экан, ростми-ёлғон севгисини очиқ айтиб юрган, сўзидан қайтмайдиганга ўхшаётган, юраги ботир шу Рустам маъқул эмасми? Тошқин воқеаси эсига тушса, қиз кирғоқда ярим яланғоч, беҳаёлардай ётган ҳолатини, Рустамнинг уни ўша алпозда сувдан кўтариб чиқаётганини кўз олдига келтириб, ўз-ўзидан уялиб кетар ва дилида йигитга нисбатан андак илиқлиқ пайдо бўлаётгандай, жисми-тани энди унга тегишлидай туюларди. Аммо Дилоромни ўйлаб, дарҳол турфа мулоҳазаларни бошидан ҳайдашга уринар, бевақт завол топган дугонасига юраги ачишиб (нима бўлсаям, яхши қиз эди), киприкларига нам сиза бошларди. Лекин энди у йўқ... Раҳматлини Рустам барibir яхши кўрмасдиям-ку... Бироқ яқин ҳамдами, қисматдошидан жудолик туфайли, Асқарнинг кўнгли қаттиклиги, вафосизлиги сабабли юрагига хурсандчилик, ўйин-кулги сифмасди. Онасига дил ёриб, бир неча бор тўйни пайсалга солди. Аммо қаллиқ қиз вақтни чўзишшага қанча уринган сари, беражам кунлар елвизакдай визиллаб, уни дам сайин рафбатсиз васл тунига яқинлаштириб борарди.

Нихоят, важи корсон, баҳоналарга ҳам асос қолмади. Тўй куни белгланди. Рисолат хонасига қамалиб, тўйиб-тўйиб йиглар, аммо нега обидийда қилаётганини ўзи ҳам чуқур англамасди, факат кўнгли тўлиб, кўзларидан беихтиёр қуюлаётган ёшни тўхтата олмасди.

Тўй ҳам ўтди. Рисолат Рустам билан қовушди.

Тошқин ва тўй ҳодисалари бир-бирига боғланиб, тилдан тилга кўчиб, ривоят тарзида қўшиб-чатилиб, қўшни қишлоқларга ўйилди. Воқеа иштирокчиларини биладиган, яқиндан танийдиганлар ҳам ҳар гал янги тафсилотлар билан бойитиб гапириб юришди. Хусусан, кино санъатига, адабиётга қизиқиши нихоятда кучли, мол боққани борганда ҳам қўлтиғидан муқовалари титилиб кетган семиз-семиз китобни қўймайдиган, ҳатто ўтни ҳам хиргойи билан ўрадиган Салим Рустамнинг қаҳрамонлик достонини тўйларда, турли

давраларда мароқ билан айтиб берарди. Ҳикоя давомида жүшиб, ҳаяжонланганидан баъзида оғзидан тупуклар сачраб кетса ҳам парвойига келтирмас, охирида қойил қолганини писанда қилишни унутмасди. Шундай пайларда, айниқса, Шавкат гоятда хайратта тушиб, лаб-лунжини йигиштиромай илжаяр, дам киприкларини пирпиратиб жиддий тортар, ғуурланганидан турган ерида бўйи ўсиб кетаётгандай сезилар, тоғасига нисбатан меҳрумхаббати ўша асов дарёдай ошиб-тошиб борарди. Болакай ҳовлиқиб уйга келарди-да, овоза бўлган фожеий ҳодисани янада батафсилроқ эшлиш мақсадида тоғаси ё келинаясига тирғалар, бирок Рустам: «...бир пайт қарасам, сув кўпайиб, қизлар оқиб кета бошлашди, шартта ўзимни ташладим. Биттасини ушлолмадим, иккинчисини сочи қўлимга кириб қолди, бу – мана шу келинаянг эди», деб кифт қоқарди. Келинойиси эса унинг учун қиёматга айланаётган даҳшатли тошқинни тутилиб-тўлқинланиб сўзлар, Рустамнинг довюраклигини алоҳида таъкидлаб, йигит киши шунаقا бўлиши керак, деб хулоса ясади, ўзича таёқнинг бир учини кимгадир тўғрилаб.

Бу мавзу гоҳо-гоҳо эр-хотиннинг ўзаро сұхбатларида ҳам тилга олиб туриларди. Кўпинча Рисолат эсларди.

– Дилором сизни жудаям яхши кўрарди. Қизлардан биронтаси тегишиб, «ўша безори, жанжалкашни нимаси ёқади ўзи сенга?» деса борми, бечорани бурдалаб қўяй дерди. Югурганникимас, буюрганники деб...

– Раҳматли аломат қиз эди, лекин билардингиз, мен сизни...

– Мен шунчаки қизиқсангиз керак, деб ўйлардим.

– Чунки сиз... – Рустам бирдан дудуқланади ва гапни буради. – Сиз сўзларимга тузукроқ кулоқ солмасдингиз.

– Ўзингизам томдан тараша ташлагандай, «менга тегасан...»дан бошлардингиз-да, одамни капалагини учириб.

– Юррагимда борини, гапни индаллосини айтардим-да. Мен шоир ё артист бўлмасам, қошинг унақа, кўзинг бунақа деган мақтовларни ўхшатолмасам. Бунака юзаки хушомадларга тилим айланмайди. Менга ёқардингиз, бирдан-бир мақсадим сизга уйланиш эди, вассалом. Ниятим холис экан, мана, Худо ишимни ўнглади, бандаларга кўрсатиб қўйди.

– Ростданам аллакимлар билан муштлашиб юришингизни кўпчилик ёмон оларди-да.

– Мана, муштлашмаям қўйдим.

– Ҳа-я. Мениям туйиб турармикин, деб қўркардим. Тўйдан кейин анчагача ҳадиксираб юрганман.

Рустам Рисолатга ўпкали нигоҳини тикади.

– Опкочинг-а...

– Рост-да, кейин ўзгардингиз-да.

– Сиз сабабли...

– Мен ҳеч ўйламовдим...

– Шунинг учун халқ шўхдан кўрқма, писмиқдан кўрқ дейди-да.

Рисолат яна марҳума дугонасига қайтади.

– Дилором ҳам яшashi керак эди. Мен ўзимни унинг руҳи олдида айбдордай ҳис қиласман. Ахир сиз мени эмас, уни кутқаришингиз ҳам мумкин эди-да, – жувоннинг дилида Рустам атайин мени тутишга ҳаракат қилган бўлса керак, деган гумон ҳам йўқ эмас эди.

– Сизни менмас, ўзингизни соchlaringiz кутқарган – мана шу узун соchlaringiz. – Рустам аёлининг қимтилган тиззалари узра кўз-кўзланиб ётган зулфи анбарафшонини ўйнамоққа тутинади, унинг паришон учларини бурнига тутади. – Аслида мениям орқангиздан югуртирган мана шу соchlар эди.

Рисолат хижолатомуз жилмаяди.

– Сочим узун бўлмаганда орқамдан югурмасмидингиз? – синовчан сўрайди у.

– Ҳарқалай, кўзим дастлаб сочингизга тушиб қизиқиб қолганман. Кейин кўрсам, юзингиз ҳам, ҳамма жойингиз чиройли, келишган экан.

Рисолат бирдан енгил сесканади. Уйлари орқасидаги теракзорда илк бор айтилган ва қулоқларига жудаям ёқимли эшитилган сўзлар жаранглайдай тююлади.

– Энди оширвордингиз, бу гапни шоирларам сизчалик келиштиrolмаса керак. - Аёл жиддийлашади. – Майли, буни қўйинг, мен барибир Дилоромга ачинаман.

– Ха, ўшанда уни йўқотиб қўйдим, – дейди маъюс тортган Рустам бошини ликиллатиб. Ҳаёл унинг кўз олдига ўша мудхиш манзарани келтиради. – Менимча, Дилоромни гирдоб тагига тортиб кетувди, уни қаёқдан излашни ям билмасдим. Кейин, бирданига икки кишини тутиш ҳам қийиниди, иккаланглар икки тарафда эдинглар. Умас, бумас, тақдир бу, Рисолат, Оллонинг иродаси. Раҳматли хур кетди, жойи жаннатда бўлсин.

– Ишқилиб, у дунёда мен билан юлишиб юрмасмикин, – дейди Рисолат ҳазилми-чин тарзда.

– Қўрқманг, – қўл силтайди Рустам, – ўзим кафилликка ўтаман. Ундан кечирим сўраймиз. Парвардигор иноқ эр-хотинларни яхши кўрармиш, шунинг учун бизни ўзи ёрлақайди.

VI

Шундай қилиб, улар сокин, ҳаловатли ва анча-мунча ташвишли, оғир-енгил кунларни бошдан ўтказдилар ва умрлари йўлидаги кутилмаган, но-таниш бирbekатга, тўғрироғи, чорраҳага етиб тўхтадилар. Энди улар шу манзилда уловдан тушиб, хайрлашмоқлари ва бошларини ҳам қилганича бошқа-бошқа томонга қараб юрмоқлари лозим эди. Шунча замон бир ўринда бир-бирларининг нафасларини туйиб, хиду бўйларидан баҳра, бадан хароратларидан қувват олиб келган жуфтликтининг бир олманинг палласидай иккига бўлиниб кетиши, борса қайтмас сўқмоқдан номаълум ёқларга равона бўлиши оғир савдо эди. Лекин улар ўзаро тинч сулҳ асосида шундай битимга келишди.

– Сиздан мингдан-минг розиман, сиз ҳам мендан рози бўлинг-а, Рустам aka, – деди Рисолат ерга боқиб. Унинг нам мижжаларини яшириш учун бош эгганини пайқаш қийин эмас эди. – Билиб-бilmай яхши-ёмон гапириб, дилингизни оғритган бўлсан...

– Рисолат!.. – гапни бўлади Рустам бетоқатланиб.

– Кўнглингиздагидай ёстиқдош бўлолмаган бўлсан...

– Рисолат, менга қаранг...

– Яна, дорилбақода менга тескари қараб, бошқаси билан кетиб қолманг, дейман-да...

Рустамга жувоннинг нозик қочиримли ҳазили ҳам ботмади.

– Илжираб ётган ярага туз сепишнинг нима ҳожати бор, Рисолат?

Рустам аёлни, иягидан кўтариб ўзига қаратмоққа, унинг юзларига ҳамдардлик билан тикилмоққа, кўзёшларини артиб қўймоққа чоғланди, аммо энди унга қўл теккизишга ҳадди йўқдек иккиланиб, шаштидан қайтди. Во, ажаб, нега энди?.. Ахир у йигирма йилдан бери ўзиники эди-ку, наинки шунча муддат бутун вужуд-таналари бир бўлган одамлар энди бегоналардай, бир-биридан бутунлай йироқлашиб кетишса? Ҳалитдан-а?.. Нахотки бундан кейин кўча-кўйда рўпара келиб қолишсаям тузукроқ ҳол-ахвол сўрашишга ўзларини ҳақсиз билишиб, шунчаки кўз танишлардай, қуруқина саломлашиб ўтаверишса? Ишқилиб, қиёмат дийдор бўлиб юришмаса, бас...

Рустам яхшиликчасига жудолашув уруш-жанжал, «қўйдим-чиқдим» билан ора очди қилишга нисбатан қийинлигини, азоблигини англади.

Хуллас, бир неча йилдан бўён хавотир билан кутилаётган «қора» кун ниҳоят етиб келган эди. Мана, эртага Рисолат акасиникига кетади. Хўш, кейин-чи?.. Рустам гор оғзидаи ютаман деб турган, ўлик чиқсан уйдай ноҳуш ҳужрага, ҳаробадай файзиз ҳовлига орқасидан бирор сургандай калла суқишини, ўчоқ олдида кул титкилаб, қозон қайнатиб, идиш-товоқ ювиб, ҳафсаласизлик билан ковшаниб ўтиришини, бир кишилик ўрин тўшаб, совуқ кўрпа ичидагу жанак бўлиб, тиқ этса деразага бўйлаб ётишини кўз олдига келтирди-ю, этлари жимирилашиб кетди. Ўзини чалғитиш учун режалар тузабошлади, аввало Рисолатга бир нималар тухфа қилишни кўнглига тугди: тозароқ матодан кўйлак, бошига соглани юпқа рўмол мўлжаллади.

– Балиқ меъдага теккан. Анчадан бери ош емадик, эртага бозорга бориб қўй гўшти опкелсам... – деди тушлик устида. – Бугун ариқдаги жела, саватларни қарасам, дарёга эртароқ тушиб, кўпроқ балиқ тутсам...

Рисолат хомуш, у ўз хаёллари билан андармон эди. «Майлингиз...» деб кўя қолди. Кейин бирдан эсига келгандай, эртароқ қайтарсиз, деди илтимос оҳангига. Ичидаги фалати бир ҳолат юз берадигандай – юрак сиқилишими, зерикишми, ўзи ҳам аниқ билмасди. Назарида тоқатсизланётганга, бесаранжом бўлаётганга ўхшарди. Аслида жувоннинг қалбида ҳам ёлғизликдан чўчиш туйғуси ғимирлай бошлаганди.

Рустам хотинининг авзоини сезди-ю, сезмаганга олди, нимаям десин, сабаби аён-ку. Унинг ўзи ҳам бу кунни қандай кечикириш ва тонг оттириш фамида эди. Унга қолса, шу оқшом ва туннинг жуда узоқ чўзилишини хоҳларди. Ичидаги шайтонми, бир нима бугун Рисолатга меҳр-мурувват кўрсатмаган дуруст, аксинча, уни совутадиган, кўнглини чўқтирадиган ишлар қилиш зарур, дерди. Лекин бундай амалларни ўйлаб тополмасди. Аслида Рустам ўзи ҳақида Рисолатнинг ёмон таассурот билан кетишини сираям хушламасди. У хотираси катларини титкилаб, аёлининг ўтган йиллар давомидаги номаи аъмоли орасидан ихлосни қайтарадиган, бездирадиган хатти-хараткатлар, муомалаларни ахтаришга тушди. Бир галги аразлашганларини эслади. Унда онаси ҳаёт эди. Бир ўтиришда кайф улфати билан айтишиб қолди. У бефаҳм, бефаросат «Рисолатни отасига қизингизни бир ўлимдан сақладим, энди у меники, деб шарт қўйгансан, йўқса у пихини ёрган зиқна чол сенга арзандасининг тирноғиниям раво кўрмасиди, агар кутқариб олган бўлмаганингда Рисолат сенга билагиниям ушлатмасиди», деб жигига тегди, яна, «аёл кишининг эридан ичи чиқмасаям бўғоз бўлиши гумон», деб уни камситди. Рустам чидаб туролмай, даҳанаки жангга унча уқуви, сабри йўқ эди, кўл отиб юборди. Чийралган, тўқмоқдай мушт залвори бир босқоннинг зарбидан кам эмас эди, ҳамшиша курси-мурси билан бетон полга гурсиллаб йиқилди, бурнидан шарқираб қон кетди. Фавро кучайди, шериклар Рустамни ҳазил кўтармасликда, кўполликда айблашди.

– Ҳазилмас бу! Ҳазил бунақа бўлмайди! – баттар тутақди у.

Қисқаси, аччик-тирсиқ билан тарқалишиди. Рустамнинг шаънига «бир чиройли ўтиришни бопладинг, доим бир ишкал чиқармасанг, кусуринг қонмайди ўзи, уйланиб ҳам ўпканг босилмади. Рисолат сен билан қандай яшаяптийкин...» деган таъналар ёғилди. Лекин энди у ўзини оғирликка олди, мелисага тушишдан чўчиди. Уйга келиб, бўлган воқеани тўкиб солди. Хотинининг уни жин каби кўздан қайта чиқишга мажбур қилган хонасаллотнинг маломатига нисбатан тахминан: «бекорларни бештасини айтибди, ўз ихтиёрим билан текканман сизга, ҳоҳишим бўлмаса, шунча йил бирга яшармидим...» дейишини кутди. Ҳарқалай, шунга яқин сўзлар билан кайфиятини кўтариб, тасалли беришига ишонувди. Рисолат «чакки қипсиз-да, уриб...»

деди. Файир ошна Асқарнинг холавачаси эди. Рустамнинг хаёли шунга кетди. Яна бошвоги ечилиб, қизиши.

– Демак, ўша аҳмоқнинг гапи тўғри экан-да, – деб юборди ўзини тўхтатмай.

Аёл жавоб қайтармади, Рустамга орқасини ўгириб ётиб олди. Шундаги на хол қўйганини англади. Кечирим сўрай деб оғиз жуфтлади-ю, пастлаган оловни гуриллатиб юбормай, деб ўзини тийди, тўғрироғи, узр-маъзурга фурури йўл бермади, ғаламис, ичи қора ҳамтовоқнинг пичинглари унга қаттиқ ботган эди. «Рисолат эрталабгача ҳовуридан тушиб қолади», деб ўлади.

Барвақт туриб, онасининг: «Қаёққа, мунча эрта?» каби саволларига мужмалгина жавоб айтиб ишга жўнади. Ўша пайтларда колхозда юк машина минарди. Кечки пайт қайтганида ҳовлида Рисолат кўринмади.

– Келинингиз ҳани, ая? – сўради у ўзи хулоса чиқариб қўйган бўлса ҳам.

– Отасиникига кетди. Эрингиздан рухсат олганмисиз, десам, «кечаси кеч келди, эрта кетиб қопти», деди. Ораларингдан гал қочгани йўқмиди? – Санобар опа ўғлига разм солиб тикилди.

Рисолатнинг Рустамдан беижозат бир ёққа борадиган одати йўқ эди. У яна онасининг «ҳай-ҳай»лашига қарамай, ташқарига отилди. Гузардан қовун, тарвуз харид қилди-да, қайнотасиникига кириб борди. Илик қаршилаган Рисолат ичкаридан тўшак олиб чиқиб, чорпоядаги якандоз устидан солди, чой келтириди. Қайнота ҳам, қайнона ҳам «нима гап?» деб сўрашмади. Рустам бир пиёла чой ичгач, «Рисолатни опкетгани келувдим, бемаҳалда ўзи кўрқмасин деб», деди.

Йўлда, уйда ҳам кечаги гап-сўзлардан умуман оғиз очишмади.

Ундан аввалми, кейинми, шунга ўхаш яна бир ҳолат юз берган. Ўшанда ҳам Рустамнинг ўзидан ўтувди. Жўраларини меҳмонга чақирганди, уларни кузатгач, «намунча ясаниб олдингиз?!» деб Рисолатни анча диққат қилган. У танишу бегона эркакка, жумладан, эрининг яқинларига дурустроқ кийимда кўринишни хушламайдиган ўзбек аёли ҳали дунёга келмагани, келиши ҳам даргумонлигини билмасди.

– Ўртоқларингизни олдида рўдаполардай юришим керакмиди, – ажабланди жувон. У ҳар қандай эр хотинининг ўзгаларга, хусусан, оғайниларига келишганроқ, кўркамроқ кўринишини хоҳласа керак, деган тушунчада эди. Айниқса, бефарзанд эркакнинг бошқаларга қараганда ҳам рашқироқ бўлишини бирор эслатмаганди унга. Ўшандан кейин Рустам уйда гап бериш, умуман, гап ейишга чек қўйган эди.

VII

Рустам шошилмай машъал тайёрлашга киришди. Рисолатдан сўрамай, ўзи омборчани тинтиб-титкилаб, эскирган пахта топиб чиқди. Энди уни коптоқ шаклида думалоқлаб, сим билан ўраб-чирмаб боғлаш, ўрокни кирпали эговда, сўнг кум-қайроқда ўтқирлаш ва бошқа керакли анжомларни ҳозирлаш керак эди.

Унинг балиқ овини ихтиёр этишдан яна бир муддаоси – кўрпа-тўшак, майда-чуйдаларини туғиб-бўғаётган Рисолатнинг кўзидан нарироқда туриш эди. Аёл зотининг буюм, латтага ўчроқлиги маълум. Майли, қўлига кирганини олсин, ўйдаги бор бисотларини йиғиштириб кетсаям майли. Унга қийин, сидқидилдан қайишадиган бир меҳрибони, топиб-тутиб берадигани йўқ энди, ўзи бир жойда ишламаса... Акасиникода зорикмайроқ ўтирас. Бош омон бўлса, дўппи масаласи қийинмас, ҳарқалай, бу эркак-ку. Қолган-кутган нарсаларни ҳовлига элтиб, дарвозага тахта қоқиб, Россиягами, Қозогистонгами отланаверсаям бўлади энди. Ўзи илгарилариям (онаси ҳаёт-

лигига) ҳар замонда, бир нималарга мұхтожлик сезса, бошқаларга қизиқиб, ўша ёқларни күзларди-ю, бунинг иложи йўклигидан кўл силтаб қўяверарди. Кейин, бунга ёш-ёш кўёвлари (каттароқлари ҳам) хорижда йиллаб бадар кетадиган, на ейишида лаззат, на яшашида маъно бор келин-келин-чакларнинг ўтин-чўп, теша-кетмон юмушлари учун кўшни йигитларга мўлтираб, бозор-ўчарларда халта кўтариб, далаларда ўт юлиб, бошқо териб юришларидан, тунларни совуқ болишни қучоқлаб ўтказишларидан, уларнинг айримлари тўғрисидаги ҳар хил маза-бемаза миш-мишлардан хабардор Рисолат кўнмасди ҳам.

– Қўйинг, кунимиз ўтиб турибди-ку, бутун нон емасак, яримта ермиз, лекин тан-жонимиз соғ, кўнглимиз хотиржам. Худога шукр...

Ҳа, катта-катта еб-киядиган, ҳадеганда ўзини ойнага солиб, унга-бунга кўзи жаланглаб турган қиз, ўғилларимиз йўқ-да, агар бошқалардай сеп ташвиши, чек олиб уй солиш фами бошини қотирганда, буям «дунёнинг нариги чекасидан бўлсаям, қандай қилиб бўлсаям пул топиб келинг» деб, икки оёғини бир этикка тикармиди, деб ўйларди ўшандада Рустам. Энди унинг мўлтирайдигани, «қўйинг» дейдигани йўқ, боши очиқ, истаган ерига бориши, жонига теккунча юриши мумкин. Узок-узокларда, иш билан маврил бўлиб, юраги ёзилар... Бир йилми, икки йилми насибасини териб, беш-ўн танга пул жамғарип келса, рўзгорини яна бутлаб олаверади-да. Унгача кўнишиб ҳам қолар...

Унинг хаёlinи Рисолатнинг синик овози бузди.

– Рустам ака, манави пичоғингизни опкетсам, майлими?

Рустам илкис бош кўтарди. Аёлнинг қўлида амиркон қини ғарбга оғиб, тифи бир қадар ўтмаслашган күёш нурида йилтираётган пичноқ турарди. Тилига калима келмай қолди. Яроғ отасидан ёдгорлик бўлиб, уни сабзи-пиёз тўғраш, умуман, рўзгорга мутлақо аралаштирамасди. Фақат кечда, ётишдан олдин олма, нок арчишгагина (кораси чиқади деб, анор, беҳига ҳам солишимасди) ишлатишиб, ўша заҳоти артиб-тозалаб, яна жойига – уйнинг тўри томонидаги девор бурчагига, қарийб шифт остига маҳсус қоқилган михга илиб қўйишарди. Рустам уни кўз қорачиғидай асраб-авайлар, дастаси ва филофига ҳар замонда ошдан кейин товокдаги ёғ юқидан суркаб, тифини қумлаб ювиб турарди. Қисқаси, Рисолат бу матоҳнинг эри учун нақадар азиз ва қимматлигини жуда яхши биларди. Балки хотини, юрагингизни суғуриб беринг, деса ҳам Рустам бунчалик эсанкирамаган бўларди. Лекин айни вазиятда жавдираған кўзларга қараб, бу ўтинчни рад этишнинг иложи йўқлигини ҳис этди.

– Бошқа ҳеч нарсангизга тегмайман, – деди Рустамнинг дами ичига тушиб кетганини ўзича баҳолаган Рисолат зўраки кулимсираб.

Рустам қизаринди.

– Мол-дунё сиздан айлансин, Рисолат. Қанийди ўзимниям қўшиб олиб кетсангиз...

Нихоят, ҳамма нарса таҳтланди. Рустам пақирга солярка қўйилган иккита елим шишани солди, бир қулочча бош бармоқдай тутакни машъал симидан ўтказиб елкасига илган эди, уни кузатиш учун айвонга чиқсан Рисолат беихтиёр жилмайди.

– Фижимланган эски шляпа, мўйлов камлик қиляпти – Раж Капурнинг ўзи бўлардингиз.

– Ўзингизам аразлаб ўтирган Радҳадан қолишмайсиз, – деди Рустам, лекин шу заҳоти “араз” сўзини ўртага согланини ўйлаб, тилини тишлади. – Кўпроқ балиқ тутсин, деб дуо қилинг. Бугун овим юришадиганга ўхшаяпти. Кун иссик, балиқлар кечқурун хўрак излашади. Яна битта пақир олволсам-микин...

– Биттасиям етар, иккитасини күтариш ҳам бор, – деди Рисолат.

Рустам энди қанча балиқ ушласаям, аёлга барып зди. Лекин яна бир кунлик, бир кечалик ваколати қолган завжининг кўнгли учун, «овингиз ба-роридан келсин, фақат жа ҳаяллаб кетманг-а, қўрқаман, юрагим нимага-дир фаш бўлиб турибди. Ҳавониям авзои бўлакчароқ», деди.

Рисолатнинг суст, дилгиригини Рустам эртага юз берадиган айрилиқقا йўйди ва таъби хира торти. Шахти пасайди, лекин ўзини қўлга олиши лозимлигини англарди.

– Яхши, тезроқ қайтишга ҳаракат қиласман. Эшикни маҳкам беркитво-линг. Агар мени чақирмоқчи бўлсангиз, чироқни пастлатиб-баландлатинг. (Бу ерда электр йўклиги учун мойчироқ, шам ё тошфонар ишлатишарди).

У хотинини кулдириш учун худди аскардай «честь» берди-да, орқасига айланиб, шаҳдам қадамлар билан йўлга тушди. Бир оз юргач, секинлаб, ортига бирров кўз ташлади. Рисолат жойида қаққайиб турар, назарида у ҳамон паришон зди. Ростдан, ажралиш тўғрисидаги қарорлари тўғрими-кин? Кейин нима бўлади? Рисолат-ку, акасиникидан паноҳ топар, хўш, Рустам-чи, йўли очилмай, Россия тарафга боролмаса-чи? Унда у қаерда, ким билан яшайди? Турган гапки, дарё бўйида, қишлоқдан узоқда танҳо ўзи ҳаёт кечиролмайди. Ҳар қалай, маҳалла дуруст. Шавкат қачондир қиши-лоққа қайтар. Қайтмаса, Рустамга қийин бўлади...

* * *

Кун чиқишида, осмоннинг ер билан туташган қисмида кечадан бери ай-ланаетган кора булут қуюқлашгандай кўринди. Фарбда эса, қуёш чўғдай яллиғланиб, пастга оға бошлаганди. Кун қизариб ботса, қизингни узат дейдилар, демак, ҳаво очилиб кетади.

Енгил шабада эсарди. Рустам қалинроқ бир нима кийиб олмапман, деб кўнглидан ўтказди. Эгри-буғри сўқмоқдан синиб тушган шох-шаббаларни қисирлатиб тепалаб бораркан, чиндан ҳам тезроқ қайтиш керак, деди ичи-да. Омади чопиб қолса, ярим соатнинг нари-берисида пақир тўлади. Бир чепак балиқ – ўн-ўн икки кило, демак, тўрт-беш мингдан бўлса, кирқ-эллик минг сўм. Майдалаб кўпроққа пуллаш ҳам мумкин, аммо чаканалаб ўтиргани вақти ҳам, имкони ҳам йўқ зди, тушликка Рисолат палов дамлаши лозим. Йигирма мингга дурустроқ бир кўйлаклик берар, тўрт мингга ярим кило қўй гўшти олади, қўй гўшти ейишмаганигаям йиллар бўлди-ёв, гуруч уйда бор, яхшиямки Қорадарё ўзанидан ҳар йили беш-олти сўтих қўриққа шоли экиб олади. Энди, ишқилиб, ўзангаям хўжайнилар чиқиб қолмаса...

Ўша катта тошқиндан кейин Қорадарё қайтиб гупирмади... Тепада сув омбори қурилгач, йилдан-йилга дарёнинг баракаси, файзи учиди борарди. Юқоридагиларнинг Орол, Орол деб эслари кетади, халқаро анжуманлар ўтказилади. Бу ёқларда омбор, тўғон қуриб, бўғиб ётишаверса, денгиз-кўлларга сув қайдан етиб борсин!

Шу йилларда кенг ўзанининг у ер-бу ерида шалдираб оқаётган сув тизза бўйи, сал чуқурроқ, болдиридан келадиган жойлар ҳам бор зди. Балиқни айнан ана шунақа саёз шалдирамада овлаш қулай зди.

Рустам йўл-йўлакай Ўрмонча ичидан ўтган ариқнинг чуқурроқ камари оғзига, қамишлар орасига қўйган саватларни кўтариб қаради. Биттасидан иккита шим – мойбалиқ чиқди, иккинчисида ҳеч вақо йўқ зди. Куни бўйи изғиб юрадиган молбоқар болалар, ўсмирлар саватларни шип-шийдам қилиб кетишган бўлса керак. Ҳа, шумғия-зараркунандалар!..

Кун батамом чўқди, лекин алвон шафаклари ҳали уфкни яллиғлантириб турарди. Рисолат бир ўзи, аёл киши, қўрқади. Шунинг учун Рустам дарё бўйида яшай бошлаганларидан бери деярли кечда балиқ овламас, ҳатто маҳалладаги гап-гаштаклар, улфатчиликларга ҳам қўшилмасди. Аслини

олганда ёзда – таркибида “р” ҳарфи йўқ ойларда балиқ ейиш тавсия этилмайди ва урчиш мавсумларида уларни овлаш ҳам таъкиқланади. Лекин бу қоида ва қонунларни бирор марта, истисно тариқасида четлаб ўтса ҳеч нарса қилмас. Бозорда қишин-ёзин балиқ узилмайди-ку. Долзарбда ақча топишнинг бошқа чораси бўлмаса...

Рустам зумраша болалар оёғи камроқ етиб борадиган – нариги соҳилга яқин шалдираларда балиқ кўпроқ бўлишини тусмоллаб, ўртадаги тошлоқ ва кечуввлардан ўтиб, қадамини жадаллатарди. Мўлжалдаги жойлардан бири – шалдирама шитоб оқадиган муюлишда пойабзалини ечиб, бошқа майда-чўйдалар билан пакана, тарвайган юлгун ёнига қўйди. Оёғига елим шиппакни илди. Думалоқланган пахтага солярка кўйиб, гугурт чакди, сўнг кулбалари томонга қаради. Масофа салкам бир чақирим бўлса-да, уй анча тепаликдалиги ва орада баланд дов-дараҳт йўқлиги боис ғира-ширада ҳам хийла аниқ қўзга ташланарди. Рисолат чироқними, тошфонарними ёқибди. Лекин ҳали атрофга тун кора чойшабини бутунлай ёзиб улгурмагани учуми, лампа хирагина милтиллаб кўринар, бу ҳолатда кўтариб-пастлатилганини яхши илғаш қийинга ўхшарди.

Рустам шими почасини тиззасидан юкорироққача шимариб сувга оёқ солди. Сув фоят ҳузурбахш эди. Машъаланинг темир таёгини қийшайтириб, ёруғи сойга тушадиган қилиб, тошлоққа қоқди. Пақирни унинг ёнига ўрнаштиргач, бир қўлига тарашадай қотирилган нон солинган майда тўрли маҳсус халтани, иккинчисига ўроқни олди. Болдирни ҳам кўмиб-кўммайдиган тиниқ шалдирама остидаги катта-кичик оқ, қора, кулранг, носранг тошлар ёлқин шульласида ярқираб, титраб-тебранар, босгандан ёқимли ғижирларди.

Ҳамма ерда, барча соҳада ёлғиз одамнинг иши қийин-да. Ҳозир Рустамнинг қаватида яна бир киши бўлганда, у машъала билан пақирни кўтариб, ёнида ё қирғоқ бўйлаб бир-икки қадам олдинроқда бораверар, Рустам эса бир қўлида хўракли халтани сувга пишиб-пишиб, унинг ҳидига кела бошлаган балиқларни иккинчи қўлидаги ўроқнинг учи билан аста уриб, санчиб, челакка ташлаб кетаверарди. Бир ўзи ундей қилолмайди. Идиш билан машъалани жилдириб-жилдириб туриш керак.

Барча жондорлар ичиди ҳидни узоқдан сезишда балиққа етадигани йўқдир-ов. Рустам тўр халтани солиб, бир неча лаҳза турди холос, бир суям, ундан майдароқ шим, оқ амурлар лапанглаб келиб, нонни юлқилай бошлади. Рустам ўроқни кўтарди-ю тиниб қолди, жониворларнинг халқачасимон даҳанларида шошқалоқлик билан хўракни тишлаб-тортқилашаётганини, уларнинг аланга ёғдусида ялтираётган силлиқ танаси, нозик ҳаркатларини бирпас завқ билан томоша қилиб турди. Одамият табиат мўъжизаларидан бири, шундай беозор, жонон мавжудотни ҳам шафқатсизларча тутиб, беражмлик билан чопиб-тўғраб, жизғанагини чиқариб қовуриб, жиғилдонига уради-я. Инсондан ваҳший, қаҳри қаттиқ маҳлук бўлмаса керак... Хўш, ўзлари-чи, Рустамбой? Бошқалар-ку ўз йўлига, ахир, сен шу бегуноҳ, беозор ҳимоясизларни қўриқлашинг, ҳар хил кушандалардан, бандай оғаткашлардан муҳофаза қилиб, асрраб-авайлашинг керак эмасми?.. Тўғри, аммо Оллоҳ бу луқманӣ ҳалолларни суюкли, азиз қуллари учун шифобахш таом сифатида вужудга келтирган экан-да. Улар еб турилмаса, дарё, денгизларга сиғмай кетади, кейин ўлиб сасиди. Парвардигор нафакат балиқларни, ер юзидаги айрим таъкиқланган, ноҳалол ҳисобланганлардан ташқари жамики неъматларни башар фарзандининг нафси-манфаатига шафе, тобе яратган. Хўш, зоти олий шунча марҳамату муруватлар эвазига, миннатдорлигига нима қайтаради? Нима қайтариши керак? Тақво

ва одоб, мўминлик, беш вақт намоз ва яна бир неча фарз амал. Афсуски бандай беандоза, бепархезлар шугина вазифаларни ҳам ёлчишишмайди. Ҳатто, мутлақо заҳмату риёзат, фурсату маблағ талаб этмайдиган, аксинча, ўзига фақат наф келтирувчи, жаннатга киришига ишончли ёрлиқ аҳамиядаги ҳалоллик, инсоф, диёнат, одамийлик каби оддий бандалик, умматлик бурчларига ҳам риоя қилмайдилар, билъакс, бундай шукронда ва оқилона амаллар ўрнига тескари ишлар – бузғунчилик, ғайирлик, порахўрлик, қотиллик, дилозорлик, фаҳш ва бошқа таъқиқланган юмушлар билан хеч тап тортмай шуғулланиб, ўзларига берилажак ажр ва умрни қисқартирадилар-да, бирорлар тутиб қолишга уринсалар, этакларини жаҳл билан силкиб, жаҳаннам сари ошиқадилар. Ножоиз ҳатти-ҳаракатлар, амалларга сарфланган вақтлар нафақат беҳуда, бехислат, балки кони зиён, кони увол, кони заволлигини, зинҳор-базинҳор чин умр саноfiga қўшилмаслигини англамас ғофиллар каби иш тутадилар.

Рустам юқорига томон жилиб-жилиб, машъала ва пақирни силжитиб-силжитиб, ўроқлаб йигирматача балиқ тутганда росмана қоронги тушиб, ҳарорат хийла пасайди, сув совуди, негадир балиқлар ҳам камайди. Бу содда, мўмин жониворлар ҳам анча муғомбир, устагар бўлиб қолишганми, чўқилаб қочиб-чўқилаб қочиб, уч-тўртта кулча нонни паққос туширишди. Рустам бир балиққа ўроқ ё санчқи урди дегунча шериклари яшин тезлигига тум-тарақай бўлиб кетишарди. Рустам шу қадар силлик, қўл-оёқсиз маҳлуқотларнинг хавф туғилган заҳоти ўқдай учиб қочиши, айниқса паҳлавон инсон ҳам эвини қиломайдиган кучли, шитоб оқимда ҳам юқорига караб бемалол, чаққон суза олишларидан ҳайратланарди. Тўр халтани сувга одатдагидан узокроқ солиб турар, балиқларнинг аввал майдалари, кейин иириклари битта-иккита бўлиб кела бошлишарди. Афтидан энди қорнини анча тўйғазиб, нафси ором олганлари, чалароқ тиф еғанлари қайтиб келмас, чамаси улар бошқаларни ҳам қуролли «ёв»дан огоҳ этишади. Ҳадемай балиқ бутунлай сийраклашди, иириклари деярли кўриниш бермай кўйди. Жажжи-миттилари ҳадиксирабгина яқинлашарди-да, яна бирдан дувуллаб «қўён»ни уришарди. Пақир тўлай деб қолувди, ҳар қалай, бугун иш ёмонмас, лекин Рисолатнинг бир ўзини ташлаб келгани яхши бўлмади, юраги қинидан чиқай деб ўтиргандир...

VIII

Шалдирاما овози сал баландлагандай туюлди. Рустам буни атрофдаги ҳар хил сас-садолар ўчганидан деб ўйлади. Иттифоко шишадай тиник, ялтироқ сув юзи хиралашиб, кўпаяётганини пайқади-ю, кўнглига вахима ўрмалади: наҳотки?..

У апил-тапил тошлок-ўзанга чиқиб қулоқ солди ва ер остидан келаётган кўрқинчли гулдирашни эшитди. Ҳа, бу шиддатли тус олаётган оқимнинг овози эди. Рустам машъалани, елим шишаларни ирғитди-да, зарур нарсаларни йигиштириб, орқа-олдига қарамай зипиллади. Уйлари рўпарасидан анча юкорилаб кетган эди. У йўлни қирихонига солди. Шиппак шапиллаб ғашига тегар, тез юришга халақит берарди, уни ҳам ечиб отди. Соҳилгача яна учта шалдирاما бор, ҳар бирининг оралиғи саксон-юз қадам келарди, оралиқлар эса тошлоклардан иборат. Рустам ҳар қанча ялангоёқ юришга ўрганган бўлса-да, шитоб одим отганда қиррали тошлар оёғига ботар, гоҳо юлғун ё бошқа буталарнинг бутоқли новдалари юзини тимдалар, лекин у оғриғу ачишишларга парво қилмай, югуришда давом этарди. Гоҳо чукурга мункиб, аранг ўзини тутиб қоларди.

Сувнинг шовқини тобора кўтарилади. Бу бало қаёқдан келдийкин? Ахир,

йигирма йилдан бери бундай ҳодиса юз бермаганди-ку. Түғри, катта қор ёқкан, баъзи серёғин йиллари чапазак олма пишиғида дарё сал ҳовлиқиб кўпонгларди, аммо бу даражага етмасди. Омбор очилиб кетса, вилоят етти газ сув тагида колармиш, деган юракка ғулгула солувчи «миш-миш»лар ҳам анча пайсал топган, халқ хотиржамроқ яшай бошлаган эди. Ё, сув тўпланиши меъёридан ортиб кетиб, енгиллатиш учун тўғонни озроқ очишимикин? Сувнинг совуқлигига қараганда шунақага ўхшарди. Ишқилиб, «Қора хўжа» бўлмасин...

Рустамнинг фикри-ёди шалдирамалардан тезроқ ўтиб олишда эди. Корон-ғида қадамни bemўлжал ташлар, тошлоқда югуриш қийин эди, тошларнинг бир-бирини эзib ғижирлаши ёқимсиз эшитиларди. Вақтнинг учқур оти одатдагидан ҳам жадал елаётгандай, йўл эса қисқармаётгандай туюларди. Ниҳоят, дастлабки шалдирамага етиб, унинг анча кенгайганини кўрди. Табиийки, ўзан ҳам чукурлашган эди, сув тиззадан тепага чиқди. Рустам чеълак ва ўрок тутган кўлларини кўтариб, шалдирамадан ўтди, энди сув тўпикка етган тошзордан яна чопира-чупир қилиб суро кетди. Товоонлари остидан тирқираётган сув бўйни, бетларига сачрарди. Оғирлашган шимининг муздай почалари шалоплаб, илигига тегиб совқоттиар ва тез юришга халал берарди. Пақир, ўроқни бир қўлига олиб, иккинчи қўли билан йўл-йўлакай камарини, шимининг тугмаларини ечди, ҳаккалаб, қоқилиб-суқилиб аввал бир оёғини, кейин иккинчисини чиқариб олди, енгил тортган матони сув бир ямлаб ютди-кўйди.

Энди сувнинг шовқини барадла эшитила бошлади. Рустам ҳансираб-пиншиллаб, кучининг борича чопар, икки кўзи уйлари томонда, лекин чироқнинг шуъласи милтираб, аранг кўринарди. Назарида Рисолат лампа пилигини тўхтовсиз пастлатиб-баландлатаётгандай эди. Бечорани ўтакаси ёрилмасайди, деб хавотирланарди. У хотинини ёлғиз қолдириб, овга тушганига афсусланарди. Сув кўз олдида ошиб-тошиб, пишқириб турса, бунақа ҳалокатни бир бор бошдан кечирган аёл кўркмайдими, кўрқади-да. Тошқин ҳам бугунга қараб турган экан-а. Шунча йиллардан бери одамлар, экинзорлар, дов-дараҳтларга ўзини тилло кўрсатиб, ўзани юқида жимгина жилдираётган дарё яна бир кун, бир кеча сабр қиласа, кейин қанча қутурсаям майлийди. Узоги билан бир соатда Рустам лаш-лушларини йиғишириб, идиш тўла ўлжасини ортмоқлаб чиқиб кетган бўларди. Ё бу иши Оллоҳга хуш келмадимикин?.. Рисолатни кўнглини кўтариб кузатай девди-да. Кўй гўштига ош дамлашни мўлжаллаб, ўз амакиси, Рисолатнинг акасини эртага пешинга таклиф этиб қўйишуви, ош устида уларга ўз келишувларини, яъни яхшилик билан рўзгорларини бўлишмоқчи эканликларини билдириб, фотиҳа беришларини сўрашмоқчи эди...

Кейинги шалдирама янада тарвайиб, икки тарафдаги тошлоқни ҳам тўла эгаллаган эди. Рустам энди сонидан сув кечиб борарди. Беш-олти кило оғирликдаги чеълак билан шитоб ҳаракатланиш мушкул эди. Рустам балиқнинг ҳам, бошқа майда-чуйдаларнинг ҳам баҳридан кечиш даркорлигини англади.

Соҳилга юз эллик қадамча қолган, ўртада яна бир шалдирама (энди у шалдирама ҳам эмас) бўлиб, бу масофани ҳозирги вазиятда камида ўн беш-йигирма дақиқада босиб ўтиш мумкин эди. Сув энди тошлоқда ҳам болдирга чиқкан, югуриш суръати тобора сусаяр, аммо Рустам мардона одимлар билан илгариларди.

«Рустам ака-а-а!..» деган қийқириқ келди. Ташқарига чиқиб, чироқни у ёқдан-бу ёққа тебратиб ишора бераётган бесарамjon Рисолатнинг жуссаси элас-элас кўзга чалинди. Қичқириқ дам ўтмай тақрорланди.

– Бор-яп-ма-а-ан!.. – овозининг борича жавоб қайтарди Рустам энтикиб. Лекин Рисолат эшитмади чоғи, чақиришда давом этарди.

Танаси вазминлашиб, қадами секинлашиб бораётган Рустам хотинининг овозидан, сергакланиб, жон-жаҳди билан олга интила бошлади. Миясида эса «у вахимада қолди» деган биргина фикр, фикр билан бирга боши ҳам айланарди. Вужудининг ярмидан тепаси қизиб, пешонаси, юзларидан тепчиётган терлар сув сачрамалариға қўшилиб қўзларини ачиштиради. Сувнинг совуклигини танасининг пастки қисми борган сайнин аникроқ сезар, айниқса, шилпиллаган калта иштон сонига чиппа ёпишиб, этини жунжиктиради. Ишқилиб, охирги шалдирاما-кечувдан ўтиб олса бўлгани. У ёғи хеч қанча эмас, аммо унгача ҳам анча йўл, анча муддат бор эди. «Рустам ака-а-а!..» деган ҳайкириқ эса тобора аникроқ, тобора вахимали, тобора ташвишли ва изтиробли янгарди. Рисолатнинг қаттиқ хавотирланаётгани, тоқатсизланиб уй олдида у ёқдан-бу ёққа зир югураётгани, нима қилишини билмай, Рустамни чақираётгани – лоақал шу чорлови, нидоси билан унга далда, мадад бўлишга тиришаётгани аён эди. «Келяп-ма-ан, келяп-ма-а-ан!..» дея ўзича қаттиқ садо берарди Рустам, аммо ҳансироқ билан қоришиқ, ҳадик, таҳлика залвори остида, дарё шовқини ичидаги қолган товуши ўзи ўйлаган даражада кучли, баланд эмас, борини ҳам шамол этакка – кунботарга учирив кетаётганди.

Нихоят, учинчи, сўнгги кечувга ҳам етди, энди у ерда шалдирама – ўзан мавжудлигини фақат икки томонда сувдан учлари чиқиб турган, аранг кўзга илашаётган юлғун шохларидан тахмин қилиш мумкин эди, холос. Қорамтирил ва қуюқ сув ҳаммаёқда тенг, лимиллаб, чинакам тошқинга айланаётганди. У кучайиб, одамни тебратадиган, сурадиган миқёсга етган, Рустам энди гавдасини олдинга энгаштириб, бутун вазнини оёқларига солиб, кўлларини баланд кўтарганича, қорни билан сувни ёриб, панжаларини чимдиб босиб, олга силжирди. Шунда ҳам оёқлари мўлжалдан ўзга ерга тушарди. Сув қўймичдан ҳам ошган эди. Рустам энди қанча шитоб ҳаракат қилмоқчи бўлган сайнин гандираклаб, қадамлари олдинга эмас, ёнбошга, оқим йўналиши сари кетарди. Сувнинг совуклиги жонидан ўта бошлади. Юзлари кўкариб, кўзлари шокосадай кенгайиб борарди. Ёдига бирдан шифокор-табибларнинг бел-оёғини, айниқса човини мумкин қадар шамоллатмаслик, совқоттирмаслик, ҳатто зах ерга ҳам ўтирмаслик тўғрисидаги огоҳлантиришлари, шунингдек, бир оёғининг совук сувда пай тортиб қолиши эсига тушди. Бир неча йиллар бурун радикулит билан бели, қўймичи ва оёғи қаттиқ оғриб, шифохонама-шифохона даво излаб юрганида бир невропатолог чап тизза остидан ўтган йўғон пай-томирга ўнлик шприцда гидрокортизон дорисини юборган, бу тажрибаний муолажанинг нафи сезилмагану аммо кейин ўша пай ҳар замонда увшадиган «хунар» чиқариб, анча тинкасини қуритган. У ҳолат анча йиллардан сўнггина йўқолиб кетган эди. Охиргиси Шоҳимардонда, Ёрдан азизнинг қорли тоғлар билан туташ водийсида, сайхонликда ёйилиб, шовуллаб оқаётган, тиззадан ҳам келмайдиган муздай сойни кечиб ўтаётганида юз берган. У оёғини тўсатдан қиррали нарсага уриб олгандай ихраб, сувга чалқанча йиқилиб тушувди. Ўшанда ҳамсафар оғайниларининг силаб-сийпалашлари билан акашак деган балодан бир чой қайнатим муддатда халос бўлган. Рисолат ўша ҳодисадан хабардор эди, унга бекор айтиб берган экан, ҳозир у шуни ўйлаб ташвишланаётгандир. Пай тортишиш жуда беъмани, бедаво нарса. Оёғинг бирдан ишламай, кесак бўлиб, ҳар қандай оғриқдан ҳам bemaza, ярамас бир нима вужудингни зирқиратиб, чимиллата бошлайди, ўзингниям идора этолмай, фикри-зикринг увшуган ерингдан жилмай қўяди. Яна ўша палакат тақрорланмасин-да. Бугун энди уни сувдан кўтариб олиб чиқадиган одам йўқ. Бирор хабар топиб етиб келгунча унинг жисми қаёқдаю, жони қаёқда бўлади – ёлғиз Худо билади. Ҳа, ишқилиб, эсон-омон қирғоққа етиб олсин.

Бундай тошқинда оёқ пай тортса, тамом, арзи ҳолингни ҳеч кимга айтольмай, икки қўлинг бошингда кетаверасан. Дод-войингни жон зоти йўқ бу маконда ким ҳам эшитарди?..

IX

Авайлаган кўзга чўп тушар. Сув бетида хас-хашак, майда шох-шаббапар оқиб, остида эса қандайдир дарахтларнинг тўнкасимон бўлаклари думалаб келарди. Рустамнинг тиззаси кўзига нимадир қаттиқ урилди, у чинқириб юборди, мувозанатини йўқотди, тўлқин уни ёнбошига ағдариб ташлади. Тамом, ҳаёт-мамотинг битди, Рустам!.. Сен ношукрлик касрига қолдинг. Оллоҳ сунмаган фарзандни деб... Кунинг баҳарнав ўтаятувди, кўплар сенга ҳавасда, хотинингга гап йўқ эди... Рустамнинг онгидан нари борса шунга яқин мулоҳазалар кечди, бошқа ўй бошига келиб ҳам улгурмади. Зоро, фикри-ёди қазойи муаллақдан омон қолиш, ўзини ўнглаб, кучли тўлкинга қарши курашиш фами, қайғуси билан банд эди. Ростланиб олиш, тик туриш, ғайри-шуурий равишида кўл чўзиб, ниманидир тутамлашга уринарди. Икки-уч умбалоқ ошди, ҳайриятки ўзан унча чуқур эмас эди. Бели, елкаларига майинроқ нималардир уриларди. «Юлғун!..» – ҳаёлидан ўтди, пайпаслади, бармоқларига бир нима илашди, жон ҳалпида унга ёпишди, лекин чангалидаги нарса уни тутиб қололмади, аксинча у билан бирга кетаверди. Рустам қўлидагини ташлаб, бошқа бир балони ушлади, гавдаси айланиб, оёклари оқим билан енгил суза бошлади. «Худога шукр...» кўнглидан ўтказди у, ҳали нима бўлиши номаълум, эҳтимол, бу болта тушгунча дам оладиган кунданинг қувончидай бир ҳолдир, лекин Рустам барибир рухланди. Чўкаётган чўпга ёпишар деганларидаи, бунаقا пайтда бир парчагина, пардай енгил ҳас ҳам офатдан кутулиш, жон сақлашга маълум бир сонияларга бўлса-да, илинж ўйғотади. Ажали етмаса, чиндан ҳам ана шу чўп ситилиб, ҳилвираб турган умр риштасининг узилмай қолишига баҳона, сабаб бўлиши мумкин.

Икки қўллаб юлғунга осилган Рустам бутанинг тагроғидан, йўғонроқ, бақувватроқ жойидан маҳкам чанглаб, шу аснода товонларини сув тубига тираб, оёқларини йигмоқчи бўлар, таёқдай қотиб қолган чап бути амрига бўйсунмасди, аксинча, чунон қақшатардики (хавф-хатар бир оз чекингач, оғриқ сезими кучайган эди), Рустам вой-войлаш, инграшдан ўзини тиёлмасди. Бир амаллаб соғ оёғини ерга қадади, шикастлангани эса ҳамон жонсиз, босишга унамасди. Муздай сув сон-саноқсиз игналар каби баданига санчилиб, зириллатиб азоб берар, кафтлари, тирноқларининг учигача безиллар, юлғун сирғалиб, сидирилиб кетадигандай, бутани қаттироқ сиқимларди. У шунчаки тошқин билан эмас, ажал билан олишаётгандай се зарди ўзини. Ҳақиқатда ҳам шундай эди. Мабодо панжалари юлғундан чиқиб кетса, бас, кутураётган тўлқинлар гавдасини чирпиратиб, бир нимага уриши ё гирдоб қаърига улоқтириб, чўқтириб юбориши турган гап эди. Шу аҳволда сувнинг совуғига қанча фурсат чидаши ҳам даргумон эди. Рустам бехосдан «Рисо-ла-а-ат!..» деб бақирди. Зоро, шу топда, бу яқин орада хотинидан ўзга кўмак сўрайдиган кимса ҳам йўқ эди. Аёл кишининг қўлидан нимаям келарди? Бақириб-чақиради, йиглаб-сиқтайди... Балки Рустам айни дамда жувондан мадад умидида қичқирмагандир, шунчаки унинг номини аtab, овозини эшишиб, тасалли топмоқчи ва ҳозирча мавжудлигини, шу яқин-атрофдалигини сездириб, яна бир кечалик муҳлати, ваколати қолган ёстиқдошининг безовта, хавотирли кўнглини бир оз хотиржам қилиб кўймоқчи бўлгандир. Сирасини айтганда, у жуфти ҳалолини нега, қандай мақсадда чақирганини дурустроқ идрок этадиган ҳолатда эмас эди. Афтидан таҳликали, қалтис вазиятларда каттаю кичик, ёшу қари тилидан ғайри

ихтиёрий равишда отиладиган «Она-а-а!..» деган нидо ўрнига Рустамнинг юрагидан изтиробли "Рисолат" атамаси портлаб чиқкан эди. Бу ҳайқирик барча томирларидан сизиб келгандай, бутун вужудини зирқиратиб юборди. Шовқин билан омихта шамол «Рустам ака-а-а!..» деган садони келтирди. Остин-устун олам титраб кетгандай туюлди назарида. Гувлаган, қалдираған товуш, сув остидаги түйкүс зарбдан эсанкираган катта-кичик, силлиқ, қиррали тошларнинг шарқираган саслари шу икки исмдан бошқа қаломни яхши эшиттирмас, англаштирмас эди. Ҳолбуки, орадаги масофа унча узок эмас, агар кундузи бўлганида улар бир-бирларини бемалол, аниқ-тиник кўра олишарди.

Оғриқ пасаяй демас, совук эса, аксинча, кучаяр, лекин энди шундок тошқин ялаб, анча-мунча кўчириб тушаётган қирғоқ ёқасидаги кулбанинг кўланкаси, кулба олдида қўлида чироқ билан шу томон нарига интиқ мода кабутардек талпинаётган жонсарак ҳамёстифининг юрагига яқин, қулоғига қадрдон овози, унинг ёнида тинимсиз хураётган Қайтмас, дарҳақиқат, Рустамга далда, куч бера бошлагандай эди.

– Рисо-ла-а-ат!.. – қичқириарди у. Бу қийқириқда илтижо билан бирга, эркакнинг аёлга, эрнинг завжасига меҳри, жудолик ҳадиги, ҳаётга ташналик, шунингдек, мардоналиқ, юпанч бериш муроди ҳам мужассам эди.

– Рустам ака-а-а!.. – чинқириарди Рисолат.

Бу жавоб-хитобларда қақшаб-титраётган мушфиқ, мунис жувоннинг мунгли фарёд-фигони, азиз ҳамдамини йўқотиб қўйиш таҳликаси билан бирга «мен вафодорингизман, сиз – ҳаётим, борлиғимсиз, сизсиз ҳолим нима кечади?» деган, масъулиятга, хушёрикка ундовчи, тетиклантирувчи даъват ҳам борлигини англаш мумкин эди. Фақат Рустам ҳозир буни мушоҳада қиладиган вазиятда эмасди.

Эр-хотин бир-бирларини аниқ кўрмасалар-да, бир-бирига интизор, ва-жоҳати бузук тун салтанатига ларза, титроқ солаётган нидолари ўзаро то-пишиб, қўшилиб, ҳамоҳанг жаранглар, бу жарангнинг акс-садоси эса тошқин ҳайқириғи билан аралашиб, бешик-бешик тўлқинлар узра жуда кенг қамровда тараларди. Аммо сув шовқини ва Қайтмаснинг безовта вовуллаши бир-бирига муштоқона интилган икки сазонинг орасига тушиб, тиниклигига соя соларди.

Рустам ҳали-ҳамон лат еган оёғини сув остидаги тошлоққа босолмас, ҳамон дурустроқ қимирлатолмас эди. Шунда у тахмин қилдики, тиззага шикаст етган пайтда, демак, увушиш ҳам бошланган, жонига ҳамон юлғун ора кириб турарди. Уни қўйиб юбориш, олдинга қадам ташлашни хаёлга келтириш ҳам душвор эди. Шу ахволда қачонгача бардош беради-ю, кейин нима бўлади – Рустам буни ҳам билмасди, тасаввур қилолмасди, миёсида бирон-бир жўяли фикрнинг ўзи йўқ эди. Қўллари қанчагача чидаса, шунча жон сақлаш мумкин эди, холос. Яхшиямки, шу ерда унинг баҳтига пишиқчайир шу бутанинг борлиги, бошқа ҳар қандай ўсимлик аллақачон синиб ё айрилиб кетарди-ю, Рустам онасини учқўргондан кўрарди. Балки бу Худонинг меҳрибончилигидир. Бошқача бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Демак, умид чирогини пуфлашга ҳали зерта. Аллоҳ қурдатли ва раҳмидил: хоҳласа чўқтиради, хоҳласа оқизади, хоҳласа омон қолдиради...

X

Маҳалладан кўмак чақириш мумкин, лекин Рисолат бир чақиримдан зиёд жойдан одам топиб қайтгунча совуқдан тарашадай қотиши ёки қўллари толиб, юлғундан чиқиб кетиши ё хушини йўқотиши ҳеч гапмас... Хотини сал нарироқдан «Ёрдам беринглар!..» деб қийқирса-чи? Унда маҳалла ёпири-

либ тушса, бир тутам бутага осилиб турган Рустамнинг ҳолини кўриб роса кулишмайдими? Эртага бу гап бутун қишлоққа тарқалмайдими? Ҳар хил миш-миш тўқилиб, Асқарнинг қулогига ҳам чалинса-чи?.. «Ўзини эпломайдиган ландовур Рисолатни қандай кутқариб олувдийкин?..» деб ўйламайдими? Бунақа шармандалик ўлимдан баттар-ку, ундан кўра... Лекин бир мўъжиза рўй беришини кутиб туравериш ҳам мумкинмас, қандайдир чора излаш, ҳаракат қилиш керак-ку!.. Бирдан Рустамнинг ёдига омборчадаги олтилик сим ўрамаси тушди, у узун – неча метрлиги эсида йўғ-у, юз эллик қадамлар чамаси наридаги шийпондан электр тортишга мўлжалланган, ҳар қалай, шу ергача бемалол етиши аниқ эди. Бир учини айвон устунига боғлаб, тортиб келинса, ўшанга осилиб, қиргоққа чиқиб олса бўларди. Бунинг учун кучли бир қўл зарур. Демак, барибир Рисолат Одаш полвонга бориши керак. Полвон уйида бўлмаса-чи? Унда, бошқа камида иккита йигитни... Шундай тошқинда, яна аллавақтда муздай сувга тушгани ким ҳам жон деб югуриб келарди. Бир нави унайдиган ҳам топилар, ахир, маҳалла издиҳомларида Рустам ҳамиша ҳозиру нозир-ку, аммо, шундай бемахалда, зим-зиё сўқмоклардан Рисолат у ёққа бир ўзи қандай боради?.. Айтгандай, Қайтмас бору...

Рустамнинг бир хаёли ишкан оёғи ва қўлларида эди. Бўғинлари зирқираб, назарида бармоклари бутанинг нозик учига яқин келиб қолаётгандай, чайир новдага янада қаттиқроқ, жон-жаҳди билан тирмашарди, кафтларига ғадир-будир танаси ботиб, тилиб, қонатиб юборгандай туюлар, панжалари ачишарди.

Шовқин сал сусайгандай эди, аммо тўлқинлар Рустам билан ўчакишгандай, унинг қаршилигини синдиришга жазм қилгандай, қорнидан зарб ва жаҳд билан орқага итаарди.

Рустам тун чуқурлашган сари зимиstonнинг янада қуюқлашишидан чўчиётганди. Сувнинг тўқ ранги кечанинг туси билан уйгунлашиб борарди. Кўкда, гўё тўсатдан чироқ ёнгандай, лоп этиб саккиз-ўн кунлик ой кўринди ва унинг нурлари алғов-далғов сув юзасида сакраб-сапчиб жилвалана бошлади. Сиёхий билан оқ, зулмат билан ёруғлик, дағаллик билан майнинлик, ёввойи ваҳшат билан латиф бир маъсумлик ўзаро уйқашиб кетди, атроф – қорайиб пастлаган осмон ёришиб, бирдан дарпарда каби тепага кўтарилигандай, соҳилдаги қўқкайган уй, қўлида тошфонар тутган узун оқ қўйлакли аёл хийла равшан кўзга ташланди.

– Рисола-а-ат! – қичқирди Рустам, энди унинг аниқ эшлишига ишонч ҳосил қилгандай. Жувон питиллаб қолди, аммо чироғ ушлаган одам қоронғилиқдагини яхши илғамайди-ку, «Рустам aka-а, қаерда-си-из?..» – деб нидо берди.

– Мен яқинда-ма-ан!..

– Нима бўлди-и? Нима қилай?.. – Рисолат сал хотиржам тортгани товудан сезилди, сўзлар чиндан ҳам росмана тушунарли эди, чунки тошқин шаштидан қайта бошлаганди.

– О-ё-ғим у-ву-шиб қол-ди-и! – иложи борича қаттиқроқ бақирди Рустам. – Ом-бордаги сим-нинг бир у-чи-ни ус-тун-га бай-лаб, мен то-мон-га тор-тиб ке-лиш ке-ра-ак! Маҳал-ла-дан О-даш пол-вон-ни ай-тиб ке-лиинг! Қайт-мас-ни бош-ла-во-линг!..

Қирғоқдаги оқ либос фойиб бўлди. Чопқиллаб кетди бояқиш, ишқилиб, Одаша-ли уйда бўлсин-да, энди у ҳаллослаб этиб тушиб, симни бу ерга тортиб келгунча оёғи, қўллари чидаш берса, юлғун синиб ё узилиб кетмаса, бас. Рустам ўзини чалғитиш учун яна тахминий ҳисоб-китобда давом этди: маҳаллага югуриб, ўн дақиқада борса бўлади. Одаш полвонни чақи-

риб, унга воқеани тушунтириб, у тайёрланиб (бир сидра қўшимча кийим олиши керак) чиққунича, камида беш-олти минут, хуллас, ярим соат кетади. Лекин ҳозир кечаси, бунинг устига аёл киши эркакчалик тез чополмайди, демак, кўпроқ фурсат ўтишиям мумкин. Мабодо Одашали уйида йўқ бўлиб, бошқаларни, масалан aka-ука Қобил ва Қодирларни қидиришга тўғри келса-чи? Унда, тамом бўлдим деявер, оғайни. Албатта, унгача бута ё қўл – иккисидан бири...

Рустам ҳамон бир оёқда жон сақларди: гавдаси тебраниб, мувозанатини йўқотар, азбаройи шудли, абжирлигидан ўзини аранг тутиб қолмоқда эди. Уни муқаррар ҳалокатдан омон асраб турган оёқ ва билакларининг ҳам мускуллари зўриқиб, қотиб бораётганини англарди. Захира куч топиш зарур эди. Сув шовқини пасайгандан кейин оғриқ ҳам бир қадар енгиллаганга ўхшади. Иккинчиси билан жипс-лаштириш ва ерни босиш учун нософ оёғини аста олдинга тортиб кўрмоқчи бўлди, лекин ҳайҳот, у жойида йўқ эди! Эсанкираган Рустам беихтиёр сийпалаб кўришни кўнглидан ўтказди, лекин юлгунни якка қўл билан ушлаб туролмайман, деб ўйлади. Демак, оёқ чиндан ҳам увушиб, караҳт бўлиб қолган. Бу фикр кўркув хиссини жунбишга келтирди. Ҳаётнинг нақадар ширин неъмат эканлигини балки у умрида илк бор туймоқда эди. Яхшики, иккинчи оёғида бундай дард йўқ, акс ҳолда...

Рустам бошини кўтариб соҳилга қаради-ю, айвон ёнида тимирскиланаётган қора кийимли бир шарпага кўзи тушиб, оғриқни ҳам унуди... Шу пайт қароғлари кенгайиб кетганини ўзи пайқамас эди. Ким бўлди у, нима қилиб юрибди?

– Рисола-ат!? – чақирди асаблари таранглостиб.

– Ҳо-зи-ир, Рустам ака, ҳо-зир!..

У енгил тортди, аммо жаҳлидан тушмади, ғижинди, жон азизлиги туйғуси энди ўзга ҳиссиётларни икки ёнга суреб, олдинга юлқинарди. «Ҳалиям кетмабди-да. Роса толқон еб, сувга буюрадиган экан-ку. Шу пайтгача (гарчи кўп вақт ўтмаган эса-да, бу муддат Рустам учун хийла узоқ туюлган, наздида, Рисолат ҳозир ярим йўлга етган бўлиши керак эди) нима қилдийкин, ивирисиб? Шундай долзарб дамда кийим алмаштиришга бало бормиди?.. Бу ёқда мен нима аҳволдаю... Барibir хотин кишилигига борар эканда. Ё, гапимни тузук уқмовдимикин?..»

– Рисола-ат! – бакирди у яна.

– Мана-а, келяп-м-а-а-н, бирпас чида-анг! Худо жонингизни омон қилсин, эҳтиёт бўлиб туринг!..

Овоз янада тиниқ келди, шамол ва тўлқинлар важоҳати ҳам анча кучсизланган эди.

XI

Совуқ секин-аста вужудининг тепа қисмини – жикқа ҳўл кўйлаги чиппа ёпишган баданини ҳам забт эта бошлаган Рустам жунжикиб қалтиради. Энди уй томонга астойдил тикиларкан, Рисолат шу тарафга юраётганини элас-элас илғади. У қирғоқдаги зиналардан секин-аста пастга эниб келарди. Беихтиёр капалаги учди. Нима қилмоқчи бу эсини еган хотин?! Симни ўзи олиб келмоқчими? Демак, унинг буйругини чинданам яхши англамаган экан. Ҳозирги аҳволи ҳам ҳолва бўлиб қолмасайди...

– Қайтинг, Рисолат, қайти-и-и-инг!

Аёл эшитмадими, жавоб бермади.

– Рисо-ла-а-ат!.. – жони борича бакирди Рустам.

– Ҳавотирлан-ма-анг!

Аёл бошқа гап айтмади. У аллақачон сувга тушган, бўйи пасайиб, жус-саси кичрайиб кўринарди. Рустамнинг хуноби ошиди. Шунча азоб-ташвишга энди буям иш ўздириб ўтирмаса гўргайди. Тўлқин этакка суреб кетса борми... Хадик вахимага айланди, совуқнинг дами ўткирлашди. Иккинчи оёқ ҳамон караҳт. Рустам қон юришини тезлаштириш учун ҳаракатланиш керак, деган қарорга келди, миясида шу фикр туғилганидан суюниб кетди. Кўз ўнгидаги сув остида мураккаб машқлар бажарадиган уришқоқ йоглар гавдаланди.

– Эй Парвардигор, ўзинг мадад бер, иликларим, билакларимга куч ато айла!..

Бир оёқлаб, иккинчи, ғўладай жонсиз бутни осилтириб, шиддат билан оқаётган муздай сув ичидаги ўтириб туриш эса ҳазил эмасди. Аммо ҳар қандай иш, машғулот ҳам аввалида қийин кечади. Рустам оҳиста чўнқаймоққа тутинди. Дардманд, боз устига увшган пай тиз букиш, ростланишни мураккаблаштиrsa ҳам оёқда ҳар қалай озгина сезги ўйғонган эди. Бироқ энди салгина эгилсач оғриқ кучаярди. Рустам оёғи караҳтлик, акашакликдан озод бўлаётганига қувонди. Демак, синмаган экан, шунисигаям шукур. У азобу машқатни писанд этмай, тишини тишига қўйиб, чала-ярим ўтириб-турса бошлади, ланг оёқнинг инжиқлигидан ташқари ҳануз бўш келмаслик пайида шовқин солаётган сув шиддати эркин, дадил қимирлашга монелик қиласарди.

Рустамнинг хаёли машқда-ю, икки кўзи хотинида эди. Рисолат масофа-нинг ярмидан ўтган, симни бир қўлида тортиб, таранглаштириб, иккинчи-сида ўрамни ёзив, гавдасини ортга ташлаган ҳолда орқачасига юриб келарди. Неча йиллардан бери яйдоқ тошлок бўлиб ётган ўзанда ҳозир гувуллаб оқаётган сув аёлнинг белига чиқкан эди. Рисолат билан бирга, унга урилиб шашти қайтаётган, аммо яна андак кучаяётган тўлқиннинг умумий шовқиндан фаркланиб турган норизо, шикоятомуз овози ҳам яқинлашиб келарди.

Вақт ўтиши қанчалик мушкул туюлмасин, у барибир тўхтаб қолмайди. Вақт барчага, бутун мавжудотга ҳукмини ўтказадиган ягона қудратли куч, ҳеч ким, ҳеч нарса уни ўз измига сололмайди, уни бир лаҳза, бир сонияга ҳам юргизмай кўёлмайди. У бамисли мана шу тошқин – унга ғов, бўғов солишининг асло иложи йўқ. Вақт учун хурсандчиликнинг ҳам, мусибатнинг ҳам аҳамияти, қизиги йўқ, у – кўринмас юҳо – ҳамма нарсани комига ютади, ўлигу тирикни, хўлу қуруқни хиссизларча босиб, янчиб, ҳатлаб ўтаверади. Ундан шафқатсизроқ, ундан меҳрибонроқ омил топилмайди. Одам-зодни ниятига етказадиган ҳам, қабрга етказадиган ҳам – вақт. Айни дақиқаларда ҳам у ўз чизигидан чиққани, ўз қонуниятидан чекингани йўқ. Рустамнинг тиззасига нимадир қарсиллаб урилиб лат еган лаҳзадан, мана, Рисолат ёнига яқинлашгунча у қанча заҳмат чекди, уқубат тортди, чинқириб вой-войлади, жигибийрон бўлди, кўнглидан не-не ҳаёллар кечмади, ҳали яна қанча риёзат, қийинчилик кўради – у билмайди. Вақт миллари эса айланаверади ва неки мавжуд ва мұхайё – шодликни ҳам, қайғуни ҳам ниҳоясига элтиб нуқта қўяди-да, ортига ўгирилмай, ёнига ҳам қарамай, йўлида давом этаверади. У асло секин юрмайди, юролмайди – шундай дастур, вазифа юкланган зиммасига, ҳатто ҳастахонаю ҳибсхоналарда ҳам фақат чопади, югуради, олтмиш, етмиш йиллик умрни ва ҳатто асрларни ҳам ҳаш-паш дегунча манзилга, ўтмиш, йўқлик қаърига улоқтириб ташлайди. Вақт – табиб, вақт – энг олий ҳакам! Асли у табиблиқдан ҳам, ҳакамлиқдан ҳам мутлақо хорижда, у шовқин-сурон ҳам кўтармайди, жимгина, сассизгина илгарилайверади ва шу аснода ҳар қандай муаммо, тугун ўз-

ўзидан ечимини топаверади – хаста тузалади ё дунёдан күз юмади, низолар, ихтилофлар у ёки бу томон фойдасига ҳал бўлади, ким оромкурсидан қулайди, бошқаси амалга минади, ким орзусига етади, кимнингдир икки кўли бошида кетади... Бу борада фақат бир синоат – нариги дунёда вақт қандай кечишини (диний рисолалардаги ҳайратли, ҳайбатли хабарлардан ташқари) ҳеч ким аниқ айтольмайди. Бу дорилфено бандалари имконияти, онгидан ташқаридаги жараёндир...

Айни дамда эса вақт Рисолатни Рустамнинг ёнига олиб келди. Хотининг сувга тушаётганини кўриши билан Рустамнинг ғайратига ғайрат, бардошига бардош қўшила бошлаган эди. Илло, заифа зотининг кўмагига муҳтоҷлик қанчалик хижолатли, қанчалик аянчли ҳол! (Ночорлик одамни нима куйларга солмайди!) Бунинг устига ўша кўмак етиб келгунча ё амалга ошгунча мўлтираб, қўл қовуштириб кутмоққа мажбур бўлиш эса бафоят малол – фирт шармисорликнинг ўзи! Рустам рафиқасининг шарпаси юрагини умид билан қувватлантиргани, унда ишонч пайдо қилгани, мана шу умид ва ишонч уни тетиклантирганини рўйи-рост тан олгиси келмасди. Рисолат яқинлашар экан, у ўзини бардам, шижаатли кўрсатишга, юлғунни бармоқларидаги сўнгги мадор, ор-номус зўри билан аранг ушлаб турганини, совуқдан қалтираётганини, оғриқ ҳамон азоб берётганини сездирмасликка тиришарди. Хаёлан яна йогларни эслаб, мен совқотмаяпман, оёғим ҳам оғриётгани йўқ, дея дилида тақрорларди.

– Мана, ушланг, – деди Рисолат симни узатиб. Ойдинда унинг сув сачраган юзлари янада тиниқлашгандай, ёшариб кетгандай кўринарди. Сочларини ихчам турмаклаб, устидан Рустам шу йил эрта баҳорда туғилган кунига олиб берган шоҳи рўмолни ўраганди. Толим-толим қаро зулфлари рўмол ташқарисида қолган эди. Бошқа маҳал бўлганда ёдига ўша машъум, дарвоqe, унга Рисолатни «инъом» этган тошқин тушиши мумкин эди. Ўз бекасини муқаррар ҳалокатдан асраган ҳалоскор, табаррук соchlар ҳақида эр-хотин кўп гаплашишар, шундай кезда жувон ички бир мамнуният, балки бир оз фахр билан узун кокилларини сийпалаб, ўйнаб ўтиради. Бу соchlар, табиийки, илгаригидан бир оз сийраклашган, енгиллашган, Рисолат анчадан бери уларни орқасига ташлаб юрмай қўйган эди.

Рустам ўнг қўлини юлғундан бўшатиб, шудгорда ўрмалаётган қора илонни эслатувчи иланг-билинг симга чўзган эди, унинг учи тўлқинлар қатида кўринмай қолди – Рисолат Рустам тутди деган хаёlda қўйиб юборган эди. Яхшики сим Рустамнинг соғ болдирига урилди, у ўнг қўлида ҳамон юлғуни маҳкам тутганича, тимирскилаб, симни сув юзасига чиқарди. Шу аснода Рисолат Рустамга бақамти келиб, унинг чап кифти билан тирсаги ўртасидан ушлади.

– Келинг, қўлингизни қўтаринг, – деди у.

Рустам хотинига суюниб, иккинчи қўлини ҳам юлғундан эҳтиёткорлик билан бўшатди-да, симга икки қўллаб қарийб осилиб олди. Жувон эрининг қўлтиғига кириб, ўнг билагини белидан ўтказиб, маҳкам кучоклади. Рустамнинг мускулларидаги таранглик бўшашгандай бўлди, орият ҳақидаги мулоҳаза, андишалар ўз-ўзидан чекинди, икки вужуд бир-бирига қапишган чоғда эркакнинг танасига тафт югурди, юзига яҳдай сув ҳам совутолмаган илиқ нафас урилди, рўмол оғушидаги зулфи анбарнинг таниш, хушбўй ҳиди димогини, ҳамиятини қитиқлади, ўзини бардам ҳис эта бошлади. Энди бу ёғи енгилдай, соҳилга осонгина чиқиб олишадигандай туюлди. Иккинчи оёқ ҳам сал-пал босишга яраб қолган эди, аммо тош қаттиқроқ ботса, зирқироқ миягача чиқиб кетарди. Шу ахволда шафқатсиз долгалар билан йўл талашиш, олишиш кони азоб эди. Хайриятки, улар қияроқ «сўқмоқ»

солишилари мумкин эди. Нима бўлганда ҳам, аёл жинси ёнида ҳар қанча оғригу, машаққатга чидаш керак, шарт! Хотин кишики, сочда "сочбоги" билан шундай омонисиз тошқинда қутқаришга етиб келса-ю, у белда "белбоғи" билан инқилаб-синқиллаб ўтиrsa, уят-ку. Тишини тишига маҳкам бо-сишдан ўзга чора йўқ. Оҳ-воҳ билан дард пайсал топиб, кулфати енгиллашиб қолмайди-ку.

XII

Рустам сим тутган қўлларининг бир унисини, бир бунисини олдинга ўтка-зид, Рисолат ҳимояси, кўмагида оёқларини ҳам жилдирад, аммо жуда се-кин харакатланишга тўғри келарди. Боз устига сувнинг залвори, қаршили-гини енгиб, икковлашиб олға силжиш янада захматли, дарғазаб тўлқинлар аро қўлтиқлаб, қўлтиқ остида қадам босиш эса баттар қийинчилик туғди-рарди. Хотинининг елкаси тагида, унга осилиб юриш жуда ноқулай, ноxуш эди, унинг баданидан инаётган ҳарорат, уятдан анча жонланган, дадил-ланган Рустамда алоҳида-алоҳида одимлаш фикри туғилди.

– Сиз аввалроқ юринг, Рисол, – шундай деб, симни таранг тортиб турди. Рисолат у билан ўрин алмашди.

Рустам бош чайқади, у ўзича аёлини орқадан ҳимоя қилиб кетишни кўзла-ганди, лекин икки одам замбарда юқ ташигандан асосий салмоқ олд та-рафдаги шерик чекига тушади... Хозир ҳам айнан шундай – Рисолат сувни ёриб, йўл очиб бориши керак эди. Унинг эътирозига қарамай, яна жой алмашинишди. Хартугул, Рустам анча қувватланиб, бардамлашиб қолган-ди. Қора тун чойшабини йиртиб, қайсар тўлқинлар "ёли"ни қайриб, вабо-дай тошқин ҳамласи, ваҳмини синдириб, совуқ сув заҳрини ютиб, аччик шамол найзаларига ўмган тутиб интилиш қанчалик үқубатли, нечоғлик оғир бўлмасин, барибир илгарилашарди. Фалакда ой уларни ҳаяжон билан ку-затар, вақт эса хижолатда, тахликада эди.

- Симни маҳкам ушланг, Рисол, – деди Рустам орқасига яrim қайрилиб.
- Ўзингизга эҳтиёт бўлинг, оёғингиз яхшими?
- Анча тузук. Нимага бундай қилдингиз?
- Уйда гаплашамиз.

Қадам-бақадам сурилишаркан, Рустамнинг дили ёришиб борар, жизил-лаб ачишаётган қўллари, лат еган, қақшаётган оёғига «яна бир пас чидан-глар, бир пасгина...» дея тасалли берар, ўтинар, баланд овозда «келяп-сизми, Рисол, совқотмаяпсизми?» деб қўярди. Ичida ўзига ҳам Худодан куч-қувват тилар, завжай муҳатарамасини паноҳида асрашни ўтинарди.

Рисолат оёғи чуқурликка тушиб кетса ё қиррали тошни босиб олса, беихтиёр "вой!" деб юборар, Рустам дарҳол имкони борича орқасига бу-рилиб, "нима бўлди?" деб ҳол сўрар, қаттиқ хавотирлангани овози оҳангидан билиниб турарди. Жувон дарров эрининг кўнглини тинчitarди-да, "менга қарайвермай, тезроқ юраверинг", дея ундарди. У аргувоний вилюр кўйлак ва сафсарранг авра камзулда эди. Турмак, рўмолдан қочган хўл соч тола-лари манглайи, яноқлари узра силкиниб йилтилларди. Рустам билан изма-из борар, боягидек ҳар замонда тасодифан вой-войлашини ҳисобга олма-ганда, тошқиннинг қаҳридан ҳам, юришнинг мушкуллигидан ҳам шикоят қилмасди. Хийла кучли, иродали экан, кўнгиллади Рустам, анча-мунча за-ифанинг бунақа синов, бунақа қийноқقا дош бериши маҳол.

Шу лаҳзаларда Рисолатнинг ҳали мижжаларига ажин ёндошмаган йи-рик кўзларига синчиклаб назар ташлаган киши унинг зинҳор оғринмаётга-ни, зорланмаётгани, аксинча, инсон ўз ишидан мамнун чоғларда зоҳир бўладиган шукуҳ ифодасини илгарди.

Бу гал вақт ҳам ўз қатыятидан чекинди – узок ва ўта захматли түюлган масофа ё мүлжалдаги муддатдан анча тез босиб ўтилди ё камдан-кам ҳоллардагина раҳм-шофқат ҳислариға ён берадиган фурсат чиндан-да ўзини панага тортиб, қунишиб, қотиб турди. Ҳа, ҳамиша музaffer ва ғолиб вақт шу оқшом дунёнинг овлоқ бир канорасида оддийгина бандалар, кўнгиллари ярим жуфтлик томонидан мағлуб этилди! Нафақат вақт, балки бу кеча фавқулодда қутурган дарё – тошқин ҳам ва яна таҳдидли, юракка қутқу соладиган бошқа ёввойи кучлар ҳам енгилди! Бари, бари меҳр, мухабbat хузурида, оқибат, садоқат қаршисида, жасорат, матонат қошида баш эгди! Ҳардамхаёллик, умидсизлик ишонч, жаҳду шижоатга мусаллам бўлди!..

Соҳилга яқинлашиб қолишганини кўрган Рустам симни қўйиб юборди. Бу ерлар чукур эмас – тиззадан холос, тўлқинлар шиддати ҳам ҳамин қадар эди. У тўхтаб орқасига шарт ўгирилди-да, Рисолатни даст кўтариб олди, унинг уст-бошидан шаршарадай сув қўйилди.

У питирчилади.

– Нима қиляпсиз, уятсиз киши, туширинг, оёғингиз оғрийди...

Рустамнинг оёғи чиндан ҳам, аввалгича бўлмаса-да, симилламоқда эди, бундан ташқари унинг фаразиша Рисолат шалаббо кийимда бир мунча оғирлашган бўлиши керак эди, аксинча, у енгил туюлди, «оёғим яхши», – деди у ва олдинга дадил интилди.

Кўп йиллардан, балки тўй оқшомидан буён бунақа хузур-ҳаловатни туймаган аёл тортишиб турган баданларининг мумдай майинлаша бошлаганини ҳис қилди ва эрининг бўйнидан гира солиб қуҷоқлаганича кўзларини юмиб олди. Рустам ҳам, Рисолатнинг ўзи ҳам унинг бошидан рўмоли сидирилиб, икки ўрим узун соchlарининг ярми сув юзасида енгил селпиниб, эркаланиб сузаётганини пайқамас эдилар. Иккиси ҳам ўз хаёллари, завқлари билан банд – Рустам муқаррар ажал комидан соғ-саломат чиққани, Рисолатни ўз оғушида кўраётганидан ўзида йўқ, жувон эса, балки забардаст, баҳодир йигит қўйнида, ҳис-ҳаяжонлар гирдобида яна жаннатий васл маъвоси – гўшанга томон бормоқда, қиз зоти умридаги энг лазиз, беназир ва бетакрор онлар нашъу намосини қайта сурмоқда эди...

Дарёning сўри, саёз жойларини шалоплатиб, қуруқ тошлоққа – зина йўл остонасига етишгач, Рустам ҳалоскорини эҳтиётлик билан, оҳиста ерга қўйди, улар ўзаро бағирлашганча, ҳамма нарсани, ҳозиргина рўй берган мудхиш воқеаларни ҳам унугиб, бир неча сония туришди. Хуришни тўхтатиб, зиналардан югуриб тушган Қайтмас сўйкалиб уларни искар ва фингширди. Думи гажжак чипор мушук эса, жар лабида, буларга қараб бетоқатлик билан миёвларди.

Тошқин шовқини энди иккаласининг қулогига ёқимли бир мусиқадай эшитилиб, дилларига ором бағишлиарди гўё.

– Рисолат... – деди Рустам бутун меҳри, қувватини шу исмга жо айлаб.

– Юринг энди, тезроқ уйга кирайлик, – Рисолатнинг овози майнин ва бироз хоргин эди.

Пиллапоялардан бир-бир кўтарилиб (ҳамон оқсок оёғини авайлаб босаётган Рустам умр ҳамроҳининг қўлини қўйиб юбормасди), уй саҳнига чиқишиди. Сувнинг салқин шабадаси шу ерга ҳам баралла уриб турарди. Эрхотин титраб кетишиди. Рустам эшикни очди. Илиққина хона уларни паноҳига олди. Рисолат икки қанотли мўъжазгина жавонда тахланган кийимлар орасидан қалинроқларини топди. Бир-бирларига тескари ҳолда, Рисолат

ўтириб, Рустам тик турганча уст-бошларини алмаштириши. Совукни энди сезгандай, Рустам баттарроқ дириллай бошлади. Унинг сўзи билан Рисолат тугиб қўйилган, тугилмаган бор кўрпа-тўшакларни (худди илк никоҳ кечасидагидек) апил-тапил тўшади. Рустам қалин, лўмиллаган ўрин қатига ўзини урди-да, уни ёнига чорлади.

- Келақолинг, совқотяпман.
- Спирт бўлганда баданингизга суркаб, ишқаворардим, бекитган-секитган «анақа...»ларингиздан йўқми?

– Ҳа-а, «антахур» денг, «антахур»... Бўлиши керак, – деди хотинининг оқилона фикридан жонланган Рустам. – Омборда, бўш шишалар сақлана-диган пласмасса яшикда, – у ўрнидан тура бошлаган эди, Рисолат кафти билан «қимирламанг» деган ишорани билдириди.

– Мен сизчалик совук еганим йўқ, яхшироқ ўраниб олинг, – Рисолат елкасига жун рўмол ташлади-да, тошфонар билан ташқари чиқди, бир оз ҳаялдан сўнг ёрлиғига «Андижон ароғи» деб ёзилган новча шишани ижир-ғангансимон кўтариб кирди.

Рустам чўккалаб ўтириди-да, шишанинг бурама қопқоғини очди. Дилида ярим пиёла ичворсаммикин, деган истак ғимирлади-ю, аммо ниятини Рисолатга ошкор этгиси келмади, бу зормандани хушламайдиган аёли шундай пайтда ичкилик кўнглига сиққанини..., деб нотўғри тушунмасин, ранжи-масин, деди.

- Аввал сизга суркаймиз, – деди у куч билан жилмайиб. – Ечининг.
- Йўғ-е, нима деяпсиз? – эрининг кўзларига тикилди Рисолат.
- Сиз ҳам сувда анча юрдингиз, спирт, ўзингиз айтгандай, совукни зах-рини кесади. Сувда шабадалаган ёмон, одам қаттиқ касал бўлиб қолиши мумкин.

Рустамнинг барибир айтганини қилдиришини билган Рисолат иккила-нарди.

- Тезроқ!.. – буюрди Рустам жиддий оҳангда.
- Хўп, қарамай туринг, – деди жувон ва ўрин четига омонат чўнқайди-да, қўлларини ёнбошидан ўтказиб, ҳозиргина кийган ҳаворанг помбархит кўйлаги, пуштиранг тунги либосининг орқа этагини қайириб, курагигача кўтарди, кейин бир қўлини елкаси оша узатиб, ушлаб олди.

– Бўлдим.

Ёш боладай одоб саклаб ўтирган Рустам унга юзланди.

– Ётволмайсизми? Оёкларингизгаям суркаридик.

– Йўқ, орқамга суркасак етади.

– Сал энгашинг бўлмаса.

Рустам «антахур»дан кафтига тўқди, ўткир ҳид гуп этиб хонага таралди. Рисолат бўш қўлида рўмолининг учи билан оғзи-бурнини беркитди. Рустам ароқни хотинининг қордай оппоқ, мармардай силлиқ ва тиник бели, ку-ракларига суркай бошлади. Бадан таранг ва иссик эди. «Иссиқчанмикин...» деган Фикр Рустамнинг онгидан лип этиб ўтди. Қўлини Рисолатнинг қўлти-фи тагидан чўзаётган эди, у «ножўя ҳаракат қилиш йўқ, беадаб киши», деди-да, чиганоғини бикинига қадаб, қимтиниб тўсинди.

– Ўпкангизгаям суйкамоқчийдим, – деди Рустам.

– Эътиборингиз учун, ўпка орқа тарафда бўлади, – эътиroz билдириди Рисолат. – Фақат анатомиядан яхши ўқиганман деб мақтанаардингизу...

Рустам кулди.

– Сиз ҳам анатомиядан яхши ўқиганакансиз-да, менга ўхшаб, асалим...

– Тезроқ бўлақолинг суюлмай, спиртни ўзи асосан сизга суйкашимиз керак.

Рустам бояги тахлитда уч-тўрт қатла кафтларига “захри қотил”дан қуйиб,

Рисолатнинг орқасига обдан, беозор ишқади. Жувоннинг вужуди чўғдай қизиб кетди.

– Бас қилинг-эй, – деди у ва этагини туширди. – Ечининг.

Бир дақиқадан сўнг Рисолат тиз чўкканича, лаб-даҳанини қимтиган кўйи, калта иштонда мук тушиб ётган эрининг совуқдан лоладай қизариб, товуқ терисига ўхшаб қолган этига – кураги, белу бикинларига, бақувват сон ва болдиrlарига ароқ суртаркан (оғриқли оёғи сийпаланаётгандан Рустам секин “им-им...” деб қўярди), бу жисм, бу жуссанинг унга нақадар яқин ва азиз, ёқимли эканлигини кўнглидан ўтказарди. Бир оздан кейин Рустам ўгирилиб, чалқанчасига узала чўзилди. Рисолат унинг корнидан пастига чойшаб ёпиб, муолажани давом эттирди. Кенг, қабариқ ўмровга, киндик атрофига, елка-қўлларга ма-йин шапалоги билан “радди бало”ни астойдил, едириб суркади. Бадъаз тиззалар, болдиrlарга ўтди, оёқлар ости, товон, панжаларни ҳам ола қўймай ишқаларди. Рустам эҳтиросли, меҳрли нигоҳини хотинининг бўғриқиб-кўпчиган юзлари, оловли кўзларидан узмас, Рисолат унга гўё эътибор бермасди. Охири чидолмай кулиб юборди.

– Мунча тикиласиз, мени кўрмаганмисиз?

– Ҳозиргидай ҳолатда кўрмаганман, – деди Рустам энтикиб ва Рисолатнинг у ер-бу ерига тегина бошлади.

– Шилқимлик қилмай, те-ек ётинг! Кап-катта кишини қилиғини... Ёлғон-дакам қовок уйди аёл. – Менам бир жойларингизни чимдиб қўймай...

– Ажойибсиз-да, Рисолат...

– Бўпти, бас, – Рисолат нариги ёндаги кўрпага эгилган эди, Рустам унинг кифтларидан қучиб, чапдастлик билан бағрига тортди. Жувон қаршилик кўрсатишга ҳам улгурмади, бир оз типирлади-ю, жимиб, бошини ёстиқдошининг кўкси билан елкаси орасига қўйди. Рустам устиларига кўрпа ёпди.

Ой деразадан яна бирпас мўралаб тургач, кўнгли тинчиган янгадай, кулимсиб четланди. Энди дарё ҳам қарийб аввалги меъёрига туша борарди.

**Андижон
2007-2009**



Үткир РАҲМАТ

Жутмуг кун шағафи

Камалакдан ранглар сув ичар,
Бу маъвонинг қўйнида оқиб.
Яшилликни қўёш ҳам қучар,
Минг бир рангли гулларни тақиб.

Тупроқда бир ажиб тилсимот,
Ховуридан шарбат тўкилар.
Мангу эрур бундаги ҳаёт,
Тириклиги жилмайиб турар.

Ўзанига сиғмайди дарё,
Кўпиради, тошади тўлиб.
Ўрикларнинг бағрида гўё
Мўғжалари гуллайди кулиб.

Терисига сиғмаган фасл
Ўз шаштига қиласди амал.
Кўкатларда тиникиб асл
Юз очади ҳаприқсан ҳамал.

Тинади шовқиннинг шашти ҳам шу он,
Кенг хона сув сепиб қўйгандек –
Жим-жим.

Тикилган ранг-баранг чөхралар ҳайрон,
Аталган гулларни
олар экан ким?

Қутлуғ күн шарафи
Сүзларда яйрап,
Түлғониб оқади түйғулар саси.
Күн келиб,
Бу боғда булбуллар сайрап,
Боғланиб күнгилга күнгил риштаси.

Уфурар бир хүшбүй –
Юрак ҳаприқар,
Сочилиб кетишин истар шу онда.
Қараган ҳар күзга оловлар ёқар,
Талпинар меҳрга,
Меҳр томонга.

Күнгиллар йўл бермас,
Күнгил ҳар ҳолда...
Начора,
Кўл чўзар сабр-қаноат.
Эзгулик опичлаб юрган бечора
Яхшилик тилайди уларга фақат.

Неларни истамас,
Хаёллар турли,
Қарашлар турфа ранг,
Чигал ўй, хоҳиш.
Ўрмалар гоҳ зимдан,
Гоҳида сирли,
Кўз тиккан бу олам –
Гўё нотаниш.

Жилмайиб қўясан,
Билдирмай, асло,
Ўзингдан не ўтса ўзингга аён.
Кувончинг борини кўрасан баҳам,
Гуллар улашасан,
Босиб ҳаяжон.

Ажабмас,
Бир куни хаёллар тинар,
Тушуна бошлайди гулларни улар.
Күнгиллар боғида чечаклар унар,
Гул каби чиройли бўлиб кўнгиллар.

Оҳангларда оқади умр,
Ҳар зарбаси –юрак титроғи.
Гоҳида дил қиласи хуэур,
Тўкилади гоҳи япроги.

Мавжланади биллурдай саҳни,
Уммонида қудрат урар жүш.
Юксакларга опичлаб рухни,
Нурлантырап,
Айлайди сархуш.

Оқиб борар нотинч,
Тұлғониб,
Бу дунёга сиғмас нолалар.
Бир лаҳзада – гув этиб ёниб,
Вужудингдан узар толалар.

Исинади тафтидан бу тан,
Кувонч қувнаб,
Енгиллашар ғам.
Юрак – оҳанг туғилган Ватан,
Ўз-ўзини тинглайди одам.

Нигоҳларим излайди мадад,
Чора топмай ўртанаң бағир.
Ҳиқиллаб у титрайди беҳад,
Қийнар мени
Дардлар оғир.

Тоғу тошлар қимирлаб қўймас,
Бир ўгрилмас ҳатто ўт-ўлан.
Борлигимни дараҳт ҳам билмас,
Бақиришу ялиниш билан.

Осмон узок,
Замин пойимда,
Бир ёғи кир,
Бир ёғи тиник.
Ташвиш ила турган жойимда,
Ташвиш нигоҳ ташлайди интиқ.

Нелар ўтса ўзингга аён,
Дард сипқорар бутун жон танинг.
Бу дунёда бўлсанг соғ омон,
Умидлари яшар эртанинг.

Сочилади ерга капалак,
Құнаверар дуч келган ерга.
Оппоқ рангда яратган фалак –
Интилади далаю қирга.

Хисобидан адашар кўз ҳам,
Капалаклар босқини гўё.
Гўё улкан капалак – олам,
Оппоқ-оппоқ кўқдаги рўё.

Осмон яна бўзлади қаттиқ,
Қарсиллади чақмоқ тошлари.
Селлар қуиди аччиқма-аччик,
Тоғ бўлди-ку замин дошлари.

Бу севинчми ёки дард билмам,
Неларданdir юрак тўлгандаи?!
Кўзёш тўкиб неки бўлса ҳам
Енгил тортгин, сочиб бўлгандаи.

Қайтгил, яна кўнгил боғига –
Кулгулари таралсин унинг.
Хидларини бўйлаб доғидан,
Хотирангдан уйғот севгилинг.

Гоҳ дил эшигин қоқиб
Мўралайди хавотир.
Нотинчлик ўтин ёқиб
Айланар гирён, гир-гир.
Титроқ бармоқларини
Сеза бошлайди вужуд.
Комига тортар аста
Хаёл дашти – бехудуд.

Нелар кечмас кўнгилдан,
Яна не менга тақдир?
Манзилга етмас хаёл,
Тинчимайди хавотир.

Беғубор оқшом, кўқдан
Ой ярқираб бокади.
Ёғдулардан гул ясаб
Чор-атрофга тақади.

Дил тубидан таскиннинг
Эшитилади саси.
Бу беғубор кўкламнинг
Эса бошлар нафаси.



Нурилло АББОСХОН

ШЎРҚИШЛОҚ

Роман¹

*Еттинчи боб
Раҳмон амакининг армони*

Ёз күёши заминни кўйдиргудек аланг сочади. Одамлар шаҳарнинг соя-салқин боғларида жон сақлаб, иссиқ захрини кесиш учун яхна чой, газланган салқин ичимликлар ичиб, музқаймоқ ейдилар. Аёллар хитойча елпифичлари, эркаклар дўппилари билан юзлари ва бошларини елпийдилар. Машиналардан тараалаётган аччик тутун ва иссиқдан шаҳар ҳавоси ёқимсиз ва дим. Очликдан ичаги ачишиб, иссиқдан тинкаси қуриган Шокир, кичик туманга етиб келиб, Маҳлиёга бой берган уйга кирди. Маҳлиё даъвогар келганини сезиб, ўзини касалга солиб ётиб олди. Уйдаги мулкнинг ўзи уч миллиондан ошиқ турарди. Жихозлар ярми сотилганда Шокир қарзидан қутилиб кетган бўларди. Маҳлиёга олиб берилган олтинлар ўзи миллиондан ошади. Маҳлиё шунинг ярмини берса, Шокир уни дуо қилиб кетишга тайёр. Аммо Маҳлиёни нафси йўлдан уриб, ўзини бало-қазога рўбарў қилди.

– Маҳлиё, – деди креслога чўккан Шокир, очликдан афтини буришиб. – Бошимга тушган аҳволни кўриб турибсан. Аслида сендан бу нарсаларни бутунлай қайтариб олиш ниятим йўқ. Севгимиз ҳаққи-хурмати мени кўллавор. Уйни бермасанг, жихозларни ё олтинларни қайтариб бер. Мен ўзимни тиклаб олай. Ҳали сенга кўп фойдам тегади.

– Буни сира иложи йўқ, – инқиллади Маҳлиё. – Ойим бетоблар. Мени аҳволим эса мана бу. Раҳмингиз келсин. Россияга бориб озарбайжон болалардаги пулларингизни қайтариб олинг. Ахир уч-тўрт минг доллар пулнингиз уларда қолиб кетаверадими?

– У пулларни ҳозир ундиrolмайман, хотин, – деди хўрсиниб Шокир.

¹Охири. Бошланиши ўтган сонда.

- Мени қийнаманг... – ўзини түшакка урди Маҳлиё.
- Бунча тошбагирсан, Маҳлиё?! – нафратли боқди Шокир. – Эрта-индин ота-онам, бола-чақам күчада қолади. Мени түғри тушун. Ҳамкорларимга қарз тұлайпман.
- Нега тұлайсиз?
- Қоидаси шунақа. Құл-құлни танийди. Сендан ўз мулкимни сўраяпман-ку, Маҳлиё.
- Овора бўлманг, ҳеч нарса бермайман.
- Топган-тутганимни сенга сарф қилганман!
- Мен бўлсам сизга муқаддас баданимни бағишлаганман! – ўчакишиди аёл.
- Жаҳлимга тегма, хотин!
- Сизам ҳаддингиздан ошманг! – феъли бузилиб ҳурпайди у. – Ўтган куни ойимни хақорат қилдингиз. Мени урдингиз. Сиз ғўрлигимдан фойдаланиб, йўлдан оздириб, уйланиб олгансиз. Сиздан ўн ёш кичикман! Эҳтиёт бўлинг! Ойим сизни судга бериб қаматармишлар!
- Ойинг мени нега қаматаркан?!
- Сиз мени касал қилибсиз. Дўхтирлар аниқлашибди.
- Нима-нима?!

Бу найрангни кўрган Шокир кўнгли хира бўлиб ўйга чўмди. Қайноаси ўшанда қизининг омадидан севинган бўлса-да, сир бой бермай бир-икки ой давомида қовогини осиб юрган, кейин киришиб кетган ва куёвдан анчагина нафланганди. Бу аёлнинг рўзгори, ўзидан ёш янги эри ва такасалтанг ўғилчасининг сарфу ҳаражати ҳам Шокир зиммасига тушиб қолган эди. Тўпори куёв Маҳлиёни айтарли олтинга тортиб олди деса хато бўлмайди. Шокир касод бўлгандан сўнг муттаҳам қайнона, бу ергага ҳўмрайиб келиб-кетадиган бўлди.

- Агар, мени тинч қўймасангиз, битта вараққа ҳамма гапни ёзаман. Кейин ўзимни ўлдираман! Эҳтимол сиз наша-паша чекарсиз, шунинг учун мени азоблагандирсиз...
- Нималар деяпсан?! – деди ғазабдан титраб Шокир. – Ҳамма бузук, ҳамма нашаванд сени атрофингда, қанжиқ!
- Нега тұхмат қиласан?! – әшикни кўрсатди Маҳлиё чакчайиб. – А ну, пошёл!
- Пулларни қайтар, товламачи!

Маҳлиё сакраб ўрнидан туриб, югуриб айвонга чиқди. Кичик туманни бошига кўтариб овозининг борича бақирди.

- Вой дод! Ким бор? Милиса чақиринглар, қўшнилар! Вой дод! Ёрдам беринглар!

Чинқириқ кичик туманнинг баланд биноларига урилиб акс-садо берди. Қўрқиб кетган Шокир туфлисини қўлига олиб, уйдан чопиб чиқди. Зинадан пастга ялангоёқ югуриб тушиб, йўлак остонасида туфлисини кийди. Шўрлик ошиқ Шўрқишлоқ қайдасан деб яна пиёда жўнади. У кейинги пайтларда негадир қўрқоқ бўлиб қолган. Қаршисидан келаётган нотаниш одам ҳам кўзига ҳақдор бўлиб қўринар, ўзини бутун дунё қаршисида қарздор ва айбдор сезар, қаерлардадир ўз ҳақи бор ёки йўқотгандир ёки Маҳлиё ичирган илму амаллар коридан ақлини йўқотгандир, ҳартугур эшонзода бойвачча бутунлай эс-хушидан айрилган эди.

“Ўшанда эс-хушим қайда экан? – деб ўйлади у. – Бу аёл нега бунча чиройли қўринди? Шуни нимаси чиройли? Бақрайган кўзларига бўёқ чаплаб, заҳил юзига қизил суркаб, халтадек осилган танасини куйлак билан тортиб олади. Нега ўшанда мен түғри фикрламадим? Кўнгли кирлигини

нега хисобга олмадим? Алданган ғарип қиз бўлса, нега бирор ҳовлига кириб қўлини косов, сочини супурги қилиш ўрнига, бегона шаҳарда замонавий тарзда умр кечиради? Нима, шунча алдангани кўзига кам кўринди-ми? Йўқ, Шокир, бу алданган сохибжамол эмас. Бу ҳаммани алдаб домига тортадиган озитки! Алдоқчи, товламачи, ўғри, фоҳиша! Онаси билан тили битта буни. Агар ҳозир бу маҳлуклар билан нон талашсанг, ўзингни ё қамоқда ёки касалхонада ёки бўлмаса қабрда кўрасан. Нашаванд, бандит, аёлларни зўрловчи ваҳший, деган бирор айб билан турмага тушасан. Ёки бирорта худобехабарга пул бериб, сени бир умрга майиб қиласди. Унда қари ота-онанг, гўдак фарзандларинг хароб бўлади. Эҳ, Шокир, олдинроқ шу ақлинг қаерда эди?"

Шоҳбекатда "Дамас" машинасига суюниб, Аҳмад домланинг укаси Раҳматилла турган эди. У Шокирни кўриб, кўзи қувониб илжайди.

– Ҳа, ука? – деди Шокир ҳорғин саломлашиб.

– Бугун омад келмади, – деди ҳайдовчи хомуш. – Одам йўқ. Лоақал бензинга маблағ чиқариб олганимдаям майли эди.

– Омади кетган одамга ҳеч қаердан нажот йўқ экан ўзи... – ўқинди Шокир.

– Қишлоққа қайтамизми? – сўради Раҳматилла.

– Ҳа...

Икки омадсиз ҳамқишлоқ йўл бўйи ҳар соҳада ҳасратлашиб бордилар. Машинадан тушаётганда Шокир пули йўқлигини айтиб хижолат бўлди.

– Ука, оғир кунимда кор келдингиз, – деди. – Омадим келганда сизни асло унутмайман.

– Мен сизни яхши биламан, Шокир ака, – деди Раҳматилла. – Сиз барини сияги бутун йигитсиз. Хижолат чекманг, сизга ярашмас экан.

Шокир бир томони адирлик, иккинчи томони маҳалладан иборат Адирк-учадан юриб бораракан, Раҳматилла билан бўлиб ўтган сухбатни эслади. Аҳмад домлаки ўз укасини аямабдими, Маҳлиёдан нима кутиш мумкин? Туғишганларнинг ҳам гоҳо ўзаро дўстлиги йўқ бўларкан. Ининг яхшими ё дўстинг? Албатта иним яхши, агар у дўст бўлса!

Шу кунги очлик, чарчоқ, дилхасталик Шокирнинг хотирасига муҳрланиб қолди. Раҳматилла сиймосида ўзи кўрган дунё моли ўткинчи эканига чина-кам ишонди.

Супада ёнбошлаб ётган Раҳмон амаки Султон хонасида маъюс ўтирганини кўриб, кизиқиб уни кузатди. Султон бир даста қофозни титиб, нималарнидир ёзиб-хисоблади.

– Султонбой? – деди Раҳмон амаки ётган жойидан овоз бериб.

– Ҳа, дада?

Султон отаси ёнига келиб ўтирди.

– Нималарни ўқияпсан, ўғлим? Сендаям эс-хуш борми ўзи?

– Бор, – деди Султон. – Нима, мени жинни деб ўйлаганимидингиз?

– Деганим йўғ-у, кейинги чоғларда жуда ғалати бўлиб қолдинг-да. "Султон шилдир, Султон пачава", деб номинг чиқди, ўғлим.

– Нима билан вақтимни чоғ қиласа? – сўради Султон.

Раҳмон амаки хўрсиниб бебош боласига қаради. Султон ота-онасини тез-тез хафа қилар, кейин уларни қучоқлаб, кечирим сўраб ўйинга тушар, ичиб олса ҳатто йиғлашдан ҳам қайтмасди. Баъзан хомуш ва ўйчан бўлиб қоларди.

– Султонбой? – ўсмоқчилади амаки чой хўплаб. – Нега ўшанда йўл тўсадиган чегарачиларга ажратилган пулларни бермадинг?

– Қанақасига улар чегарачи бўлсин? – қовогини уйди Султон. – Савдога борганингизда билардингиз. Олатаёқ кўтаргандар, ҳар қадамда йўл тўсиб, пул талаб қилаверади. Ҳаммасига пул тўлайверсам, буёққа нима билан қайтаман деб, қайсарлигим тутди.

– Бахилни боғи кўкармас, ўғлим. Тўлаш керак эди.

– Ортиқча пул бўлганида тўлардим, – қуюниб тушунтириди Султон. – Жиянларимга қишики ботинка, пальто олай дегандим-да. Ахир акам бепарволигини биласиз-ку. Уйимизда битта “КамАЗ”имиз, битта “Жигули”миз бўлса, оборотда қирқ миллион пул айланса, жиянларим эски туфли кийса ғалатида. Ҳар бир йўлтўсарга бир дастадан пул бераверсам, бозорга сўппайиб кириб борардим. У ерда пулларни акам жарақлатиб санаб олади. Янгамни бетига қандай қарайман, деб шу аҳволга тушдим. Янгам бўлса, акамни ёнини олиб, мендан хафа бўляпти. Мусичадай зерларини мен банкрот қилибман.

– Ҳа, – ўғлига ачиниб уни қучоклаб қўиди ота. – Бўлар иш бўлиди, ўғлим. Чой қўйиб берайми? Чой ичасанми?

– Ичмайман, раҳмат, – Султон қўлидаги қофозларни кўрсатди. – Мана бунда бизни бошқаларда қолиб кетган ҳамма ҳақларимиз ёзилган. Озарбайжон, бошқирд, ўрис болаларда ҳақимиз қолган. Руслардан ортирган Володька деган ошнамиздаям анча-мунча пул бор. Маҳаллий таниш-билишлардаям бор. Лекин улардан пул олиш жон олиш билан баробар. Улар ҳам бизга ўхшаб йўлсиз. Акам калласи ачиб ҳамма пулини Маҳлиё билан унинг онасига олдириб қўйган. Ҳозир ҳам нима қилаётганини ўзи билмайди. Сизни дуоларингиз билан Америкага бориб олсанм, бир-икки ойдаёқ ҳамма қарздан қутиласмиш.

– Америкага сени ким жўнатади? – хўрсинди Раҳмон амаки.

– Бир яхши инсон, – меҳри жўшиб Шурик делавойни эслади Султон.

– Барака топсин, – деди Раҳмон амаки ўша яхши инсонни алқаб.

Дарвоза очилиб, харобу хаста, очу наҳор, эзилган кайфиятда Шокир кириб келди. У енгил саломлашиб, отасининг ёнида ўтириди-да, Султонга юзланди.

– Султон, Баҳромдан икки юз мингни олганмидинг?

– Ҳа, – деди Султон.

– Теэроқ ўшани акашга бериб қўй. Қачон олгандинг ўзи?

– Пул йўқ, ака, – деди Султон ботинмайроқ.

– Нега йўқ? – феъли айниб гезарди Шокир.

– Уни мен тошкентлик Делавойга бериб юбордим.

– Нима?! – Шокир иргиб ўрнидан турди. – Унга нега пул берасан?

– У мени Америкага юборади. Паспортимга виза очдириб берди.

– Ҳой, аҳмок! Эшакмия еғанмисан?! – бақирди Шокир. – У сендақадан юзтаси қозонини сувга солдириб қўйган, эшшак! Нега унга ишонасан? Нега?!

– Содик акашга нега пул берамиш? – хайрон бўлди Султон. – Акашни ҳамма бойлиги бизни пешона теримиз.

– Бунақа гап савдода йўқ! – сиқилиб бўғилди Шокир. – Ҳазиллашмай пулни ўрнига қўй.

– Пул Делавойда кетган дедим-ку!

– Қачонгача мени чув туширасан! Ўлдираман сени!

– Бўлди-да, ака! – баланд келди Султон.

Шокир Султонни қулоқ-чаккасига зарб билан урди. Султон акасига қўл қайтарди. Бундан Шокирнинг ғазаби қайнаб, уни аямай савалай кетди. Раҳмон амаки шошиб ўрнидан турди.

– Ҳой, бола, тўхта! Тўхта! – деди қалтираб.

Тўполондан капалаги учган Карима хола, Ойхон ва Обида ҳовлига чопиб чиқишиди. Аёллар орага тушишдан кўрқдилар. Раҳмон амаки орага кириб уларни ажратди. Жанжал тўхтади. Султон қонли тупугини ютиб, алам билан ҳарсиллаб сўкинди.

– Сени ака дейишниям истамайман! – деди ғазабдан қалтираб. – Сен қанча-қанча пулларни Маҳлиёга сарфлаб юбординг. Бизлар бу ерда сувони кўчган уйда мастава ичиб яшадик! Сен бўлсанг, Маҳлиё билан кошонада конъяк ичиб, қази еб гаштингни сурдинг! Ақлимни таниганимдан бери хизматингни қилиб югурдим! Эвазига олганим шу бўлди! Бор ўша фарингни олдига!

– Унга тил теккизма, ҳайвон! – ҳасми ҳалолини ҳимоя қилди ўдағайлаб Шокир. – Тилингни тий, бола.

– Тиймайман! – ўчакишиди Султон. – Сени хотининг ғар! Буни ҳамма билади. У Алишергаям, Ҳамидгаям, менгаям осилган! Сен лўхсан, лўх! Ҳолинг қалай энди-а?!

– Унингни ўчир! Бу гапингни исботи борми?!

– Бор, ҳоҳлаган одамингдан сўра! – кўзларини чақчайтирди Султон.

Ногоҳон Шокирнинг ёруғ дунёси қоронги бўлди. У Маҳлиёни ҳалол эмаслигини оз-моз билар, пушаймони ичиди юрарди. Лекин ўз укаси, ҳамкор дўстларига ҳам суйилгани шаънига ёмон доғ эди. Ҳақиқат баъзан оғудек аччиқ бўлади. Шокир аламини кимдан олишни билмай, вужудида ғазаб тўлиб-тошди. Кўзига бақрайиб турган бешафқат укаси тишидан заҳар томизган илон бўлиб кўринди. Уни муштлаб, тепкилаб аёвсиз ура бошлади. Султон оғриқ зўридан бақириб қарши ҳужумга ўтди. Аёллар чинқириғи, эрқаклар ур-сур наъраси, дупур-дупур, тарақа-турук товушлар Шўрқишилк осмонига кўтарилиди. Салим ва Зоҳида девор ортидан бўй чўзиб жанжални томоша қилдилар. Юз йиллар давомида ибодатгоҳ бўлган, Эшондада эшон ибн Зуннур эшон хонадони бамисоли шайтонлар қароргоҳига айланди. Раҳмон амаки ҳай-ҳайлаб бақириб югурди.

– Биринг ўлиб, биринг қамалиб, қариганимда хор қиласанларми?! Тўхтат! Тўхтат!

Раҳмон амаки чопиб орага кирди.Faflat босиб, Шокирнинг дайди мушти чолнинг мўйсафи чехрасига урилди. Чол кўзи қорайиб, супа ёнига йиқилиб қолди. Қулоғи чип битди. Карима холанинг жаврагани элас-элас эшитилди.

– Отангни ўлдириб қўйдинг, Шокир! Турғиз отангни! Турғиз!

– Дадам тирикларми?! Тирикларми?! – йиғлаб юборди Обида.

Мунгли фарёдни эшитган, шўрлик ота ҳушдан кетиш ниятидан қайтди. “Болам ҳомиладор, кўрқиб қолса яхши бўлмайди, – деб ўйлади чол ва бир амаллаб кўзини очди. – Вой, болагинам-а, ўзинг кўр бўлсанг, қийналиб бола туғиб нима қилардинг... Мен болаларимдан нима кўрдиму сен нима кўтардинг?”

Шокир ва Султон чолни кўтариб олиб, авайлаб супага ётқиздилар. У бўйини чўзиб, қақшаб йиғлаётган Обидага қаради.

– Тирикман... Обида қизим, кўрқма... Кўрқма...

Аммо у ўрнидан туришга мадор тополмай, кўзларини юмиб ётиб қолди. Кўз олдини тобора қуюқ туман қоплаб, ўзини ўзга бир фазода кўрди. Худди туш кўраётгандек, отаси оламдан ўтган кечадаги воқеалар кўз олдидан бирма-бир ўта бошлади.

Аҳволи оғирлашган куни тунда Эшондада эшон, ўз фарзанди Раҳмонга кўнглини очиб, нималарнидир айтгиси келди. Уни юз истиҳола билан ёнига чакиритирди. Шамоллаб қолган Шокир шу кеча қаттиқ иситмалаб ётганди.

– Ўғлим, – деди эшон мунгли овозда. – Бизни вақту соатимиз битган күринади...

– Дада, сизам юрагимни эзманг! – жеркиб берди Раҳмон. – Бир томонда Шокиртойни иситмаси тушмаяпти. Бу ёқда сиз ўламан деб қўрқитасизми?

– Э-э! – хижолатга ботиб қоқсувак қўлларини фотиҳага очди бемор. – Илоҳим, болагинамни дардига шифо берсин. Шокиртой омон бўлсинлар. Бизни ёшимизга етсинлар. Бой йигит бўлсинлар. Ҳалқни бошини силаб юрсинлар. Диidor қиёматлик бўлмасин дегандик-да, болам. Токчадаги дадамдан қолган Қуръонни олиб, ёстиғимиз остига қўйиб қўйсангиз. Дилемизга далда бўлиб турсин...

Раҳмон токчадаги сариқ рангли духоба гилоғли Қуръон китобини олиб, ёстиқ остига қўйди. Эшондада эшон Қуръонни қулоги билан ўқимоқчи бўлгандек ёстиққа қулоғини босиб жилмайди.

– Бўлдими, дада?

– Бўлди, – им қоқди эшон ва қадоқ қўллари билан ўғлининг қўлларини аста силади. – Вақтингиз бўлса, келиб биз билан бир оз диллашиб ўтирасиз, нуридийдам?...

– Ҳўп-хўп, – деди Раҳмон ўрис. – Сиз кўнглингизни тўқ қилинг, бардамсиз, дада. Қари ўламан деб, ёш кетаман деб қўрқитаверса, ҳаётимиз ҳаёт бўладими...

– Ҳа, албатта, албатта... Биздан дилингиз оғримасин, ўғлим...

Бу Эшондада эшоннинг ўз боласига айтган сўнгги сўзлари эди. Раҳмон амаки доғда қолди. Ярим тунга бориб, бувасининг дуолари мустажоб бўлиб, Шокиртой иситмаси тушди. Эшоннинг эса жони узилди.

Кучли зарбдан кўз олди туманлашган Раҳмон амаки бир амаллаб кўзи ни очди. У қаддини ростлаб, бир оз вақт ҳолсизланиб ўтириди. Кейин хўрлиги келиб йиғлаб юборди. Аёллар жўр бўлдилар. Жанжалкаш ўғиллар, сувга тушган мушукдай шумтираб, супада ўтириб қолишиди.

– Кечиринг, хўжайин, – деди айбдор Шокир бошини эгиб. – Кечиринг...

– Кечиринг, дада, – қўшилди Султон.

– Мен сизни эмас, Султонни урмоқчи эдим, – деди Шокир.

– Султонни нега урасан? – милмиллаб йиғлади чол. – Ахир Султон жигаримни бир парчаси-ку, болам?! Уни нега урасан?!

– Мен хато қилдим. Кечиринг, дадажон...

Раҳмон амаки тобора хўрлиги келиб, ўкириб йиғлади.

– Мен бечора кечиргани қаергаям борарди. Мен подшоҳмасман. Ёки худомасман, болам. Кечирадиган тоҷу таҳтим йўқ. Аслида ҳамма хатони мен қилганман! Мен! Ҳаммасига ўзим айборман... – Кўксига мушт урди у.

– Мен нега шундай азобларга қолдим... Нега ҳамма болам шўрпешона бўлди? Нега Обидам кўр бўлди?! Биласанми?! Мен ота-бувамни илмига хиёнат қилдим. Бехудо коғирларга қўшилиб, авлиё отамни устидан кулдим. Топган оқибатим мана! Мен аҳмоқ мусичадай ўлими олдидан отам дилини оғритдим. Шокиртой иситмада ётибди, сизга нима бор ҳархаша қилиб дедим. Охир-оқибат Шокиртойим муштини едим! Ҳаммасига ўзим айборман! Ўзим!

Раҳмон амаки марҳум ота-онасиға аза очиб узоқ йиғлади. Девордан мўралаб жанжал томоша қилаётган Зоҳида билан Салим ҳам юм-юм йиғлашди. Карима хола ҳам жўрлашиб, эрини бошини силаб юпатди.

– Бўлди қилинг, йиғламанг, дадаси... Болаларимиздан оғринманг... Отасини ранжитмаган бола бор эканми? Одам Атониям болалари қийнашган экан. Шўрингиз бўлмаса Шўрқишлоқда туғилармидингиз, дадаси?..

Саккизинчи боб Одамгарчилик

Раҳмон амакининг қизи Назирага уйланган Октябр Нуғмонов ўзига Октябр ибн Парлком дея таҳаллус кўйди. Раҳматли отаси Содик партком кутубхонасига қамалиб олиб, эски ёзув машинкасини ишга солди ва илмий рисола ёзди. У ичкиликни кўп ичганидан, ҳаётий воқеаларни аниқ шарх-лолмаса-да, равон тилда ижод қила оларди. Муаллиф илмий рисолага қандай сарлавҳа қўйишни билолмай узоқ ўйлади. Ва ниҳоят унга "Одамгарчилик қоидалари" деб ном беришни маъқул топди. У ароқ ичмаган кунлари, ширин орзулар қанотида учар, асарини Назирага овоз чиқариб ўқиб берар, хотини алла эшитган чақалоқдек мудраб, хуррак отиб ухлаб қолар эди.

– Шуям одамгарчилик бўлдию?.. – Октябр хафа бўларди, ойна олдига ўтириб олиб, қўлини қилич қилганча, овозини баланд қўйиб ўқишда давом этарди.

"Биз – одамлар, – деб ёзади Октябр ибн Парлком ўз асарида, – одамгарчиликни унтириб қўйдик! Ҳаммамиз ўз фойдамизни кўзлаб яшамоқдамиз. Аслида бизлар, бир-биirimizning баҳтимиз учун курашиб, ҳалолу пок яашшимиз керак. Бегоналар кулфатига йиғлашимиз керак. Ўз нонимизни бирорвларга бериб, улардан пул олмаслигимиз керак. Дўконларда ароқ-вино-ларнинг нархи ошиб кетди. Хўш, нега шундай бўлди? Бунга ким айбдор? Албатта, биз ўзимиз айбормиз. Биз ўз фойдамизни эмас, одамгарчиликни кўзлаб яшаганимизда, нарх-наво кўтарилиб кетмаган бўларди. Нима учун нонвой нонни қимматлаштириб қўйди? Нега қассоб гўштнинг нархини ошириди? Ҳайдовчилар нима сабабга кўра йўловчилардан катта ҳақ олишяпти? Чунки улар пулни севишади. Бизнинг барча кулфатимиз пулга нисбатан муҳаббатимиздан келиб чиқмокда!"

Ушбу мушоҳадалар билан танишган Шоди пиён илиқ сўзлар айтди.

– Қойил, – деб мақтади у. – Одамгарчиликни боплаб шархлабсан.

"Биз ўзаро қандай муомала қилишимиз керак? – битигини Шоди пиёнга ўқий бошлайди ибн Парлком. – Бир-биirimizни "ўрток" деб чақиришни ташлайлик. Масалан, хотинлар билан эркакларнинг ўртоқчилиги қандай оқибатга олиб келади? Буни изоҳлашнинг ўзи ҳам сиёсий шармандалиkdir! Амалдор билан амалдор, чайқовчи билан чайқовчи ошначилигини қандай изоҳлаймиз? Шўро даврида бу иллати урчиб кетиб, раҳбарият орасида нолойиқ шахслар жуда кўпайди. "Суя-суялизм" авж олиб борди. Натижада тузум инқирозга учради. Биз эскилик сарқитини қоралаймиз ва ҳар қандай мешчанликни йўқотамиз. Энг улуғ ном – "Одам" деган ном. Шунинг учун бир-биirimизга "Эй, одам!" деб мурожаат қиласак, мақсаддаг мувофиқ бўлади. Бу сўзни эшитган ҳар бир киши зурриёдини эслаб қолади ва ўзида одамгарчилик фазилатини пайдо қилиб, жиной фаолиятини тўхтатади. Акс ҳолда у ҳайвоний хулқда яшашда давом этаверади ва ҳеч қачон одам бўлмайди!"

Октябр ва Шодмон кайфлари ошиб қолган чоғларда қоидалар мутолаасидан чарчамас, бир-биrlарига "одам" деб мурожаат қиласади. Бор-йўғи қирқ варакчилик рисолани, Куръон оятларини тафсирлагандек тафсирлаб, бақириб-чақираверган ошналар ҳамма емакхоналардан ҳайдалишди. Оқибат топган-тутган пулларига ароқ олиб, кўчада тик туриб ичиб, уй-уйларига тарқаладиган бўлишди.

– Барча даҳолар мана шундай қувфинга учраган, – сўз қотади Октябр чайқалиб. – Биз тобора ўсиб боряпмиз, Шоди одам.

– Тўппа тўғри, Октябр одам! – завқланиб хитоб қиласади Шоди пиён. – Маркс ҳам, Энгельс ҳам бизни олдимиэзда копейка бўлди!

Қадрдон улфатларлар Назиранинг тилла узугини сотиб, пулини ичиб тутатиши ва янада машхур бўлиб кетишиди.

Бир куни шаҳар марказидаги пивохонада Октябр оғайниси Шодмон билан кўпроқ ичиб қўйди. Шодмон ичкиликдан ўзга нарса ҳақида ўйламасди. Октябр эса унга нисбатан олифтароқ. Шунинг учун ўзини устоздай тутади.

– Одам нима учун туғилади? – деб бақирди у пивобарни бошига кўтариб. – Одам бу дунёни англаш учун туғилади. Сен, Шоди одам, ҳаётни англайсанми?.. Бирор марта бу аҳмок калланг билан "ҳаёт нима ўзи?" деб ўйлаб кўрганмисан?

– Ҳа, – деди Шодмон. – Шунинг учун алкаш бўлиб қолдим-да, ошна! Эҳ, ҳаёт, онангни! Буни мен тушунмасам ким тушунарди.

– Сен пармани тушунасанми, одам?! – у бармоини чаккасига қўйиб парма каби айлантириди. – Бу ҳаёт – парма! Учи ичингга кириб олса бас! Айланаверади, айланаверади, айланаверади. Борган сари ичингга йўғон дастасиям кириб боради. Сен эса бундан бехабарсан! Бир куни даҳшатли кризис! И, тамом, сен йўқсан! Ҳаёт шакар билан бошланиб, туз билан тугайди! Тамом! Капут! Бу ҳаётда яшашдан ҳеч қандай наф йўқ!

– Йўқ! – бош чайқади пешонасини столга уриб Шодмон. – Фойда йўқ, Октябр одам! Юз граммданам фойда йўқ! Битта отиб олсанг ҳаёт сенини. Колганини онасини...

– Аммо, – деди файласуф Октябр фикрга толиб – яшаш керак. Жуда керак.

– О-о-о! – деди Шодмон уни маъқуллаб, қўлинини бигиз қилиб. – Албатта яшаш керак! Иложимиз йўқ! Йўқ бошқа илож, Октябр одам!

– Аслида, шартта ўлиб кетсангам бўлаверади! – яна файласуфона ўйга чўмди Октябр.

– Секин гапирасанми? – тутуриқсиз Шодмон унга жўр бўлди. – Ўйлаб ўтирамай ўлиш керак. Бу ҳаётни онасини!.. Ҳаётда ҳақиқат йўқ!

– Бир ёқлама ўиласа шундай. Лекин, Шоди одам, – кекирди Октябр. – Ҳаётда ҳақиқат бор.

– Правильно! – охирги ароқни унга сездирмай, стаканга қуйиб ичиб юборди Шодмон. – Ҳақиқат бор! Уни биз кўрмаяпмиз, холос, Октябр одам.

Октябр чала чекилган сигаретини туташтириб, тутундан ачишган кўзини қисиб, Шодмонга тутун пуллаб, бўш шишани текшириб кўрди.

– Мен кўнгил дардига малҳам қидириб, ҳамма давраларга бордим. Отам қизил эди. Уни фалсафасидан кўнглим айнирди. Мен радиони қисқа тўлқини орқали "Америка овози"ни тинглаб ўсганман. Ҳамма партияларга бордим. Муллаларгаям бордим. Кўнглимни дардига даво топмадим. Кимга қарама бойишни, раҳбар бўлишни хоҳлади. – Октябр бўш шишани силкиди. – Ҳаммаси худди сенга ўхшаб ўғри! Ҳаммаси ваҳший! Мен бу дунёга бирорни ўлдириш ёки бевақт ўлиш учун эмас, яшаш учун келганман! Ёки гапим нотўғрими?

– Истинная правда! – йиғлади Шодмон, ўсиқ мўйловига бурнини оқизиб. – Ҳа-ҳамма бир нарсага интилади. Б-бир нарса бўлса оз... Ҳа-ҳаммага етмайди... Кел, бир ўпай сени, одам!

– И-и! Ошна, бурнинг оқиб кетди, артиб ол, – жирканди Октябр, улфатининг мўйловига қараб ва файласуфона ўй суриб ух тортди. – Эҳхе, сени устинг кир, уларни эса ичи кир. Ҳамманиз жирканчиз. Унингизам, бунингизам кўнглимни айнатасиз... Минг лаънат сизларга! Мен бобом Нуғмоновга ўхшаб, одамларни ўлимга маҳкум қилмайман. Отамдек совун кўпигига ўхшаш маъруза ўқимайман. Менга бу оламдан ҳеч нарса керак эмас! Мен одамгарчиликни тарғиб қиламан!

- Тўппа тўғри! Бу ишда отангни арвоҳи сенга ёрдам беради! – деб ғулдиради юзини столга кўйиб мудраётган Шодмон.
- Йўқ, Оля, – деди кайфи ошган даҳо, – биз энди бошқа йўлдан борамиз!
- Ким Оля? Оғзингга қараб гапир, Октябрят! – хафа бўлди Шодмон.

Эшонзода Назира парткомвачча Октябрнинг хурмача қиликларидан бе-зор бўлди. Айниқса узугининг сотиб ичиб юборилиши ва ўзига нисбатан “хотин одам” деб мурожаат қилинишини сира кечиролмади. У охирги пиёз ва ёғни, жиз-биз қилиб нон билан еб олгач, ўғлини, яъни эри айтмоқчи, “ўғил одам” Жаҳонгирни, қайнинглиси “Лемарэн одам” – Оминанинг уйига олиб келиб ташлади. Октябр ўз фарзандини жуда севади. Тўрт ёшли Жаҳонгир ҳам усиз яшолмайди. Назира бўхчасини қўлтиқлаб, Раҳматилла “Дамас”ига ўтириб, Шўрқишлоқ қайдасан, деб йўлга тушди. У илгари бир оз эркатой, сарвқомат, кулиб турган жозибадор қиз бўлиб, унга Шўрқишлоқдаги кўп йигитлар ошиқ эдилар. Тўй хабарини эшитиб, баъзилари арок ичиб, мастилик қилиб йигитлаб-сикташди. Бундай адолатсизликдан ғазабланган йигитлар куёв Октябр ва унинг жўраларини дўппослашга ҳозирлик кўриб кўйишди. Хайриятки, Шокир ва Султоннинг ҳайбати қалқон бўлиб, тўйга келган куёв жўралар бир амаллаб омон-эсон ўз уйларига етиб олишди.

Назира машинада бораркан, шуларни эслаб кўзига ёш олди. Лекин ўғли Жаҳонгирни эслаб, жилмайиб юзи ёришди.

– Сиз Октябр алкашни хотинисиз, а? – сўради олдинги ўринда ўтирган йигит. – Кеча эрингиз кўчада фирт маст юрган экан. Оёғида ўрнамайди денг. Сизга қийин бўлди-да.

– Нега алкаш бўларканлар? – аччиқланди Назира. – Ҳечам алкашмаслар. Ҳозир мени эрим катта илмий иш ёзяптилар. Бошлари чарчаганда, бир оз ичиб улфатчилик қиласидилар-да. Сизга оғирлиги тушмасин, бўптими?!

Машинада ўтирганлар орасида, ноқулай вазият юзага келиб, сукунат чўқди. Ҳайдовчи хушламайгина гийбатчи йигитга қараб танбех берди.

– Ўйламай суйламанг, ука, – деди у ва Назирага хайриҳоҳ назар ташлади.

– Раҳмат, синглим. Ниятингизга еting. Эр йигитни бошидан ҳар турли савдолар ўтиб туаркан-да. Илоҳим, эрингизни илмий ишларига ривож берсинг.

Назира қишлоққа етиб келиб, уйи яқинида машинадан тушиб қолди. Хижолатдан боши эгилди. Қўлидаги бўхчасини кўриб, кўчада турган аёллар унга қарашар, бошига тушган кулфатни билгилари келар, узоқроқ гапга солишга уринардилар. Назира ҳеч кимга сир бермай, уйига етиб олди.

Раҳмон амаки ўша кунги жанжалдан кейин, хафаланиб супада ётавера-диган одат чиқарди. Уни еллиб ўтирган Карима хола, пичирлаб қайнонаси ўргатган дуоларни ўқир, эрининг дардига худодан шифо сўрарди. Обида эса отасининг бошини босиб ўтирап, оғир ўйга чўмган эди. Қўшни ҳовлидан шанғиллаб Зоҳиданинг қарғагани эшитилди. Салим уни ҳақоратлаб бақирди. Бир нарсалар тарақлаб кетди. Девордан гуп этиб бир тугун тушди.

– Нима?! – ҳамма бир овоздан хитоб қилди.

– Булар уйимиздан йўқолган нарсалар, – деди Обида.

– Сен қаердан биласан? – деди ишонқирамай Карима хола.

Ойхон шошилиб тугунни ечди.

- Ия! Рост экан! – деди ажабланиб.
- Ростданми, қизим?.. – ялт этиб Обидага қаради хола.
- Раҳмон амаки ҳам супага келтирилган тугундаги товоқлар, пақир, мотоцикл чироги, ўрок, қош тергичларни томоша қилди.

 - Сен бўлсанг Ойхонни айбладинг, – деди у кампирига.
 - Ҳеч-да! – Карима хола хижолатга ботиб Ойхонга қаради.
 - Мен Ойхонийим кимлигини билмасмидим? Ойхон, сизга бирор марта тұхмат қылғанмидим?
 - Йўқ, – ноилож алдади келин. – Ўзимни онамсиз-ку, ойижон...

Карима хола топилган нарсалардан ҳам кўра кўпроқ Обидага термилиб қолди, кўз ўнгига қизи авлиёга айланди.

 - Бу хонадонда ўғри йўқ, – деди Обида. – Жоҳиллар борлиги рост.
 - Бу жаҳолат қаердан пайдо бўлди ўзи ҳайронман... – кифтини қисди Раҳмон амаки.
 - Бу жаҳолат сизни жаҳлингиз, дада.
 - Нега мени жаҳлим бўлсин, қизим?
 - Ахир биз туғилганимизда жаҳл қилишни билмаганмиз. Ҳаммасини сиздан ўргандик. Ойим иккингиз жуда кўп уришардинглар. Ёкуб акам, Шокир акам, мен йиғлаб, сизларни ажратардик. Эсингиздами?
 - Эсимда...
 - Олим акам сен жаҳлдорсан дейдилар, – кулди Обида. – Сизни қизингизман-да.
 - Сен ҳечам жаҳлормассан, – Карима хола гапни бўлди. – Сен, қизим, авлиёсан. Қайнатамдан сенга юққан авлиёлик бор. Дадамиз ҳамма нарсанни олдиндан билардилар. Бундан кўра дуо қил, Обида. Ишларимиз тезроқ ўнгланиб кетсин.

Хотинига Раҳмон амаки жўр бўлди.

 - Бекор гап, қизим, ҳечам жаҳлормассан! Сен фариштани ўзгинасан. Бирорта болам сенга ўхшамайди. Нега ўхшамайди? Уларни мен мана шундай расво қилиб ўтиридим. Сен кўрлар мактабида ўқиб, мени заҳримдан омон қолдинг! Ойингниям ноҳақ айблардим. Ҳамма айб мени ўзимда.
 - Мендаям айб етарли, – тан олди Карима хола. – Бундан кейин нолимайманам, қарғанмайманам. Одамлар ўз боласига вақти келиб юкинаркан десалар ишонмасдим. Мен бугун Обидамга юкиндим.
 - Яхши ёки ёмон яшаш ўзимизга боғлик, – деди Обида. – Лекин анави тугунни бугун девордан ташлаб қўйишларини мен олдинроқ билардим.
 - Ўзимизни Зоҳидахон-да, а? – сўради Раҳмон амаки.
 - Бирорни айблаш гуноҳ, – деди Обида. – Зоҳида опамиз яхши инсон.
 - Келинглар, – деди Карима хола. – Бундан кейин тинч яшайлик. Ўлмаганимизга шукур қиласайлик. Дадаси, келинг, бир дуо қилинг, бундан кейин ҳаммамиз тинч яшайлик.

Эшонзодалар ихлос билан қўл очиб, узундан узок дуо ўқишиди. Дуо тугамай туриб, дарвоза тарақлаб очилди ва уввос солиб йиғлаганча Назира кириб келди. У ҳе йўқ, бе йўқ бўхчасини отиб юбориб, супада ўтирида-да, болалигидаги каби лабларини чўччайтириб, йиғлашга тушди. Кап-катта хотин шундай хунар қилса кимнинг ақли шошмайди. Хонадон ахли каловланиб қолди.

 - Нима бало, – деди типирчилаб Карима хола. – Кўшнилар бу тугунни амал қилиб ташлашдими? Уйимиздаги жанжаллар буникига кўчиб ўтсин дейишган-да! Ҳа, худо бехабарлар! – девор ёнига бориб бор овозда қарғана кетди. – Илоё, ким шу хонадонга ёмон кўз билан қараган бўлса, кўзи оқиб тушсин! Амал қылғанларни амали ўзига қайтсин! Бу ифлосларни дастидан кўчиб қутуламан шекилли?! Ҳа, узун-қисқа бўлмай ўлгурлар!

– Ҳой, муттаҳам бола!? – Назирага бақирди Раҳмон амаки. – Бу нима қилиқ? Тұхтат йиғингни!

– Ҳа? Эринг урдими?! – сүради Карима хола Назирага яқин келиб.

– Йүқ! – йиғлади Назира.

– Үйнингга қайтиб кетасанми?

– Йүқ!

– Ҳа, ергина ютгур! Үз ташвишимиз озмиди?! Сен нега келдинг?!

– Бўлмаса қайга борай? Очиқ мозорга борайми?!

– Бошимга бало бўлиб туғилган экансан, яшшамагур!

– Ойи?

– Нима дейсан?

– Болам шаҳарда қолди. Бориб опкелиб беринг!

– Уни опкелиб ўлигимга азоб тушибдими? – шанғиллади хола. – Сен-ларни дастингдан сабру бардошим адо бўлди!

– Олиб келинг боламни! – бақирди Назира.

– Итдан бўлган қурбонликка ярамас! Кимга керак бўлса ўша югурсин!

– Чидамасангиз нега туғдингиз?!

Назира яна-да баландроқ йиғлашга ўтди. Раҳмон амаки асаби бузилиб, Назирага бақира кетди:

– Нега яна қочиб келдинг, муттаҳам?

– Уйда егани нон қолмаса нима қиласай? Очимдан ўлайми? Ўлайми?!

Карима хола қони қайнаб, чойнақдан совуқ чой қуйиб иди. Асабийлашиб, ўзини босолмай, нари-бери юрганча жаврашга тушди:

– Илоё севгинг билан кўшмозор бўлгурлар! Ўшанда айтганман-а! Айтганман! Эркак қуда сиёсатдон экан шундан эҳтиёт бўлайлик деганман! Ҳа, севишмай қуриб кет! “Шўрқишлоқдан эртопар қизлар чиқиб қолди”, деган гапларният кўтариб юрдим. Қайнотанг нима дерди? – партком Нўғмонов иборасини эслади хола. – “Кўлни-кўлга бериб, ўртоқ қуда, порлоқ кела-жакка борайлик. Ўлсак келажак авлод хотирасида абадий қолайлик! Ав-лодларимиз осмонни эгаллашади!” Ҳе, ордона! Шуми осмонни эгаллагани?! Битта хотинини эплаб боқолмаса, осмонни қандай эгаллайди?! Яхши-ям қайнатанг эртароқ ўлиб қолди, бўлмаса неварамни оти Гагарин бўларди! Унингни ўчир!

– Қорним оч! – ҳиқиллади Назира.

– Бор, ошхонага кириб ул-бул нарса еб олақол, – деди Раҳмон амаки. – Овқатни супага олиб келишгунча хориб қолмагин яна!

Назира ҳар гал шу қабилда томоша кўрсатиб, бир амаллаб уйга кириб олади. Шундан кейин уни ҳеч ким уришиб ҳайдамайди. Бирор ҳафта қорни тўйиб овқатланиб, кучга тўлиб яна шаҳарга қайтади. У бугун ҳам ҳар галги-дек, алоҳида таклиф кутиб ўтирмай, қўлинини ишқалаб ошхонага кириб кетди. Шу десангиз, бечора қиз ширин таомни жуда яхши кўради-да. Айниқса, унга Ойхоннинг қўли хуш ёқади. Аммо у бу сафар дастурхонга кўйилган овқат ва нонни кўриб, бир оз ҳайрон бўлди.

– Бу қандай овқат, янга? – деб сўради хонтахта ёнига ўтириб.

– Бизам қарзга ботиб, ғариб бўлиб қолдик, – деди Ойхон. – Ўзга илож йўқ, ўргилай!

Назира ғамга ботиб хўрсинди.

– Жувон ўлгур найранг қилиб, акагинамни синдириди-да.

Раҳмон амаки, Карима хола, Ойхон, Обидалар, Назира қорнини тўйидириб олгандан сўнг, уни орага олиб мириқиб сухбатлашдилар. Узоқ жаҳл қилишгани учун рухият посангисини ростлашди чоғи, ҳар доимгидан узоқроқ кулишди. Болаликдаги хурмача қилиқларини эслатиб, Карима хола Назирани мазахлаб ўтириди. Октябр билан Назира эшонойимнинг му-

ҳаббатлари ҳақида гап очилиб кетди. Карима хола наштар санчиб ҳазиллаши:

– Ҳа, севгини катта сийғоқларга чиқарган экан. Биз кичкина бир одаммиз. Ниманиям тушунардик.

– Ойи...! Уфф! – зарда қилиб минғирлади Назира.

Ёши ўн түртга чиққанида ҳам бу уйқусевар қызы бир-бир "иш" күрсатиб күйяди. Карима хола, шу қизининг келажагидан қўрқиб, юрак ҳовучлаб юради. Олдинги наштардан кўнгли тўлмаган хола, шуларни эслаб, қизини яна бир марта узиб олди.

– Ҳа, қызы бокқанин шўри қурсин. Ўёгини ўпиреб келармикинсан, деб қўрқсам, бўёғидан кўзингни ёшлаб келдинг, – тиржайди у. – Қайнота-қайнонангга, эринг Октябрга мослаб туққан эканман ўзиям! Үхшатмаса учратмас! Эринг илмий ишлар ёзиб турибдими ишқилиб? Ҳукуматдан пул келай деб қолдими?

Қариндошлар қах-қах уриб кулишди.

Эртасига ҳовлида Шокир, Султон, Назира ва Обида, Ойхон ва Карима хола жамланиб қолишиди. Тушга яқин эшонлар хонадонига худонинг назари тегиб, ҳатто Ёқуб қонқайнатар ҳам аҳвол олгани келди. Султон қувониб Шокирга кўз қисгач, Ёқубни қучоқлаб кўтаринки руҳда хитоб килди:

– Бугундан бошлаб бу улуғ кунни ҳар йили ҳайит сифатида нишонлаймиз!
– Ола-а!.. – базур иршайди эринчоқ Ёқуб.

Ёқуб – Раҳмон амакининг катта ўғли. Гавдаси юмалоқ, юзи сариқ ва сергўшт, билаклари йўғон, сертуқ, кўзи сал кўкка мойил, бир оз жаҳли тез ва бир вақтнинг ўзида анчагина бепарво. У шифтга тикилиб сукут сақлаб, бемалол беш-олти соат бир жойда ўтира олади. Шунчалар эринчоқки, юзига икки пашша қўниб ҳунар кўрсатса ҳам кўримай ўтираверади. Эшонлар оиласида биргина шу сўзамоллик санъатидан бенасиб қолган. Мабодо зарурат сезмаса, бемалол бир-икки ҳафта гапирмай юради. Шўрқишлоқ йигитлари бу ахволига ажабланиб ёқа ушлайдилар. Уйланмасдан аввал бир чиройли йигит эди. Ароқ ичиб маст бўлиб қолса, "бир ўпай, отам!" деб чолларниям ҳол-жонига қўймай, кўчама-кўча ортидан қувлаб юради. Ана шундек йигит мана бундек гум бўлди-қолди. Нега бундай бўлиб қолгани сабабини Карима холадан бошқа ҳеч ким билмайди. Қизикувчилар бу ҳақда ундан сўрасалар:

– Э-э-э!, – дейди хола қўл силтаб. – Бунга хотини нобопроқ нарса едирриб қўйган!

Ёқуб гапни судраб гапиради, жаҳли чиққан ёки қувониб кетган чоғда, "ола-а-а!" деб хитоб қилишдан нарига ўтмайди. У супада ўтирганда соат ўн эди. Орадан уч соат ўтгунга қадар икки оғиз сўз айтди, холос.

Роппа-роса тушида ҳовлига ибн Парлком ҳаллослаб кириб келди.

– Салом! Салом! Салом! – деб бидирлади у, ҳаммага юзланиб. – Мехнаткашлар оммасига алангали салом!

– Ассалому алайкумни қудам раҳматли тушириб қўйганди, ўғли бечора ҳалиям излаб тополмайди, – деди хушламасдан Карима хола. – Поёндозга қайга борай энди.

– Сўлим Шўрқишлоққа гавжум Наманган шаҳридан алангали салом! – ҳамма билан бирма-бир қўл олишиб сўрашди Октябр. – Биламан, ҳамманигиз оммавий равишда мендан аҳвол сўрамоқчисиз. Ҳамма ишлар жойида. Фақат, шу десангиз, бизни маликаи Дилором йўқолиб қолдилар. У киши мабодо бу ерда эмасмилар? Сизларданам бир ҳол-аҳвол олай, деган мақсадда, куруқ бўлсаям шошилиб келавердим. Даствурхонга овора бўлманг-

лар. Куруқ келдим, куруқ кетаман. Дадажон, битта зажигаюший фотиҳа беринг! – Октябр Раҳмон амакининг ёнига ўтириб, ундан олдин фотиҳа ўқиб қўяқолди. – Ҳай, майли. Бирлигимиз йўқолмасин . Омин!

– Тавба, –деди Раҳмон амаки бош чайқаб.

– Ҳамма гап шундаки, дадажон одам, – савонни кутмай, ахборот берабошлади күёв. – Мен вазият тақозосига кўра, вақтинчага, беш-олти йилдан бери ишламай турибман.

– Ҳа, беш-олти йилдан бери, – им қоқди чол маъқуллаб.

– Ҳа, бор-йўғи беш-олти йил. Оч қолганимиз йўқ, – деди у Ойхон келтирган нонни ўзи ушатиб, бир бурдани тишлаб чайналаркан. – Мусулмонга нима керак? Мана шу нон керак. Шу сабабдан шўролар ўзбекларга факат нон беришарди, холос. Нону иймон дейдилар, тўғрими, дадажон? Ўзбекка иймон бўлса бўлди-да. Бошқа нарсанинг нима ҳожати бор? Ҳик! Ҳик! – ютган луқмаси томоғига тиқилиб, қийналди ибн Партком.

– Ойхон, тезроқ чой келтиринг, – деди Карима хола. – Яна нон тиқилиб, шундай кўёвимдан айрили-и-и-иб қолмай.

– Назирахон одам кўринмайдилар? – сўради Октябр.

– Назира! – чақирди Карима хола. – Чик, Октябржон келди, қизим.

Ичкари хонадан Назира чиқди. Остонада эшикка суюнганча, тирноғини ўйнаб, ерга қараб тураверди. Ойхон чойнакда чой келтирди. Қишлоқча усулда Октябррга катта пиёланиб тўлдириб чой қўйиб берди.

– Раҳмат, янга одам, – деди Октябр пиёлани олиб ва ясама хурсандлик билан Назирага юзланиб кулди. – Ия, сизам шу ердамидингиз? Ахир биз сиз билан ҳиёбонда учрашмоқчи эдик-ку!

– Қайси ҳиёбонда? – тўнғиллади Назира.

– Севишганлар ҳиёбонида-да, – Октябр чойни иссиқ ҳўплаб қўйиб, ютиб ё туфлаб юборолмай ранги бўзариб кетди.

– Вой, бечора, – деди Ойхон четга. – Оч экан...

– Уфф! Уфф! Уфф-у-у! – Мехмон оғзини катта очиб, оғзидаги чойни пуллаб совутди, чойни ютиб олгач, енгил тортиб, юзига қон югурди. – Хайрият, ўтиб кетди...

– Нега хайрият дейсиз? – йиғламсиради Назира. – Мен уйингизга қайтиб бормайман. Мени олиб кетаман деб овора бўлманг.

Октябр ғайрат билан нон еб, чой ичишга тутинди.

– Ундай деманг, Назирахон. Ҳали ҳаммаси жойига тушиб кетади. Мен ҳозир катта-катта илмий ишлар қиляпман. Кейин жуда бойиб кетамиз, – у атрофдагилардан нажот кутиб, ҳамманинг кўзига бирма-бир назар солди. Ўзига ҳамфирк тополмагач, кўзи ожиз Обидага юзланди. – Тўғрими, Обида опа?

– Тўғри, – им қоқди Обида. – Ҳаммаси ўтиб кетади.

– Ўйда егани нон йўқ, – йиғлади Назира. – Бу киши бўлса, сиёsat сотганилари-сотган. Одамгарчиликка тўғри келмас экан деб, ҳамма ишдан бўшайверадилар. Куруқ гап билан тирикчилик ўтармиди. Бунинг устига ичганлари-ичган.

– Одамгарчилик масаласи, бугунги кун тартибида турган энг муҳим масала, – деди Октябр. – Ўзингиз ўйлаб кўринг. Биз нима учун кийим киямиз? Чunksi, бизлар онгли мавжудотмиз. Одам бўлганимиз учун севамиз, ишлаймиз, уяламиз, ашула айтиб, ўйинга тушамиз, шеърлар ўқиймиз, сухбатлар қурамиз. Эй, одам, агар бир-бирингни ҳаққингни еб, тошбагирлик қилиб қорин тўйдирсанг, овора бўлиб одамчасига яшашинг шартми? Уй-жой, кийим-кечак, бу бош оғриғи рўзғорни нима ҳожати бор? Ундан кўра яланғоч юриб ўрмонда яша! Бирорта маймунга уйланиб олиб, дараҳтма-дараҳт сакраб юравер!

- Яна қанақа маймунга уйланмоқчисиз? – аччиқланди Назира.
- Бизга биттаси етиб ортади, бошқасига уйланиш ниятимиз йўқ, – деб кесатди Октябр. – Хуллас, азизлар, одамгарчилик туйгуси ҳаётда жуда муҳим. Тушуняпсизми? Агар бизлар инсон бўлсак, бизларга пулнинг нима кераги бор? Ундан кўра одамгарчиликни ўзини қўлласак-чи? Масалан, Шокир акам одамгарчилик қилиб, ҳозир менга бир қоп ун беради. Уни хисобига, бир карра одамгарчилик ёзилади. Кейин Ёқуб акам ўз машинасида мени уйимга ташлаб келади. Машина ҳаққига ўз киссасига бир норма одамгарчилик ишлайди. Шунда, энг бой одам ким деб сўралгандা, энг кўп одамгарчилик қилган одам бой бўлиб чиқади. Замонлар ўтиб, одамгарчилик бобида миллионер бойлар пайдо бўлади. Миллиардерлар пайдо бўлишиям мумкину лекин бу ақлга сифмайди. Бу ҳақда илмий изланишлар олиб бориш лозим.
- Хонаки даҳо яна сиёsat бошлади, – деди Назира кесатиб.
- Хўш, унда чет эл билан қандай алоқа қиласиз? – сўради кулгиси кистаб Шокир.
- Уларда доллар, танга, рубль, манат, гривен бўлса, ташқи савдо қандай йўлга қўйилади?
- Мол айирбошлаймиз, ака одам, – уқдириди Октябр. – Тушуняпсизми? Биз уларгаям одамгарчилик қиласиз. Уларга текинга нон берамиз, ош берамиз, майший хизмат кўрсатамиз. Эвазига улардан бир тийин олмаймиз! Улар ўз қилмишларидан уялиб, ҳамма пулларини ўтга ташлаб ёқиб юборишиади. Хижолатдан қизариб, лавлаги бўлиб қолишади! Мени тушуняпсизми? „Ўзбеклар ана шундай яшаркан! Бизлар шўрпешона бўлиб, нега бу аҳволда тентираб юрибмиз,” деб йиглашади. Баъзи ажнабий сиёsatдонлар, бу шармандалика чидолмай, ўзларини ўзлари отиб ташлашади. Ҳамма миллатлар тўғри яшашни ўрганиш мақсадида, эшигимизга бош уриб келадилар. Бойликларини бизга ташлаб, бу ердан одамгарчилик олиб кетишади. Давлатимиз бой бўлади. Ҳаммамиз пулларимизни ўчоққа қалаб юборамиз.
- Ола-а-а! – қорнини силкиллатиб кулди Ёқуб. – Пула-а? Пу-у-ул! Пулдан ҳеч ким кечолмайди.
- Ундан кўра ҳалол ишлаб, ҳалол пул топиб, бой бўлинглар, ўғлим, – деди амаки.
- Йўқ, асло, дада одам! – деди қизишиб Октябр. – Пул бор жойда одамгарчилик адо бўлади! Бундай ёмон ишга қўл уриб бўлмайди. Ана! Бойлар шаҳарда тўлиб ётибди. Ҳаммасини қўш-қўш хотинлари, машиналари бор. Сасиб ачиган пуллари, чанг босган олтинлари беҳисоб. Аммо одамгарчилик ноль! Ҳаётлари гурбат! Тунлари ўғридан қўркиб ухломайди шўрликлар. Улар шўро давридаям пуллари сандикда сасиб ётган чирик бойлар эдилар. Энди бу касалликлари юз баробар кучайиб кетди. Шуям бойлик бўлдими? Мана, мен улардан кўра бойроқман, яъни одамгарчилик масаласида бойман. Шу бойлик менга етиб- ортади.
- Бой бўлсангиз нега қорнингиз оч, бой почча? – кулди Султон.
- Чунки, ҳозирги банкларда, одамгарчилик деган пул бирлиги муомала-га киритилмаган, – хўрсинди Октябр ва нон чайнашда давом этди. – Бу нонни ичиди ғичирлаган нарса бор экан. Сизларга одамгарчилиги йўқ қашшоқ савдогар ун сотибди.
- Шунисигаям шукур қилинг, – деди Назира. – Одамгарчилик дейверасизу узугимни ўғирлаб, сотиб ичиб юбордингиз. Шу ишингиз одамгарчиликка тўғри келадими?
- Бу арзимас техник хатойимни кечиринг, – парво қилмай чайналди Октябр. – Ошнам Шодмон одам иккаламиз чойхонада хамир овқат ичаёт-гандик. Сизни узугингизни унга кўрсатиб мактандим. У Шодмонни қошиғи-

га тушиб кетди. Шодмон ҳамирошга қўшиб, узукният ютиб юборди. Ҳали-гача кетини пойлайман, қани эди чиқа қолса? Яқинда дўхтирлар қорнини ёриб олиб беришармиш. Сиз асло узукдан хавотир олманг. Узук жудаям ишончли жойда турибди.

Обида шарақлаб кулиб юборди.

– Бўлди, – деди йиғлаб Назира. – Хадеб мазах қилаверманг. Узугимни топиб бермасангиз сиз билан ортиқ яшамайман! Билдингизми?! Яшамайман!

Орага совуқ сукунат чўқди. Оила аъзолари ҳам, куёв ҳам ноқулай аҳволда қолдилар. Обида бир оз аччиқланди чоғи, пешонаси тиришиб, қошлари чимирилиб, лаблари титраб, узун киприклари пириради.

– Назира, – деди қўлидаги узукни ечиб. – Ма, ўша узукни ўрнига меникини олақол.

– Ўзинг-чи, опа? – югуриб бориб узукни олиб томоша қилди Назира. – Шу узугинг жудаям чиройли-да!

– Бугундан бошлаб узук сеники, – деди Обида. – Бояги сўзни эса қайтиб оғзингга олма.

Одамийлик ҳаракати доҳийисининг иштаҳаси бўғилиб, қўлидаги нонни дастурхон четига қўйди. Боши эгилиб, узоқ жим қолди.

– Ундаи қилманг, Обида опа, – деди минғирлаб. – Мен албатта ишга кириб, ўша узукни қайтариб олиб бераман. Сиз мени одамгарчиликдан чиқарманг. Мана, мен бирпасда қашшоқ бўлиб қолдим. Ҳаммасини сиз ютиб олдингиз. Узугингизни қайтариб олинг.

– Менга уни кераги йўқ, – сўкир кўзларини юмди Обида. – Мен барибир узук чиройидан баҳра олмайман. Олтинни мисдан ҳиди орқали ажратаман. Сизларни кўзингиз яшнайди. Сиз яхши одамсиз, Октябржон. Сизни ҳурмат қилганим учун бердим. Ошнангиз Шодмонни қорнини ёрманглар. Бечорани бола-чақасига жабр бўлади.

Назира хаёли бўлиниб, қўлидаги узукка тикилди. Уни ҳар ҳолатга солиб томоша қилди. Обидани кучоқлаб, юзидан ўлиб қўйди. Карима хола эса пешонасини тириштирди. Обида ва Олим ўзларига тўқ яшайдилар. Ортиқча ҳашамга берилмайдилар. Мехнатсевар Олим кўп ишлайди, тузуккина пул топади. Баъзан иш вақти тугаса ҳам, дастгоҳдан турмай ишлайверади. Минғирлаб қўшиқ айтиб, шукур қилиб, намоз ўқиб, ўтган ота-бувасига атаб куръон тиловат қилиб, зерикиш нима билмай яшайди. Карима хола шуларни ўйлаб, яна ожиз Обида ва Олимни илоҳий мақоматда кўрди.

Кеч киргунга қадар Октябр куёв Шўрқишлоқда меҳмон бўлди. Султон уни ўз хонасига олиб кириб, унга яқин келажақда қилажак сафари ҳақида мақтаниб кўп гапирди. У орзу-хаёлларга берилиб, тошкентлик Шурикни, унинг устози мама Розани оғиз кўпиртириб мақтади. Суҳбатга якун ясаркан:

– Мана шунаقا, почча, – деди ширин энтишиб. – Бизам америкалик бўлиб кетдик. Яқинда жўнаймиз. Элчихонадан хабар келишига қараб турибмиз, холос.

– О, америкалик ўзбеклар! – хитоб қилди Октябр. – Ватангандо шўрпешоналар! Уларга ачинаман. Афсус, уларни қутқаришга ҳозирча ожизмиз. Уларни бойлик деган аждарҳо ютиб юборган. Одамгарчилик эса адо бўлган! Сиз, Султон одам, у ерга боргач, Америка ҳалқига менинг номимдан салом айтинг.

– Хўп, – деди Султон ваъда бериб. – Саломингизни албатта етказаман. Эҳ, сэр печчо! Билсангиз эди. Билл Клинтон билан учрашмоқчиман. Унга айтадиган кўп гаплар бор. Шўрқишлоқ меваларини Нью-Йоркда, Вашингтонда сотиш керак.

– Ҳа, сиз ҳақсиз! – деди қайнисидан беш баттар хаёлпараст Октябр,

камоли ишонч билан. – Уларга қийин. Бечоралар банан, какос, ананас, манго-панголарни ейвериб ичлари шилиниб адо бўлган. Бизда эса... эхе-е! Улар билан яқиндан танишиб олгач, ҳаммасини биз томонга даъват қилинг! Биз албатта уларни оғир азобдан халос этамиз.

Шу пайт хонага Назира кириб келди. Уни нўқиб имо-ишора қилди. Иккиси Раҳмон амаки ҳовлисини тезда тарк этди. Назира, Обида ўз фикридан айниб қолмай туриб, тезда қочиб қолишнинг тараддутида эди. Октябр ва Назира шаҳарга жўнашди. Кўчада Олапар билан ёнма-ён ўтирган Шароф, улар билан илиқ саломлашди. Октябр Шароф дўкондорни қучоқлаб, икки бор кўтариб ташлади.

- Одамгарчилик қилиб, бизни шаҳарга ташлаб қўйинг, божа одам.
- Бензин йўқ, иним, – деб алдади Шароф.
- Эҳ, дўстим Олапар одам, – уни нари суриб, итнинг бошини силади Октябр. – Хўжайнинг катта хатога йўл қўиди. Бугун у бир пачка одамгарчиликни ютқизди. Унга ачинаман.

Тўққизинчи боб

Қонқайнатар Ёқуб

Раҳмон амакининг катта келини Дилбар уйда ўтириб, мол-қўй бокади. Ёқуб бир ҳафтада уч марта мол бозорига боради. Мол сотиб, ўрнига янги-сини олиб келади. Дилбарнинг жаҳли чиқса, жағи чарчагунча жаврайди. Ёқуб эса юз оғиз гапга бир оғиз қайтим бермайди. Ойхон айтгандай, Дилбар анчагина шаллақи, бебурдроқ уруққа мансуб. Ёқуб уни индамай бўғиб ўлдиришга қасд қилгандек, гапирмай эзгани-эзган. Дилбар у билан уришиб хумордан чиқолмай, тез-тез пастдаги маҳаллага тушиб, ўз уруғи билан уришиб келади.

Бир куни Ёқуб машинасини патиллатиб бозордан қайтди. Катта жанжалга хумор бўлган хотини, енгини шимариб уришишга чоғланди. Даствурхон устида асаби бузилиб, сўроқ қила бошлади.

- Ола сигирдан қанча фойда қолди?
- Нима ишинг бор? Ола-а-а!
- Оласигирни бир челак сути бор эди?
- Буники йўғаканми? – ғулдиради Ёқуб.
- Икки коса кўк сут берди, холос. Касалга ўхшайди. Ола сигирдан қанча фойда қолди?
- Ўттиз минг.
- Ўттиз минг фойдага ка-а-атта сигирни топшириб келдингиэмси?
- Ола-а!
- Қачон сут-қатиққа ёлчимиз, дадаси? Фунажинларни, бузоқларни олиб-сотоверинг. Сигирга тегманг!
- Хўп! Э-э-э!
- Ёқуб деворга суюнганча ўтирган жойида ухлаб қолди.

У кўча-кўйда ичиб-чекиб ёки хотинлар олдида “иш” кўрсатмайди. Топган-тутганини уйига ташиб келади. Султон айтмоқчи, Ёқуб ҳақиқий пок виж-донли каламуш. У доим қайнилари қуршовида юради. Ўртанча қайниси Толиб, Ёқубга панд бериб, бир молнинг пулини еб кетди. Ёқуб орани очиқ қилиш мақсадида тортишиб жанжал бошлади. Хотини ўз инисига жон тортиб уни бу йўлдан қайтарди.

– Оларсиз шу ордона молни пулини, – деди у хафа бўлиб. – Бегонага кетмабди-ку? Ахир сизни шу акаларим етаклаб одам қилиб юришибди.

Мол-қўй, мошина, ҳовли-жой, дастмоя пулимиз бўлса... Беришар шу пулни мавриди келса... Ана, жонажон укаларингиз бор-будидан айрилиб, қозонини сувга солиб ўтирибди. Жа "КамАЗ" олиб, "Жигули" миниб керилиб кетишганди. Ойхон сузилганларини айтмайсизми! Мақтанинманг кўп, овсин, жўжани кузда санаймиз дегандим. Айтганимдай бўлди.

– Ҳозир уларни нега тиқиширасан? Толибдан гапир! – деди Ёқуб ўдағайлаб.

– Э, керилманг! – бўш келмади Дилбар. – Иниларингиз ҳозир очидан ўляпти. Корнингиз тўйганига, ҳовлингиз сотилмаётганига шукур қилиб ўтираверинг!

– Уларни бир йўқлаб қўяймикин? Ола-а-а! – ташвишланди фикри бўлинган Ёқуб, бирдан жигарларини эслаб.

– Нима?! – аччиқланди Дилбар. – Эсингиздами?! Онангиз бизни битта тешик тоғорани тенги қилмаган. Султонни ҳашарга айтганимизда келганими, а? Келганимиди?

– Ола-а-а, – фижинди у. – Мен сенга келган дедимми?

– Мени акаларим бўлса, бу ерда туну кун меҳнат қилишган. Лойларга беланишган.

– Пул бергандим-ку.

– Вой-вой-вой?! – лабини бурди Дилбар. – Ўша пулга мардикор ишлайдими? Ҳамма берган пулингиз бир бўлиб, тўртта устани тўрт кунлик ҳаки. Улар бир йил ишлаган бу ерда. Ҳа! Бир йил!

– Йўғэ-э! Ола-а-а! – хўмрайди Ёқуб. – Худди Толибга ўхшаб алдайсан-а! Лекин тунда бу сўлоқмон эр белини уқалаб ўтирган Дилбарга дили юмшаб қўргон беради.¹ У нима деса рози бўлиб, уйқу аралаш маъқуллаб фўнгиллади, танаси яйраб аллаланган чақалоқдек уйқуга кетади. Бундай ғаройиб гипноз таъсиридан нафақат Ёқуб, ундан зўрроғи ҳам соғчиқолмаган бўларди.

Карима хола билан бу қорамагиз юзли келин йифинларда бир-бирларининг кўзларига қарамай қўришадилар. Эни ва бўйига бир қарич қўринадиган Дилбар Карима хола қошида ёлғон тавозе сақлаб, хушомад гап қилади. Эл кўзига ўзини хокисор, меҳрибон келин қилиб қўрсатишга уринади. Ахир унда ҳам қиз, ўғил бор, эртага бирорвнинг эшигига супурги кўтариб боради. Кампир эса йўқотадиган ҳеч нарса йўқ. У дуч келган жойда келинини очик-ойдин гап билан узиб олади. Муғомбир Дилбар эл-юрт олдида сир бермай, бу томошани ҳазилга айлантириб хиринглайди.

Пирмат чолнинг набира тўйида, адирқўчалик ва қорачўқилик меҳмонлар бир уйга ўтиришди. Бир томонда Карима хола, Ойхон, Насиба, Зоҳида, Захро, иккинчи томонда Дилбар ва қорачўқилик келинлар жойлашдилар. Карима хола олди-қочди асқия-пайровлари билан меҳмонларни узоқ кулдирди. Дилбар қарзга ботиб ҳолдан тойган ғарип қайнона ўрнида мақтанчоқ эшонойимни қўриб, тилини тишлиди. "Отдан тушсаям эгардан тушмайди-я кампир ўлгур!" – деб ўйлади у.

– Шўрқишлоққа хотин ўғирлайдиган дев келса, биринчи Қорачўқига келаркан, – деди Карима хола қошини қоқиб, бўянган келинларга сирли тикилиб.

– Ҳа-а-а-а!! – уни тезлашди ҳангоматалаб аёллар жўрликда.

– Нега Карима хола? – ўсмоқчилади бир муғомбир жувон.

¹ Қўргон беради – енгилади.

– Шу десандыз, қорачүққилик көлинларни дөвдөн қизғонадиган қайнонаси йүқ экан-да!

Мәхмөнлар қотиб кулишди. Қорачүққи баланд адир устига жойлашган янги маҳалла бўлиб, у ердаги ҳамма оиласалар ёш. Қайнонасидан қочган көлинлар ўз билганича кун кечиради. Қариси йүқ маҳалланинг париси йүқ дейдилар. Дилбарнинг маҳалласи бефайз. Бу асия маъносидан қитмир аёллар холанинг Дилбарга меҳри йўқлигини англаб қолдилар.

Мәхмөнлар баробар қўзғалишди. Ёқуб эски "Москвич" машинасини патиллатиб, хотинини олиб кетишга келди. Дилбар ҳамманинг олдида керилиб, орқа ўриндиқка ўтириди ва қайнонасига ишора қилди.

– Юринг, ойижон, сизниям ташлаб ўтамиш.

– Қўйинг, қизим, қўй-эчки қамайдиган машинага мени қамаманглар. Икки қадам юрсан уйимга етаман, – деди хола ва Ёқубга ништарини санчиб олди. – Ҳа, ўғлим, сенам тупроқдан ташқарида юрибсанми? Бемаҳалда якка-ёлгиз қолиб кетма. Эҳтиёт бўл. Дилбарни этагини маҳкам ушла. Шундан бошқа киминг бор, болам?

– Чиқмайсизми машинага? Ола-а-а!

Ёқуб бу ердан тезроқ кетмаса иши ланж бўлишини тушуниб, моторга ўт берди. Машина патиллаб тўйхонадан узоқлашди. Ёқилғи қамалиб қолиб, мўрисидан кетма-кет пақиллаб овоз чиқди. Карима хола эса қўшнилари Захро ва Зоҳидани яна кулдирди.

– Ана, болагинамга зўр келиб орқаси пақиллаб кетди.

– Касали бор-да, ойижон, – деб кулди техника сирларидан хабардор Ойхон.

Карима хола янги хабарни эшитиб юраги ээилди. Шокирнинг дўйстлари у билан орани очик қилмоқчи бўлишибди. Бу дегани, Шокир яна бир миллион сўмдан ортиқроқ қарз тўлаши керак. Шокир ғамга ботиб, бошини кўторлмай ётиб қолди. Хола ноилож катта ўғли Ёқубни маслаҳатга чақирди. Ёқуб машинасини қалдиратиб келиб, дарвоза олдида тўхтатди. У ҳар хил хаёлга бориб, ҳадиксираб уйга кирди.

– Ҳа-а? – деди супада ўтирган отаси ва онасига қараб. – Қалай?

Ёқубнинг саломи ҳам, ҳол сўраши ҳам шу бўлди. Карима хола уни ёнига ўтқазиб олиб, бўлиб ўтган воқеаларни бир сидра айтиб берди. Ёқуб ҳомуза торта-торта эшитди. Кулогига гап кирмас, эртанги бозорга қайси молни олиб бориш ҳақида ўйларди.

– Мени эшитяпсанми? – ҳомушланиб сўради онаизор.

– Аҳ? – унга дикқатини бурди Ёқуб ва дарров ўзини ўнглади. – Ҳа-а-а.

– Ҳовлимизни сотамиз шекилли, ўғлим.

– Нега сотасизлар? Ола-а-а – афтини буриштириди Ёқуб.

– Бир миллионни тўлашга пулимиз йўқ-да, ўғлим. Ҳовлини сотмасак бўлмайди. Нархи уч миллион эмиш. Сендан ўзга сифинадиган кишимиз қолмади, – деди хола. – Шунга нима дейсан?

– Нима дейман?

– Бирор нарса десанг-чи? Ўзинг туғилиб ўсган ҳовли-ку бу!

– Ола-а, буни билиб турибман.

– Билиб турган бўлсанг ўйлаброқ гапир!

– Нима дей?

– Пул бериб турасанми бизга?

– Билмасам...

– Пуллар сеникими? – қони қайнаб ғазабланди Карима хола. – Уйдаги молларинг икки миллионга етиб қолар?

- Хотиним билади-да, ойи, – деди Ёкуб уялмай-нетмай.
- Сен эркакмисан ўзинг?
- Шунақа-ю, bemаслаҳат иш қилиб бўлмайди-да.
- Хотининг унамайди барибир.
- Қайниларимдан сўрай-чи.
- Ўзингча бирор нарса десанг-чи.
- Бир гап айтмолмайман дедим-ку! Ола-а-а! – ғазабланди Ёкуб. – Ҳамма ишни Шокир қилди. Пулни биз тўлаймизми, ойи?
- Бу барибир бермайди, онаси, – деди супада ёнбошлаб, сұхбатни тинглаётган Раҳмон амаки энсаси қотиб.

Карима хола барини тушунди.

- Ҳой, гаранг! – деди кўрсаткич бармоғи билан унинг пешонасига нуқиб.
- Сенам одаммисан? Шундай қийин кунларимда менга кор келмасанг, қачон кор келасан? Хотининг сенга ахлатини едириб қўймаса шундай бўлиб қолармидинг? Ахир қайтариб берамиз олган пулимизни! Ҳўпми? Лоақал қарзимизни ярмини тўлагин.
- Хотинимдан сўраб кўрай-чи, ойи! Ола-а-а! – ғазабланиб қичқирди Ёкуб.
- Нега менга бақирасан?! – баландроқ келди хола. – Ўғил бўлмай ҳар бало бўлгур! Бизга жонинг ачийдими ё йўқми?
- Қачон келсам жанжал! Қачон келсам мени фийбатим! Хотинимгаям кун бермасдингиз! Шу ердан кўчиб кетиб қутилганман! – йўғон овозда чўзиб-чўзиб бақира кетди Ёкуб. – Хотиним иккаламиз ўлиб берсак, болаларимиз етим бўлса, кўнглингиз ўрнига тушадими? Шу ғурбатхона ҳовли эсимга тушса юрагим эзилади! Сотилса-сотилиб кетар!
- Пул берасанми? – ўшқирди Раҳмон амаки. – Берасанми, бола?!
- Билмадим дедим-ку!
- Бермасанг кўзимдан йўқол! Бу ерда бўкирма, итвачча! – кўл силтади амаки. – Йўқол уйимдан!

Ёкуб машинасини чанг кўчалардан ҳайдаб бориб, адир орасидаги йўлдан бурилиб, Қорачўкки йўлига ўтди.

“Сенлар мени, адир устидаги дашту биёбонга ҳайдадинглар, – дея ўйлади у. – Арзимаган ёрдам бериб, ҳамманг четга чиқиб олдинг. Уй-жой қиласман деб, кечасию кундузи юртма-юрт, бозорма-бозор изғидим. Ўзимни тиклаб олгунча она сутим оғзимга келди. Ёрдамим керак бўлганда эсингга тушдимми? Ола-а-а! Мен қайниларимни кўзига мўлтираб, бозор юришни ўргандим. Шуларга суюниб уй курдим. Кайси биринг қарашдинг? Кўкрагимга офтоб текканда, топганимни сенларга бериб, яна оч қорин билан ҳансираф югуриб юрайми? Ҳеч қачон. Шокир бузукни касрига ҳамма иш орқага кетди. Ҳали Султон валакисалангни уйлантириб қўйиш керак. Үнгаям пул бериш керакдир? Оласан-а, оласан... Мени болаларим келса кел демайди. Ҳамма меҳрини Шокирни боласига беради. Қизларини боласи келса, эркалатиб бошига кўтаради. Мени учта боламга бўлса кўз қирида қарайди. Хотинимни ёмон кўрсанг, боламниям ёмон кўрасанларми? Сенларни уйинг уй эмас, жиннихона. Яна оқсуякмиз деб керилганига ўлайми...”

Машина адир устидаги асфальт йўлдан Қорачўкки томон елиб боради. Баланд адирдан ям-яшил Шўрқишлоқ кафтдек кўринади. Ёкуб хом гиштдан бўлса-да, бежирим қилиб қурилган, оқлаб бир оз жило берилган ҳовлисига етиб келди. Экиб кўйиган икки юз туп тераги икки том баробар ўсган. Машина овозини эшитиб, катта ўғли Бобур, кичиги Шерзод ва кенжатой Шоҳиста чопқиллаб кўчага чикдилар. Фарзандлар оғушида Ёкубнинг

дили яйраб кетди. Құшнилар түпланиб туришганини күриб, иштонсиз қиз-
часини уйга ҳайдади.

- Бор, уйга кир, иштонингни кийиб чиқ, қизим!
- Сиз билан бораман, – күнмади қизи.
- Бобур, уканғни кийинтириб чиқ, үғлим, – катта үғлига буюрди. – Нега
иштонсиз юрибди уканғ? Бу ахмоқ ойинг қаерда ўзи, Шерзод?
- Молларга қарайптилар, – деди Шерзод ва укасини туртди. – Уйга кир!

Ёқуб құшнилар томон юрди. Асли у, битта Раҳмон амаки эмас, қорачүқ-
қиликларнинг ҳам қонини қайнатиб туради. У фойда чиқмайдиган ишга
сира бош құшмайди. Ахрор ҳисобчи ҳаммани түплаб ҳокимга бориши мас-
лаҳат солди. Шу қаторда Ёқубни ҳам даврага тортди. Бир тұда қорачүққи-
ликлар бир ёқадан бош чиқаришди. Ёқуб ўзини олиб қочди. У Дилбарнинг
олиддан ўтиши лозим еди.

– Ёқубжон, – деди ёши әлликдан ўтган оқсоч Ахрор. – Бу ой бизга
умуман сув келмади. Мен құшниларни түплаб ҳоким олдига кетяпман. Сиз-
ни ўрикларингиз баргини ташлай бошлабди. Ҳадеб ўзингизни гүллиқка
урманг.

- Ким тортяпти, ака, – деди Ёқуб.
- Эрта-индин бодомлар ҳам баргини ташлаб юборади. Шу боис ҳоким
билан бир чўкишиб олайлик. Сувимизни чиқариб берсин. Насосни таъмир-
лашга ҳалиям пул ўтказмабди.
- Ола-а! – ташвишланди Ёқуб. – Ўтган гал борганимизда Қурбоналиев
хафа бўлди, Ахрор ака.

– Бу ерда олтмиш хонадон экин-тикинидан айрилди. Дараҳтларимиз
куриб қолса бу жазирамада нафас ололмай қоламиз, – деди күйиниб Ахрор.
– Еки буни сизга қизиғи йўқми? Вақт ажратинг, Ёқубжон. Кемага тушгани
жони бир.

– Вақт қайда дейсиз. Мен эрта бозорга бораман. Молларни ювишим
керак. Бозорни биласиз-ку!

– Конимни қайнатманг, ука, – аччиқланди Ахрор. – Эл бошига иш туш-
ганды мадад бўлинг. Жуда бўлмаса яхши кунингизда ошингизни еймиз,
ука. Бирга бориб, сизам бизга далда бўлиб туриңг. Ёки паст қишлоққа
тушиб, отангизни уйида яшамоқчимисиз? Бу ҳовли-жойингиз қуриса қуриб
кетаверсинми?

- Ола-а-а! Ҳеч қаерда тинчлик йўқ, – ғулдиради Ёқуб.
- Буни паст қишлоқдаги ота уйи яқинда сотилади, – деди құшниларидан
бири. – Раҳмон акам ўзи шу ерга кўчиб чиқса керак. А, Яшка? Тўғрими?
- Ола-а! – ғазабланиб гийбатчига ўқрайди Ёқуб.

Қони ҳеч кимга қўшилмаган Ёқуб бу ишга ҳам қўшилмади. Қорачүққи-
ликлар ҳоким қабулига ўзлари кетишиди. У эшиқдан кириб, бу хабарни ай-
тиши биланоқ:

- Катталар билан ўйнашманг, – деди қўлини бигиз қилиб Дилбар. – Бир
кунмас бир кун ҳокимга ишингиз тушар?
- Тушар, – деди тусмоллаб Ёқуб.
- Қурбоналиевни назаридан қолманг – тўхталиб мақсаддага кўчди Дил-
бар. – Ойингиз нима дейди?
- Бир миллион пул керак эмиш.
- Нима?! – сапчиб тушди Дилбар. – Жанжалга чақиришса бора кўрманг.
Айтгандай, ҳозироқ ойимларникига бориб келинг. Арzon кунжара келган-
миш. Акам бир тонна гаплашиб берармиш. Бора қолинг.
- Бўпти, – йўлга отланди Ёқуб. – Зўр иш бўпти-да.

– Ҳа, айтгандай, – тугун узатди Дилбар. – Манави мантиларни ойимга ташлайсиз. Кейин тезроқ қайтиб келинг. Иккинчи таомни ўзимиз еймиз. Корнингиз тўқми?

– Қорним оч-у, кел майли, олдин бориб кела қолай.

– Онангиз тушлик едирмай жўнатдими? Мени онам бирор марта шундай қилганмиди?

– Бўпти, кўп вайсама, – деди Ёқуб.

У тугунни олиб, машинасини елдириб йўлга тўшди. Ёқуб хотини ва қайноасидан мамнун. “Бирор қадрингга етмаса, бирор етар экан, – дея ўйлади у машина моторини ўчириб. – Ота-онамдан кўрмаган яхшиликни шулардан кўрдим. Дунёда яхши одамларам бор”.

Мотори ўчирилган машина товуш чиқармай, нишоб йўлдан ғалткарава каби ғириллаб борар, Ёқуб қайноаси ҳақида ўйлаб ширин энтикар, рулни бошқарар, бурилишларга етганда тормоз тепкисини босиб-босиб қўярди. У уч километрлик йўлни доим шундай усулда босиб ўтиб, қуйида жойлашган Шўрқишлокқа тушиб боради. Бу нодон ўғил бир ҳақиқатни тушунмайди. Онаси ҳеч қачон пишиб турган овқатни едирмай туриб, уни юмушга юборган эмас. Агар Дилбар Ёқубни Карима хола севгандек севганида, аввал қорнини тўйдирив, кейин онасиникига юборган бўларди. Лекин Ёқуб қорни тўйгач, чарчоқ ва таом таъсирида оёқ-қўли бўшашиб ухлаб қолади. Натижада, Дилбар ўз онасига илинган таом, айтилган вақтида ўз манзилига етиб бормайди. Дилбар, Ёқубнинг хулқ-атворини жуда пухта ўрганган, қандай “қамчилаш” ва “хала санчиш”ни яхши билади. Ўта оқилона услубда, ўз эрини миниб олган бу аёл ўзи ҳам тинимсиз меҳнат қиласди. У ўз оиласини она асалариdek асрайди. Шу оила учун куйиб-ёниб яшайди. Хоҳлаганида заҳрини солиб, хоҳлаганида асал тутқазади. Лекин у ўз қайноасидан кўп қарғиш олмоқда эди. Балки қариган чогида ўзи ҳам келинларини қарғаб ўтар, ахир, бу дунё қайтар дунё дейдилар.

– Онангиз, никоҳимиз куни атига битта мошина жўнатган, холос, – дея тез-тез гина қилиб турари Дилбар. Қариндошларимни тўй куни усти очик мошинада олиб келишган. Ўзимгаям шунақаси хизмат қилган. Одам хўрланса шунчалик хўрланар-да!

– Ола-а-а! – уф тортади Ёқуб. – Ўшанда битта сен хўрланибсанми! Менам хўрланганман, хотин! Ҳадеб эслатаверма! Уфф!..

Карима хола гинахонликда келини Дилбардан қолишмайди. Шўрқишлокқа ўзини қандай тушириб олиб келишганини эслаганда ҳасратидан тутини чиқади. Қони қайнаган Раҳмон амаки нос чекиб, бақириб бермагунча жаврайверади. Карима хола Эшондада эшоннинг шаҳарлик мурилларидан бирининг қизи бўлиб, отаси камбағал косиб эди. Раҳмон ва Кариманинг тўйи бўлган йилларда, Эшондада эшон базуртириклик қиласди. У чоғларда колхоз катталари қамалиб чиқкан руҳонийга кўмаклашишдан ҳайи-қардилар. Эшондада шаҳарлик келинни олиб келиш учун якка от кўшиладиган арава ҳозирлади. Чилдирмасини кўтариб, ўз ташаббуси билан тўйга етиб келган Тиллахон очиқ:

– Менам бораман, эшон ака, – деди. – Розимисиз ёки уйимга қайтиб кетаверайми?

– Энди... – деб томоқ қирди Эшондада эшон бир оз тараддуланиб. – Меҳмон атойи худо. Шу яллага ҳожат йўқ эди-ю, аммо ўз оёғингиз билан келибсиз, бунинг ҳам бир ҳикмати бордир. Борсангиз бораверинг.

– Яшанг, эшон ака! – деди Тиллахон очиқнинг сатанг дугонаси. – Тўйингизни қиздириб бир дуоингизни олайлик.

– Етти пуштингизга етадиган дуо оласиз, Тиллахон опа! – деб орага сүқилди Қобил фронтчи. – Мени хотиним Санобар билан Ҳалима янгамам борадилар.

– Урро-о-о! – хоҳолади Тиллахон очик, – Тўйдан кейин отамлашарканмиз-да, фронтавик! Ҳа-ҳа-ҳа!

Ёши эллиқдан ўтган Тиллахон очик, қоп-кора, бақувват, овози йўғон, бир шиша ароқни ичиб, фўр-фўр кекириб, ўнгу сўлга оғишмай кетаверадиган эркакшода аёл эди. Бу қориндор паҳлавон хотин, намоз ўқишдан олдин ихлос билан таҳорат қилас, иштонининг липасидаги тухумдек носқовоғини ҳам бир бор сувга чайиб олиб, яна липасига қистирав, намоздан кейин каппа-каппа нос чекиб, ўз яқинларига охират азобларидан панду насиҳат айтиб, дўзах азоблари билан уларни кўрқитар, баъзан ўзи ҳам ўз ваҳимасидан кўрқиб кетиб, дўриллаб йиглаб юборарди. Чилдирмани ҳамма сатанглардан кўра қаттиқроқ чалар, оғзини тўлдириб йўғон овозда ашула айтар, қўшиқ орасида кўзига ёқсан йигитлару қизларга гап сотиб, “вой, жонингдан-еъ, фалончи, қани мени ёшлигим!” деб ҳайқириб кўярди.

Хорунбойнинг қизи Ҳалимабегим, Қобил фронтчининг хотини Санобар чевар, Тиллахон очик, унинг яллачи дугонаси ва яна тўртта кампир, Эшондада эшондан оқ фотиҳа олиб, аравага ўтириб шаҳарга бордилар. Камтарона тўйхона мўъжазгина эди. Мехмонлар тўкин дастурхон атрофида ўтириб, тўйиб еб-ичгач, қайтиш тарафдудига тушдилар. Нортожи чинқироқнинг аравасига ўтирган шаҳарлик келин ўкиниб йиглади. Отасининг noctor дўстига келин бўлиш пешонасига ёзилган Карима тенгдошларидан жуда уялди. Бирорта ҳам дугонаси ёнига кириб, Шўрқишлоққа боришни истамади. Ка-рима икки қўшни жувон кузатувида, кампирлар ва яллачиларга қўшилиб, аравага ўтириб Шўрқишлоқ томон йўл олди. Кампирлар Тиллахон очик бошчилигида ёр-ёр айта бошлади. Нортожи чинқироқ бир қулоғи чинок, бақириб сўзлайдиган тўпори киши эди. У дала йўлида арава хайдаб, тўй ва маъракаларда жарчиллик қиласди. Үмри давомида шу ҳунаридан бошқа бирор ишни қойиллатолмади. Шўрқишлоқдан четга чиқмаган, ўнг кўл ва чап кўл қоидаларини тушунмайдиган ўқувсиз аравакаш, шаҳар кўчаларидан ўтиб, Шўрқишлоққа етиб келгунча йўлдаги аравакашлару ҳайдовчилардан кўп дакки еди. У катта тошйўлдан Шўрқишлоқ томонга бурилиб, пахта далисини кесиб ўтган тутлар қатори орасидаги йўлдан бораётганда, ғазаби қайнаб тил-забонсиз отни аямай савалади.

– Чўх, оқкулоқдан қолган ҳароми! Кўзингга қараб юрмайсанми?! Сени касрингга ҳаммадан сўкиш эшитдим!

Эллигинчи йилларда бу қари отни Ислям татарнинг отаси, мана шу эски аравага қўшиб, колхозда гўнг ташиганди. Чинқироқ “оқкулоқ” деб, Абдулла татарни назарда тутарди. От жонивор йигирма ёшдан ўтган бўлса-да, ҳали ҳам бақувват эди. Қаригач айёрликка ўтиб олган кучли от, бехос урилган қамчидан жони ачиб, шаталоқ отиб чопиб кетди. Чинқироқ шўрлик қари отнинг бундай кучи борлигини билмасди, аравани бошқоролмай қолди. Тизгинни зўр бериб тортгани билан ҳуркиб кетган от, бошини бир томонга қийшайтириб, тобора тезликни ошириб чопаверди. Аравада йиглаб бораётган келинчак шўрликнинг кўрқанидан дами ичига тушиб, шотига ёпишиб калима ўгириди. Вағир-вугур гап сотиб, чилдирма чалаётган кампирлар дод солишди.

– Тўхтат ҳаром ўлгурни, чиноқ ўлгу-у-у-ур!! – деб бақирди Тиллахон очик. – Ергина ютгур, аравадан тушиб олай, сочингни битталаб юлама-а-аан! Ҳа, онангни ... сени!

– Войду-у-уд! Войду-у-у-уд! – дея дод солишди ёпинғичли кампирлар. – Ким бо-о-р! Аравани тўхтатингла-а-а-ар!

– Э, бақирмангла-а-а-ар! – улардан ҳам баландрок чинқирди аравакаш.
– Отни ҳуркитмангla-а-а-ар! Отни-и-и-и!

– Парвардигор! – дея овозининг борича нола қилди Тиллахон очиқ. –
Паранжи ташлаганим учун ўзинг кечир! Агар шу балодан эсон-омон қути-
либ олсам, эскича ўқийман, отин ойи бўламан! Нос чекишни ташлайман!

Фидирак йўл четидаги тошга урилиб, ўқидан чиқиб кетди. Арава бир
томонга оғиб, кампирлар ва келин юмалаб тушди ва тўпроққа беландилар.
Арава сал нарида тўхтади. Ўрнидан туриб, хуши ўзига келган Тиллахон
очиқнинг феъли айниди. Қўлига иккита муштдек тош олиб, энсасини қаш-
лаб турган Нортожи чинқироқ томон чопди. Аравакаш буни кўриб ура қочди.

– Тўхта, халқ душмани! – дея бақириб унинг ортидан тош улоқтириди
Тиллахон очиқ. – От савашни сенга кўрсатиб қўяман, шўртумшуқ! Тўхта-а-
а! Ҳа онагинангни ... сени!

Тасодифми ёки эшонларнинг кароматиданми, бирор кишига ҳам шикаст
етмади. Аёллар ўринларидан туриб, кийим-бошларини қоқдилар. Қўшнила-
ридан бири келинчак устига ёпилган чодирдаги чангни қоқиб, бағрига босди.

– Шўрим бўлмаса Шўрқишлоққа келин бўлармидим, янга, –дея йиғлаб
юборди Карима.

Унинг ҳолига ачиниб, шаҳарлик қўшни жувонлар ҳам йиғладилар. Хорун-
бойнинг кенжা қизи Ҳалимабегим жуда бамаъни аёл эди. Келинга яқинла-
шиб уни қучоқлади.

– Каримахон, – деди у кўзларига термилиб. – Асло бундай деманг,
ўргилай. Сиз келин бўлиб бораётган хонадон авлиёлар макони. Ота-онан-
гиз шу хонадонга юкиниб фарзандли бўлишган. Отангиз билан эшон акам-
нинг дўстликлари охират дўстлиги. Ҳозир рўй берган ҳодиса сизга бир умр
дарс бўлсинки, сизни аравада боришингизни пиру устозлар рухлари хоҳ-
лашмади. Агар ақлингиз бўлса, қайнотангиз билан қайнонангизни хузур-
ларига пиёда боринг. Катта аркону давлатга эга бўласиз.

Нортожи чинқироқни қувиб етолмай, эркакчасига сўкина-сўкина ортга
қайтган Тиллахон очиқ, тупроққа беланган чилдирмасини ердан олиб, дўпил-
латиб чангни қоқди. Асабийлашиб, қўйлагининг этагини шимарди, липа-
сидан носқовоғини олиб, бир чеким нос отди.

– Вой онангни эмгур! Руҳонийни тўйида ўлиб кетишимга бир баҳя қол-
ди-я! Ҳа, оширамай ўлай! Эшон барибир ароқ қуиб бермайди!

– Боя чекишни ташлагандингиз-ку, очиқ?! – қаҳ-қаҳ кулди Ҳалима бегим.

– Э, ўртоқжон, – қўл силтади сатанг. – Жони кўзига кўринганда одам
нималар демайди. Бир пиёла ароқ ичволганимда настроениям ўрнига кел-
ган бўларди.

– Самад полвонга айтаман, бугун сизга ароқ қуиб беради! Чалинг чил-
дирмангизни, ўртоқ! – дея буюрди Хорунбойнинг қизи ва Санобарга юзлан-
ди. – Ўйнанг сизам, чевар! Акагинамни тўйларини шу ерданоқ қиздириб
борайлик.

Тиллахон очиқ чилдирмасини чалиб куйлаб юборди. Ҳалимабегим ва
Санобар чевар ўйнинг тушиб, келинни орага олганча Шўрқишлоқ томон
юрдилар.

Ўнинчи боб

Дўстлик

Шўрқишлоқ табиати фоят сўлим. Қишлоқ ўртасидан жануб томонга қуи-
лаб оқувчи сойнинг суви жуда кам. Қадимги аждодлар сувга ташна бўлиб
яшаганлар. Эндиликда қишлоқ яқинида катта ва кичик каналлар оқади.
Қишлоқда илгари юзтacha хонадон яшаган, холос. Ҳозирда эса пасттекис-
ликда мингдан ортиқ, адирликлар устида уч юзтacha хонадон жойлашган.

Бу хонадонлар ва экин ерлари каналдан тортиб чиқарилувчи насос сув билан суғорилади. Илгари қишлоқ марказида битта мактаб, битта дүкон, битта майший хизмат күрсатиш уйи, битта медпункт бўларди. Қишлоқ халқи рўзгор ташвишида туман марказига қатнаб умри ўтарди. Марказдан узоқда жойлашган барча қишлоқларда "учар" йигитлар ҳожат чиқариш учун керакли нарсаларни шаҳардан етказиб келишарди. Мана шундайлардан бири Шокир, майда-чўйда темир-терсакларни йигиб келавериб, Зуннур эшондан қолган табаррук ҳовлини ажойибхонага айлантириди. Бу баттол эшонзода ҳамма нарсани сотарди ва сотиб оларди.

Бир куни Раҳмон амаки билан шаҳар бозорида кезиб юрган Шокир битта подшипникни харид қилиб халтасига солиб олди.

- Бу темирни нима қиласан? – деб сўради амаки тушунмай.
- Сатимбой тракторчига пуллайман, – деди Шокир.
- Сени шунаقا бола бўласан, деб ўйламагандим, – аччиқланди Раҳмон амаки. – Зуннур эшон ўз авлодидан сенчалик фойдахўр чайқовчи чиқишини билганида, жойномозига ўт қўйган бўларди!

Шокир илжайиб қўя колди. У барибир ўз билганидан қолмасди. Эртасига ёқ подшипник хабарини эшитган Сатимбой Шокирни излаб келди. Унга уч баробар кўп пул тўлаб, раҳмат айта-айта подшипникни олиб кетди. Шокир яхшигина механик, ҳайдовчи, ҳунарманд, тижоратчи ва чидамли дехқон эди. Қурилишга борса андавани кўлга олиб, девор сувоққа тушиб кетар, пул унса лой қориб ғишт қўйишдан ҳам қайтмасди. Хотини Ойхоннинг айтишича, ухлаб ётганда ҳам кўл бармоқлари қимиirlаб турармиш. Бирор ишни бошласа, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам шошилтириб қийнаб юборади. Илк мустақиллик йилларида у ўз оила аъзоларини жамлаб, икки гектар ерни ижрага олиб дехқончилик қилди. Ижаравчилар орасида катта хирмон кўтарди. Пулларни эса сарфлашга шошилмади. Пулга муҳтоҷ бўлиб қолган кишиларнинг ишдан чиқсан енгил машинларини сотиб олиб, ҳовлига судратиб келтирди. Раҳмон амаки бундан норози бўлиб жавради:

- Нега юрмайдиган мошиналарни олиб келдинг, жинни?! Қолган пуллар қани!?
- Ҳаммасини запчаст олишга сарфладим, – деди Шокир.
- Ҳа, жинни, каллаварам! – бақирди ота шўрлик. – Умримда бир марта бой бўлувдим, совурдинг! Ҳа, абллаҳ савдогар! Чув туширдинг мени! Чув туширдинг!

Шокир аввалига ҳунар-техника билим юртида ўқиб, кейинчалик ўртоғи қрим-татар йигити Фиратнинг устахонасида ишлаб, машиналарни таъмирлашни яхшигина ўрганган. У тузган режа ҳам ёмон бўлиб чиқмади. Қиши билан тинимсиз меҳнат қилди. Орадан уч ой ўтгач, шўрқишлоқликлар ҳайратда қолишиди. Олтита енгил машинани таъмирлагач, уддабурон Шокир, уларни вилоят марказидаги катта бозорга олиб чиқди. Бир "Жигули"ни ўзида қолдириб, бештасини сотди. Ўрнига битта "КамАЗ" сотиб олди. Алғов-далғов даврда келган шу омади туфайли иши юришиб кетди. Укаси Султонни ёнига олиб, машинасида юқ ташиб, мевафуруш савдогарларга хизмат қила бошлади. Олдин қозоқлар ерини кезди. Кейин сибирликларга витамин ташиб бойиб борди. Атрофига бирин-кетин савдогарлар, боғбонлар ва дехқонлар тўпланишди. Эшонзодалар тўғрисида тарқалган бошқа миш-мишлар эса тагсиз гап-сўйлар эди.

Савдогарликни орзу қилган ошна-оғайнилар, танишу нотаниш кишилар Шокир ортидан соядек эргашиб юришарди. Содик акаш, Алишер ва Хомиднинг ҳангомаларини айтаверсангиз тугамайди. ҳангома адогига етмайди.

Улар илк танишув чоғида Шокир ва Султонни шаҳар истироҳат боғига таклиф килишди. Дид билан тузатилган дастурхон атрофида бешта тадбиркор давра қуриб ўтиришди.

- Ака, – деди Султон, – нега булар бизни сийлашяпти?
- Биз билан бирга ишлашмоқчи, укаш, – деди у.
- Ўзимиз яхши ишлягмиз-ку? Нима қиласиз ортиқча ташвиш орттириб?
- Булар қўшилса нима бўпти? Карвон кўп, ризқи бошқа.
- Ўзингиз биласиз, – деди Султон.

Бир қадаҳдан ароқ ичиб, овқатланиб бўлишгандан сўнг, савдо услуби ва йўллари ҳақида сўз кетди. Ҳомид, Содик ва Алишер Россия бозорига мол юбориб кўришмаган, дастмоялари озлиги учун ҳар нарсадан ҳадиксираб иш юритардилар.

– Эҳ, Шокиржон, пичоқ бориб суюкка етди, – деди Содик акаш. – Бизам катта-катта пул топмасак бўлмас экан. Мурувватингизни дариф тутмай бизни етакланг, иним.

- Ризқимга шерик қўшилди деётгандирсиз? – кулди Ҳомид.
- Бирорни ризқини бирор еёлмайди, – деди Шокир.
- Раҳмат, – деди барваста Алишер қуллук қилиб. – Яхши одам экансиз.

Содикнинг ёши қирқ бешларда. У тепакал, қориндор, ингичка овозли, ҳасраткаш киши. Хурсанд ўтирганда ҳам хўрсинаверади. Жаҳли эса бурни-нинг учидаги туради. Бирор билан муомала қилса, етти букилиб, мулозаматни меъёридан ошириб юборади. Ёнида турган киши ҳам бу ҳолатдан хижолатга ботади.

– Болалар катта бўлиб қолишли, – деди у кайфи ошгач, тили равонлашиб. – Замон мана бундай бозор иқтисодиётига ўтиб кетди. Ўзинг учун ўл етим, деган замонга келиб қолдик. Кўпроқ ишлаб, камроқ емаган ниятига етолмайди. Биз кўзимиз кўр, йўл кўрмаган кишилармиз, ука. Мусофиричилкда бизларни қўллаб турасиз-да.

– Майли, – деди Шокир. – Исмоилжон, Набижон деган ҳайдовчи ошнапаримиз бор, шуларни кўмакка чақирамиз. Сизларга юқ тўплаб берамиз. Ҳаракат қилаверинглар. Бозорга боргандаги ўзим сотишиб қўяман. Сизни ёшингиз улуғ экан, ака. Элликдан ошганга ўхшайсиз.

– Соҳи эртароқ тўкилган, холос, – кулди Содик. – Сиздан бор йўғи ўн ёш каттаман. Ҳижолат қилмай, бемалол оғир ишларниям буюраверинг.

Алишер Султондан беш-олти ёшлар чамаси катта, қора тўриқ йигит. Ўртоқлари кулишиб, уни Алекс деб чақирадилар. Ҳомид эса уятчан, жуссаси кичик, кўйкўз, мўйлов қўйган, сипо кийинадиган ёши ўттиздан ўтган йигит. У кўпроқ Султоннинг кўнглини олиш билан банд бўлди.

– Қисқаси, – деди у, – Шокир акамизни бизга худо етказди. Эҳ, Султонбек, сизни баҳтиңгиз бор экан. Худо сизга шундай жаҳонгашта акани ато этибди. Бизларга ака насиб қилмаган. Бошимизни у тошдан бу тошга уриб яшаб келяпмиз-да, ошна.

Мактабни зўрга тамомлаган қишлоқи Султон пачава, мактоблардан мойдек эриб, акасига фурурланиб қараб қўйди.

Шокир навбатдаги сафарда янги ҳамкорларни қўшиб олиб, яна битта қўшимча машинага юқ ортиб Россияга жўнади. Тюменга мева олиб борувчи шоввозлар ўша кезларда салмоқлигина пул ишлаб топишарди. Шокирга эргашиб, шаҳарлик ҳамкорлар қаердан ва қандай усулда мева-чевани арзон олиш йўлларини ўргандилар. Янги таниш-билишлар орттиридилар. Улар ҳалол, одобли ва меҳнаткаш йигитлар бўлиб, бирорталари ножӯя ҳаракат қилмас, ҳатто рус ерларида ҳам ўзбекча тавозени тарқ этмас эдилар. Би-

ринчи галги сафар давомида, Шокир янги ҳамкорларни қўй сурувини ҳайдагандек олдига солиб ҳайдаб юрди. Султон юк тўплаш мақсадида қишлоқда қолганди. Шокир уни ташлаб кетганига пушаймон бўлди. Бозорга етиб бориб, машиналарни тўхтатиб, юкларни туширишини тайинлаб, ўзи меҳмонхонага кетди. Меҳмонхонада жой ва тушлик ҳозирлатиб бозорга қайтиб келди. Юклар ҳамон туширилмаган, янги ҳамкорлар эса миллати номаълум маст кимса билан қизишиб тортишмоқда здилар.

– Нима қиляпсизлар? – деди аччикланиб Шокир. – Харидорлар келиб кетишяпти-ку! Бу алфозда кечиксак яхши бўлмайди. Ҳўл мева бу!

– Мана бу одам ҳеч нарсани тушунмасдан “йўқ” деб туриб олди! – куйиниб жавради Содик акаш. – Юкларни пажалиста туширайлик десам, “нет!” дейди! Худони зорисини қилдим. Мана, Алишержонам ётиғи билан тушунтирдилар. Ҳомид орага тушди! Тўғрими, Ҳомид?

– Жуда қайсар бола экан-да бу, Шокир ака, – тасдиқлади Ҳомид.

Энсаси қотган Шокир бозорда бемақсад кезиб юрувчи пиёнистани кетига бир тепиб ҳайдаб юборди.

– Пошёл отсюда!

Кайф пиёниста хиринглаб кулиб нари кетди. Ҳамкорлар анграйиб қолищи.

– Нима бўлди? – сўради Ҳомид. – Туширишга рухсат бердими?

– Бу нега рухсат беради, ука, – аччиқланди Шокир. – Калланглар жойидами ўзи? Бу бола бозорда ишламайди. Тавба, жинниям одамдан бўларканда. Қутиларни туширинглар!

Кейинги сафарларда юз берган воқеалар бундан ҳам қизиқ. Қозогистон йўлларида бораётган Содик бошчилигидаги “КамАЗ” машинаси, Шокирни кидан олдинга ўтиб йўл босди. Шокир чарчаб қолиб, мизғиб олиш мақсадида орқа ўриндиқда ётди.

– Кечроқ уйғот, Султон, қўлим зирқирайти, – деди у.

– Майли, бемалол ухлайверинг, ака, – рулга ўтирди Султон.

Олдинда бораётган машинани милиция олатаёни кўтарган фуқоро кийимидағи йигит тўхтатди. Унинг қўлида уяли телефон бор эди. У Содикни машинадан тушириб, қўлини кўтартириб қўйди. Ҳўжақишлиқлик ҳайдовчилар – Набижон ва Исмоил Содикдан ҳам содда здилар. Улар ҳам Содик акашга тақлидан қўлларини кўтариб машинадан тушдилар. Йўлтўсар йигит машина кабинасини тинтуб қилиб, уч минг доллар солинглан чарм кармонни топди.

– Буни мусодара қиласиз, – деди у рус тилида.

– Нимага? – норозилик билдириди Содик. – Бу пул ўртадаги пул. Болалар хафа бўлишади.

– Чево? – таҳдидли бокди йўлтўсар.

Содик қўлини тушириб:

– Бу пулга биз ДСП тахта олмоқчимиз, – дея изоҳ берди.

– Руки вверх! – буюрди йигит.

Улар қўлларини кўтаришди. Йигит йўл четида турган “Жигули” машинасига ўтириб жўнаб кетди. Беш минутлардан сўнг Султон, бошқараётган иккинчи машина воқеа содир бўлган жойга етиб келди.

– Ҳа? Нима гап? – сўради Алишер машинадан тушиб.

– Нега бундай турибсизлар? – ажабланди Султон.

– Ҳалиги, текширадиган киши уч минг долларни олиб кетди! – деди Содик мултираб.

– Ким? Нега?! – аччиқланди Султон.

Шокир уйғонибоқ вазиятни тушуниб етди. Ўзи рулга ўтириб газни босди. Бир соатлар чамаси қувишиб, йўлтўсар ортидан етишди. “Жигули”ини тўхтатиб, йигитни дўппослаб, ундан пулларни қайтариб олди.

– Тезроқ кетақолайлик бу ердан! – деди қўркувдан дағ-дағ титраб Содик.

– Нега кетарканмиз?! – пулни эринмай санади Шокир. – Бу абраҳдан ҳали солярка ҳақиниям ундириб оламиз.

Содик акашнинг Шокирга нисбатан ихлоси яна ҳам ошиб кетди. Ҳамкорлар ҳисобли дўст айрилмас қабилида иш тутиб, баъзан тушликка сарфланган чиқим устида ҳам талашиб-тортишардилар. Шокир бундай дўстликка ажабланиб кулиб кўярди. Султоннинг эса ғаши келиб, бу тирик-товорнлардан тезроқ кутилишни истарди. Шокир кўпчиликнинг оши ширин, иши баракали бўлишини яхши биларди. Шу боис уларнинг камчиликлари ва хатоларини тез-да кечириб юборарди. Аммо замон чархпалаги чаппа айланди. Шокир етакчилигидаги савдо ишлари катта зарар билан якун топди. Мана, вақту соати битиб, ғалвирни сувдан кўтарадиган пайт келди.

Шўркишлөқликлардан панд еган жабрланувчи Содик акаш арзу дод билан суд маҳкамасига кириб борди. Юрист уни илиқ муомала билан кутиб олди. Содик акаш унга бор ҳасратини тўкиб-солди.

– Пичоқ бориб сүякка етди, иним, – деди у ўксиниб.

– Ҳа, – деди юрист, – пичоқ... пичоқ...

– Бу озмунча пулмас аммо.

– Ҳа, анчагина, – мудради юрист маъқуллаб.

– Шуни нима қилиш керак?

– Нима қилсангиз экан-а?

– Ким? – ажабланди акаш кифтини қисиб.

– Сиз-да, – деди у.

– Ҳа-да, шуни айтаман-да, нима қилишни билолмай қолдим! Замон адо бўлган экан, иним. Пичоқ бориб сүякка...

– Совук қурол бу... Буни қўйиб туринг, – деди юрист чимирилиб. – Хўп, сиз у одамга пул берисиз. Уни ҳозир қарз тўлашга пули борми?

– Йўқ-да, – аччиқланди акаш, терлаб кетган ялтироқ бошини рўмолча билан артиб.

– Хўш, сиз кредитор банкмисиз? Бераётган суммангиздан наф олаётган бўлсангиз, нега давлатга фоизини тўламаяпсиз?

– Ким? Менми?

– Сиз-да.

– Ахир мен унга ҳаққимни олдириб қўйганман-ку? Нега бирорга олдириб қўйган пулим учун давлатга фоиз тўлашим керак?

– Демак, сиз унга нақд пулни фоизга бермагансиз.

– Йўқ, бирга ишлагандик, унда каттагина ҳақим қолиб кетяпти, – тушунтирди у.

– Биз сизларга ўз ҳуқуқингизни таниб олинг деб шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ югуравериб, туфлимиз йиртилиб кетди, – хафа бўлди юрист.

– Нега унга ҳаққингизни берасиз? Ўртада шу савдони тасдиқловчи шартнома хужжатлари борми?

– Йўқ, – деди акаш.

– Демак, Шокир икковингиз ўз даромадингизни солиқ идораларидан, божхона мутасаддиларидан яширгансизлар. Икки киши мидинглар?

– Йўқ, тўрт киши миз, – оғзидан гуллади Содик акаш.

– Демак, ўюшган жиноятчилар гурухига аъзо экансиз, – аниқлик киритди юрист.

- Йўқ! Нега аъзо бўларканман?!
- Орангиизда шунча кўп маблағ айланаркан, фойдангиз фалон пул экан, – аччиғланди юрист. – Нега бу тўғрида биз бехабармиз? Агар сиз давлат билан ҳамкорликда иш олиб борганингизда, ҳаром ҳаққингиз ҳаром қўлларга ўтиб кетмаган бўларди. Тўртоворингизни батафсил ўрганиб, жиноий жавоб-гарликка тортиш керак! Олган фойдангиз мамлакат худудида етиширилаётган маҳсулот эвазига келган. Ҳамкорларингиз ким?!

Пичоқ Содик акашнинг суюгига бориб етди. У юристга ялиниб-ёлбориб, бир амаллаб маҳкамадан эсон-омон чиқиб олгач, парвардигорга шукrona келтириди. Бир ой давомида Зоҳидани қизонганд Салимдек, Шокирда қолиб кетган пуллари ҳақида ўйлайвериб, уйқусизлик дардига чалинди. Бир баҳонада ишдан ҳайдалган синфдоши, собиқ ҳуқуқшунос Асадилла разборчи ҳузурига борди.

- Пичоқ бориб суюкка етди, синфдош, – деди у.
- Мениям, – деди юзи чўтири Асадилла. – Шўрқишлоққа қачон жўнаймиз?
- Эртагаёқ!
- Очигини айт, Содик, пулни қанчасини менга берасан?

Бу чўтири можаропараст ҳуқуқшунос, маълум ва машхур милиция полковники, марҳум Ҳаким Эрназаров кенжаси эди. Қамчисидан қон томган Эрназаровнинг ўғли хунуқлик бобида отасидан ҳам ошиб тушарди.

Асадилла разборчи қўмондонлиги остида, ҳақдор ҳамкорлар қиличларини яланғочлаб, қарздор Шокир яшовчи Жанжалмаҳаллага бостириб келдилар. Асадилланинг шоколад рангли “Нексия” машинаси ҳасрат ва ҳароратдан чангги осмонга чиқсан Адиркўчага бурилди. Машинада ўтирган Содик, Алишер ва Ҳомид ҳаяжон ва иссиқдан терга ботдилар.

– Бойвачча кўчасининг аҳволига қаранглар, – деди Асадилла ойнани беркитиб.

– Биринчи кўришганимиздаёқ мен буни сезгандим, – деди Содик. – Кўрмаганни кўргани курсин экан, синфдош. Одам ёруғ дунёга келгандан сўнг қонун-қоидага риоя қилиб яшаши керак. Ўзидан кетмаслиги лозим. Тўғрими?

- Тўғри-тўғри, – ҳамма бир овоздан маъқуллади.

Содик сўзида давом этди.

– Бу бола ўша Махлиёсини деб ҳамма топган-тутганини бой берди. Айшу ишратга берилиб кетди. Савдогарларнинг пири ким? Пайғамбаримиз Мұхаммад алайҳиссаломдирлар. Савдо ҳаром-ҳариш ишни ёқтирмайди.

- Албатта, – унга жўр бўлишди ҳамроҳлар.

Содик акаш ногоҳ ўз гуноҳларини ҳам эслаб қолди шекилли:

– Ўзинг кечир, билиб-бilmай қилган гуноҳларимизни, – деб ғулдираб, уни ўчиб қолди.

– Шунчалик бой бўлибсан, – дея улоқни илиб кетди Алишер афсусланиб, – шу тупроқ кўчани асфальт қилиб қўймайсанми? Битта дўкон қурдириб, лоқал сув сотсанг, бола-чақангни оғзи қимирлаб туради. Эл-юрт бундан наф олади. Хотин олишига мениям қаршилигим йўқ. Майли, қандини урсин! Аммо энди бола-чақаси аҳволи қандай кечади? Уйи сотилиб кетса-чи?

- Шокир акамга қийин бўлди-да, – ачинди кўнгилчан Ҳомид.

Асадилла машинани ҳайдаб Шарофнинг эшиги олдидан ўтаётгандан, Олапар ҳужумга чиқиб, ўзини берк ойнага урди ва қаттиқ ҳуриб юборди. Асадилла чўчиб машинани четга олиб қочди. Машина йўлдан чалғиб, ўнг томони билан чуқур ариққа тушиб қолди.

- Оббо! – уф тортди Асадилла. – Расво бўлди-ку...

– Ойна ёпик эди. Нега қочасиз, барака топгур, – тергади Содиқ. – Ким айтади сизни разборчи деб! Ҳайф сизга, э-э-э, синфдош!

– Тур йўқол! – эшикни очиб Олапарни сўқди Асадилла. – Эгангга ўхшамай ўлгур...

Оғиз югуруги ошга, тил югуруги бошга дейди шўрқишлоқликлар. Са-мад половон ва Ҳалима бегимнинг арзанда қизи Захро дўймбоқ дарвозадан чиқиб, бу фалати меҳмонларни ажабланиб томоша қила бошлади. Ўз шаънига айтилган ҳақорат сўзларни эшлитиб, асилзоданинг қони қайнади. Қўлини белига тираб, оёқларини кериб гезарди. Гавдаси катта, кўйлакла-ри кенг, билаклари йўғон, кўзлари кичкина, юзи катта, қоши қалин, сочи ҳурпайган, оёғида эрининг катта калиши, иштонининг бир почаси узун, бири бувланиб қолган, ёши элликдан ошган бу уришқоқ хотинга худо берди. Қишлоқни бошига кўтариб шанғиллаб, азиз меҳмонларни ҳақоратлай бошлади.

– Чево-чево?! Ху ота-бувангни оғзига варанка қўйиб!..

– Кимни?! – ғазабга минди разборчи Эрназаров. – Меними?!

– Э, биттангга овора бўлиб ўтирайми! Ҳаммангни! – бақирди Захро. – Ҳа, сениям оғзингга варанка қўйиб!..

Шаҳарлик нозиктаъб меҳмонлар Шўрқишлоқ заифасининг оғзидан оти-либ чиқаётган ҳақоратларни эшлитиб, вужудлари музлаб, қон босимлари пасайиб, машина ўриндикларига қапишиб қолиши. Бир замонлар суд за-лидаги одамларни оғзига қаратиб, ҳеч кимга гап бермаган, бадбашара ҳукуқшунос Асадилла Ҳакимович ҳоли айниқса танг бўлди.

– Вой, парвардигор, бу қишлоқ қандай қишлоқ?.. – минфирилади у.

– Бу ер Шўрқишлоқни Жанжалмаҳалласи! Билдингми?! – тобора авжга чиқди Захро. – Хе, эпласанг минмайсанми савилингни! Нега бизни ўртага қўшасан?! Ху, кўзингни олиб қочмай ўлгур! Ху, қирилиб кетгур! Агар ҳозир эримни чақирсан, ҳамманг наleva-направа учеб кетасан! Бизни кимлиги-мизни сен билиб қўйибсанми?!

– Вой кечиринг, опа-а! Билмай қолдик! Faflatda қолдик! – мазахлаган-намо энгашиб таъзим қилди Асадилла ва ўз оғзига урди. – Яна гапирасан-ми, думба чайнагур!

– Ҳа илоё жаққинанг гишт парчани чайнасин! – Заҳронинг барibir ху-мори босилмади чоғи, бурилиб итига буюрди. – Ол, Олапар, ер ютгурлар-ни! Ол!! Бос!!

Олапар бекаси ҳар бақирганда ундан баландрок ҳуар, ҳезланиб ол-динга чолпар, ҳовлига кириб кетар, яна шошилинч қайтиб чиқарди. У мана шу хунари билан Шарофга жуда ўхшайди. Шароф ўз хотини билан уриш-ганда, ғазабланиб Заҳронинг устига бостириб боради, кейин зарда қилиб, ухлаш хонасига кириб, диванга ётиб олади. Аммо ўзини босолмай хонадан қайтиб чиқиб, худди ўлдириб қўядигандек унга ташланади. Лекин енгил туртиб, яна ортга қайтади.

Олапар шундай алғозда ўзини зўрга босиб турганди. Буйруқ далда бўлиб, ириллаганча Асадиллага ташланди. Асадилла эшикни ёпиб олди-да, сиг-нални “ба-ба”лата кетди. Кучли овоздан чўчиб кетган Олапар, бирдан ду-мини кетига тикиб, “винг-винг”лаб ҳовлига қочиб кирди ва бошқа қўринма-ди. Бўрибосардан бундай номардликни кутмаган аёл, оёқларини керганча қурукқа гердайиб қолаверди. У обрўси тўкилмасдан бурун жанжалга чек қўиди. Меҳмонлар енгил нафас олиши.

– Кетайлик, акалар, – деди Ҳомид безовта бўлиб. – Бу ишимиз худога хуш келмади шекилли.

– Олдин чукурдан чиқиб олайлик, – деди Асадилла. – Курукқа келганга ўхшайман.

Асадилла кўпдан бери шаҳарликлар орасидаги “олди-берди” ларга қозилик қиласди. Юрист ёзиб қўйилган қонундан четга чиқолмайди. У икки томоннинг арзига қулоқ осишига мажбур. Асадилла эса ҳеч қаерда қайд этилмаган ибтидоий қонунга амал қиласди. Қарздорнинг ўлган-қотганига ҳам қарамай, ҳақдорнинг ёнини олиб, ҳаққини ундириб бериб, ўзи ҳам мўмайгина даромадга эга бўлади.

Асфальт кўчада тўхтаган машинадан тўрт киши тушиб, шу томонга бурилди. Асадилла уларни ёрдамга чақирди. Саккиз киши бирлашиб машинани чукурдан чиқардилар.

Даъвогарлар Шокирнинг уйига кириб бордилар. Остонада Карима хола билан гаплашдилар. Обида сал нарида тик туриб, ҳамма гапни диққат билан тинглади. Ҳомид уни кўриб юраги ортга тортди. Обида бамисоли ўзидан нур сочиб турар, сұхбатнинг оқимига мос равишда қошлари чимирилар, узун кипприклари бир-бир пирпираб қўярди.

– Болаларим, – деди Карима хола. – Биз сизларнинг ҳаққингизни еб кетмаймиз. Бизга ишонинглар. Озгина мухлат беринглар. Ҳудо хайр берсин.

– Э, хола, – деди Содик акаш. – Пичноқ бориб сүякка етди...

– Илоҳим ҳеч қачон суюгингизга пичноқ қадалмасин, азиз меҳмон, – деди Обида кўнғироқ овозда. – Аллоҳнинг борлигига ишонсангиз, бизга ишонинг. Мен ўзим шу ишни ҳал қилиш ниятидаман. Бу оила меҳнаткаш оила. Ўша ҳаққингизни сизга ҳалол пуллар билан қайтариб берамиз. Шу муштипар онамиз ҳурматларига, бир оз сабр қилсангиз, аллоҳим сизни қўлласин. Бирингиз минг, мингингиз туман бўлсин.

Даъвогарлар Обиданинг қадди-бастига маҳлиё бўлиб тикилиб қолдилар. Кўр аёл ўзига қадалган номаҳрам кўзларини иймон нури ила сезиб, кирмизи лабларини оқ рўмоли учи билан аста тўсди. Бу харакатдан кўзи очиқ ғофилларнинг юраклари тебранди. Ҳаммалари кўзларини ерга тикиб, ортга тисарилиши. Ҳамроҳлар она-бала билан хайрлашиб машинага ўтиридилар. Сукутга толган алфозда шаҳарга томон жўнадилар.

– Юрагим титраб кетди-я, – деди Асадилла. – Бояги ҳомиладор аёлнинг кўзлари кўр экан. Бу Шокирни қариндошими?

– Ҳа, – деди Ҳомид. – Бу киши Шокир акамнинг кўр синглиси Обида опа бўладилар.

– Юзлари нурли экан, а? – Обидани сизлаб ёдга олиб, Ҳомидга қайрилиб қараб қўйди у. – Худога шукур. Кўргизган кунига шукур.

Ўн биринчи боб

Виждон

Карима хола Маҳлиёдан нажот сўраб шаҳарга борди. Илгари у бир бор келиб, ўғлининг ҳашаматли уйини кўриб кетганди. У хушламайгина Маҳлиё ортидан шинам хонага кирди. Маҳлиё уни яхшигина кутиб олди. Енгилтак официант хотин ошхонада ўтирганди. Чой дамлаётган Маҳлиёни туртиб хиринглади.

– Қайнонасига бир салом! – Маҳлиёнинг бошини зўрлаб эгиб кулди официант.

– Бўлди қил, фар, – уни суриб ташлади Маҳлиё ва изига қайтди.

Хола зал ҳашамини кўриб, оғзи очилиб ўтиради.

– Қизим, овора бўлманг, – деди у фикрини жамлаб. – Бошимизга ташвиш тушиб олдингизга келдим.

– Нимаям қила олардик, – деди Маҳлиё. – Шокир акамни хатоси туфайли шу ишлар юз берди-да.

– Душанба куни ҳақдорлар уйимизга келишади. Сиз боришингиз лозим, қизим. Агар ёмонлашмай келишиб олсак яхши бўларди. Борасизми?

- Йўқ...
- Нега? Бизга ёрдам бермайсизми, қизим?
- Мени бу ишларга алоқам йўқ.
- Ундаи бўлса нега боргингиз келмаяпти?
- Билмасам...
- Агар сизни Шокирдан қарзингиз бўлмаса ёқангизга ёпишиб олмаймиз.
- Бу ердаги ҳамма мулк ва уй тўла-тўқис менини. Ўғлингиздан қарзим йўқ.

- Ахир бу уйни ўғлим сизни топишдан аввал сотиб олганди-ку?
- Мени ҳақим у кишига ўтиб, у кишини уйи менга ўтган.
- Сизни ҳақингизга Шокир мұхтожмасди-ку?
- Савдони тушунмайсиз, ойижон.

Карима холанинг бу тупроғи вазмин хонадонда узоқ ўтиргиси келмади. У душанба куни учрашишга шартлашиб, хайрлашиб чиқиб кетди. Айёр ва ғаламис дугонаси яна Маҳлиёни мазахлаб, зўрлаб бошини эга бошлади.

– Қайнонасига бир салом! Қайнатасига бир салом! Лўх эрига бир салом!

– Бўлди қил дедим, жинни! – ўшқирди Маҳлиё. – Хўш, ўзинг айт. Мени ҳужжатларим жойида. Шокир мени уролмайди, милиса чақиришимдан чўчиди. Агар борсам уларни қўлидан нимаям келарди?

– Қайнонасига бир салом! Қайнатасига бир салом! – унга осилиб ирғишлиди енгилтак.

– Кончай, дура!

Маҳлиё исқирт бузуклар билан ишрат қилавериб виждонидан айрилган, гуноҳ ва савобни унуганди, ҳозир у қай йўл билан бўлса-да, Шокирнинг мулкига бутунлай эга бўлиб олиш ҳақида ўйлар, шу сабабли ҳозир кўнглига бачканга ўйин-кулги сифмасди.

Шаҳарлик ҳақдор даъвогарлар бостириб келишган пайтда Раҳмон амакининг юраги музлади. – “Наҳотки Зуннур эшон ариқ чопиб, адир ёқасига сув чиқариб бино этган бу табаррук пойи остона кимларгадир сотилиб кетса? Кимлар келиб бу даргоҳга юкинмаган дейсиз... Ўзбеклар, қирғизлару тоҳиклар, қозоқлару уйғурлар, уруш пайтида ҳайдаб келинган қиримлик татарлар ҳам шу даргоҳда қуръон тиловати ва расулуллоҳ ҳадисларини тинглаганлар. Қанча-қанча дарвешлар Зуннур эшоннинг жамолини кўриш мақсадида адирлик устида давра қуриб, гулхан ёқиб ўтиришарди. Тонг отгунча зикр тушиб, “иллаллоҳ” деб ҳайқирган қаландарлар, эшоннинг тарбияту кароматлари туфайли нақшбандияяга кириб, меҳнат қилиш, оила қуришга жазм этишган, ўзларидан кўпайиб кетишганди. Эшондада эшон эса тошбағр ва бадфеъл шўрқишлоқликларни одобу аҳлоққа чақириб, уларни баҳоли қудрат тўғри йўлга солган. Қимор, бузуқчилик ва бешарм сўзлардан қайтарган. У ўлгач, ўрнига иймони бутун, илми-қол ва илми-ҳолдан боҳабар зукко дуогўй Шўрқишлоқда бошқа туғилмади. Замона зайли билан уларнинг дуолари ер юзини тарқ этиб, қадамжолари ҳам сотиладиган бўлди. Мана оталар йўлига хиёнатнинг оқибати! Мана кийган шапканг, ичган виноларинг, ҳақорату жаҳолатларинг қайтими...

Раҳмон амаки Шокирнинг савдогар дўстлари ҳақида ўйлаб ажабланди: “Булар қандай дўст ўзи? Шунча йил бирга ишладинг, бирга мусофири юртларни кездинг, парча нонни бўлишиб единг, дарду оғатлардан омон ўтиб, ризқу насиба билан юртингга қайтдинг. Оқибатинг қани? Наҳотки одамзот

ҳидланган гүштдек шу қадар тез айниб бормоқда? Бу кетишда охири инсон зоти беоқибат махлукқа айланиб қолади-ку!"

Раҳмон амаки меҳру оқибат ҳақида ўйлагани сайн баттар эзиларди. Хўрлиқдан кўнгли чок-чокидан сўкилди. Супада давра қурган меҳмонларга ер остидан қараб-қараб кўяр, жанжал кўтарилиб кетишидан кўрқиб, сукут сақларди. Шунчалар ғазабкор чолнинг бу қадар мунфайиб қолишини Шоқир хам кутмаганди. Содик, Алишер, Ҳомид, Асадилла, Олимжон күёв ва мулла Ҳакимларнинг сұхбатини тинглаб, ошхонадаги даҳлизда Обида, Ойхон, Шокирнинг учта қизи миқ этмай ўтирадилар. Олим қора кўзойнагини чўнтағига солди. Ҳақдорлар бу ожиз йигитнинг сўқир кўзларига бир-бир назар ташлаб олишди.

– Ўғилларим, – деди кўзига ёш қуиилиб Раҳмон амаки. – Агар сизлар пулни тўла деб туриб олсаларинг биз шу ҳовлини сотамиз. Бундан ўзга илож йўқ. Бу ҳовли менга эшон бувамлардан мерос қолган. Энди ҳолимиз нима кечади? Куда-анди, элу юрт олдида нима деган одам бўлдик...

– Йигламанг! – асабийлашди Шокир. – Нега йиглайсиз?

– Сен бола мени адди тамом қилдинг! – хўнграб юборди чол.

– Ҳой?! – деди Шокир даъвогарларга юзланиб. – Сенларни ўлар-қолар жойинг йўқ-ку?! Нега уйимга бостириб келасанлар? Оласанлар-да ўша пулларингни!

– Э, Шокир! – бўғилди Содик акаш. – Пичоқ бориб сүякка етди. Бизларни бола-чақамиз бор. Болалар катта бўлиб қолишли. Сарфи ўсяпти. Сен индамай шунча пулимишни еб кетаверсанг виждонингга тўғри келадими?

– Ким сенларни пулингни еб кетаман деяпти? Сургутда пулим бор. Икки минг доллар пулим бокулик болаларда турибди. Россия рублидан Володькада юз мингдан ошикроқ пулим бор. Қўлимга келсин... Ошиги билан тўлайман!

– Икки юз минг сўмни менга бермоқчи эдингиз, Шокир ака, – деди Алишер.

– Бу пулдан умид қилманг, – чўрт кесди Шокир.

– Ия! Яқинда бўлади дегандингиз-ку, ака?! – ғазабланди Алишер.

– Уни Султон Баҳромдан олиб, тошкентлик Шурик делавойга бериб юбориби. У авраб Америкага жўнатаман деса ишонибди. Илтимос, оғайнилар, озгина сабр қилиб туринглар, – деб сигарет тутатди Шокир.

– Шокир! – эшондан қолган табаррук супани уч бор муштлади Содик. – Биз ҳалол ҳақимизни сўрайамиз сендан! Тўлаб кўй!

– Кўп ўзингдан кетма, ака! – шўрқишлоқча жаҳulgа минди Шокир. – Сен ҳозир бирорни уйида ўтирибсан.

– Агар Раҳмон акамнинг бузруклиги бўлмаса сени ҳозир урган бўлардим! Ҳа-ҳа! Кулма! Uriб юбораман! – қалтираб терлаган бошини рўмолча билан артди Содик. – Буни қаранглар!

Қарздор бечора юзини четга буриб жилмайиб кўйди. Шокирнинг бир кўлига пай келолмайдиган Содик акаш пул аччиғи боис жангга чиқишга хам шай бўлди. Бу талвасани чинакамига қабул қилган амаки:

– Раҳмат сизга, ўғлим, – деб минғирлади. – Раҳмат.

– Менга қаранг, Содик акаш, – деди кулгиси қистаб Шокир. – Эсингиздами, янги иш бошлаган чоғимизда битта "Москвич" мошинангиз бор эди. Шунча йилдан бери мен билан бирга ишлаб ёмон бўлмадингиз. Сенам, Алишер. Ҳозиргача менга эргашиб пул топдинг. Бола-чақа боқдинг. Бой бўлдинг. Арзимаган икки юз минг сўмга мени олмадинг. Мен ахир катта қарз уздим. Уйимдаги телевизориям сотдим. Миниб юрган машиналаримдан айрилдим. Сенлар мени бутунлай аддо бўлганга чиқариб қўйдингми? Бир кунмас-бир кун давлатимни қайтариб оларман. Кўз-кўзга тушар.

– Түгри, – деди Алишер. – Биз сиздан күп манфаат күрганмиз. Лекин ҳисобли дўст айрилмас. Биз ўз болаларимиз ризқини сизга бериб кетмаймиз. Пулни ўрнига тиклаб қўйинг, Шокир aka! Маҳлиё ўтирган дом сизни номингиздами?

– Йўқ – деди Шокир.

– Э-э! – тутокиб кетди Содик. – Иш ҳаром бўлган экан. Ундан бир чақа-ям ололмайсан, Шокир! Нега бундай қилдинг ўзи, а?! Нима, сен Худоёрхонмисан? Нега ўша пайтда ақлингни йиғмадинг? Хой, – деб бошқаларга юзланди у. – Умрингизда фоҳишага доллар сочганни кўрганмисизлар? Бу олий зот самолётда Россияга бориб келардилар. Қўлларида дипломат. Бошларида чарм шляпа. Кўзларида қора кўзойнак. Чўнтақ тўла пул, қўлларида гул, Тюменьдан тўгри Маҳлиёни олдига келадилар. Маҳлиёни олди-дан олифта кийиниб олиб, яна Тюменьга жўнайдилар!

Шокир бир замонлар кўзига тик қаролмаган, доимо сизлаб мурожаат қиласан Содикни таниёлмай қолди.

– Бўлди қилинг, акаш! – деди у супанинг четида ўтириб.

– Бу киши ялло қилдилар, – қизишди Содик акаш. – Бизни молларимиз эса йўлда чириб кетди. Шокир бойвачча домда Маҳлиёга маҳлиё бўлиб ўтиравердилар. Биз пулдан айрилдик. Пул жигардан бино бўлади.

Жамоа уни маъкуллаб ўтиради. Вижданан айтганда Содикка ҳам қийин. Унинг оиласи катта. Бой кишилар билан қуда-андада бўлиб қолди. Шокирдан эса қарз эмас. Шокир яхшилик қилган бўлса бу ҳам қараб турмаган. Баъзизда унча-мунча майда пуллардан кечиб юборарди. Шокирга ўхшаб ялло қилиб яшамасди. Бошка томондан ёндошилса, масаланинг моҳияти очилганда яна савол туғилади. Майли, Шокир янгилишибди. Булар ўзлари авлиёмидалар? Буларда камчилик йўқмиди? Шокирдан балки булар ўзлари қарздор бўлиб чиқишар? Қиёмат куни ҳақ ва ноҳақ тарозига тортилганда нима бўларкин?

Адиркўчага яна бир машина келиб тўхтади. Машинадан Карима хола билан Маҳлиё тушдилар. Олапар Шарофнинг дарвозаси ёнида ётганди. Нотаниш ҳайдовчи ва Маҳлиёни кўриб қони қайнаб хурди. Маҳлиё атрофга разм солиб, рўмолчаси билан елпиниб, қия очиқ дарвозадан жирканганнамо кайфиятда ҳовли ичкарисига мўралади ва ботинмайгина илгари юрди. У чангутупроқдан ўзини эҳтиётлаб, туфлисини ерга авайлаб босар, ялтирок кўйлагининг этагини қўли билан бир оз юқорига кўтариб олганди. Пешонаси ва қулоқлари устидан сариққа бўялган соchlари шаршарадай тўкилиб турар, лаблари қирмизи ранг, қора қошлари ингичка қилиб терилган, улама киприклари қайрилма, оқ юзидағи заҳилликни яшириш учун икки ёноғига ҳам қизил бўёқ суртганди. У кириши билан ҳовлига ўткир атири ҳиди таралди. Раҳмон амаки унга қарашдан ҳазар қилиб, юзини кафти билан тўсади. Ойхон ва унинг учта қизи даҳлизда ўтиргандилар, қизиқсиниб дарчадан қарадилар.

– Мана, азизлар! – деди Карима хола. – Илоё мол-дунёни хархашалари қурсин. Ҳозир ҳаммаси ҳал бўлади. Маҳлиёхон келдилар.

– Отам раҳматлини сўзлари эсингдами, онаси? – деди Раҳмон амаки. – Оч қорним – тинч қулогим, дер эдилар.

– Ҳа, нимасини айтасиз, – уф тортиб бир четга чўнқайди хола. – Қариган чоғимизда эл-юрга маймундай томоша бўлдик.

Кичик туман маликаси номини олган гўзал супада ўтирган кишиларга разм солди. У бу ерда эътиборга арзирли бирор тирик жонни кўрмади. Ҳафсаласи пир бўлиб:

- Кароче, – деди сақичини чайнаб. – Мени нега чақирдинглар?
– Маҳлиё, – унга яқинлашди Шокир. – Булар қарзларини қистаб келишибди.
- Ну и что? – эринибгина сўради у.
– Так что, Маҳлишка, ёрдам бермасанг бўлмайди, не подведи.
– Қанча? – сўради Маҳлиё қошини чимириб.
– Ҳозирча, тўрт юз эллик минг керак, холос.
– Шунча пулни берганмидингиз менга?
– Эсла, азизим?! – ялинниб мўлтиради Шокир. – Ҳозир аҳволим чатоқ, хотин. Олтинларингни сотиб бўлсаям мени қўллаб юбор.
– Олтинларим сотилмайди, эржон! – чўрт кесди аёл. – Ойимнинг қон босимлари кўтарилиб турибди. Мени уйимдан умид қилманг. Уни эпақага келтиргунча бутун топган-тутганим сарф бўлди.
– Нималар деяпсан, стерва?! – ғазабланди Шокир. – Сен қанча пул сарф қилгансан?!
– Мана мен деган крутой болалар орқамдан юурса, келиб-келиб қраҳборга кўнгил берибман. Умримда бир марта севдим, но хато қилдим.
– Бермайсанми?! – ўз ёғига ўзи қовурилиб бўғилди Шокир.
– Даже не думаю, – гапга якун ясади Маҳлиё.
Ичкарида ўтирган Обида ташқарига чиқди. Ҳамма бурилиб, кўр жувонга қаради. У узум ишкомининг устунини қидириб топиб суяниб олди.
– Маҳлиёхон, – деди аста. – Худодан кўрқмайсизми? Сиз аввал гўдакларни ризқини еб, отасидан айирдингиз. Энди эса уларни кўчада қолдирияпсиз.Faflatдан кўзингизни очинг, виждонингизни ютманг. Беш кунлик дунёни деб, абадий баҳтни дўзах оловига алиштируманг. Илтимос, акамни шу балодан қутқаринг. Сизни бир умр дуо қиласай.
– Э, бор ўшаққа, кўр! – ғазабланди чайналиб Маҳлиё. – Кундошим гапирмаган гапларни гапириб, нега ортимдан айғоқчилик қилиб юрибсан! Акангдан бир тийин қарзим йўк!
– Агар худо насиб қилмаса ўзимча кўр бўлармидим, Маҳлиёхон, – деди шўрлик ўқиниб. – Бу қисмат худо битган қисмат экан. Худодан кўрқинг. Ҳар бир зарра гуноҳни охиратда жавоби бор.
– Э, бор-бор! Менга морал ўқима! – жеркиди Маҳлиё.
– Кўй, Обида, – орага тушди Шокир. – Юрагинг сиқилиб қолмасин, синглим.
– Мени юрагим сиқилгандан нарига ўтиб кетди, Шокир ака, – нола қилди Обида аламдан қалтираб. – Ойхонни нимаси ёмон эди? Сизни оқ ювиб, оқ таради. Озингизни оз, кўпингизни кўп демасдан, ҳаммасига сабр қилди. Сизни кўзингиз очиқ эди-ку? Бу хотин тўғрисида бирор кишидан яхши гап эшитмадим. Агар бизларни десангиз, шу аёлни талоғини беринг. Давлатингизни худодан мен сўраб бераман, ака.
– Ҳа, гап пойламай ўлгур, кўрсичон! – жавради Маҳлиё олайиб.
– Кўрдингизми, ака, – пайваста қошларини чимириди Обида. – Ёмон оғиздан яхши гап чиқмайди.
Йиғилганлар фаришта билан шайтон ўртасида бораётган суҳбатдан ҳангу манг эдилар. Маҳлиё шу пайт жанжал кўтарилишини жуда-жуда хоҳларди. Ташқаридан янги жазмани “Тико”сини таҳт қилиб турибди. Агар Шокир уриб юборса, у ер-бу ери кўкарса, жазманин гувоҳ қилади-да, бориб касалхонага ётиб олади. Маҳлиё шу макрни ишга солиш мақсадида яна Обидага ҳужумга ўтди.
– Менга қара, кўр, – деди у таҳқирли оҳангда. – Сен мени нега ёмон кўрасан? Сени худо яхши кўрганда кўр қилиб яратармиди? Яна ҳомиладор бўлиб олибдилар! Ваҳ-ваҳ! Кўнглимнинг кўчаси!

– Олим ака!... – Бу ҳақоратлардан зулмат дунёси ҳам вайрон бўлган аёл эрини чорлади.

– Обида?! – кўнгли нотинч бўлиб, ғазабнок Олим пайпаслаб супадан тушди. – Обида, мен шу ердаман.

– Олим ака, қаердасиз ўзи?...

Обида гандираклаб қаерга боришини билмай қолди.

– Обидахон, – унга яқинлашди Олим, – мен шу ердаман, азизим.

– Тезроқ бу ердан кетайлик... – деди у ва илк бора оҳиста қарғаниб қўйди. – Яхшиниям, ёмонниям худойимга солдим...

Махлиё ожиза аёлни енгиб чиққанидан мамнун бўлиб қилпиллаб қўйди. У агар кўрлар жамиятидаги бирор ожизга, шу қабилда муомала қилганида, ожизларнинг ҳам ким эканлигини билиб олган бўларди. Аммо Олим ва Обида бошқа олам кишилари эдилар. Арзимаган бир адашган кимсани деб, илоҳий нурларга кўмилган оламга ўт қўйиб бўларканми?

– Хой, ҳақдорлар, – деди Олим Обидани етаклаб. – Обидахон иккимиз қарзларни бугуноқ тўлаймиз. Ҳозироқ бу ердан кетинглар. Бу хонадонни тинч қўйинглар! Тинч қўйинглар!

Кўрлар етаклашиб, ҳовлидан чиқиб кетдилар. Бу вазият ҳаммани эсан-киратди. Махлиё бу ерда тўпланган кишиларнинг аксариятини танирди. Буларнинг орасида ўтирган кўримсиз, юзлари чўтири, соchlари сийрак, нотаниш разборчи Асадиллага эса менсимайгина қараб қўйди. Асадилла Махлиёга тикилиб ўз нафратини босолмади.

– Вой-бўй... ёмон экансан-ку, – деди бош чайқаб.

– Тур йўқол, урод! Сенга нима? – унга кўзларини олайтирди Махлиё.

– Шунгаям гапирасанми, думба чайнагур... – деб ўз оғэзига урди Асадилла ва хомушланиб қолди.

Отаси Ҳаким Эрназаровга тортган чўтири Асадилла, болалиқдан ўз юзини ўзи ёмон кўрап, урод, яъни, бадбашара деган сўзни сира ҳазм қилолмасди. Карима хола эса ишнинг бу томонга бурилиб кетганини кўриб юраги эзилди. Олимнинг уй олиш учун йиғиб қўйган пули бор эди. Улар ҳамон ётоқхонада турадилар. Янги уй уларга сув билан ҳаводай зарур. Шу боис онаизор:

– Жон, болам... – деди беҳаёқ келининг бошини эгиб. – Бу кўрларни уйга тўплаган озгина пули бор, холос. Шуларга ачинмайсизми? Қизим ҳозир оғироёқ, яқинда кўзи ёрийди. Ётоқхонада чақалоқ билан қийналиб қолишиди. Раҳмингиз келсин...

– Мениям ойим касаллар, – деди Махлиё. – Бизга кимни раҳми келади?

– Илоё онангиз тузалиб қолсинлар... Сизам баҳтли бўлинг, ували-жували бўлинг. Онангиз иккингиз асло кам бўлманглар. Озгина ёрдам берсангиз бўлди...

– Кўп вақилламанг, кампир! – жеркиди Махлиё. – Бир тийинам бермайман!

– Шунақами! – гезарди Карима хола. – Ундоғ бўлса! Илоё сени туққан гар онанг асло ўнгланмасин. Дарди бедавога йўлиқсин! Ўлса гўрига кўндаланг тушсин! Сенам бир умр бало-қазога дуч бўлгин! Асло униб-ўсмагин! Аллоҳу акбар!

– Тфу! Тфу! – қарғиш ёпишган кўйлакларини қоқди Махлиё. – Илоё ўзинг ўлиб қол! Қарғишинг ёқангга ёпишсин!

Шокир бир сапчиб Махлиёнинг олдига борди.

– Тилингни тий, махлук! Махлук! – деб бақирди.

– Ҳа, урасанми?! Ур!Ур! – уни тезлади ғамгин малика. – Уролмайсан, сўтак!

– Уч талоқ қўйдим сени! – бақирди Шокир ўзини босолмай. – Йўқол бу ердан! Йўқол!

- Ну и что уч талоқ?! Падумаешь! – деди аёл. – Видить вас не хочу!
Махлиё дүқиллаб ҳовлидан чиқиб кетди. Карима хола супадагиларга юзланди.
- Қани, болаларим, сизларам кетинглар! Ҳақингизни оласиз. Бундан кейин сизларниям күрмай үтайлик.
- Хой, хола! – деди Содиқ қизишиб. – Пичоқ бориб сүякка етди!
- Ҳу сүягинг билан қуриб кет! Ундей бўлса омин! Илоё сенларниям! – дуои баъд қилиш мақсадида фотиҳага қўл очди эшоннинг келини.
- Бўлди қарғаманг, хола, – сапчиб ўрнидан турди Асадилла. – Мана, кетяпмиз!
- Ҳаммаси узун-қисқа бўлиб гулдирашиб ҳовлига чиқишиди. Дарвоза олдида турган "Тико" ва "Нексия" машиналари бирин-кетин жўнаб кетди. Олапар ҳамон ўз постида сергак эди, тамойилга биноан, меҳмонларни асфальт кўчагача вовуллаб кузатиб борди.
- Ойхон билан уч қизи бир қаторга тизилиб олиб йиғлашаётганди. Феъли айниганд Шокир уларга дўқ урди.
- Бўлди қилларинг!
- Биздан хафа бўлманг, – ҳиқиллади Ойхон. – Хурсандчиликдан йиғла-япмиз...
- Нега хурсанд бўласан? – хўрсинди Шокир. – Биз қашшоқ бўлиб қолдик, хотин!
- Махлиёдан кутилдик-ку, бунданам қутулиб кетармиз. Қорнимиз тўйиб, кунимиз ўтса бўлди-да, – авжга чиқиб йиғлади у.
- Бундай кино кўйиб, мени юрагимни эзма! – бақирди Шокир. – Ундан кўра мени қарға! Сенларни шунча қийнадим!
- Ўзингизам қийналаб кетдингиз-да, дадаси. Мен сизни нега қарғай... Ахир бош эгамсиз. Кўлингиздан нон еб, туз ичганман.
- Шокир бу сўзларни эшитгандан сўнг кўнгли бузилиб, ўзини тутолмай кўзлари ёшланди. У олдин арзимас бойликни йўқотиб, кейин янги бир бойликни топган кишидай ажиб бир ҳаяжонда қизларини бирма-бир бағрига босди.
- Мени кечиринглар, болаларим, – деди уларнинг қўлчаларини ўпиб. – Мен янглишдим. Қаттиқ янглишдим... Сизларга хамирош ичириб, ўзим кайфу сафо қилдим. Битта ифлос маҳлукни қази-қартага бокдим. Олтинга буркадим. Сизларни хонавайрон қилдим. Кўр синглимга ёрдам беришнинг ўрнига, уни уйсиз-жойсиз қилдим! Хато қилдим!
- Раҳмон амаки ўғлининг бошига тушган кўргиликларга чидолмай, кўнгли тўлиқиб йиғлади. Эрта тонгдан бери сукут сақлаб, кўзларини юмиб супада ўтирган мулла Ҳаким оғир хўрсиниб деди:
- Ҳа, ўғлим, Шокиржон, сен исмингга мос иш қилмадинг. Бундан кейин кўзингни очиб яша. Худодан ёруғ юз билан ризқ сўра, болам. Худо мушкулингни осон қилсин... – Мулла Ҳаким жигарбанди Раҳмон амакини кучоқлаб хўрсинди. – Йиғламанг, эшоним. Юрагимни эзманг. Шу болаларга етказганига, шу азобларга дучор этганига рози бўлинг. Ўзингизга аён, мен ғарип бу ёруғ дунёдан тирноқقا зор бўлиб ўтдим. Қани эди шундай можаролар меникидаям бўлса... Йўқ... Буни худойи таоло менга насиб қилмади. Ҳаёт дегани шу экан-да, дўст. Кўрсатган кунига шукур денг.
- Шукур, ака, шукур, – хўрсинди Раҳмон амаки кўзёшларини артиб.
- Шаҳарлик ҳамкорлар Олим берган манзилга бориб ўз ҳақларини кўр коридан ундириб олишди. Бу чора-тадбир қайсиdir жихатдан тўғри бўлсада, шўрқишлоқча виждонга хилоф эди. Мулла Ҳаким шу масалада fazabla-ниб ўйлади: "Инсоф бўлмаса иймоннинг не ҳожати бор..."

Шўрқишлоқ аҳолиси ғазабланганда, хурсанд бўлганда, ажабланганда, қўрқанда, хижолат бўлганда, қўйингчи ҳар қандай ҳолатда, турли-туман оҳангларда ишлатадигани “ий-я!” деган хитоб жуда ўзига хосдир.

– Ия-а-а!? – деб ҳайратланади Зоҳида. – Кечагина қорлар эриб, баҳор келувди. Бир пасда яна куз келдими? Ий-я-а-а-а!?

– Ий-я-а-а! – аччиқланади Заҳро эри Шарофни тутиб. – Қачонгача иш килмай уйда ўтираверасиз!

Шўрқишлоқча бу хитоб жаҳл чиққанда сал қисқароқ талаффуз қилинади.

– Ияҳ?! – ғазабланади Шароф дўкондор ғижиниб. – Мени тинч қўяссанми ё йўқми!?

Эркаклар кўп ўринда бу унли хитобни эсламасликка уринадилар. Хижолатли аҳволларда фақат “!”нинг ўзи қисқа шаклда ишлатилади. Жон оғриганда, йиғлаганда, бирорни кўрқитиш мақсадида “и” товуши аянчли чўзик оҳангда изҳор этилади.

Салим кантарвоз Мурод оқсочни велосипедда келиб уриб юборади.

– И! Кечирасиз! – деб узр сўрайди велосипедидан сакраб тушиб.

Мурод оқсоч ҳакиллаб, инқиллаб оёғини ишқалайди.

– И-и-и-и! Оёғимни адо қилдинг! И-и-и! – деб Салимга олаяди ва айбдор бўлмиш велосипед филдирагига бир тепади.

Жаҳл чиққанда “ияҳ!” хитоби жуда баланд ва қисқа тарзда талаффуз қилинади.

– Ияҳ?! Мен атайлаб қилмадим-ку?! – кечиримини қайтариб олиб ғазабланади Салим.

Шокирнинг инқирозга учрагани ҳақида турли миш-мишлар юрадди. Мардикор бозорига қатнаётганини эшлиб, фийбатчилар илҳомланиб кетишиди.

– Шокирни ўзиниям қул қилиб сотишганмиш!

– Ия-а-а!

– У ўла-ўлгунча қора нон еб, лойхандакда ишларкан!

– Ия-а-а-а!

– Шокирни буйраги билан қора талогини қирқиб олиб пуллашган дейдилар.

– Вой! Ия-а-а-а!

Ғанимлар кўчада машиналарини тез ҳайдаб, Шокирнинг юзига лой сачратиб ўтиб кетадилар. Шокир хаёли паришон бўлиб анчагина мунғайиб қолади.

Султон эса адирдаги кафтдек ердан олтин унадигандек, қора терга ботиб ишлагани-ишлаган. У ҳозир ғалати хунарларини камайтирган, лекин ҳамон енгил хаёллар сурниб, тошкентлик делавойни хотирлар, уни ва ёнидаги мама Розани кутиб, умид сақлаб яшарди. Бундай “нурли” кишилар ёлғон гапиришмайди. Улар албатта сўзларининг устидан чиқадилар. Шуларни ўйлаган Султон кафтдек ерга парвона бўлиб меҳнат қиласди. Ҳосилдан ҳам, делавойдан ҳам ном-нишон йўқ.

Шокир укасини йўқлаб адирдаги шудгорга чиқди. Капада ўтирган Султон акасининг қўлини олиб саломлашди. Иккови капада ўтириб чой ичдилар.

– Нега ўйга бормадинг? – сўради Шокир. – Ияҳ, биз сенга нима қилдик?

– Сабзини сугордим, – деди сигарет чекиб Султон. – Делавой Шуриқдан хабар йўқми, ака?

– У кўпчиликни алдаб кетибди. Сенга ўхшаб пул бериб чув тушганлар жуда кўп экан. Баъзилардан минг долларгача олган эмиш. Кўп ўзингни четга тортаверма, укаш, – деди Шокир унинг елкасига қоқиб. – Уйга борақол.

– Ияҳ?! – хижолат бўлиб акасига қаради Султон. – Мен шундай қилиб икки юз минг сўмни урдирив юбордимми? Опамдан хабар борми?

– Сенга шуни айтгани келдим, – деди Шокир. – Обидани оғриғи тутиб қолибди. Мардикор бозорига боргандим. Ўша ерда Олимжонни кўриб қолдим.

– Яна боряпсизми, ака? – ачинди Султон. – Борманг ўша ерга...

– Тирикчиликка пул топиб келяпман-да, укаш, – деди Шокир. – Уйда ун тугаб қолибди. Рўзғорга бир оз нафим тегяпти.

Шокир укасига меҳри термулиб ўтириди. У уйланолмагани, мана бундай ахволга тушганига ўзини айбдор сезиб афсусланди. Уни елкасидан қучиб бағрига босди.

– Султон?

– Ҳа, ака?

– Мендан хафамисан?

– Ияҳ! Кизиқмисиз, ака, – жилмайди у.

– Мени кечир, укаш, – деди Шокир ўкиниб.

Мардикор бозорида кетмон ва андавасини кўтариб, сувоқчилар сафида мижоз кутиб ўтирган Шокир, шарақлаган таниш кулгу товушини эшишиб, пиёдалар йўлаги томон назар ташлади. Маҳлиё ва официант хотин мардикорлар яқинидан ўтиб боришаётганди. Улар Шокирни таниб қолиб, қадамларини теззатишди. Маҳлиё анчагина ўзгарибди. Сочларини оқ-сарик рангга бўяб, калта қилиб қирқиб олибди. Қўлида уяли телефон, бўйнида кўшкўш олтин занжир, кийимлари тоза чармдан, ҳатто сумкасининг ўзи ҳам фалон пул.

Шокир ерга кўз тикиб, у билан кечирган кунларини ёдга олди. Маҳлиё юмшоқ диванда у билан ётар, қирмизи олмани тишлаб, ўз палапонига сув берган қушдек, оғзида унга бир бўлак едириб, иккинчи тишламни ўзи чайнаб ютар ва ўз муҳаббатини таърифлаб лоф уради.

– Мен сизни осмончалик севаман. Сиз-чи? Мен сиздан айрилсам албатта ўламан. Сиз-чи? А, Шокир ака?

Мана энди ошиғу беқарор фамгин малика ҳашамдор ҳаётда, осмончалик севилган бойвачча эса мардикор бозорида. Икковлари ажралиб ўлиб қолишмади. Қайтанга икковига “ўл!” дейдиган одам йўқ.

Ўша куни Шокир, бир шаҳарлик савдогарнинг уйида кора терга ботиб ишлади. Савдогар қотмадан келган, тишлари йирик, афти буришган тажанг киши эди. Шокир унга “озғин савдогар” деб ном берди.

– Сиз устамисиз? – деб лойхандақ атрофида айланди у.

– Йўқ, – деди Шокир лой қориб. – Аммо бунаقا ишга уста бўлиш шартмас. Ташибланманг, ака. Кўнгилдагидай қилиб битказиб бераман.

– Афсус! – тишини тақиллатди озғин савдогар. – Агар ўша ердаёқ шуни айтганингизда бошқа одамни олиб келган бўлардим. Лойни нега бунча кўп қиляпсиз?

– Ўзим боплаб суваб бераман, ҳўжайин, – гапни қисқа қилди Шокир.

Озғин савдогар кун бўйи тергайвериб тинкасини қуритди. Шокир ҳаёлга толиб, ўтмишни эслаб ишга уннади. У ўшанда Россияга юк йиғаётган эди. Ҳўжақишлоқнинг мева сараловчи қизлари кутига сасиган олмани қўшиб юборишибди. Шокир уларни аччиқланиб тергади. Учта ёлланма ишчи қиз йиғлаб юборди. Бири оппоқ, нозик, таъсирчан экан. У шундай маъюс қародики, нигоҳидаги дардни кўриб бойвачча сесканиб кетди. Шокир унинг совуқдан кўкарган лаблари, маъюс нигоҳини эслагани сайин пушаймон бўлиб, ҳовли деворини сувай бошлади. “Ўша нозик қиз қайсиdir собик амалдор ёки бой кишини боласи эди чоғи, – деб ўйлади у. – Сен ўша совуқ кунда чўнтағингдан қўлингни чиқармай, шўрлик қизларни тепасига бориб, манави одамдай сайрайверган эдинг. Бойлик, мансаб муҳим нарса эмас

экан. Нозик қиз қачонлардир тўкин мұхитда яшаган, замона зайли билан начорлик туфайли арзимаган пулга ёлланиб ишлашга мажбур бўлган. Худонинг борлиги ҳақ экан... Фалакнинг гардиши айланиб, ўша маъсума қизнинг қисмати мана бугун ўз бошингга келди. Қайтар дунё деганлари шублади".

Озғин савдогар девордаги чизикларни кўриб асабийлаша бошлади. Шоқирнинг хаёли бўлиниб унга саволомуз қараб қўйди ва девор сувашда давом этди.

– Ҳой, ука! – аччиқланиб уни тергади озғин савдогар. – Бу нима?! Буни-си-чи?!

– Ҳозиргина газчўп тортдим, ака.

– Нима чўп? – тишларини тақиллатди у.

– Газчўп. Кейин андавалайман. Шунда бу чизиклар йўқолади, – тушунтиради Шокир.

Озғин савдогар шомга яқин жавобини берди. Кечки овқатни қизганди, иш хақидан чегириб қолди-да, кўчага чиқариб қўйди. Шокир ҳалига қадар бундай совуқ юзли одамга дучор бўлмаган эди.

У Шўрқишлоқقا оч-наҳор етиб келди. Ҳуфтон чоғида бир коса мастава ичиб, совуқдан дирдираб тўшакка ўраниб ухлашга чоғланди.

– Бундан кейин лойхандақقا тушманг, ҳаво совиб қолди, дадаси, – деди Ойхон ачиниб.

– Ҳўп... – деди у тишлари тақирлаб.

Унинг танасига иссиқ хуш ёқиб, кўзларини уйқу чулғади. Тасаввурида тиши тақиллайдиган озғин савдогар жонланди. “Бунча юраги тор ноинсоф одам экан-а. Қандай қилиб шунга рўпара бўла қолдим? – деб ўйлади ва ногоҳ Махлиёни эслади. – Бу маҳлуқлар ёнингдан ўтиб қўйсаям омад кўлдан кетаркан-а! Эй, парвардигор, яна давлатимни қайтиб берсанг бегона аёлни яқинигаям йўламайман... Шу гўдакларим раҳмини егин илоҳим. Э, худо, кетган давлатимни қайтариб берсанг, ҳар куни савоб иш қиласман. Пул беришсаям бузукларга яқин бормайман... Минг марта тавба қилдим... Ўзинг кечир... Минг марта тавба қилдим...”

Банкрот бойвачча ғулдираб, бир муддат шу алфозда тавба қилиб ётди ва қаттиқ ухлаб қолди. Унинг меҳнатдан ззилган вужуди ҳам тонг отгунча худога тавба қилди. Ойхон ярим тунда уйқуси қочиб, қулогига пахта тиқиб яна тўшакка ўралди. “Бу эр жониворнинг кетиб қолганиям бир бало, қайтиб келганиям, – дея ўйлади у. – Ҳуррак тортишини кўринг! Тракторга ўхшаб тариллайди-я. Ий-я-а-а-а!”

Ўн иккинчи боб

Паҳлавон ўғил

Обиданинг матонатига туғруқхона бош врачи ҳайрон қолди. У шовқин кўтармай, тинчгина кўз ёриди. Ожиза аёл паҳлавон ўғил туғди, докторлар ва аёллардан хижолат чекиб, ўзини яшириб уялиб қимтинди. Ҳамма чоратабдир яхши кечди. Фақат... чақалоқ Умиджон кўзини очавермасди.

– Буям кўрмикин? – сўради доя туғруқхона мудирасидан.

– Ҳайронман. Нега кўзини очмайди бу? – кифтини қисди у.

– Кам йиғлаяпти.

Мана шу ҳол дояларни ўйга толдирди. Шифокорлар “бу бола кўр” деб қарор чиқариб, бирор чора қўллашга ботинмадилар. Кўз очмаётганини рўкач қилиб, Обидага болани бермадилар. Сунъий равишда озиқлантириб турдилар. Обида худо ва дўхтирлардан нажот кутиб, кўксига тўлган оплок сутни соғиб ташлар, ўзидан нафратланар ва узундан-узун ўй сурарди. “Менинг болам кўрармикин ё кўрмасмикин, худойим? – деди у дил тўрида нола

қилиб. – Агар бу дунёни кўрмаса унинг туғилишидан нима фойда? Кўрларнинг дунёга келишидан қандай мақсадинг бор? Бирорларга ўрнак қилиш учун, бир бегуноҳ бандангни шунчалар хору зор қилиб, кўр яратасанми, худойим? Бизлар одамлар оёғи остида пайпасланиб юрганимиз озми? Нега зурриёдимга кўз ато этмаяпсан? Нега, меҳрибоним?.."

Қариндошлар Обидани Шўрқишлоққа олиб кетдилар. Умиджонга эса шифокорлар руҳсат беришмади. Карима хола қизини хўрда ичиб, тўшакда ётишга мажбурлади. У кўнгли нотинчлиги боис онасига қулоқ солмади. Баъзан юпун кийимда ҳовлига чиқиб айланиб юрар, ўғлини ва унинг кўриш-кўрмаслигини ўйлаб эзиларди. Обида чилла урфига ҳам амал қилмади.

– Агар аёл киши ёзда туғсаям қалин чопон кияди. Хўрда ичади – деди Карима хола. – Бу қиз мени бошимга битган ташвиш бўлди. Айтганга кўнмайди.

– Янгича хотин-да бу, – кулимсиради Раҳмон амаки.
– Сиз шу болаларни ёнини олавериб буздингиз! – деб уришди хола.
– Ҳадеб мендан кўраверма! – деди тутақиб Раҳмон амаки. – Замон бошқа-да, хотин.

Чақалоқ кўзини очмагани сабабли қарияларнинг ҳам диллари хуфтон эди. Хонадонга учинчи кўр етишмай турувди ўзи...

Олим ва Обида Шўрқишлоқдаги супали уйда мунгли сұхбат қурдилар.
– Тушимда Умиджонни кўзлари очилганмиш, – деди Обида.
– Илоҳим тушингиз ўнгидан келсин, Обидахон, – унга далда берди Олим.
– Мени, – худойимдан ягона тилагим, фарзандим дунёни кўрсин, – хўрсиди аёл. Шу гўдак кўз очиб дунёни кўрса, худойимни давлати камайиб қолмайди-ку!

– Шукур қилинг, Обидахон... – уни бағрига босди Олим.
– Шукур, шукур, – деди онаизор. – Дунёни ўғлимиз кўрсалар, дунёга бесабаб келиб-кетмаган бўлардим. Дунёни қарғаб ўтмаган бўлардим, пирим...
– Астағфуруллоҳ, – деди Олим. – Ҳар қандай ахволда ҳам дунёни қарғаманг...

– Йўқ! – деди онаизор. – Худойим мени лоақал шундан ноумид қилмасин! Истамайман! Умиджон мен каби пайпаслаб хору зор бўлишларини сира истамайман! Истамайман!

У ҳомиладорлик чогида не-не азобларни бошдан кечирмади! "Ўзи кўр бўлса, иккиват бўлиб олганига ўлайми!" – деган таҳқиqlарни ҳам кўп эшилди. Бир куни сўқир нотавон, шахар кўчаларида ҳожатхона илинжида, нотаниш кишилардан ёрдам сўраб бир ҳовлига кирди. У ҳожатхонадан чиқиб таҳорат олди. Ҳовлида қарироқ кампир яшарди.

– Сизга нима азоб эди-я, болагинам, – деди ачиниб. – Болани нима кераги бор? Ҳозирги болалар ота-онасини бошига етятти. Дунёда меҳру вафо қолгани йўқ. Ҳа, тортган азобларингдан сени...

Обида кампир билан хайрлашиб, раҳмат айтиб чиқиб кетди. Унинг сўзларига парво қилмади. "Йўқ, – деди у тишини тишига босиб. – Мен албатта бу боламни туғаман. Уни кўзлари очиқ бўлади. Армонларим битади, орзуларим ушалади. Мен ундан дунё қандайлигини сўраб билиб оламан. Мен бу дунёга келиб ўзимни, ота-онамни, биродарларимни, севган ёримни кўролмадим. Ўз түқкан фарзандимниам кўролмайман... Шунча жафосига яраша битта вафосини мендан дариф тутмас... Лоақал түқкан болам бу дунёни кўрар..."

Худди шу чөгларда Умиджонни туғруқ палатасидан даволаш бўлимига ўтказдилар. Бош ҳаким ва туғруқхона мудираси чақалоқ тепасида узок сұхбатлашдилар.

- Бола кўзини ҳали очмадими?
- Ҳа, – деди мудира.
- Ота-онаси туғма кўр, а?
- Ҳа. Айтишларича улар ёруғликни умуман кўрмайдилар.
- Уларни ақлу хушлари жойидами?
- Рисоладагидай кишилар.
- Болакайни куввати қандай? – чақалоқни яқиндан кузатди бош ҳаким.
- Сунъий озиқлантиряпмиз. Куввати яхши.
- Онасини эмдими?
- Онасини ҳали эммаган.
- Туғилишда бўғилиш-нетиш бўлмадими?
- Йўқ. Қайтанга жуда мувоффақиятли туғриқ бўлди.
- Кучли ёруғликка реакцияси қандай?
- Ёруғлик томонга бурилиб оляпти.

Болакай кўради. Албатта кўради, – деди бош ҳаким. – Бу психологик деффект. Кўз очиб оламга қараш функцияси ота-онасини кайфиятида йўқ. Шу сабаб чақалоқ оламга кўз очиб қараш зарурлигини билолмаяпти. Кучга тўлгач кўзи очилади. Вақт ҳаммасини ҳал қиласди.

Бош ҳаким Умиджонни қолдириб, бошқа беморлар билан алаҳисиб, ўз кундалик назоратини бошлади. У янги тайнинланган. Уни ҳамма ҳар турли қабул қиласди. Шу қабилдаги олимона сұхбатлар ўтказиб, бўлимдан-бўлимга саёҳат қилиб юради. Беморлар билан сўрашади. Уларнинг бош томонида бир оз ўтиради. Кейин бўлим бошлиғига қараб:

- Бу кишини албатта даволаш керак, – дейди тагдор оҳангда.

Беморлар уни кўришганда она қўйнида ётган гўдакдек яйраб кетишади. Бош ҳаким кўнгил овлашга жуда уста. Аммо, ўзи айтмоқчи, ҳаммани баробар рози қилиб бўлмайди. Ношукур одамлар уни фийбат қиласдилар.

– Дўхтирлар ҳозир факат гап билан даволашади. Колган ҳамма нарса bemорни ёнидан. Хайриятки, игнани ўзлари санчишади.

Бош ҳаким гоҳо шифокорлик касбини ҳимоя қилиб, таъсирчан ваъз ўқийди. Уни тинглаган кишининг юраги эзилиб, кўзларига ёш қалқыйди.

– Ҳамма мухбирлар фийбатчи, – дейди у куйиниб. – Фақат муаллимлар, профессорлар, врачлар ёки муллаларни ёмонлаб ёзадилар. Қизиқчи мас-харабозларам шуларни мазахлайдилар. Пораҳур врачлар билан муалимлар “Оталар сўзи” кўрсатувида, бир минг бир юз марта қораланган. Газеталардаям аҳвол шу. Кимсан фалончи ҳаким пораҳур экан. Кимсан фалон муаллим пора олибди! Лекин улар солиқчилар бошлиғи, туман ҳокими, ширкат раиси, прокурор ёки терговчиларни ёзишолмайди. Нега? Чунки, улар қасдлашиб қолишиша қамаб қўйишади, ишдан бўшатишади. Ёки бирор нарса ундиргани боришса, мухбир шўрликларни кўчага қоқ-куруқ ҳайдашади. Мени эса қўлимда на амал бор, на пул бор. Мана шу қўлларим билан ошхонада ош ейман, ишхонада эса bemор ахлатини ушлайман. Ияҳ?! Қани ахир адолат?! Бемор тузалиб чиқиб кетгунча, юрагимни ҳовучлаб ўтираман. У кетгач, эртасига ўрнига янгиси келиб ётади. Юрак ҳовучлаш яна давом этади. Бемор тузалиб кетса худодан кўришади. Ўлиб қолса мендан кўришади. Ҳатто мени шўрқишлоқлик муттаҳамлар келиб, бир марта дўппослаб уришган. Шўрқишлоқдаги Жанжалмаҳаллани биласизларми?

- Биламиз! Биламиз! – деб бош иргишиади bemорлар.
- Эшонкўччанинг пастидаги маҳалла-да! – дейди кимдир.

– Ҳа эшонқұчаси билан басар топсин! – хафа бўлади бош ҳаким. – Иях?!
Мениям битта нонга қорним түяди. Ажал ахир худодан келади. Инсонни
үлімдан олиб қолиш мүмкін бўлганида, мен ўз отажонимни тупроқка топ-
шириб йиглаб ўтирармидим? Одамлар медикларни қадрига етишмайди.
Рўзгори танг бўлса, кобра хотини гизиллаб, ўхловни ҳозирлаб турса, юра-
ги титраётган бу шўрлик, қандай қилиб ақлини йигсин, қандай қилиб бе-
морни даволай олсин? Иях?!

– Шунақами?! Вой ийя-а-а?! – деб қўёшларини артадилар тушакда
ётган беморлар, шўрпешона врачларга ачиниб. – Бу дунёда ҳаммагаям
қийин экан-да.

Раҳмон амакининг ҳовлисида эса эр-хотин ожизлар ҳамон фарзандла-
рини кутадилар. Супада ўтирган Олим Обидани чопонига ўраб, ёнига ўтқазди.

- Хафа бўлмасангиз сизга бир сиримни айтаман, – деди Олим.
- Қандай сир? – сўради Обида.
- Сизга айтмай юрган каттагина бир сирим бор эди.
- Ана холос, – деди Обида. – Айтинг, пиrim, эшитайлик.
- Бу воқеага ўн йил бўлди. Тўлқин тоғам билан Сарвархон янгам отамни
мулкини сотиб, пулини тиллага айлантиришганди. Уйланишимдан бир йил
аввал тиллани қўлимга тутқазишганди. Ҳозир ўша нарсалар бир жойга яши-
рилган ҳолда турибди. У жуда катта бойлик.
- Бойвачча билан яшабману бехабар эканман-да? – деди Обида. – Нега
буни менга айтмагансиз?
- Бунга ҳожат сезмадим.
- Тиллаларни қаерда сақладингиз?
- Сутбулоқ она мозоридаги сада кавагига ташлаб юборганиман.
- Нега ундан қилдингиз?
- Мен ўша бойликлардан нафратланаман, – деди Олим. – Шу бойликларни
деб, ота-онам эрта кунда хазон бўлишди. Тўлқин тоғам эса улар
қўзингизни даволаш учун бир умр пул йифишган, иложсиз эканини эшитиб
пушаймон чекишган дейдилар. Бир туш эшитилди менга.
- Қандай туш эшитдингиз? – сўради Обида.
- Бир салобатли овоз “бойликларни мухтожларга бериб, итни дуосини
ол, шунда ўзингга керакли нарсани оласан”, деди. Ўзимга керакли нарса
деб у нимани назарда тутди деб узоқ ўйладим. У менимча ўғлимиизни кўзла-
рини назарда тутди. Агар ўз ўрнида турган бўлса, яширилган бойликни
Шокир акамга бермоқчиман. Бугун итдан дуо оламиз. Ўшанда мен ўзимга
керакли нарсага эришаман.
- Қандай қилиб?
- Итни тўйдириб қўйсангиз дуо қиласди. Ҳазрати Баҳовуддин авлиёлик
йўлида итдан дуо олганлар.

Улар шу куни тунда бир идишга пиширилган гўшт солиб, етаклашиб
Шароф магазинчининг дарвозаси олдига келдилар. Олапар икки ожизни
таниди. Олим қўлидаги таомни майса устига ағдардди. Сал нари кетдилар.
Олапар вақти чоғ бўлиб, ўлжага ташланди. Мириқиб худойи ошини ура
кетди. Олим ва Обида йўл четидаги ариқ лабида ўтиридилар. Олапар очлик
азобидан қутилиб, кучга тўлиб ўйноқлай бошлади.

– Эй, худонинг маҳлуғи, – деди Олим. – Эҳсонимизни еб, боламизни дуо
қилгин.

Кўрлар яна катта дарвозадан ўз уйларига кириб кетишли. Олапарнинг
вужуди яйради. У шаталоқ отиб ўйнаб, Шўрқишлоқни бошига кўтариб во-
вуллаб, адир устига чопиб чиқди. Қишлоқ қабристони шу адир устида эди.

Индамаслар мамалакати оралаб Олапар қанот ёзиб учди. Узок қирларда бүри увиллади. Буни эшигтан қишлоқ итлари жунбушга келиб хура бошладилар. Олапар күкрак кериб ҳаммадан ошириб ўзгача куч ва ғайрат или хурди. Раҳмон амакининг дарвозасига мамнун қараб, икки ожизни ёдга олди. Ҳа, ниятингга етгурулар. Бугунги кун жуда яхши кун бўлди-да!

Ўн биринчи куни тушга яқин чақалоқнинг рангу туси ўзгарди. Бош ҳаким қизиқиб яна тепасига келди. Карима хола ва Ойхон шу ерда эдилар. Ташкарида Раҳмон амаки, Шокир, Султон илҳак бўлиб кутиб турардилар.

– Кўзини очсаю очмаса олиб кетаверамиз, дўхтир, – деди хола. – Отаонасини юраги эзилиб кетди.

– Майли, – деди бош ҳаким. – Лекин ноумид бўлманг.

Улар энгашган чоғларида Умиджон чараклатиб кўзларини очди. Атрофни худди катта одамлардай кузатди. Бош ҳакимга тикилди.

– Ияя?! Э, худо! – деди бош ҳаким шошиб. – Бу бола мени кўзимга каради!

– Кўзини очди! – шодланиб хитоб қилди Карима хола.

– Йўқ! – ажабланди бош ҳаким. – Каким образом, янги кўз очган чақалоқ мени кўзимга қарайпти? Феноменально! Уникально!

– Худога шукур! – деди қувониб Карима хола. – Худога шукур!

– Да-да! – бош иргади бош ҳаким. – Менам худди шуни айтмоқчи эдим!

Раҳмон амаки ва оиласи шаҳардан хушвақт қайтишди. Ҳаммадан аввал бошқа енгил машинада Султон пачава етиб келди. Эшиқдан кира солиб супада ўтирган опаси ва поччасига хушхабар етказди. У сигаретнинг бўш қутисини микрофон қилиб, худди абжир сухандонлардек жаврай кетди:

– Ҳелло! Ҳонимлар ва жаноблар! Шахсан ўзим ва қишлоқ ахли номидан сизларни кутлайман! Мистер Умиджон келяптилар! У киши қадамларига қўйлар сўйилсинг! Карнай-сурнайлар чалинсинг! Туман ҳокими чакирилсинг! У эшик-пешикларни супуриб турсинг! Жанобни кўнгиллари жуда нозик! Жаноблар! Нега хурсанд эмассиз?!

– Кўзлари-чи? – деди Олим. – Кўзларини очдиларми?

– О, мистер фазер! – уни қучоқлади Султон. – Умиджон бош врачни кўзига тикилиб “сени ишдан ҳайдайман! Яхши ишламас экансан!” дедилар. Бош врач эса ҳайратдан ёқа ушлади. “Умиджон мени кўзимга қарадилар” деди ҳайратланиб! Ҳуллас, мен Билл Клинтонга хабар беришим кепрак. У ҳам бешиктўйида қатнашади.

– Султон!? – орзиқиб чакириди укасини Обида. – Кўзи кўряптими?! Шуни айт!

– Умиджон соппа-соғ экан, мэм! У кўряпти! – тантанали қичқирди Султон.

– Аллоҳга шукур! – хитоб қилди Олим қах-қах уриб кулиб. – Обидахон, эшигдингизми?!

– Алҳамдуиллоҳ! – тўлқинланиб жилмайди Обида. – Ноумид қўймадинг Аллоҳим!

– Мен ўз кўзим билан кўрдим, лэйди энд жентельмен! – сайдай кетди Султон. – Улар ҳозир етиб келишади. Тайёр бўлиб туринг. Қувончдан миссис Карлсон билан мистер Робинзонлар йиғладилар. Синъор Шукура билан синъора Айхен ҳам йиғлашди. Умиджонни кўзи очиқ экан. Менам йиғламоқчи эдиму сигаретим тугаб қолганди. Печчо-о Алекс, ақалли сигаретга пул беринг, бўм-бўш кутини кўтариб юрибман.

– Сигаретни кеча олиб келганман, – деди Олим. – Ичкари уйдаги шкафда турибди.

– Суюнчисига бирорта “мўйсафид” кўярсиз? – уни кучоқлади Султон. – О, бир оз эрисангиз-чи, печко-о-о!

– Хўп, кейин гаплашамиз, – им қоқди Олим.

Султон уйга сигарет олиш учун кириб кетди. Ҳовлида Олим билан Обида ёлғиз қолди. Уларни ажиб бир ҳаяжон, хурсандчилик қамраб олди. Олим чукур-чукур нафас олар, юзида турли имо-ишоралар зоҳир бўлар, ўзича жилмайиб кўяр, бирордан уялгандек бошини эгар, туриб-туриб икки қоши баробар учар, тез-тез кўлларини бир-бирига ишқалаб силкиниб кўярди. Обиданинг юзида эса негадир сўниқ бир ифода пайдо бўлди.

– Пирим, – чақирди Обида.

– Лаббай, Обидахон, – кўлларини ишқалаб қарс урди Олим.

– Бир гап айтсан кўнглингизга оғир келмайдими?

– Бугун сиз учун ҳамма нарсага тайёрман! – деди масрур ота.

– Балки сизам тақдирга тан берарсиз?

– Нима демоқчисиз ўзи? – ҳушёр тортди Олим.

– Умиджонни кўзлари очик экан, – деди Обида. – Иккимизни эса кўзимиз кўрмайди. Биз қандай қилиб кўзи очик болани боқамиз? Умиджон бир тўда сўқирларни нурсиз кўзига термулиб ўсадиларми?

– Ахир?... Нима демоқчисиз ўзи?! – деди Олим юраги эзилиб.

– Ўғлингиздан кечинг, отаси, – таклиф қилди золима аёл.

– Ахир?... Бу қандай зулм?! – қалтираб кўлларини ҳавода ёйди шўрлик ота. – Биз-чи?

– Биз ҳам хурсанд бўлиб яшайверамиз, – деди у жилмайиб.

Олимнинг юзида барча имо-ишоралар тўхтаб, фақат пастки лабидаги сезилар-сезилмас титроқгина сақланиб қолди. Кўз кўнгил ойнаси дейдилар. Кўзлари сўқир шўрпешона Олимжоннинг кўнглидан нималар ўтганини ҳеч ким билолмади.

Раҳмон амаки оиласи янги меҳмон билан Шўрқишлоқقا етиб келди. Ҳовли шодиёна қий-чувга тўлди. Ожизларнинг ўзларини тутишлари Карима холани ўйлантируди. Буларга нима бўлди ўзи? Нега боласига талпинмаяпти?

У Умиджонни кўтариб олган:

– Қаердаман деб ҳайрон бўляпсизми? Айнанай сиздан? – деб тилини яримта қилиб чақалоқقا сўз қотарди.

– Қизим, ўғлингни кўлингга ол! – хитоб қилди Раҳмон амаки. – Кўзлари сени қидиравериб толиб кетди боламни. Кўлингга олақол, онаси.

– Кўзларидан ўргилай, – пичирлади сўқир аёл юзини четга буриб.

– Умрлари узоқ бўлсин, – деди титроқ овозда Олим.

– Сизларга нима бўлди? – сўради ташвишланиб Карима хола. – Умиджонни кўзи очик экан. У кўряпти. Обида, кел, кўтар болангни!

– Ойи, – деди Обида. – Акамни ўғли йўқ. Биз Умиджонни акамга беришга қарор қилдик. Кўлимизни қайтарманглар.

Орага оғир сукунат чўқди. Чақалоқ бу сукунатдан қўрқдими ёки онасидан айрилганини сездими, чирқираб йиғлаб юборди.

– Юрагимни эзма! – аччиқланди Карима хола. – Худога шукур қилиб, болангни кўлингга ол! Уни эмиз! Болангга меҳринг шуми?

– Мехрим борлигидан шу қарорга келдим, ойижон... – хўрсинди маҳзуна она.

– Мени қоронги бағримда бу азизга нима бор экан? Кўксимдаги сут эмас, зардоб... Кулиб турганим билан кўксимни бутун жойи йўқ... Умиджон сизларни бағрингизда яйраб яшасин.

Карима хола хўнграб йиғлади. Оила аъзолари унга жўр бўлдилар. Султон мўлтираб:

– Эҳ, Диана хоним... – деди сигарет туташтириб. – Оҳ, жизнь!

– Мана, ҳеч бўлмаса бағрингларга босинглар уни... – деди Карима хола

чақалоқни Обидага үзатиб. – Шўргинанг курсин сени, қизим-а... Шўргинанг курсин...

Обида чақалоқни қўлига олиб, узок ҳидлади, бармоғи билан юзчасини пайпаслаб олгач, кувонди. Чақалоқ йиғлашдан тұхтади.

– Ассалому алайкум, Умиджон. Оҳ, қанийди шу юзларингизни сўқир онангиз кўра олса... – деди у. – Илоё азизу мукаррам бўлинг. Биз сўқирлардан дилингиз оғримасин.

Бир оздан кейин Обида болани эрига үзатди. Олим уни қўлига олиб, авайлаб юзига юзини яқинлаштириб ҳидлаб кўрди.

– Оҳ-оҳ! Умрингиз узок бўлсин, ўғлим, – деди у ҳамон титраётган лабини чақалоқ юзига теккизиб. – Сизни роса соғиниб кутгандик. Мана, ниятилизга етдик, Умиджон. Сизам ниятингизга етинг!..

Обида Умиджонни ўз қўли билан Ойхонга топширди. Ожизлар шу куниёқ Шўрқишлоқни тарқ этиб, маъюс қиёфада шаҳарга жўнаб кетишиди.

– Ий-я-а-а-а! – ажабланиб шўрқишлоқчасига хитоб қилди Карима хола.

Ўн учинчи боб “Умид” фирмаси

Шокир ва Султон адирдаги сабзини ўтоқдан чиқаришиди. Ҳовлига қайтиб келиб мастава ичиш учун супага ўтирганларида, ҳассаси билан дарвозани тарақлатиб, пайпаслаб Олим кириб келди. Қайнилар поччанинг хурматига оёққа турдилар.

– Ташқарида машина кутиб турибди, – деди Олим. – Бир жойга бориб келиш керак. Зарур иш чиқиб қолди.

– Бир пиёла чой ичинг, – деди Шокир. – Мастава тайёр.

– Шопирни чақирайлик, – дея жўр бўлди Султон. – Умиджонни бир кўтариб кўйинг, Олимжон печчо.

– Умиджонни кўтаришга вақт бору чой ичишга вақт йўқ.

– Мастава ичишга-чи? – эзмаланди Султон.

– Астағфуруллоҳ, – бош чайқади Олим. – Чой ичишга вақти йўқ одам, мастава ичишга қаердан вақт топсин?

Олим Ойхон олиб чиқкан чақалоқни бағрига босиб ўпиди қўйди. Сўнг уни қайтариб берди.

– Дадага салом бердингми? – чақалоқни эркалатди Шокир.

Улар машинада йўлга тушдилар. Сутбулоқ она мозорига боришиди. Шокир ҳамон нима гаплигини тушунмас, Султонга кафтини қисиб қараб қўярди. Олим эса ўз хазинаси бор ёки йўқлигини ҳозирча аниқ билмагани учун, подадан олдин чанг чиқармай жим борарди. Нихоят мозорга етдилар. У садага яқинлашди. Ҳассасини сада ковагига уриб, йигитлик чоғларини эслади. Тоғаси Тўлқинбой виждонли киши эди. У бир ҳовуч олтин тақинчоқларни қора халтага солиб, кўрлар мактабига келди.

– Олимжон, – деди тоға жиянининг бошини силаб. – Отангиздан кўп нарса қолганди. Сиз қишлоққа қайтишини рад этдингиз. Мен баъзи мулкинларни сотдим. Отангиздан қолган ҳовлингиз ўз номингизда. Унга қараб турарман. Аммо мана бу бойликни яшириб кўйинг. Бирор куни камингизга яраб қолар.

Олим бу бойлик ота-онасининг очик қўзини кўр қилганини биларди. Уларни соғиниб борган чоғларда, ота-онаси факат пул санаш билан овора бўларди. У олтинларни Тўлқин тоғага инъом қилди. Лекин тоға рад этди. Олим Сутбулоқ она ҳақидаги афсонани эшитгандан сўнг, кучли таъсирланиб, шу олтинларни ниёз қилиб, дарахт ковагига ташлаб юборди. Лекин бойликлар ҳозирга қадар ўз ўрнида турибдими ё йўқми? Бу унга қоронғи эди.

– Таваккал, – деди Олим. – Шу ковак тубини текширинглар.

– Нега? – ажабланди Шокир.

– Ҳа, почча, нима гап ўзи? – сўради Султон.

– Шу ерга илгари бир нарсам тушиб кетганди... – деди Олим.

Шокир қўлини ковакка тиқиб тугунни топишга уринди. Кейин Султон ковакка қўл тиқиб кўрди. Ковак туви жуда чукур эди. Султон сада устига чиқиб ковак ичига мўралади.

– Туби йўққа ўхшайди, – деди у. – Бу дарахтни кесмагунча нарсангизни олиб бўлмайди.

– Бир иложини қилинглар, – деб буюрди Олим.

Султон мозорда кўйманиб юрган Ориф шайхга учраб, қаттиқ сим ва фонар топиб келди. Урина-урина ниҳоят дарахт ковагидан қора тугунчани чиқариб олди. Улар машинага ўтириб ортга қайтишди. Ўйга етиб келишгач, тугундаги қимматбаҳо буюмларни ёзиб текширдилар. Шокир ва Султон ҳангуманг бўлишиди.

– Ана бўлмаса! – деди Шокир хомчўт қилиб. – Бу олтинлар беш миллион сўмлик чиқса керак.

– Сиз бу нарсаларни баҳосини билмас экансиз, – илжайди Олим.

– Шунча бойлигингиз бўла туриб нега ишляяпсиз, почча? – қизиқди Султон.

– Бундан менга нима фойда? – кифтини қисди Олим. – Сизларга шуни тұхфа қиламан. Умиджон бахтли бўлишлари керак. Орамизда бўлиб ўтган бу ходисани факат учовимиз билайлик.

– Йўқ, – кескин бош чайқади Шокир. – Мен буни олмайман. Очимдан ўлсамам олмайман.

– Буни сизгамас, Умиджонга бердим. Сиз илгари шу оилани боққансиз. Яна ўша ишни давом эттиринг. Агар текинга олишни истамасангиз қарзга олинг.

– Мен қачонгача ўз жигаримнинг қонини ичаман? – деди Султонга қараб Шокир. – Сен тушунтир поччангга!

– Сиз кимни қонини ичяпсиз, ака?.. – ўзини соқит қилди Султон.

– Нима, ишлашдан чиқиб қолдингизми? – сўради Олим.

– Йўқ, – деди Шокир. – Шўрқишлоқликни иш билан қочириб бўлмайди. Факат ўз хатоларимдан ўзим чарчадим, Олимжон.

– Хўш, нима бўпти! – деди топафон Султон. – Умиджон туфайли шундай имкониятга эга бўлдик. Келинглар, “Умид” фирмасини очайлик. Яна қадимгиҳидай олди-сотди билан машғул бўламиш. Бизга ахир бу масалада ҳеч ким бас келолмайди.

– Айтишга осон, – деди Шокир. – Яна нолдан бошлаш керак.

– Ну и что?! – деди кўтаринки рухда Султон. – Ҳозир халққа давлат ерсув беряпти. Ер сотиб оламиш. Савдони ривожлантириб, бўрдоқчилик билан шуғулланамиш. Ердан чиқсан ҳосилни сотиб, ем-хашакни молга едира-миз.

– Оғиздаги ошмас бу, – деди Шокир.

– Нега қўрқасиз, ака? Илгари мард зингиз-ку? Ёки Маҳлиё... а?

– Ҳадеб мендан кулаверма, пачава!! – бақирди Шокир ва дарров ўзини босиб олди. – Султонбой, хазилинг жуда қўпол-да.

Дафина хазина анча салмоқли чиқди. Шокир ва Султон яна фаоллашиб, юқ ташувчи машиналарни ёллаб, қадимгиҳидай боғ маҳсулотларини Барнаулга олиб бориб сота бошладилар. Олимнинг илтимосига кўра, сир маҳфий қолди. Раҳмон амаки ҳеч нарсани тушунолмасди. Барнаулдан қайтиб

келган икки ўғилни оғир таёқ билан қаршилади. Карима хола орага тушиб, уларни ажратмоқчи бўлди. Лекин чолнинг авзойини кўриб, ўзини четга торти. Раҳмон амаки таёқ билан Шокирни кўпроқ урди. Шокир уятни бир четга суриб, аллақачон кўчага қочиб чиқиб олган олифта Султон ортидан лўкиллаб қочди.

– Э, худо! – зорланди Шокир кўчадаги кишилардан хижолат бўлиб. – Қачонгача мени бошимда ноҳақ калтак синаверади? Мен нима гуноҳ қила қолгандим ўзи?

Раҳмон амаки уларни тупроқ кўчада қувиб урди. Олапар ҳам вовуллаб кўрди, лекин чолнинг авзойини кўриб, “оббо бу менданам ёмонга ўхшайди,” деб ҳовлисига кириб беркинди. Адиркўчалариклар тўдалашиб кўчага чиқдилар. Тепалиқдаги чойхона айвонида ўтирган чойхўрлар ҳам чопқиллашиб, текин томоша кўришга етиб келишди. Салимнинг капитарлари ғалаворурдан хуркиб, париллаб осмонга кўтарили.

– Шу эл-юртни олдида айт, иккаланг! – бақирди Раҳмон амаки. – Мен сенларни ҳаром едириб катта қилганимидим?!

– Йўқ!! – эътироф этишди ўғиллар.

– Яна қаердан пул топдинг, туғилмай ўлгурлар?! Нима, бирор кишини сўйдингми ё бирор омборни ўмардингми?! Менга айт! Кимни пули бу пуллар?!

– Ўзимизники! – деди Султон. – Мистер Робинзон! Шимимни йиртдингиз!

Салим эса кўчада чопиб гаҳ-гаҳлаб югурап, Адиркўча устида давра ясаб учеб, дорходага қайтмаётган капитарларини чақиради. У алами ичига сифмай Раҳмон амакига ташланди.

– Агар капитарларим қайтмаса тўлайсиз, aka! – деди ҳарсиллаб. – Сизни дастингиздан ҳаммаси хуркиб учеб кетди. Буларни ҳали дорходага тўлиқ ўргатмагандим.

– Тўрт сўмлик капитарингни менга пеш қилма! – ғазабини сочди амаки.

– Э, aka! – қизишди Салим капитарбоз. – Булар ҳаммаси узун пайпоқли капитарлар. Битта бўрдоқи кўйга алишганман! Бир ҳафта олдин шаҳардан олиб чиқдим!

– Нима-нима?! – Бу гапни эшитган Зоҳида Салимнинг ёқасидан олиб бақира кетди. – Ҳали буларни пулга олганмидингиз?! Менга бекорга олганман дедингиз-ку? Уйда бир чакса ун йўқ. Бу бўлса кўйни ўғри урди деб, мени алдаб, пулига капитар олиб келибди. Ҳой, мусулмонлар, шунгаям насиҳат қиласизларми ё йўқми?! Ўлар бўлсанм ўлиб бўлдим-ку!

– Ана, Раҳмон aka! – зорланиб жавради Салим. – Касрингизга қолиб сирим очилди. Қачон аклингиз киради? Кўчани бошингизга кўтариб жанжал қилаверасизми? Тарбия борми?! Бу Адиркўча тинчийдими ё йўқми?!

Ҳамма уй-уйига тарқалиб, кўча сув қуйгандек тинчланди. Дарвозаси олдиди мириқиб жанжал томоша қилган Заҳро Олапарни эркалаб бошини силади.

– Қўрқма, азизим, қўрқма, – деди тилини чучук қилиб. – Бу жиннилардан чўчидингми? Кетди. Ҳаммаси кетди. Қўрқма.

– Унингни ўчир! – бақирди Шароф дўкондор дарвозадан бош боқиб. – Шу меҳрингни менга берсанг сахар касал бўлмасдим! Простите деган касал бўлмасдим! Ҳаммаси сени касрингга бўлди! Ҳозир Олапарингни отиб ташлайман!

– Ий-я-а-а!? Олдин мени от, золим! Кейин Олапарни от! – деди у дўриллаб ва итига қайрилди. – Қўрқма, поччант сени отолмайди. У товуқни сўёлмайди-ю, сени отармиди... Поччанг наleva-направа адо бўлган.

Октябр ойининг аёзидан баъзи дарахтлар сарғая бошлади. Умиджон беланчакда оёқларини ўйнаб, атрофга қулоқ солиб, қиқирлаб кулади. Қаердадир ўзини соғиниб яшаётган икки сўқир борлигини эса билмайди. Беланчак тебранганда кўз ўнгидаги олам уча бошлайди. Умиджон хоҳлаб-хоҳламай кўзлари юмилиб уйқуга кетади. У ўзи кириб бораётган зулматда танҳо қолишдан кўрқиб, кўзларини очади. Ўз атрофида бир неча бехавотир қувноқ чехраларни кўриб, хотиржам ухлаб қолади. У гоҳо туш кўради, гоҳо кўзи юмуқ ўй суради. “Бу одамлар нега бемаврид кулаверадилар, йиғлайверадилар, бакираверадилар? Нега осмон қоронғи бўлади? Нега ёруғ бўлади? Нега мени ҳамма ўпаверади? Нега мени кўтаришаверади? Мен кимман ўзи? Бу ер қандай жой ўзи?”

Шокирнинг қадимги мижозлари, миш-мишлар ёлғонлигига ишонч ҳосил қилдилар. Унга насияга маҳсулот бера бошлашди. Савдо ишлари авж олган ака-укалар сармояси ой сайин кўпайиб борди. Раҳмон эшон хонадони яна меҳмонларга гавжумлашди. Ҳаёт изига тушиб аслига қайтди. Дастурхон нону ошга тўлди. Йўқолган ёру дўст, қавму қариндошлар қайта топишдилар. Мана, ҳар доимгидай ўз вақтида Октябр ибн Партиком битта бўш қоп кўтариб кириб келади.

– Салом! Салом! Салом! – деди бидирлаб. – Ҳамма одам дўстларга салом! Сизга Шўркишлөк гўзали Назирахоним одамдан алангали салом! У киши одамгарчилик қилиб, бир қоп ун бериб юборишингизни сўрадилар. Мен беш-олти йилдан бери вақтинчага ишламай турибман. Ишга кирганимдан сўнг қарзларимизни албатта тўлайман. Тўлдириб солинг, дадажон одам! Уннинг уволи бор. У ер-бу ерда қолиб кетса сичқонларга ем бўлади. Увол қилманг.

Назиранинг элчиси бир қоп буғдойга зга бўлади. У ҳатто аллақайси таниқли зот номини ўртага кўйиб, ажабтовур дуо ўқийди. Иш битгач, хайларишиш ҳам эсидан чиқиб, шошилинч жуфтак ростлайди. Бир кундан сўнг Насиба ва Малик келадилар. Бир жуфтгина кўзига пул етмаётганини айтиб, қарз сўрайдилар. Шокир бу пул қайтмаслигини билиб, иккиланиб тайсаллайди. Карима хола Шокирга кўзини олайтиради. Шокир ноилож сўралган пулни санаб беради. Насиба эри Маликни эргаштириб, оғзи қулоғида уйига жўнайди.

– Эҳтиёт бўлинг қуртлардан, – деб кесатади Шокир. – Куртлар ёмон-да, Насибахон.

– Ҳавотир олманг, ака, – дейди кесатиқни тушунмай Насиба. – Дўхтиrlар ҳамма қуртларни олиб бўлишди. Келаси сафар рейсдан келганингизда яна бериб турасиз-а?

– Ҳа-а-а! – чийиллайди Султон. – Плиз, мем! Яна қанча керак?!

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Ёқуб ва Дилбар кириб келадилар.

– Ҳа-а? – деб ҳол сўрайди Ёқуб ҳар доимгидай беғамлик билан. – Қалай-сизлар?



ЧОРШАМЬ

Висолинг созинид

Бўлурман бир гўзал инсон, кўнгилда кечса ҳис-туйғу,
Суурман давр ила даврон, кўнгилда кечса ҳис-туйғу.

Бутун борлик мунаvvар бир қўёшдай товланур ял-ял,
Юрурман ҳангу манг, ҳайрон, кўнгилда кечса ҳис-туйғу.

Одамлар ҳам ажаб баҳтли, ажаб хуррамга ўхшайди,
Бари соғу бари омон, кўнгилда кечса ҳис-туйғу.

Солланур мангулик олам муҳаббат, ишққа лиммо-лим,
Борурман ёр сари шодон, кўнгилда кечса ҳис-туйғу.

Не сўз бўлғай, не ҳол кечгай, билолмасман, ўшал онда,
Кейин бўлғай бари аён, кўнгилда кечса ҳис-туйғу.

Яшарман бир умр эл-юрт, Ватаннинг нон тузин оқлаб,
Агар-да, Чоршамъ-эй, ҳар он, кўнгилда кечса ҳис-туйғу.

Менга гоҳи ошно, гоҳида ноошно бу феъл,
Ногаҳон этгай мени гоҳ гадо, гоҳ подшо бу феъл.

Қийналурман ҳар сори қўйсам қадам панд бергуси,
Қўрсатиб ҳар гўшада ҳар хил ҳунар, нағмо бу феъл.

Бир тутаб қолса ёмон куйдиргуси ақлу ҳушим,
Нақ солиб эл ичраким, турфа, ажаб, ғавғо бу феъл.

Ихтиёрим дермией, номусу орим дермией,
Хақ талаб айлаб қилур ҳолимни күп расво бу феъл.

Қай бобом қонида бир ўтган экан бундай насаб,
Неча минг йилдан кейин менда бўлур пайдо бу феъл.

Йўқ этолмай додаман, руҳу рувоним қўймагай,
Оқибат этмоқидай бир кун мени шайдо бу феъл.

Сабру бардошинг йифиб, тоқат қилиб юр, Чоршамъ-эй,
Бир умр бошингга кўп солгай ҳали савдо бу феъл.

Дилрабо менга ҳар замон нозу карашмалар қилур,
Жонимга бермайин омон нозу карашмалар қилур.

Сочларини ўйнатиб, у ўтгуси гулзор ичидин,
Гоҳи-гоҳи отиб хандон нозу карашмалар қилур.

Нигоҳларининг ўқидин нигоҳларим ҳалок этиб,
Ҳолимни билгани ҳамон нозу карашмалар қилур.

Бундайин лутф ила карам ярашгуси ёрга фақат,
Ажаб-ажаб, равон-равон нозу карашмалар қилур.

Яйраб кетар боғу чаман, соллона келгуси гўзал,
Гўёки жамбили рапхон нозу карашмалар қилур.

Менда кўнгли бўлса керак деган ўйу хаёл келур,
Кўнглимни яиратиб чунон нозу карашмалар қилур.

Жонимга жон кирад шу дам, омадим бор экан Чоршамъ,
Менга ўша моҳитабон нозу карашмалар қилур.

Овораман бир умр нафсим билан олишиб,
Кўнглимда йўқдур ҳузур нафсим билан олишиб.

У ҳеч мени тинч қўймас, комига тортавериб,
Доим кўрарман жабр нафсим билан олишиб.

Унга қул бўлсам тамом, асло, топмасман омон,
Аранг этарман сабр нафсим билан олишиб.

Яссавийга қанчалар қийин бўлган экан, воҳ,
Касрин туярман ҳар қур нафсим билан олишиб.

Уни енгмасам бўлмас ҳаётимда фароғат,
Энди туярман мағрур нафсим билан олишиб.

Шамширинг қайраб, Чоршамъ, шижаот айла ҳар дам,
Ғолиб бўларман охир нафсим билан олишиб.

Юрагим қон бўлди бирорнинг ҳажрида,
Дилим вайрон бўлди бирорнинг ҳажрида.

Туну кун ўйлайман соғ-омон борми деб,
Рангим сомон бўлди бирорнинг ҳажрида.

Мехрга ташна бўлган руҳу равоним,
Нетай, сарсон бўлди бирорнинг ҳажрида?

Висолинг соғиниб, изларинг ахтариб,
Умрим хазон бўлди бирорнинг ҳажрида.

Номини айтишга журъатим етмагай,
Тилим нолон бўлди бирорнинг ҳажрида.

Гар тугаса умрим, билингиз, эй дўстлар,
Чоршамъ, қурбон бўлди бирорнинг ҳажрида.

Умрим бўйи ҳамроҳим қоғозлару қаламлар,
Тинглар қувончу оҳим қоғозлару қаламлар.

Кеча-кундуз юрарман лойик сўзлар ахтариб,
Ёлғизликда паноҳим қоғозлару қаламлар.

Битарман билмай тиним, кўнгил ёришур кейин,
Обод этар даргоҳим қоғозлару қаламлар.

Гоҳо чалғиб қоларман бу алдамчи дунёда,
Кутар бедор ҳар доим қоғозлару қаламлар.

Сиз менинг гавҳаримсиз, олтин, кумуш, заримсиз,
Бошимдаги туғ-тоҳим қоғозлару қаламлар.

Чоршамъ, ҳаёт эканман, қўлимдан тушмай ҳар дам
Айрилмасин илоҳим қоғозлару қаламлар.





АСАР ЮРАК ҚОНИ БИЛАН ЁЗИЛАДИ

Сұхбат

Улугбек ҲАМДАМ, ёзувчи:

Устоз, негадир кейинги пайтларда адабиётнинг вазифаси түгрисида күп үйлайман. Бундок қарасак, бундан бир-бир ярим аср муқаддам адабиётнинг ижтимоий функцияси ҳақида бугунгидек гапирилмаган экан. (Зеро, бунга асоснинг ўзи бўлмаган). XIX аср охири ва, айниқса, XX аср аввалига келиб эса, унинг зиммасида фойт салмоқдор ижтимоий вазифа пайдо бўлдики, натижада, мазкур жиҳат бир неча ўн йил мобайнида адабиётнинг ажралмас узвига айланди. Вақтлар бўлдики, адабиёт одамларнинг дунёқарашларини, ҳаётга ёндашувларини, кайфиятларини белгилади, уларни йўналтирди. Бугун эса ундаи эмас. Демак, давр ва унинг кайфиятига қараб адабиётнинг инсон (ўкувчи) олдидаги вазифалари ўзгариб турар экан-да?..

Наим КАРИМОВ, филология фанлари доктори, профессор:

Тарих XIX аср охири - XX аср бошларида дунёга келган жадид адабиётнинг зиммасига муҳим масалаларни юклади. Жадид маърифатпарварлари XVII-XIX асрлардаги ижтимоий-иктисодий таназзул ҳамда Кауфман, Скобелев, Черняев, Мочаловларнинг ваҳшийлиги ва зулми остида эзилган, қадди букилган, ўз Ватанида эркин яшаш ҳуқуқидан маҳрум бўлган халқни уйғотиш вазифасини кўйди. Жадидлар ўз зиммаларига қўйилган шу тарихий вазифани шараф билан бажардилар. Шунинг ўзиёқ биздан уларга, уларнинг ижтимоий-маърифий ва ижодий фаолиятига катта хурмат билан муносабатда бўлишимизни тақозо этади. Менинг бу масалага тўхталишимнинг боиси шундаки, жадидлар адабиётнинг ижтимоий функциясини ошириб юбордилар, бадиий адабиёт елкасига катта ижтимоий вазифани юкладилар. Халқнинг тарихий тақдирини ўзгартириш учун адабиёт, энди, кураш куролига ҳам айланиши зарур эди. Жадидлар шу масалага жуда нозик ёндашиб, дастлаб, маърифатпарварлик фоялари билан тўйинган асарларни яратдилар. Кейин эса: "Онам, сени кутқармоқ учун жонми керақдур? Но-мусми, виждан била иймонми керақдур?" деб ўзларининг эрк ва ҳуррият йўлида жонларини фидо қилишга ҳам тайёр эканликларини айтдилар. Маз-

кур сатрлар ёшларнинг илфор қисмида хуррият учун кураш истаги ва мақсадини уйғотди.

Шундай "ижтимоийлашган" жадид адиллари қаламкаш биродарлари ижодига ҳаёт ҳақиқатини ҳаққоний акс эттириш нұқтаи назаридан ёндашдилар. Чүлпон "Фарғона фожиалари" пьесасида шу масалада чекинган Ҳамзани қаттиқ койиди. Аммо, жадид танқидчилигининг бундай "ижтимоийлашиш"и замарида халқ ва мамлакат тақдири билан боғлиқ мақсад ётган эди.

1917 йилдан кейин, бошқа құшни миллий адабиётларда бўлганидек, ўзбек адабиётида ҳам жадид адабиёти эришган мэрралардан ва миллий адабий илдизлардан узоклашиш, рус йўқсил адилларининг, кейинчалик, рус мумтоз адилларининг шўро мафкурасига зид бўлмаган асалларини таржима қилиш, адабиётни шўро даври гояларини тарғиб қилувчи минбарга айлантириш жараёни кечди.

Мободо, жоиз бўлса, шу ерда бир лирик чекиниш қилсан. 1921-1923 йилларда Самарқандда нашр этилган "Мехнаткашлар товуши" газетасига дастлаб Мирсалимов, кейин З. Бурнашева деган татар зиёлилари мұхаррирлик қилишган. Агар биринчи мұхаррир газетадан маҳаллий ходимлар ва мұхбирларни четлатган бўлса, иккинчиси мұхаррирлик курсисини эгаллаши билан газетада Беҳбудий номининг тилга олинишига йўл қўймаган. У ҳатто: "Яхши бўлган эканким, Беҳбудий ўлдирилган экан. Агар Беҳбудий бу кунда тирик бўлса эди, Туркистоннинг устига иккинчи Анвар пошшони келтириб, ўзи бирор мансабга эга бўлур эди", деб ўз ҳатти-ҳаракатининг тўғрилигини асосламоқчи бўлган. Куни кеча маҳаллий раҳбарлар ва ижодкорлар ёрдамида адабиёт ва журналистикага кириб келган кимсалар тирик ва марҳум ўзбек ёзувчиларини миллатчиликда, совет давлатига қарши кайфиятда айблаб, ишдан ҳайдалиш ёки қамалиш хавфи остида қолган миллий адабиёт намояндаларининг шўро позициясига ўтишларига ўз хиссаларини қўшганлар. Партия турли миллатга мансуб шундай ҳайбаракачилар ёрдамида адабиётнинг советлашиш жараёнини амалга оширган.

Сиз айтганингиздек, бугун адабиётнинг халқ олдидаги вазифаси ўзгарди. Ўзбекистоннинг миллий давлат байроби ҳилпираб турган ҳозирги даврда адабиёт ҳам ўз олдига халқ ва мамлакатнинг янги тарихи билан уйғун вазифаларни қўймоқда. Бу вазифалар биринчи навбатда, ёш авлодларнинг илфор дунёқарашини шакллантиришга, маънавий оламини бойитишига, фидойи аждодларнинг ватанпарварлик ва халқпарварлик анъаналарини давом эттиришга қаратилса, айни муддао бўлурди.

Улуғбек ҲАМДАМ:

Устоз, авлодлар алмашинуви – ҳаёт қонуни. Лекин, авлодлар алмашинуви баробарида, дунёқарашлар ҳам ўзгаради. Бунга ҳам бағрикенглик билан қарашимиз керак, албатта. Айни чоғда, юқоридаги гапдан "ҳар қандай янги авлод аввалгисидан яхширок (тўғрирок) бўлади", деган маъночиқмайди. Чунки ҳар бир авлоднинг ўзига яраша кучли ва ожиз тарафлари мавжуд. Шу маънода, сиз мансуб бўлган адабиётшунослар авлодининг ютуқлари ва камчиликлари нималарда кўзга ташланади?

Менинг назаримда, адабиёт ва санъат фоят мафкуралашган бир даврда яшаганликлари бу авлод вакилларининг ижодларига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Натижада, улар қолдирган қимматли меросда айрим мафкуравий чекланишлар сезилади. Адабиёт, аввало, эстетик ҳодиса, санъат эканлиги баъзан унутиб қўйилди. Шунга қарамай, катта авлод вакиллари ҳаётларини ягона ишга бағишлий олдилар. Яъни, сизлар учун адабиёт иши муқаддас иш эди. Сизлар адабиётнинг инсон турмушидаги, маънавий

оламидаги мислсиз ўрнига қатый ишониб келган авлодсизлар. Алалхусус, мазкур ишонч ўзбек адабиётшунослигининг Беҳбудию Фитрат, Чўлпону Ойбек тамал тошини кўйиб кетган пойдеворини янада мустаҳкамлаш йўлидаги фундаментал тадқиқотларингизнинг яратилишига замин ҳозирлади. Назаримда, сизнинг авлод ана шундай шарафли ишга ўзининг муносиб ҳиссасини кўша билди, тўғрими?

Ана шу айтилганлардан келиб чиқсан ҳолда хулоса қилсак, XX аср ўзбек танқидий тафаккур тадрижи сизнингча, қандай қиёфага эга.

Наим КАРИМОВ:

Камина мансуб бўлган адабиётшунослар авлодининг ютуқ ва камчиликлардан аввал, ўзбек адабиётшунослик фанининг илдизларига муҳтасар бир йўсинда назар ташласак. Ўзбек ёзма адабиёти пайдо бўлибдики, унинг йўлдоши сифатида адабиётшунослик фанининг ҳам куртаклари кўрина бошлаган. Ёзувчилар ўзларининг ёки қаламкаш биродарларининг ҳаёт ва иходлари тўғрисида турли йўллар билан фикр баён қилишган. Тазкиралар тузила бошлаган. Илми аruz, илми қофия, илми бадеа сингари ўзбек адабиётининг назарий масалаларини ўрганувчи “фан тармоқлари” пайдо бўлган. Навоийхонлик, бедилхонлик, фузулийхонлик тўгараклари вужудга келган. Бу фан тармоқлари ва тўгаракларнинг дикқат марказида бадий иходнинг ўзига хос специфик масалалари турган. Иходкорларни ҳам, китобхонларни ҳам тасвир маҳорати, бадий образнинг гўзалиги ва сермаънолиги, сўз жилолари, поэтик фикр ва шеърий шаклнинг уйғуности сингари масалалар қизиқтирган.

Ўтган асрнинг ўрталарига келиб, ўзбек адабиётшунослиги фан сифатида шаклланиб, янги-янги жанрлар билан бойиди. Ўзбек адабиётшунослигига бадий иход табиатини, иходий жараённи, ёзувчининг иходий йўлини, бадий маҳорат масалаларини тадқиқ этувчи асарлар майдонга келди. Камина мансуб бўлган адабиётшунослар авлоди бунга маълум маънода ўзларининг ҳиссаларини кўшдилар. Агар мазкур авлодга Матёкуб Кўшжонов, Озод Шарафиддинов, Лазиз Қаюмов, Бегали Қосимов, Салоҳиддин Мамажонов, Нуриддин Шукуров, Умарали Норматов, ИброҳимFaфуров, Бахтиёр Назаров, Нўймон Раҳимжонов сингари замонавий адабиёт масалалари билан, Азиз Қаюмов, Абдуқодир Хайитметов, Ботир Валихўжаев, Абдурашид Абдуғафуров, Суйима Фаниева сингари мумтоз ўзбек адабиёти билан шугулланувчи адабиётшуносларни мансуб, деб билсак, кўп жилдлик мумтоз ва замонавий ўзбек адабиёти тарихининг, йирик шоир ва ёзувчиларга бағишлиланган, шеърият, наср ва драматургия турлари, роман, қисса, достон сингари жанрлар тадқиқ этилган монографияларнинг яратилиши шу авлод номи билан боғлиқ. Қолаверса, мустақиллик арафасида ва мустақилликнинг дастлабки йилларида мумтоз ва замонавий ўзбек адабиёти тарихини тарихий ҳақиқат мезонлари асосида ўрганилишида ҳам шу авлод муҳим роль ўйнади. Бинобарин, мазкур авлодга хос хусусиятлар, менимча, фаоллик, кенг ва чуқур билим, нина билан қудук қазиш машаққатидан қочмаслиkdir.

Энди, камчиликларга келсак, бу ҳам етарли. Аввало, бизнинг авлод адабиётнинг ижтимоий вазифасига катта эътибор бериб, ёзувчи ҳам, унинг асари ҳам ноёб бадий-эстетик ҳодиса эканини унтиб қўйган вақтлар оз бўлмади. Адабиётшунослар баъзан юқоридан туширилган мезонлар асосида, баъзан эса ўзларининг субъектив қарашлари асосида бадий иходга ёндашишга мажбур бўлдилар. Қодирий ва Чўлпон адабиёт оламидан бадарға қилинган даврда Ҳамза ҳаддан зиёд илохийлаштириб юборилди. 60-70 йилларда бадий заиф асарларни юқори баҳолаш оддий ҳодиса

бўлиб қолди. Мавзунинг долзарблиги ва замонавийлиги бадиий ижоднинг асосий мезони сифатида идрок этилди. Шундай мезон тақозоси билан "Ўтган кунлар"га эмас, "Фолиблар"га, "Наврўз"га, "Ҳамза"га ўхшаш асарлар хирмони кўпайди. Адабиётшунос адабиётнинг гуллаб-яшнашига, танқидчи эса ёзувчининг ижодий ўсишига ёрдам берувчи ижодкор бўлиши лозимлиги унутилиб, бадиий бўш асарларнинг бўшлигини айтишда журъатсизлик авж олди.

Улуғбек ҲАМДАМ:

Нисбатан ёш авлодлар хусусида нималарни ўйлайсиз? Мазкур авлодлар фикран эркин, ҳар турли инфомацияга имкондор бўлиши баробарида, нега ўз ишини сизлар қадар яхши кўрмайди? Улар руҳиятидаги тараффуд яна қанчагача давом этиши мумкин? Нега уларнинг кўпчилиги муқаддас иш – адабиёт ишини осонликча бошқа ишга, масалан, тужорликка алмаша ол(а)дилар? Нима учун уларда адабиёт иши эътиқод даражасига кўтарилимаган? Нега бизнинг ва биздан кейинги авлоднинг адабиётшунослик соҳасида фундаментал тадқиқотларга ҳоли йўқ: бу ердаги асосий сабаб илмнинг этишмаслигими ё хоҳишнинг? (Ва, ёки бошқа нарсанинг, масалан, рағбатнинг?) Ёхуд фундаментал тадқиқотлар, аввало, ўзгариб кетган оламнинг янгидан фалсафий идрок этилиши билан юзага чиқадими? Ундей бўлса, файласуфларимиз қаерда?

Наим КАРИМОВ:

СССРдек ер юзини титратган құдратли давлатнинг тарих саҳнасидан ўйқолиши асносида, жаҳон ҳалклари тарихида янги давр бошланди. Европа ҳалклари бозор иқтисоди шароитида яшаганликлари, шунингдек, мағкуралашган адабиёт ва санъат булоқларидан сув ичмаганликлари учун уларда маънавий-маданий қадриятлардан узоқлашиш жараёни кўзга ташланмади. Улар ҳаёти бир маромда давом этди ва давом этмоқда. Улар "яшил иблис" құдратига шак келтирлимаган ҳолда, зикр этилган қадриятларнинг қадрсизланишига йўл қўймадилар. Бизда эса жараён анча кескин кечди.

Хозир ижод қилишда давом этаётган ёзувчилар орасида ниманингdir илинжида қалам тебратишаётганлари талайгина. Агар шу илинж – ё шухрат қозониш, ё мукофот олиш, ё асар ёзиб пул топиш илинжи бўлмаса, ижодкорлар сафи анча сийраклашиб қолади. Айтмоқчиманки, Чўлпон, Ойбек, Шукур Холмирзаевга ўхшаб ўз тақдирини бир умрга адабиёт билан боғлаган ва бундан бирор манфаатни кўзламаган ёзувчилар ҳам, адабиётшунослар ҳам бундан кейин анқонинг уруғи бўлиб қоладигандек. Бунинг асосий сабабларидан бири, моддий бойликнинг фетишкаштирилиши, маънавий-маданий бойликнинг, бир замонлар фаровон яшаш омилларидан бири бўлган ақлий ва ижодий меҳнатнинг қадрсизланиши бўлса, иккинчиси эса, "Ўтган кунлар"ни мижжа қоқмай ўқиган китобхонларнинг бугун йўқлигидир.

Ана шундай китоб ўқимаслик касали ҳозирги адабиётшунослар авлодини ҳам четлаб ўтмаган. Уларнинг бир қисми Фрейдни, Камюни ҳижжалаб ўқиган бўлса ҳам, миллий адабиётимиз ва маданиятимиз тарихини яхши билади, дейиш қийин.

Улар адабиёт тарихини ҳам, адабий жараённи ҳам яхлит ҳодиса сифатида илғаб олганларича йўқ. Акс ҳолда, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Шайхзода, Усмон Носирлар ижод қилган адабиёт майдонида мардикор ёллаб ёзилган ёки пулнинг кучи билан чоп этилган асарлар оқимига бефарқ қараб турмаган, ўтган-кетганни ушлаб олиб, ўзлари тўғрисида мақтovдан иборат мақолаларни ёздириб олган ва уларни ёстиқдек-ёстиқдек тўплам шаклида чоп эттирган бўлардилар. Шубҳасиз, бу таънам умумий

жараёнга тегишли. Бугунги авлод орасида виждан амри билан қалам теб-ратаётган адабиётшунослар йўқ эмас. Лекин, уларнинг аксари, афсуски, диссертациялар ёзишдан нарига ўтмаятилар. Адабий жараён, Пушкин ифодаси билан айтсам, “соқчилар”сиз қолмоқда.

Мен уруш даврининг фарзандиман. Ўз отамнинг уруш даврида қандай қийинчиликларни бошдан кечиргандарини яхши билмайман. (Отам бу ҳақда сўзлашни хуш кўрмаганлар). Аммо, амаким баъзан-баъзан уруш йилларини эслаб, аудиторияга гўё ҳеч нарса бўлмагандек, доим оқ кўйлак устига костюм кийиб, галстук тақиб киргандари ва дарс бергандарини, лекин бу кўйлакнинг фақат ёқасию олд томони ҳамда бошқа кўйлакнинг калта енги – манжети бўлганини айтар эдилар. Улар мансуб бўлган авлод зиёли номини баланд ушлар, шунинг учун ҳам ҳалқ зиёлиларни астойдил ҳурмат қиласади. Ҳозир-чи, фан доктори дипломи билан бозорда чодир тикиб ўтирган кишилар йўқми? Шеърият ва матбуот оламини тарк этиб, бозордан макон топган кишилар йўқми? Тўғри, уларнинг баъзилари турмуш тақозоси билан шундай йўлни танлашган. Лекин агар улар юрагида ҳам ҳақиқий зиёлининг қони жўш уриб турганида, балки шундай йўлни танламаган бўлар-мидилар? Ҳар ҳолда, шу нарса аниқки, моддий қадриятларнинг жамият ҳаётидаги мавқеи дафъатан ошиб кетганида, қалам аҳлининг фаровон ва ҳашаматли ҳаётга мойил қисми ўзга йўлни танлади. Бунинг учун уларни коралаш эмас, балки тушуниш лозим.

Масаланинг жиддий томони шундаки, масалан, адабиётшунослик соҳасида қалам тебратаетган аксар ёшларни ҳам ўз соҳаларига содик, нина билан қудук қазишга тайёр кишилар, деб бўлмайди. Улар билим заҳираларини бойитишдан, адабиётшуносликнинг жиддий муаммоларини ҳал килишга чоғланишдан кўра, тезроқ фан номзоди, сўнгра фан доктори бўлишини ўйлайдилар, холос. Фан орқали моддий ёки маънавий имтиёзга эришиш аксар ёшларнинг бош максадлари бўлиб қолмоқда.

Улуғбек ХАМДАМ:

XX аср ўзбек адабиётига алоҳида меҳрингиз борлигини яхши биламан. Чунки, айнан шу даврга келиб, мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий, тарихий-маданий, руҳий-маънавий тақдирида улкан бурилишлар юз берди. Диний-эътиқодий эврилишларни айтмай қўя қолай. Демак, буларни бошидан ўтказган, юрагидан кечирган ижодкор оламни ўзгача кўра бошлади. Унинг атроф-муҳитни бадиий эстетик жиҳатдан қабул қилиш принципида туб истилоҳлар юз берди. Роман, драма, бармоқ вазнидаги шеър – булар ана шу азим ўзгаришларнинг қонуний меваси эди. Улар кўп асрлик ўзбек адабиётида янги ҳодиса бўлиб майдонга тушди. (Албатта, қадим-қадимдан сочма ва бармоқ ўлчовидаги назм, яна роман ва театрнинг бошқачароқ кўринишлари мавжуд бўлгани ёдимиизда).

Ана шундай моҳиятга эга янги ўзбек адабиёти, сизнингча, яна нималари билан Навоий ва Бобур даври адабиётидан фарқ қиласади? Ва, бу давр (XX аср) адабиёти ёнида XXI аср адабиёти қандай тахминий кўринишга эга бўлиши мумкин?

XX аср ўзбек адабиёти мумтоз ва келажак адабиётимиз ўртасида бир кўприк вазифасини ҳам ўтади, ўтамоқда, дейишимиз мумкини?

Наим КАРИМОВ:

Кўп асрлик ўзбек адабиёти тарихида икки асрни “олтин аср” дейиш мумкин. Бири – XV аср бўлса, иккинчиси – XX аср. Агар Навоий форс тили хукмрон даврда ўз асарлари билан ўзбек адабий тили ва мумтоз ўзбек адабиётининг майдонга келишига тамал тошини қўйган бўлса (бу – Навоий

ва Бобур даври адабиёти), XX асрда Беҳбудий, Қодирий, Чўлпон, Фитрат янги ўзбек адабий тили ва адабиётини яратишда, устозлари анъаналарини давом эттириб, жаҳон адабиёти ютуқларини ўзлаштирган ҳолда, ўзбек адабиётида реализм методининг қарор топишига, адабиётнинг реал ҳаёт билан яқинлашишига, бадиий сўзнинг жамият хаётига таъсир кўрсата олувчи куч бўлишига, янги замонавий адабий тур ва жанрлар билан бойишига жиддий ҳисса қўшдилар. Сўнгги бир аср давомида дунёга келган авлодларнинг маънавий олами ва дунёкараши уларнинг асарлари асосида шаклланди. Агар Навоий ва Бобур даври адабиёти бизнинг буюк адабий меросимиз бўлса, XX аср адабиёти ҳали узок вақт ҳалққа йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қиласди, деб умид қиласман. Энди, XXI аср адабиётига келсак, бирор башоратнамо гапни айтиш қийин. Детектив-саргузашт ва ҳажвий адабиёт китоб бозорларини бундан кейин ҳам забт этишда давом этса керак. Бу эса, китобхонлар оммасининг шунга мослашган диди (яъни, бозор) адабиётни идора этиб туради, деган сўздир.

Улуғбек ҲАМДАМ:

Менимча, ўзбек насли яқин ўтмишни идрок эта бошлади. Чунки биринсирин дилни қувнатувчи асарлар пайдо бўляпти. Улар бир-бирига ўхшамайди, лекин орасида катта истеъдод билан ёзилаётгандар бор. Аҳмад Аъзамнинг "Рӯё", Наби Жалолиддиннинг "Курб", Раҳимжон Раҳматнинг "Аросат" каби романлари қўлёзмасини ўқидим – таассуротим бир олам. Энг муҳими, уларнинг барида воқелик кутилмаган, ҳали юрилмаган томондан туриб таҳлил ва тасвир этилган. Эркин Аъзамнинг "Ступка", Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Қичқириқ", Нуруллоҳ Рауфхоннинг "Чилла", "Этакдаги кулба", Назар Эшонқўлнинг "Баҳовуддиннинг ити", "Култой", Исажон Султоннинг "Қисмат" каби ҳикоялари ўзбек насли жиддий эврилишлар палласига кирганини кўрсатади. Назаримда, энди, юқоридаги каби асарларни адабиётшуносликнинг аввалги мезонларидан туриб таҳлил қилиб бўлмайди. Бу асарлар адабиётшунослик фанининг ўзида жиддий янгиланишларни тақозо қилмоқда. Мана шу маънода эскича ёндашув ва критерийлар билан бугунги катта истеъдодларни аниқлаш мушкул, деб ўйлайман. Яна шуни ҳеч бир муболагасиз айта оламанки, бугун ҳам сиз номини санаган улуғ ижодкорларимиз даражасидаги истеъдодлар бор. Бор, фақат бугун давр бошқа. Бу давр одамлари бир хил иқтисодий-маънавий кайфиятда эмас. Жамиятда ўзининг ҳам моддий, ҳам маънавий даражасига кўра, кўпдан-кўп турлитуман қатламлар юзага келди. XX аср одамларининг психологик кайфияти эса якрангда бўлгани боис, ўша вақтдаги яхши асарнинг таъсир кўлами катта миқёсларда кечган. Бугунги шоир Навоий ҳазратларидек исътедоддага эга бўлса ҳам (қани энди), ана ўша қатламларнинг барчасига бирдек маъқул ва манзур ашъор битолмайди. У энг баланд пардаларда куйлаши мумкин. Лекин унга ҳамдарлар ўнлаб қатламларнинг бир ёки нари борса, икки-учтасида топилади. (Бугун Навоийни қанча одам тушуниб, ҳис қиласди?) Ҳазрати Румийда: "Карға ва лайлак дўстлигининг сабаби", деган ҳикоят бор. Ақли расо бир киши қарға ва лайлакнинг бирга учеб юрганини кўриб, тоза ҳайрон бўпти. Кейин бу жўрачиликнинг тагига етиб қараса, иккала қуш ҳам оқсоқ экан. Қаранг, дардларнинг муштарақлиги таналарнинг ҳамкору ҳамнафаслигига олиб келмоқда.

Ўйлашимча, истеъдодлар, даҳолар вақти-вақти билан туғилиб туради. Фақат уларни мухит етилтиради, кўтаради ёки, аксинча. Даҳонинг майдонга чиқиши учун қулай мухит лозим. (Албатта, мухит деганимиз ҳаётининг комфортдан иборатлиги бўлмай, аксинча, турли хил машақкатларга тўла чифриклардир). Пешонасида даҳолик сифатлари мавжуд зотнинг агар омади

чолган бўлса, у ўз даврида, уни юксакка олиб чиқадиган чигал мухитда вояга етади. Бўлмаса, у ҳам бир истеъдод даражасида, истеъдод эса оддий қаламкашдек яшаб ўтади. Шунинг учун ҳам Волков улуф Пушкин истеъоди ва мухит бир-бирига тўғри келиб қолди, дейди. Йўқса, Лермонтовнинг истеъдод даражаси Пушкиннидан асло кам эмас эди. Адабий омад Пушкинга кулиб бокди. Мен шу гапларга ишонаман. Аксинча бўлганда эди, яратганинг қудрати Навоий ёки Шекспирда тўхтаб қолишига иймон келтиришимга тўғри келарди. Бунинг эса мутлақо иложи йўқ. Оқсан дарё оқаверади, деган халқимизнинг доно ҳикматига жўр бўлгим келади, устоз...

Наим КАРИМОВ:

Бир замонлар ўзбек адабиётининг том маънодаги кўзгуси бўлган, ютуғини ҳам, камчилигини ҳам ўзида акс эттириб турган “Шарқ юлдузи” журнали оғир ахволга тушиб қолган эди. Кейинги йилларда адабиётга ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор севимли журнализмизни ҳам четлаб ўтмади. Сиз журнални бугунги адабиётнинг минбарига айлантириш учун ҳали сиёҳи қуримаган асарларни ўқиб чиқдингиз. Афсуски, менда бундай имконият йўқ. Қолаверса, кўз нури хиралашиб қолган бизнинг авлод, жумладан, мен ҳам ҳозирги адабий жараённи сизчалик изчиллик билан кузата олмайман. Шу сабабли мен адабиётимизнинг бугунги даражасидан сизчалик ҳайратда эмасман.

Улугбек ҲАМДАМ:

Мени яна бир бошқа масала кўпдан бери қизиқтириб-ўйлатиб келади. Миллатнинг қандайлиги унинг адабиётига боғлиқми? Ёки адабиётнинг даражаси миллатнинг ҳолига вобастами? Дунёда ҳамма нарсани пул, бойлик ҳал киласи, деган тутумнинг борар жойи қаергача бўлиши мумкин? Техника асрини ортига ташлаб, ахборот даврини бошидан кечираётган замондош зоҳирان нақадар мағрур, нақадар мустақил ва ишбилармон кўринади. XIX аср кишиларига сув ва ҳаводек зарур бўлган адабиёт мазкур Хабародам учун ортиқча юкка айланиб қолмадими? Бутун онгли ҳаётини адабиёт илмига бағишлигаран зиёли сифатида сизнингча, Хабародамнинг ҳоли нима кечади? Адабиётсиз, демоқчиман.

Наим КАРИМОВ:

Агар ҳар бир миллатнинг ўз Навоийси, ўз Гёtesи, ўз Пушкини бўлмаса, бу миллатни шаклланган миллат, дейиш қийин. Зоро, миллатнинг миллат бўлиши учун унинг миллий адабиёти ҳам бўлиши зарур. Адабиёт – миллатнинг кўзгуси. Шу кўзгуда миллатнинг тарихи ҳам, бугуни ҳам, машъал сиймолари ҳам, фазилатлари ҳам, кусурлари ҳам ўз аксини топади. Бинобарин, миллатнинг қандайлиги унинг адабиётига боғлиқ. Миллат ва адабиёт бир-бири билан узвий алоқадаги ҳодисалардир.

Ҳозирги вақтда пулнинг, бойликнинг фетишлишгани миллатларнинг тараккий этаётганини англатмаса керак. Негаки, пул ва бойлик, худди XIX аср охири – XX аср бошларида Фарбда рўй берган “олтин талвасаси”дек, инсонларни довдиратиб қўйди. Айрим аёллар ҳаё деган улуф фазилатни унубиб қўйдилар. Мехнатсиз ёки осон йўл билан пул топиш, бойлик орттириш касаллик тусини олди. Жамият бу касаликка қарши самарали чора ва тадбирларни топиши зарур. Шахсан мен бунинг чораларидан бири сифатида ақлий меҳнат кишиларига ва меҳнат фахрийларига бўлган муносабатни ўзгартириш, уларни қадрлаш, уларни осон йўл билан давлат орттириган, аммо, маънавий пуч кишилар олдидаги мавқеини, иззатини жойига қўйиш лозим, деб биламан. Фарзанд бутун умри давомида ҳалол меҳнат

қилиб, на машина ололмаган, на дала ҳовли қуролмаган ота-онасини ҳурмат қила бошласагина ва бошқа ота-оналарга ҳам шундай муносабатда бўлсагина, халқнинг маънавий оламида ўзгариш содир бўлади. Шубҳасиз, жамият бояги касалликдан нажот топиши учун бошқа "ричаг"лардан ҳам фойдаланмоғи лозим.

Хозирги воқеаликдаги энг катта қусур бу – одамлардаги ўзбекона тантилик, олийжаноблик, фидойилик, катталарга ҳам, бир-бирларига ҳам ҳурмат сингари эзгу туйғу ва фазилатларнинг хиралашиб, одамзоднинг тобора худбинлашиб, ўз қолипига ўралашиб бораётгани. Хабародам бундайлар олдида ҳеч гап эмас. У жамият учун заарсиз.

Улуғбек ҲАМДАМ:

Хозирча заарсиздек туюлиши мумкин. Чунки ахборот даврига энди-энди кириб келдик. Ўйлашимча, биз бугундан эртамиз учун замин ҳозирлашимиз лозим. Шундок кўз ўнгимизда фақат телевизор, компьютер, интернет фарзандлари вояга етишиб келяпти. Мулоқотда бўлар экансиз, англайсизки, улар гўё ўзга оламлардан ташриф буюргандек. Сиз боғдан келсангиз, улар тоғдан келади. Гапларингиз қовушмайди. Бу нарса Тургенев ёзганидек, Гассет таъкидлаганидек, фақат оталар ва болалар ўртасидаги тафовут эмас, асло. Бу нарса тамомила бир-биридан фарқ қилувчи икки дунёқараш, икки маданият ва икки олам ўртасидаги фарқка ўхшайди. Яъни, сиз билан биз реал дунёнинг болалари бўлсак, улар виртуал оламнинг жужуқларидек. Шу маънода, Хабародам билан ҳақиқий тўқнашув ҳали олдинда тургандек туюлади...

Наим КАРИМОВ:

Мен бир неча кишиларни кўрганман. Уларнинг қизиқиш доиралари, хоббилари кимнинг ишдан олингани, кимнинг қаерга ва ким бўлиб ишга тай-инланганини билиш ва шундай билимлари билан турли давраларда мақтаниш, ўзларини гўё шу масалалар ҳал бўлаётган юқорига яқинликларини кўрсатиш бўлган. Улар билимлари эскириб, янги билим ололмаган пайтларида дами чиқкан пуфақдек пучайиб, шумшайиб юришган. Улар, нафақат, маҳалла-кўй, балки ўз оиласарида ҳам бирор мавқега эга бўлишмаган.

Хабародам ҳам шундай кишиларни эслатади. Бугунми ё эртами унинг ахборот гирдобидан чиқолмай, телбанамо кишига айланиб қолиши ёки сиҳат-саломатлигини йўқотиб, кўздан айрилиши ҳеч гап эмас. Қолаверса, ҳали "разгон" олмаган XXI аср яна қандай техник мўъжизаларни кашф этиб, Хабародамларни дарёнинг бу қирғоидан бошқа қирғоfiga отиб ташламайди, деб ким айта олади?.

Уларнинг бадиий адабиётдан узоқлашиши, шеърият дурдоналарию "Ўтган кунлар"нинг уларга ортиқча юқ бўлиб қолиши эса бор гап.

Бундан кейин ҳақиқий адабиёт шинавандаларининг сони камайиб боради. Ҳозир ҳам, кейин ҳам, асосан, катта ёшдаги кишиларгина китоб ўқисалар, ажаб эмас.

Улуғбек ҲАМДАМ:

Ўтмишда бирон юртни босиб олган мустамлакачилар негадир ўша халқнинг адабиётини биринчи бўлиб йўқ қилишга ёки хаспўшлашга ҳаракат қилар экан.

Бу сиёсатнинг илдизлари жудаям чукур сатҳларга бориб тақаладигандек туюлади менга. Ҳаммамизга аёнки, бугун биз жиддий адабиётдан узоқлашиб бораяпмиз. Дўконлар, асосан, олди-қочдию ур-сур муҳрланган китблар билан лиқ тўлиб кетди. Буни бошқача ном билан атаб бўлмайди.

Аслида, ташқаридан мафкуравий зугум йўқ: чоризм, большевизм, социализм йўқ, лекин шунга қарамай, биз миллий маънавиятимизнинг асоси бўлмиш жиддий адабиётга етарли даражада эътибор қилмаяпмиз. Сизнингча, адабиётга эътиборсизлик хавфининг даражаси қандай? Илгари чоризм ва шўро ўз қўл остидаги миллатларни зўрлик ила ўз миллий маънавияти ва адабиётидан маҳрум қилишга чоғланган бўлса, энди, ўзимиз, ўз адабиётимизга беписандмиз. Моҳиятан буларнинг оқибатлари бир эмасми? Эҳтимол, мана шу каби хавф-хатарни олдиндан кўра билгани учун ҳам Президентимиз Ислом Каримов “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” мурожати билан чиқкандир.

Найм КАРИМОВ:

Албатта, Юртбошимиз Ислом Каримов ана шу муаммони олдиндан сешиб, “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” деган рисолосини эълон қилгани, шубҳасиз. Унда адабиётга эътиборсизликнинг кучайиб бораётганини айтиб, жамият эътиборини шу ўта жиддий масалага қаратди. Модомики, баҳс эътиборсизлик ҳақида борар экан, бунинг баъзи бир илдизларига ҳам назар ташлаш зарур. Сир эмас, адабиётга муҳаббат туйғуси оила билан мактабда тарбияланади. Агар бугун туғилаётган фарзандларнинг ота-оналари нафақат Ойбекнинг “Навоий”сини, балки Қодирйининг “Ўтган кунлар”ини ўқимаган бўлса, фарзандида ҳам китобга муҳаббат туйғусини уйғотолмайди. Адабиёт дарслклари масаласига келсак, муаллифлар кўпинча ўз таниш-билишларини аввал дастурга, сўнг дарслликка киритганлари туфайли ва яна шунга ўхшаш кўплаб сабаблар билан улар йил сайин ўзгартирилиб, нашр этилмоқда. Камида тўрт-беш йил ҳалол хизмат қиласиган барқарор дарслклар ҳамон яратилмаяпти. Бу ҳол шундай давом этаверса, айтингчи, ўкувчиларда китобга муҳаббат туйғуси қандай пайдо бўлади?

Масаланинг шунга ўхшаш томонлари адабиёт тарози паллаларининг вазнисланиб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Сиз айтганингиздек, адабиётнинг заифлашиши, “енгил адабиёт” доирасида қолиши учун ташқаридан кўрсатманинг бўлиши шарт эмас. Ўз ичимиздаги беписандлик қайси кўрсатмадан кам?

Улуғбек ХАМДАМ:

Ўз вақтида, руснинг улуғ ёзувчиси Достоевский: “Дунёни гўзаллик кутқаради”, деб хитоб қилган эди. Аён бўляяпти, дунёни муқаррар ҳалокатдан фақат гўзалликнинг бир ўзигина кутқаролмас экан. Агар сизу биз гўзал деб тарғиб этаётган “матоҳ”имиз гўзаллигини англаб, нозик ҳис қилгувчи, пировардида, қабул айлаб, ўз маънавий мулкига айлантириб, шу рух ила ҳаётга ёндашгувчи куч бўлмас экан, гўзалликнинг таъсири нолга тенг бўлаверади. Худди шундай, адабиётнинг қисмати ҳам, асосан, уни тушуна оладиган ўкувчиларга боғлиқ экан.

Устоз, ҳар қандай баландпарвоз гапларни бир четга суриб, дангалига кўчсак, адабиётнинг дунёни қутқариб қолишига умид қилса бўладими? Майли, қутқармасин, ҳеч қурса, унинг равишига таъсири борми? Чархипалакнинг бугунги ҳолидан андак яхширок, муруватлирок бўлишига хисса кўша биладими? Ва, умуман, дунёни қутқариб қолиш мумкинми ва ўзи керакми бу иш? Агар буларнинг бари мумкин бўлса, асрлар оша, йиллар оша эмас, кун сайин, соат сайин ўзгариб турган дунёда адабиётнинг ўрни қаерларда кўринади? Балки, бу ўринда, бутун иш яна жадидлар айтгани ва йўлида ширин жонларини тиккани ўша МАЪРИФАТнинг зиммасига тушмаяптимикан? Негаки, гўзалликка олиб боргувчи йўл ҳам маърифатнинг қароргоҳидан ўта-

дигандек. Фақат ва фақат маърифатли кишигина гўзалликни, адабиётни нозик ҳис қилиб тушунадигандек.

Наим КАРИМОВ:

Рус жамиятидаги хунрезликларни, қаллобликларни, тубанликларни кўра-вериб, рус халқининг келажаги учун куйинган Достоевский нажот йўлини тополмай, сархуш бир ҳолатда шундай деган бўлса, ажаб эмас. Акс ҳолда, у чоризмни, рус генералларини Ўрта Осиёни босиб олиб, Ҳинд дengизида этикларини ювишга илҳомлантирумаган бўларди.

Шўро мағкураси бизни “адабиёт – дунёни ўзгартирувчи куч”, деб ўргатган, шу фикрни кўнглимизга қўйган.

Агар ёдингизда бўлса, грузинларнинг “Солдат отаси” фильмида ота рус танкчисининг узумзорни пайҳон этаётганини кўриб, фазабга тўлиб, ёқасидан олади. Димоги уруш ва қон ҳиди билан тўлган жангчи эса, отанинг бу хатти-харакатидан қаттиқ ранжиди. Унинг учун уруш шароитида, бир-икки ток кўчатининггина эмас, бутун-бутун узумзорларнинг мажақланиб ташланиши оддий ҳодиса.

Бугунги одамзоднинг димоги пул ҳиди билан тўлган. Унинг кўзлари гўзаликнинг камалак нурларини кўришга ожиз. У узумзорнинг баҳорда, қизлар янглиф, майин кокилларини ёйиб, бир ишком бўлиб савлат тўкиб туришдан баҳра олмайди. У узумзордан қанча даромад келишини ўйлади ва даромад пилигини кўтариш йўлларини ахтаради. Ҳали пишиш ҳолига келмаган узум бошларини олтингугурт билан қизартиради. Биз дориланган, яъни, заҳарланган узумни витаминга бой, деб киммат пайтида сотиб оламиз.

Дунё тугул, биргина одамзодни ўзгартиришга ҳам адабиётнинг кучи етмаяпти.

Жамиятнинг ҳаётий жараёнга таъсир ўтказувчи бошқа институтлари ўз вазифаларини ҳалол бажарсагина, адабиёт, адабий тарбия самара бериши мумкин.

Улуғбек ҲАМДАМ:

Замон эврилиб, одамларнинг дунёқарашида ўзгаришлар рўй берди. Атрофимиздаги кишиларга Беҳбудий, Фитрат, Қодирий, Чўлпон каби ватанпарвар зотларнинг миллат ва юрт қайғусида жон кечиб яшаб ўтганликлари, шу муқаддас йўлда ҳатто қурбон бўлганликлари бир қадар баландпарвоз, ҳавойи, тушункисиз бўлиб қолмаяптими? Ўша улуғ боболаримиз амалга оширган қутлуғ ишларни ўз курсофи атрофидагина айланиб-ўргилиб ўтиб бораётган айрим замондошларимизнинг тутумларига солиштирганингизда, хаёлингизга нималар келади? Худди шундай, “Адабиётнинг даври ўтди, китоб ўтмишда қолди”, деган ёзгириқлар нимани англатади? Бу хитоб, айникса, сизнинг, қисман, бизнинг авлод вакиллари учун оғир айномадек янграмаяптими? Сер солсангиз, бутун ер юзида ёш авлодлар китобсиз, адабиётсиз яшаш қаноати билан ўсиб, шундай яшашга бел боғлагандек кўринади. Аслида, китобсиз ҳаёт йўлига чиқмоқчи бўлган мазкур авлодларга масъуллар, айнан, сиз ва биз эмасми? Чунки улар осмондан тушгани ҳам, ердан чиққани ҳам йўқ, улар сизу бизнинг фарзандларимиз, невараларимиз. Бас, шундай экан, хўш, қаерда хатога йўл қўйдик? Ахир, вори-сийлик деган гаплар бор эди! Авлодлар қаршисида аждодларнинг бурчла-ри бўларди! Ижтимоий, сиёсий, тарихий силсиланинг қайси бурилишида тойиб кетдикки, натижада, бизнинг жисмимиздан пайдо бўлиб, ўз руҳимиз таълим-тарбиясини олган авлод ўзимизга бегона бўлиб бораётгандек? Бундан чиқадики, инсоният шунча аччиқ тажрибасига қарамай, адабиётнику қўя турайлик, ўз келажагини ҳам бошқара олмайдиганга ўхшайди?

Наим КАРИМОВ:

Бизнинг институтда Машхура Султонова (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин) деган жуда маърифатли, китоб кўрса жонини берадиган олим бор эди. Унинг уйига тез-тез бориб турардик. Бир куни бораётганимизда, кўп қаватли уйлардан бирининг олдида бир тўп китоблар уйилиб ётган эди. Чамаси, бу китоблар эгаси ё ҳаётдан ўтган, ё бирор жойга кўчгану китоблар эгасиз қолгани учун кўчага, аникроғи, ахлатхонага олиб бориб ташланган эди. Орадан анча вақт ўтгандан сўнг Машхура опа вафот этди. Бир қанча вақтдан сўнг кимдир Машхура опанинг китоблари эски китоблар дўконида сув пулига сотилаётганини айтди. Ҳолбуки, Машхура опанинг уйида унинг тарбиясини кўрган ва ўз кизидек бўлиб қолган жияни яшарди. У рус мактабида таълим олгани туфайли, ўзбек адабиётининг сара асарлари унга ортиқча юк бўлиб қолган эди.

Афсуски, ҳозирги шароитда, ҳатто, "китобхўр" ота-оналар ҳам фарзандлари учун ўrnak бўлмай қолдилар. Ҳаёт дарёси айрим фарзандларни ўз гирдобига тортиб, ҳатто, ота-оналаридан, улар ўсган маърифат боғларидан ҳам узоқлаштириб бормоқда.

Бу муҳим масалада қаерда хато қилдик ва бунга ким айбдор? Шу хатони тузатиб бўладими? Афсуски, бундай саволларга жавоб бериш осон эмас. Хатони қилиш осону уни тузатиш қийин. Айникса, ҳаёт карвони ўз йўловчиларини узоқ-узоқларга олиб кетганидан кейин.

Менинг ёшлигим ўтган маҳаллага яқин жойда тўртта кутубхона бўларди. Бу кутубхоналарнинг биридан иккинчисига ўтиб, қайси бири бойроқ бўлса, ўша кутубхонага лангар ташлардик.

Ҳозирги айрим ёшлар томдаги ликоп орқали келаётган видео-ахборотдан на руҳга, на ақлга озиқ берадиган кўрсатувларни ёки компьютерга жойланган ўйинларни кўришга азиз умрларининг азиз соатларини бағишлийдилару бадиий асарни ўқишига тоқатлари етмайди. Аввалги авлодлар юрагида жўш урган ворисийлик қони ўз кучини йўқотган кўринади. Энг даҳшатлиси шундаки, шундай яшаш йўсунинга кўникан кишилар фикрсизланиб, бошқалар иродасининг оддий ижрочисига, роботларга айланиб қолиши мумкин. Балки шундай жараён оқибатларини олдиндан сезаётгандлари учунми, айрим олимлар ер юзини келажакда роботлар бошқаради, деган илмий тахминларни олға сурмоқдалар.

Улуғбек ҲАМДАМ:

Кунимизга қайтсан. Адабиётга энди-энди қадам қўйиб келаётган, бошловчи ижодкорлар мавзу ва кайфият манзилини қай тарзда белгиламоғи лозим? Яъни, унинг навқадди давр шамолидан эгилиб кетмаслиги, айни дамда, шу шамол суронларигагина ҳамоҳанг асарлар битиб қолмаслиги учун нималарга эътибор қилмоғи даркор? "ХХ аср адабиёти манзаралари" деган китобингизда улкан шоир Faфур Fулом билан боғлиқ бир аччиқ ҳақиқатдан сўз очасизки, у ҳамма замонларнинг ижодкорлари учун давомли сабоқдек жаранглайди: "Faфур Fуломнинг гражданлик руҳи балқиб турган шеърларида бошқа бир кусур бор. Бу совет даври "қадриятлар" и тасвирига катта ўрин ажратилганлигидир. Ҳудди шундай кусур туфайли шоирнинг ҳатто айрим илиги тўқ шеърлари ҳам, сир эмас, дами чиқиб кетган ҳаво шарларидек бўшашиб қолган" (257 бет). Айни дамда, масаланинг иккинчи томони ҳам мавжуд. Менинг назаримда, ҳақиқий ижодкор ўз даврининг юрак уришига ташхис бармоғини қўйиб турган табибдир. У ҳамма нарсадан олдин ўз даври кайфиятининг самимий таржимони бўлмоғи шарт! Хўш, сизнингча, ўрта, мўътадил йўл қайда экан?

Наим КАРИМОВ:

Абдулла Қаҳҳор бир гапни айтган эди: мен умримда иккى буюк истеъдод эгасини кўрдим. Булардан бири Чўлпон, иккинчиси Faфур Ғулом эди. Улардан бирини замон жувонмарг қилди, иккинчиси ўзини-ўзи, деб.

Истеъдоднинг харидори кўп бўлади. Қанчадан-қанча истеъдод эгаларини замон темир кишанлари орасига олиб мажақлаб ташлаган. Энди, қалам тебратётган истеъдодли ёшлар ўз салафлари тақдири қандай кечганидан сабоқ олишлари лозим. Ҳаёт мавзу билан тўла. Агар ёш ижодкор шуҳрат қозониш, мукофот олиш, фаровон ҳаёт кечириш илинжи билан қўлига қалам олса ва ўз мақсади йўлида изчил ҳаракат қилса, орзусига, албатта, зришади. Лекин унинг ўсиб-унишига, яхши асарлар ёзишига, миллий адабиётимизнинг юксалишига мұхим ҳисса қўшишига умид қилган кишилар доғда қоладилар. Адабиёт шуҳрат қозониш, кўкракларини турли-туман нишонларга тўлдириб олиш ёки кекириб яшаш учун бино бўлган майдон эмас. Ҳар бир яхши асар юрак қони билан ёзилади. Йўлчининг вафот этганини ёзаётган пайтида, Ойбек беҳуш бўлиб қолган. Абдулла Қодирий Кумушнинг қабртоши учун марсия сўзларини ёзаётганда, кўзларидан оқкан ёшини тўхтата олмаган. Бальзак Горио отанинг ўлимини ишонарли тасвирлайман, деб қарийб клиник ўлимни бошидан кечирган. Ёзувчи асарни юрак қони ва дил сўзи билан ёзган тақдирдагина, асар умри билан туғилган бўлади. Ҳозир ёзилиб ташланётган детектив асарларни тўрт-беш йилдан кейин ҳеч ким ўқимаслиги мумкин. Аммо, китобхон зоти озайиб кетган бўлса ҳам ўзида "Ўтган кунлар"га ўхшаш асарларга ташналик сезади.

Ўз даврининг юрак уришларини ҳис этиб туриш – ёзувчининг бурчи. У илҳомни, энг аввало, ўзи гувоҳ бўлиб турган воқеалардан, учрашувлардан олади. Ҳалқ ёзувчидан мамлакат ҳаётида рўй берадиган улуғвор ишларга ҳам, жамият равнақига ғов бўлаётган ҳодисаларга ҳам муносабат билдиришини кутади. Лекин, у бу вазифасини сунистеъмол қилиб, календар-шоир даражасига тушиб қолмаслиги керак. Ёзувчи бугун севиб ўқиладиган, эртага қадр-қиммати янада ошадиган асарлар ёзишига интилса, айни муддао бўлур.

Улуғбек ҲАМДАМ:

Устоз, адабиётимизнинг умидбахш тамойиллари ҳақида гапирсангиз. Ўзбек адабиёти Шарқ адабиёти бўлиши баробарида, умумжаҳон адабиётнинг ҳам бир бўғини ҳисобланади. Шундай экан, унинг ўз миллий ҳусусиятларини сақлаб қолмоғи, айни чоғда, ўзининггина қобигида қолиб кетмаслиги учун қандай манзилларни кўзлаб, қандай жасоратларга кўл урмоги лозим кўринади?

Ўтган қарийб йигирма йил мобайнида ўзбек адабиёти модернизм билан "оғриб" олди. Энди эса, ҳавода постмодернизмнинг элчилари учиб юрибди. Бу хил тамойиллар миллий адабиётимизнинг бойиб, кенгайиб ва чукурлашиб боришига хизмат қиласими ёки, аксинча. Ва, умуман, мана шу жараёнларда адабиётшунос ва танқидчи олимларнинг ўрни ва роли қандай бўлмоғи керак?

Наим КАРИМОВ:

Афсуски, адабиётимизнинг яқин тарихини яхши биладиган баъзи дўстларимиз ҳам модернизмни мутлақо нотўғри талқин қилиб, ҳатто Беҳбудию Қодирийни ҳам модернизм адабиётининг намояндалари дейишгача бормоқдалар. Ҳурматли Пиримқул Қодиров шу масалада уларни жиндек койиган эди, кўплашиб уни тавбасига таянадиган килишди.

Модернизм Шарқ адабиётининг маҳсули эмас. Модернизм бизга Фарб-

дан кириб келган. Аслида, Фарб модернизм адабиёти деганда, янги давр адабиётини назарда тутади. Аммо, тасвирий санъатдаги модернизм кўришишларига назар ташласак, уларда кўзи белидан қараб турган ёки боши Билан орти алмашиб қолган одамларни кўрамиз. Бу, одамнинг модернизм оқимига мансуб рассом нигоҳидаги образи. Фарб тасвирий санъатининг мазкур оқимга мансуб асарларида ҳам шунга ўхшаш воқеликнинг бетакрор ўзига хос кўринишлари каммас. Фарб шундай санъатни ҳам ёқтиради. Аммо, Фарб рассоми қулогини шартта кесиб ташлаган бўлса, Шарқ рассоми ҳам янгилик деб ундан ибрат олиши нодонликдан бошка нарса эмас. Шарқ адабиёти доим доим фикр ва заррин ифодалар адабиёти бўлган. Шарқ адабиёти – кишиларнинг бадиий диди ва дилини тарбияловчи нафосат мактаби. Ўзбек адабиёти Шарқ адабиётининг ана шу анъаналарини давом эттириб келади. Бу Фарб учун ҳам ёт ёки эскирган ҳодиса эмас. Акс ҳолда, Козлонинг Шарқ адабиёти руҳида яратилган асарлари бугун бутун дунёда машҳур бўлмаган бўларди. Биз ўз маънавиятимизни Фарб андозалари асосида бузиб келганимиз етмай, энди фикрсизлик адабиёти бўлган модернизмни хадеб пеш қиласкерсан ножоиз бўлар. Лекин, бу сўзларим адабиётимиздаги ҳозирги модернистик оқимдан кечиш керак, деган маънени мутлақо англатмайди.

Биз ўзимизни улуғ устоzlаримиздан ақлли, деб ўйламаслигимиз лозим. Улар Фарб адабиётидан ўзимизда йўқ адабий тасвир усуллари ва жанрларини олишган: реализмни, драмани, романни. Аслида, ёзма адабиётимизда реализмнинг ҳам, романнинг ҳам унсурлари оз бўлмаган, оғзаки адабиётимизда эса драманинг ҳам унсурлари сероб. Лекин, устоzlар Фарб адабиётидаги йиллар давомида шаклланган ва синовдан ўтган тасвир имкониятларидан баҳраманд бўлганлар.

Ҳар ҳолда, юрагимизда аждодларимиз қони оққанидек, адабиётимиздан ҳам Шарқ адабиётининг ўзига хос гўзал, нафис ва ҳаётбахш таровати эсиб турганига нима етсин?..



Дунёни ҳаракатлантирмоқчи бўлган кимса, энг аввало, ўз мақсадларини амалга оширмоғи лозим.

Сукрот

Тушунмасдан ўқиш фикрни ўтмаслаштиради, ўқимасдан тушуниш адаштиради.

Конфуций





ХУРШИДА

Бахтнинг рангларини кўра бошладим

Муҳаббат, муҳаббат, муҳаббат,
Сирлисан, нурлисан, пок лисон.
Арш қадар юксалган эй дараҳт,
Илдизинг заминда бегумон.

Заминда, нақ менинг жонимда,
Кўксимдан ўтар ўқ томиринг.
Озуқанг – қайноқ дил қонимдир,
Қаддинг тик этгувчи омилинг.

Зорлисан, орлисан, хормисан,
Бағрингда гоҳ гумон, гоҳ нафрат,
Ёвмисан, ёрмисан, дормисан,
Мен сенсиз йўқдирман муҳаббат,
Мен сенсиз жонсиз тан муҳаббат?!

Басдир шунча ҳаяжон, титроқ,
Айтаримни айтдим сувларга.
Қайтаримни буюрди қирғоқ,
Хожат йўқ деб энди қувларга.

Раҳмат сенга, эй оқар булок,
Сирларимни ортиб сийнангга,
Малолидан тутса-да тўлғоқ,
Сездирмадинг мен – кўзи намга,

Ялдо туни ҳорғин ва мудроқ,
Сокин наво чалди муҳаббат.
Ташна дилга ачиндинг, бироқ,
Тилаб кетдинг сабр ва тоқат.

Бахтнинг рангларини кўра бошладим,
Бири ойда экан, бири қуёшда.
Кулгу жарангини илғаб оляпман,
Гоҳо сойдан келса, гоҳида тошдан.

Ойли оқшомларнинг яллаларидан
Савти наво топдим ўйу ҳавас-ла,
Лайло бўлиб бориб ишқ саҳросига,
Висол завқин туйдим Мажнуннафасдан.

Умр тақрибида яйраш сирларин
Бекарор, безавол еллар ўргатди.
Туҳмат тошларини енгмоқ турларин
Хазонгир фаслимда селлар ўргатди.

Бахт рангин энди сал англаяпману
Ўзимдек зорларга келар ўргатгим...

Осмон, қуёш, гулзор,
Дарё – жилвакор...
Мендан кўнгил сўраб чирқиллар қушлар.
Сабо юзларимни силар авайлаб,
Япроқлар пойимга пояндоз тўшар.

Борки мавжудотдан тиланмоқ шафқат,
Меҳр излаб топмоқ мумкиндири, аммо,
Сенинг юрагингнинг тафтини туймок,
Сенинг тилагингни билмоқ – муаммо...

Умид қандай яхши,
Умид қандай соз,
Кўзга нур, дилга қўр бергайдир гўё.
Умид борки, танда айланади қон,
Умид борки, юздан тараур зиё.

Наботот қуёшга интилган каби,
Уммонга қўшилмоқ дарё матлаби.
Умидсиз манзилга етолмас инсон,
Умиддан яралар ҳаёт мактаби.

Бедаво дардларни енгмоқлик мумкин,
Тўлғин бўлса қалбда умидвор эпкин,
Умид бор, яшайди муҳаббат, орзу,
Умид бор, дил нафас олади эркин.

Бирдан маъюсликка бўлдим дугона,
Бирдан борлигимни қоплади зулмат.
Гарчи, кўрмасам-да, йўқламасанг-да,
Фикратим, сен мени дер эдинг фақат.

Ногоҳ, чалкашдию барча-барчаси,
Ногоҳ, гумон, ўқсиш бўлди ҳамроҳим.
Ажаб, бир кунгина ўтдию фурсат,
Бунча тез бурилди сўл ёққа роҳинг?..

Кўксим эзмоқда бир бетайин ҳолат,
Номсиз зерикишлар чорлар дилимни.
Иштиёқ, интилиш йўқолди мутлақ,
Бирдан, кўринмас ғов тўсди йўлимни.

Мен даво қидириб келган бу маскан,
Мени алқаётган шифолар нечун?
Мен фақат сен учун яшамоқчийдим,
Йироқ кетган эдим сендан сен учун...

Андижон





Сирожиддин РАУФ

Құксыда үзмекни түңдек асқаған

Ватан

Бу замин дарёю тоғлари билан
Қачон бино бўлган, билмас ҳеч банда?
У мозий шавкати, доғлари билан
Қизиқиш уйғотар кундан-кун манда.

Ўтмишнинг турфаранг қабатларига
Ўйларим бош уриб, қақшайди ёдим:
Ер шарин мана шу сарҳадларида
Илк бор туғ қадаган қайси аждодим?

Азиз бўлиб қай кун қақроқ саҳролар,
Қай замон муқаддас саналган тупроқ?
Не учун қасд айлаб келса Доролар
Ажалнинг кўзига тик боқсан Широқ?

У қандай туйғудир, ҳаётдан аъло,
Қалқон қилиб ҳар дам жону жисмни,
Ғанимлар бошига солғувчи яғмо,
Юракдан ўчириб кўркув исмини?

«Бирлашсак, бизники бўлади очун!» –
Ҳайқириб, от суриб ҳам сўлу ўнгга,
Ёвга ташланаркан бамисли лочин,
Ўшал ҳисни туйгандир Алп Эр Тўнга.

«Будуним, Туроним!..» О, ўтли калом,
Қай аср ўйилдинг битиктошларга?
Эл бўлиб, юрт таниш бошланган замон
Алп Тегин бошмиди қутлуғ ҳашарда?

Ватан, яралдингу ҳар бир сония
Юксалдинг, топталдинг чарх ўйинида.
Букилган қаддингни тиклайнин дея,
Кон кечди Менгбурни Аму бўйида.

Конлар силқиб оқди, бағринг дөглади
Мазлумлар охию қилич жарангги.
Улуғ юришларга чорлаб, боғлади
Соҳибқирон Амир Темур ярангни.

Шу шонли курашлар ёритди йўлинг,
Тийра кечмишингнинг кундузи бўлиб.
Етти иқлим аро довруғ сололдинг,
Мирзо Улуғбекнинг юлдузи бўлиб.

Сен эдинг, шубҳасиз, Шарқнинг гавҳари –
Шеърият, илму фан, бари бунда жам.
Тегрангни дўст-ёрлар куршаган сари
Кўпайди бадкирдор ғаламислар ҳам.

Жоҳиллар совурди йўғу борингни –
Энг ёвуз ғанимдир ғофиллик асти.
Тупроғингни топтаб, талаб зарингни
Бостириб келди-ку қизил алвасти.

Қажрафтор измида қолди ҳур ўлка,
Борлиқни қоплади тӯфон, қасирга.
Ўлим ваҳшатини сочди кўр кўлка
Эркталаб Чўлпону Усмон Носирга.

Оғир кишинларнинг зангин кўрган эл,
Озодлик кўйида бўлгай адолар.
Тўсиқлар дош бермас тошган каби сел –
Шарқираб оққанда оққан дарёлар...

Кўксида ўзликни чўғдек асраран
Авлодга юксалиш ҳар дам ярашар.
Бу кўхна маъвога нигоҳ қадаган
Тарих битигидан боҳабар башар.

Оқиллик, жўмардлик омондир қонда,
Хаяллаб қолмагай нурли келажак.
Мерос ҳуқуқ ила жумла жаҳонга
Ўзбек ўз сўзини яна айтажак.

Асрий синовлардан мардона ўтган
Қаддингга сукланиб қарасам дейман.
Аждодлар кифтида улгайган Ватан
Фарзанддай корингга ярасам дейман.

Асл муддаомиз ишқимиз эди,
Беҳишт боғларида кавсар симирмок,
Жонимиз шу ишқа занжирбанд эди,
Бамисли дарёга интилган ирмок.

Биздан чекинганди нафси аммора,
Чинnidай ярқираб кўнгил уйимиз.
Тўкинлик рамзидай битта зогора,
Дилга кувват эди бир дона майиз.

Сиёҳ кокилларга ингандан қиров,
Зулмат кечаларни ёритди, дедик.
Забтига олганда жизғанак олов,
Қалбимиз жўнлиқдан ор этди, дедик.

Бугун лаб тегмаган гулгун шаробнинг
Ботинда яшринган қақроғи алам.
Пайғомлар йўллаган дилбар саробнинг
Либосин ўриши-арқоғи алам.

Азamat тоғлардан чандон баландда
Найза чўққиларнинг тоза қоридек
Шаффоғ туйғуларга биз мисли банда,
Бош уриб, топиниб наҳот хоридик?

Ишқимиз эдику асл муддао,
Шу ишққа жонимиз эмасми қурбон?
Тентисак тентибмиз, қилмай иддао,
Некбин манзилларда сарсон-саргардон...

Сирли мактуб каби йилларни йўллар
Ва бўшаб боради чархнинг садоги.
Тусланиб лаҳзалар ўзича аврар,
Беш кунлик дунёning йўқ деб адоги.

Ялт этиб ўтади шодумон кунлар,
Қайгули онларнинг қадами оғир.
Эзгулик ҳамиша яшашга ундар,
Кабоҳатдан юрак симиллаб оғрир.


Мўмин солим тураг – исён қилмайди,
Канча чулғамасин ранж-алам доми.
Эрта не кутмоқда, ахир, билмайди,
Машрабнинг дорими ё Жамшид жоми?

Шундан, бу дунёning эртаси азиз,
Кўзларга тўтиё тогу дашти ҳам.
Яхшиям бандаси билмайди ҳаргиз,
Эрта не кутмоқда? Билмас яхшиям...

Бу муҳаббат гарчи кўхнадир,
Туйғуларим лекин расида.
Мен учунмас, у достон – дилгир,
Керак эмас ҳатто қасида.

Ҳақиқат шу: ошиб ўттиздан,
Муҳаббатнинг тушдим дастига.
Гинам ҳам йўқ навниҳол қиздан,
Кўп улуғ дард – севмок, аслида.

Кўрқинч эмас жавобсиз севги,
Ишққа ёрлик ўзи кифоя,
Қалбда жўшиб бир денгиз – севги.
Наҳот ақл бўлолмас доя,
Бу титраган вужудми, соя,
О, юрагим, мен нима девдим?..



Артур ШОПЕНГАУЭР

ХАЁТ, ИНСОН, ИЗТИРОБ

Онгсизликнинг зулматли тунидан уйғониб, ҳаётга қадам қўйган иро-да ўзини шахс, индивидиум сифатида аллақандай чексиз ва чегара-сиз оламда, қаерларгадир интилаётган, изтироб чекаётган, адашиб юрган сон-саноқсиз индивидиумлар орасида кўриб, худди оғир уйқу-дан уйғонгандек кўркиб, саросимага тушади ва тезроқ орқага – онг-сизликка қайтгиси келади. Токи у қайтмас экан, уни чексиз, битмас-туғанмас истаклар кутади, ҳар бир истакни қониқтириш эса яна бошқа истакларни туғдиради. Нафснинг тубсиз қаъридан отилиб чикиб кела-ётган истак ва интилишларни тўла қондирадиган, уларга чек кўядиган бирорта ҳам қониқтирувчи нарсанинг ўзи йўқ. Яна шунга ҳам эътибор берингки, ҳар қандай қониқиш ўзи нимадан иборат: аксарият, бу ўз ҳаётини ночор ахволда давом эттиришдан иборат, бу эса узлуксиз меҳнат, муҳтоjлиқдан кутулиш учун тинимсиз кураш дегани, келажак эса – ўлим. Инсон баҳт деб аталмиш ёлғондан иборат оддий иллюзи-яга интилиб яшашга маҳкум қилинган. Ҳар бир нарсанинг туб моҳияти-да шу куртак ётади. Шу сабабли кўпчилик одамларнинг ҳаёти ғамгин ва қисқа. Нисбатан баҳтли одамларда кўриниш баҳтли, холос.

Ҳаётда биз умид қилиб юрган нарсалар, каттами, кичикми, ҳамма-си алдов. Ҳаёт бизни бирор нарсадан умидвор қилар экан, у амалга ошмайди, ошган тақдирда ҳам, умид қилишга арзимас эканлигини кўрсатади. Шундай қилиб, бизни гоҳ умидимиз ўзи, гоҳ амалга ошга-ни алдайди. Ҳаёт бизга бирор нарсани фақат қайтариб олиш учунгина тухфа қиласди. Узоқнинг жаннатсифат мафтункор гўзаллиги эса, биз

унинг макрига илинишимиз заҳоти, саробдек ғойиб бўлади. Шундай қилиб, баҳт доимо келажақда ёки ўтмишда бўлади, ҳозиргисини эса қуёш нур сочиб турган текисликда шамол ҳайдаб юрган бир парча қора булатга қиёслаш мумкин: орқаси ва олд томони доимо ёруғ, ўзи эса тинмасдан соя ташлаб туради.

Илдизи индивидиумда, шахсда жо бўлган ақл-заковат олдида истакларимизнинг барча обьектлари арзимаслиги яққол намоён бўлади: даставвал – замонда. Нарсалар арзимаслиги, ўткинчи эканлигига кўринади. Вакт ўтиши билан роҳат-фароғат ва қувончларимиздан ҳеч нарса қолмайди, кейин биз ҳайрон бўлиб, улар қаёққа йўқолди, деб ўз-ўзимиздан сўраймиз. Бинобарин, арзимаслик ўзи вақтнинг ягона холис зухуридир. Бошқача айтганда, факат ана шу арзимасгина вакт, яъни нарсаларнинг ички моҳиятига тегишли вакт эса унинг кўринишидир. Мана шу сабабли вакт биз идрок этаётган ҳодисаларнинг асоси, пойдевори сифатида хизмат қиласи: унда ҳамма нарса ўз ифодасини топади, ҳатто ўзимиз ҳам, шу сабабли ҳаётимизни тийин-тийинигача ҳисоблаб чиқилган тўловга ўхшатиш мумкин: бир кун келиб биз ўша қарзларимизни узишимиз керак; кунлар – сариқ чақалар, қарз узиш – ўлим. Зоро, вакт табиат барча мавжудотларига берган сўнгги баҳо: у берганини йўқликка айлантиради.

Ер юзида қудратлиман деган маҳлуқлар
Яшин урган каби қулар ажал домига,
Яхши эди бундан кўра туғилмасалар...¹

(Гёте, "Фауст" поэмасидан).

Ҳар бир мавжудот тинимсиз ва шошиб бораётган қарилик ва ўлим – ҳаётга бўлган истак-иродага чиқарилган айблов ҳукмидир: бу ҳукм табиат иродасидир, истак ва интилиш ҳеч қачон мақсадга етиб бора олмайди, деб уқтиради у. "Нимани хоҳласанг, – дейди у – якуни шу: арзидиган бошқа бирор нарсани танла!" Шундай қилиб, ҳар ким ўз ҳаётидан ўзи чиқариб олган хулоса шундаки, биз нимани хоҳласак, у алдамчидир, улар бекарор ва ўткинчи, қувончдан кўра кўпроқ фамалам келтиради, унинг мавжудлиги асоси қуламагунча шундай бўлаверади. Ҳаётнинг ўзи охирги интилишларимиз ва истак-хоҳишларимизга қадар алдов ва хато эканлигини тасдиқлади:

Қарилик ҳам, тажриба ҳам бизни судрайди,
Сўнгги нафас томонига юр деб бўзлайди,
Сўнгсиз ташвиш ва азоблар чекиб елибмиз,
Топганимиз шуки, бизлар янгиш келибмиз.

Биз бу масалани муфассал тарзда кўриб чиқмоқчиман, чунки айнан шу қарашларим кўпроқ қаршиликка учраган. Даставвал мен, ҳар қандай қоникиш, яъни ҳар қандай роҳат ва ҳар қандай баҳт инсон учун фалокатли, изтироб эса ўз табиатига кўра ижобийдир, деган маънода кўрсатган исботимни тасдиқлаш учун куйидагиларни келтираман.

Биз оғриқни ҳис қиласиз, аммо оғриқсизликни сезмаймиз, ташвишни сезамиз, ташвишсизликни эмас, хавфни сезамиз, хавфсиэликни эмас. Худди шунингдек, истакни очлик ва ташналикни сезгандек

¹Шеърларни Маҳкам Маҳмуд таржима қилган.

сезамиз; аммо бу истак қониқтирилиши биланоқ эсдан чиқади, гүё лукма ютилган заҳоти ҳиссиётларимизга бошқа таъсир қилмагандек. Роҳат ва қувонч йўқ пайтида биз уларни жудаям истаймиз. Изтироблар йўклигини, гарчи улар олдинроқ бизни узоқ муддат қийноққа солиб келган бўлсалар-да, бевосита ҳис қилмаймиз, мустасно тариқасида, агар атайлаб мажбур қилинса, улар йўклигини ўйлаш мумкин. Булар барчаси фақат изтироб ва маҳрум бўлишни ҳиссиётимиз ижобий қабул қилишидадир ва шу туфайли улар ўзлари ҳақида бизга ҳабар берадилар; фаровонлик эса, аксинча, салбий табиатлидир. Мана шу сабабли ҳаётнинг уч олий неъмати – соғлик, ёшлиқ ва эркинлик бор экан, биз уларни ҳис этмаймиз, биз уларни йўқотгандагина ҳис этамиш: ахир бу ҳам инкор этиш-ку. Ҳаётимиздаги бахтли кунларни биз уларни йўқотганда, улар ўрнига бахтсиз кунлар келгандагина ҳис қиласиз. Роҳатимиз юксалиб борган сари, уларни қабул қилиш ҳисси шунчалик даражада пасаяди: одатга айланган ҳиссиёт бизга энди роҳат бағишиламайди. Ва аксинча, изтироб биздаги қабул қилиш ҳиссини кучайтиради, чунки одат бўлиб қолган нарсани йўқотиш бизни қаттиқ изтироб чекишига мажбур қиласи. Шундай қилиб, ҳаётда кўп нарсаларни эгаллаш истаги эҳтиёжларимиз доирасини кенгайтиради, шу билан бирга изтиробни ҳис этиш қобилиятини ҳам.

Вақтимиз қанчалик чоғ бўлса, у шунчалик тез ўтади, аксинча, у бизни қанчалик қийноққа солса, шунчалик секинлик билан ўтади, чунки биз ҳис этаётган нарса изтироб – ижобийдир, унинг борлигини ҳис қиласиз, роҳатни эмас. Худди шунга ўҳашаш – зерикканимизда вақтни сезамиз, кўнгил очарда сезмаймиз. Демак, яшаётганимизни сезганимиздан кўра, уни сезмаётганимизда бахтлироқмиз: бинобарин, умуман яшамасак яхшироқ бўларди.

Буюк қувонч ўтмишда кечган буюк мусибатлар натижаси, деб тасаввур қилишимиз мумкин, чунки узоқ давом этаётган мамнунлик ҳолати фақат айрим пайтлардагина иштиёқмандлик ёки беҳаловатлик билан-гина кечиши мумкин. Шу боис барча шоирлар ўз қаҳрамонларини оғир ва қийноқли аҳволга тушириб қўйишига мажбурдирлар, кейин эса уларни бу аҳводдан куткарадилар; драма ва эпосда доимо курашаётган, мусибат чекаётган ва эзилган одамлар тасвиirlанади, ҳар қандай роман – азоб чекаётган инсон қалбининг титрофи ва талвасасини кўрсатувчи панорама. Бу эстетик заруриятни Вальтер Скотт (Шотт) "Қадимий ахлоқ" новелласига ёзган "Хулоса"сида соддадиллик билан баён қилган. Табиат инъом этган истеъдод ва бахтга эришган Вольтер ҳам мен айтган ҳақиқатга ҳамоҳанг тарзда: "бахт – орзу холос, қайғу эса бор нарса", дейди ва бунга яна қўшимча қиласи: "Мана, саксон йилдирки, мен буни ўзимда синаб кўраяпман. Бундан мен итоатгўй бўлиш керак, деб хулоса чиқариб олдим ва ўзимга-ўзим айтдим – пашшалар фақат ўргимчакларга ем бўлиш учунгина туғилади, инсон эса қайғу ичичидан кемириши учун".

Ҳаёт истакларимизга муносиб тарзда берилган ва ардоқланадиган неъмат, деган гапни ишонч билан айтишдан олдин, ҳаётимизда ақли-мизга сифадиган даражада рўй бериши мумкин бўлган барча қувончларимизни, шу ҳаётимизда ақли-мизга сифадиган даражада учратиш мумкин бўлган барча қайгуларимизга солиштириб кўринг – таққослаб, нуқта қўйишимиз унчалик қийин бўлмаса керак. Дунёда эзгулик кўпми ёки ёвузлик деган мавзуда бахслashiш моҳиятан ортиқча, чунки ёвузлик мавжудлигининг ўзигина масалани ҳал қилиб қўяди.

Эзгуликнинг ёвузлик билан ёнма-ён мавжудиги ёки ундан кейин пайдо бўлиши ёвузликни ўзи билан тенглаштира олмайди ёки йўқقا чиқара олмайди. “Мингларча роҳат-фароғат биргина азобчалик эмас” (Петрарка). Минглаб одамларнинг баҳт-сурури биргина одамнинг изтироб ва азбларига малҳам бўла олмайди: худди шунга ўхшаш менинг ҳозирги роҳат-фароғатим олдинги чеккан азоб-уқубатларимни йўқ қила олмайди. Дунёдаги барча ёвузликлар ҳозиргига қараганда юз баравар оз бўлганда ҳам оламдаги борлик бизни қувонтириши эмас, балки қайфуга солиши керак, чунки ёвузлик борлигининг ўзи юкоридаги ҳақиқатни асослантириб турипти, буни эса турли оҳанг ва йўллар билан ифодалаш мумкин, бинобарин, моҳиятан олганда мавжуд бўлгандан кўра йўқлик сари юз тутган маъқулроқ. Бу Фикрни Байрон маҳорат билан ифодалайди:

“Ҳаётимиизда файри-табиий хулқ-атворга эга бўлган аллақандай нарса бор: нарсалар оҳангдошлигида бу бўлиши мумкин эмас – бу аччик тақдир, тугатиб бўлмас юқумли гуноҳ, бу чексиз чегара, илдизи заминимизда бўлган, барчани заҳарловчи дарахт, унинг шоҳ ва барглари одамзод бошига кулфат ёғдирувчи булат: касаллик, ўлим, қуллик – бу лар ҳаммаси биз кўриб турган кулфат томчилари, энг ёмони – тузалмас бемор қалбимизни бизга кўринмасдан, бетўхтов янгидан-янги аlamга тўлдираётгани”.

Агар олам ва ундаги ҳаёт ўз ҳолича, ўз мақсади учун яралганда эди, назарий жиҳатдан буни оқлашга муҳтоҷлик бўлмасди, амалда эса мукофотга ёки тузатишга лойиқ бўларди. Спиноза ва унинг издошлари ўйлаганларидек, улар илоҳ томонидан ўзлигини намойиш этиш учунгина яратилганда эди, у ҳолда яратиш сабабини оқлашга, оқибатини эса тушунтиришга зарурият сезмасди, азоб-уқубатлар эса роҳат-фароғат билан тенглаша оларди (лекин бунинг илохи йўқ, чунки менинг чекаётган азоб-уқубатларимни келажақдаги қувончлар ҳеч қанон ювиб кета олмайди – бу изтироблар ўз замонасини тўлдириб тураверади. Чинакам баҳтли ҳаётда ҳеч қандай изтироб бўлмаслиги лозим бўларди, ўлим эса умуман бўлмаган ёки мавжудлиги бизга бунчалик кўрқинч келтирмаган бўларди.Faқат ана шундагина ҳаёт ўзини-ўзи қоплаган бўлар эди.

Атрофимиздаги нарсаларга ноҳушлик нүкси ингандек, худди дўзах каъридан туваётган олtingугурт исидек, кўнгилсизликни эслатиб турувчи дунёдаги бу ҳолатимиз ҳаёт кечиришдан кўра дунёга келмаганимиз маъқулроқ эканлигини англашиб туради; бу дунёдаги барча нарсалар номукаммал ва алдоқчи – ёқимли нарса ёқимсиз билан аралаш; ҳузур-ҳаловат доимо чала, роҳат-фароғат ўз-ўзини емиради; енгиллик ҳар доим ўз кетидан оғирликни бошлаб келади; ҳар куни, ҳар соатда турмушимизда бўладиган муҳтоҷликлардан чиқишга ёрдам берувчи имкониятларимиз ҳар дақиқада бизни тарқ этишга тайёр; биз кўтарилаётган нарвон погоналари тез-тез синиб тушади, турмушдаги катта ва кичик ташвишлар ҳаётимиз табиатини ташкил қиласди, бир сўз билан айтганда, дастурхонимиздаги барча ноз-неъматларни булғаб кетадиган сабаблар кўп.

Бунга қарши боришнинг икки йўли бор: биринчиси – эҳтиёткорлик, яъни ақл, олдиндан сезиб, назарда тутмоқ, айёрлик – лекин булар ҳеч нарсани ўргатмайди, ҳеч нарсага эриштира олмайди, улар омадсизликка маҳкум; иккинчиси – тоқатли бўлиш, ҳар қандай ташвишни сабрбардош билан енгиш, амалда бу – доимо қулийликка, яхши ҳаётга

интилмасдан, ҳаётни, жирканч бўлса-да, борича қабул қилиш – бу эса бора-бора бизни хумдаги Диогенга ўхшаш "итфеъл" кимсага айлантиради. Ҳақиқат эса шундаки, биз бахтга интилмаслигимиз керак ва биз бахтсизмиз ҳам. Одамзод бошига ёғилувчи энг жиддий кулфатларнинг бош манбаи инсоннинг ўзиdir: одамнинг одамга бўлган ваҳшийлигиdir. Ким шуни эсида қатый сақласа, дунё унга дўзах бўлиб қўринади; Данте тасвирлаган дўзах бунинг олдида ҳолва – бу ерда бир одам бошқаси учун иблис бўлиши керак, бунга эса, маълумки, ҳар ким ҳам қодир эмас, қобилиятлироғи эса қандайдир босқинчи қиёфасидаги иблисбоши бўлиб, юз минглаб одамларни бир-бирига қайраб: "Сизларнинг пешонангизга ёзилгани шу – қайгу ва ўлим – бир-бирингизга қарши милтиқ ва замбараклардан отинглар", дея буйруқ беради, улар эса бунга бўйсуниб, айтилганини бажарадилар.

Одамларнинг бир-бирларига бўлган муносабатларида ёлғон кўп, адолатсизлик авжида, зулмга зулм билан жавоб берилади; факат истисно ҳоллардагина бунинг акси бўлиши мумкин; худди мана шунинг учун ҳам жамиятда давлатчилик ва қонунчилик бўлиши зарур. Бу факат муҳокама учун эмас. Давлатчилик таъсиридан ташқаридаги ҳолатларда одамлар аёвсиз равишда ўз яқинларига зулм ўтказа бошлайдилар, бунинг асосида эса инсонга хос бўлган чексиз эгоизм – худбинлик, айрим ҳолларда эса, қаҳру ғазаб ётади. Шакарқамиш ва қаҳва етиштирилаётган ерларда негрларни қул қилиб ишлатишда уларга бўлган муносабат буни яққол кўрсатади. Беш ёшида турли фабрикаларга ёлланниб ҳар куни ўн-ўн икки, ҳатто ўн тўрт соатлаб ишлаётганларни кўриш учун Европадан унча узоқлашиш шарт эмас, бу тириклик учун жуда қимматли тўлов. Миллионлар тақдири мана шундай, бошқа миллионлар тақдири ҳам шундан қолишмайди.

Жамиятда ўз мавқеига эга бўлганларнинг бошига озгина ташвиш тушди дегунча, ўзларини ўта бахтсиз ҳисобладилар; бизни бахтли қиласиган нарсанинг ўзи дунёда йўқ. Ким нима деса десин-у, энг бахтиёр одамнинг бахтли онлари у ухлаган пайтдагина кечади, уйғониши билан эса бахтсиз онлари яна пайдо бўлади. Инсон ўзини бахтсиз деб ҳис қилишининг билвосита далили яна шундаки, кимнидир омади юришиб кетганини билгач, қалбини ҳasad олови қамрайди, бу заҳар уни ич-ичидан емириб, тинчлик бермайди. Одамлар ўзларини бахтсиз деб ҳисоблаганлари сабабли, бошқа бир одамнинг бахтли эканлигини осойишталик билан кузатишлари гумондир: тасодифий баҳт нашидасини сурган одам атрофидагиларни ҳам бахтли қилишни истаб ҳайқиради:

– Менинг қувончимдан атрофимдаги барча бахтли бўлсин!

Агар борлиқдаги ҳаёт ўз ҳолиша фаровонликдан иборат бўлиб, уни йўқликка алмаштириш ҳожати бўлмаганда эди, бу дунёдан чиқиш эшигига ўлим ва унинг даҳшатидек кўрқинчли посбон қўйиш зарурати бормиди? Агар ўлим даҳшати бўлмаганда, ким ҳам бу дунёда қолиб яшашни истарди? Агар ҳаёт қувончдан иборат бўлганида, ўлим ҳақида ким ҳам ўйлаб ўтиради?

Ўлимнинг яхши томони ҳам бор, у (мусибатли) ҳаётимизга чек қўяди; турмушдаги ҳайғуларимизга биз ўлимдан юпанч топмоқчи бўламиз ва бунга зришамиз. Ҳақиқат эса шундаки, ўлим ҳам, изтироблардан иборат бўлган ҳаёт ҳам – бу бир нарса, яъни адашувлардан иборат бўлган лабиринтдир – ундан чиқиш қанчалик қийин бўлса, истак ҳам шу дараҷададир.

Амалий жихатдан олганда, бу дунёning борлигидан кўра йўқлиги

маъқулроқ бўларди, назарий жиҳатдан олганда эса унда муаммолар учрамаслиги лозим эди; бу олам мавжудлиги ҳеч қандай тушунтиришга муҳтоҷлик сезмаслиги, ҳамма нарса ўз-ўзидан тушунарли бўлиши лозим эди, унда рўй берәётган ҳодисалар (оқилона бўлса) ҳеч ким ажабланмасди, уларни суриштириш хаёлига ҳам келмасди ёки мавжудлик мақсади ҳамма учун очик-ойдин кўриниб турарди.

Амалда эса дунё ҳаёти ҳал қилиб бўлмас даражадаги муаммолардан иборат, ҳар қандай фалсафа ҳам барчасига жавоб топа олмайди, ҳамиша қандайдир парчаланмас кимёвий чўқмаларга ўхшаш, тушунтириш маҳол унсурлар ёки иррационал ифодаларга ўхшаш мужмал нарсалар қолади. Шу сабабли, кимдир, нима учун олам борлигидан кўра йўқлиги маъқулроқ эканлиги ҳақида сўрашга журъат этса, бу саволга оламда жавоб йўқ. Дунё нима мақсадда, қандай фойда учун яратилгани ҳақида жавоб учрамайди.

Менинг назариямга кўра, оламдаги борлик тамойили ҳеч қандай нарсага асосланган эмас, яъни у ҳаётга бўлган кўр-кўронга истак-ирода туфайли туғилган ва бу ирода яратилиш қонунига бўйсунмаган, у ўз ҳолича ичиндаги ичиндадир. Шу сабабли ҳар қандай "нимага?" деган саволга жавоб йўқ. Бу эса олам табиатининг хусусиятига тўла жавоб беради, чунки кўр-кўrona иродагина, худди бизга ўхшаб, ўзини шу ахволга солади. Истак-иродамиз кўр бўлмаганда эди, жиловлаш қийин интилиш ва курашлардан иборат бўлган, барча куч-қудратларни узлуксиз сарфлаб туришга мажбур қилган, оғир меҳнат эвазига ўз кўлими билан эришганларимизни йўққа чиқариб, доимий безовталик, қўркув ва муҳтоҷлик билан, индивидуал борлигимизни барбод қилишга олиб борувчи тириклийка бунчалик интилиш ўзини-ўзи оқламаслигини биларди. Бутун олам изтироблардан иборат эканлигини тасдиқловчи барча омиллар шунга гувоҳлик берсалар-да, онгимиз билан бошқарилувчи иродамизнинг айрим кўринишларини оптимизм билан бўяб кўрсатиш зарурияти керак бўлиб қолди ва у ўзига ҳимоячилар ва жарчилар ҳам топиб олди. Оптимизм ҳаётни бизга гўё тухфа этилгандек қилиб кўрсатади, лекин бизга шу нарса аёнки, агар у бизга олдиндан кўрсатилган ё синаб кўриш учун берилиганда эди, ҳар қандай одам ҳам жон-дилдан уни рад қилган бўларди: бекорга Лессинг ҳали дунёга келмаган, яъни доялар қисқичлари билан мажбуран суғуриб олганда ҳам яшашни истамасдан у дунёга қайтиб кетган боласининг ақлига бунчалик лол қолмасди. Тўғри, ҳаёт бу синов эканлигини ҳар ким билади, лекин кимдандир сўралса: "Худди мана шунинг учун ҳам хоҳламайман, ҳеч қандай синовга муҳтоҷ эмасман, ҳеч кимлигимча ўз ҳолимга қўйинг", – деб жавоб берган бўларди. Яна бунга ҳар қандай одам ҳаётининг ҳар бир соати учун ҳисобот бериши зарурлигини ҳам қўшадиган бўлсак, у ҳолда, аксинча, дастлаб бизга ҳисобот беришлари зарур эканлигини, нима сабабдан ҳаловатимииздан жудо қилиб бизни шунчалик даражада баҳтсизликка дучор қилиб, қийин ва мушкул ахволга тушириб қўйганлигини билишга ҳаққимиз борлигини тушунамиз (Оламлар эгаси, Яратган одамлар баҳтсиз бўлсин демаган, одамлар бир-бирини баҳтсиз қиладилар – тарж). Демак, нотўғри тамойиллар шуларга олиб келади. Инсон борлиги унинг ҳаёти инъом этилмаганидан нишона: аксинча, у бизга берилиган қарз, уни узиш эса шарт бўйича мажбурийдир. Бу мажбурият бўйича тўлов биздан кечикириб бўлмас эҳтиёжлар, қўйноқли истаклар, чексиз ғам-аламлар орқали ҳаётимиз давомида олинади. Бу қар-

зни тўлаш учун биз бутун ҳаётимизни сарфлаймиз, лекин шунда ҳам маълум фойизини тўлаймиз, холос, асосий қарзимизни эса ўлим пайтида тўлаймиз. Бу шартнома мажбуриятини қачон биз ўз бўйни-мизга олганмиз? Туғилган пайтимизда...

Бир мавжудот сифатида инсон ҳаёти унга берилган жазо ва гуноҳини ювиш учун имконият, деб қаралса тўғрироқ бўларди. Яхудийлар китобини муросасозлик билан қабул қилишимга сабаб "Занд – Авество"дан олинган (Бун-Дахишин, 15) – балки бутун иудаизм ҳам шу китобдандир – азалий (дастлабки) гуноҳга ботиш ҳақидаги ривоят бўлиб, гарчи у мажозий маънода метафизик кўринишда бўлса ҳам, ҳақиқатга яқинроқдир. Шаҳватпарааст гумроҳлик меваси саналмиш ҳаётимизга ўхшайдиган бошқа бирор нарса оламда йўқ. Насронийликнинг "Янги аҳд" китоби гарчи ахлоқий жиҳатдан брахманлик ва буддавийликка яқинроқ бўлса-да, яхудийларнинг оптимистик руҳига ётдир, лекин олий даражадаги донолиқдир, шу ривоят уларни бир нуқтада туташтиради.

Мабодо ҳаётимизга сингиб кетган гуноҳларимиз даражасини ўлчамоқчи бўлсак, у билан боғлиқ бўлган изтиробларимизга бокинг. Ҳар қандай кучли азоб, у жисмонийми ёки руҳийми, шунга муносиб эканлигимиздан далолатдир, агар муносиб бўлмаганимизда бошимизга тушмас эди. Насронийлик ҳаётимизни худди шу нуқтаи назардан талқин қиласди: "Галатларга мурожаат"нинг учинчи бобига Лютер ёзган шарҳларнинг бир жойида шунга далил бор (менда унинг лотинча матнадаги бир нусхаси бор): "Бизнинг бутун жисмоний борлиғимиз ўзига тегишли нарсалар билан бирга иблисга тобедир, биз эса у эгалик қилаётган дунёда меҳмонмиз, холос. Еб турган нонимиз, ичиб турган сувимиз, кийган кийимимиз, биз нафас олиб турган ҳаво – барчаси унинг қарамоғида". Менинг фалсафамни тушкунлик кайфияти йўғрилган, деб баҳоловчи ҳовлиқмаларга соддагина жавобим шу: келажақда ҳар кимни гуноҳига яраша дўзах азоби кутиб турганлигини тасвирлаш ўрнига, бу дунёда қаердаки гуноҳ бўлса, ўша ерда дўзахга ўхшаш нарса борлигини кўрсатдим: кимдир буни инкор этмоқчи бўлса, вақти келиб буни осонликча ўзида синаб кўриши мумкин.

Бир-бирини ғажиб, еб-йўқотиш билан шуғулланаётган, ур-ийқитлар гирдобида дабдала бўлган, изтироб чекаётган мавжудодлар дунёси бу; тириклик эвазига ўзига ўхшаш минглаб йиртқич ҳайвонларни азоб-укубатга солиб ўлдирган ва уларнинг тирик мозорига айланган йиртқичлар дунёси бу; билимдонлик билан бирга мусибат дардини тортиш қобилияти ҳам юксалиб бораётган, зиёлилик даражаси ошган сайин шунга мослашиб бораётганлар дунёси бу. Мана шу дунёни Лейбниц тизимга соглан оптимизмга мослаштириб, энг яхши мукаммал дунё сифатида намойиш этмоқчи бўладилар. Ўтакетган бемаънилик!..

Оптимист дунёга очик кўз билан қарашимни, унинг қанчалик гўзал эканлиги, күёшнинг заррин нурлари билан ёритилган тоғлар, водийлар, дарёлар, ўсимликлар ва ҳайвонот олами билан дунё мунавварлигини таъкидламоқчи ва ҳ.к. Лекин бу дунё томошагоҳ эмас-ку? Бу нарсалар, албатта, томоша қилишга арзиди: лекин томошанинг ўзигина бўлиши – бу бошқа нарса. Кейин теолог (илоҳиётчи олим) келади-да, оламнинг яратилиши доноликка асосланганлигини; сайёralар тўқнаш келмаслиги, дентизлар куруқлик билан аралашиб бўтқага айланмаслиги, коинот узлуксиз совукдан қотиб қолмаслиги, иссиқдан куйиб кетмаслиги, эклиптиканинг доимо бир томонга оғиб туриши натижасида абадий баҳор ҳукмрон бўлиб, бирор нарса етиштириб бўлмаслиги ва

шунга ўхшаш ҳодисалар олди олинганлиги ҳақида мақтovлар, ҳамду санолар ўқийди. Лекин булар ва шунга ўхшаш нарсаларнинг барчаси зарур бўлган шарт-шароитлар, холос. Агар қандайдир бир олам мавжуд бўлар экан, ундаги сайёralар, худди Лессинг ўғли каби, туғилиши биланок ўлимга юз тутмасдан, хеч бўлмаганда узоқ бир қўзгалмас юлдуз нури унга етиб келгunga қадар туриши лозим бўлса, у ҳолда пойдевори осонгина қулайдиган бундай оламни нўноқлик билан яратишга хожат йўқ эди¹. Ўша мақталган оптимизм эришган натижаларини кўриб чиқадиган бўлсак, шу дараражадаги мустаҳкам саҳнада ўйнаётган актёрларга тикилиброк қарасак, таъсирчанлик билан бирга изтироблар ҳам пайдо бўлаётганини, зиёлилик дараражасигача ривожланиб, у билан кўл ушлашиб кучайиб бораётганини, қудрати ўсган сайин очкўзлик ва мусибат ҳам шу дараражада ўсаётганини ва ниҳоят, инсон ҳаёти фақат комедия ва трагедия учунгина хом ашёга айланиб қолганлигини кўрамиз, ана ўшанда бирорта инсонда, агар у иккюзламачи бўлмаса, ҳаётни мақтаб мадҳия ўқишга мойиллик қолмаса керак. Бу дардли дунёга оптимизмнинг ёлғон мақтovлари тўғри келмаслигини, унинг келиб чиқиши манбаларини Давид Юм “Диннинг табиий тарихи” асаридаги 6, 7, 8 ва 13 бобларида, гарчи яширин тарзда бўлса-да, аёвсиз чилпарчин килади. Худди шу муаллиф “Табиий дин ҳақида диалог” асарининг 10, 11-китобларида мен келтирган далилларга уйғун тарзда, жуда аниқ усууллар билан бу дунёнинг ишлари азоб-уқубатдан иборат эканлигини очиқ-ойдин тасвиrlаган, ҳар қандай оптимизмнинг фойдасиз эканлигини кўрсатган ва таг-томири билан яксон қилган. Юмнинг юқоридаги ҳар иккала асари эътиборга сазовор, ҳозирги Германияда уларнинг яхши билмайдилар. Бу ерда эса маҳаллий сўзамолларнинг зерикарли вайсақилигини, ватанпарварлик ҳиссисидан келиб чиқкан ҳолда, бўрттириб кўрсатиш, ўртачаларини кўкларга кўтариб улуғлаш билан оворадирлар. Ваҳоланки, бу “Диалог”ларни Гаман таржима қилган. Кант уларни кўриб чиқкан ва қариган чоғида уларни қайта нашр қилишга ўғлини кўндиromoқчи бўлган, чунки Платнернинг таржимаси уни қониқтирган (Ф.В.Шуберт томонидан тузилган Кант таржимаи ҳолининг 81 ва 165-бетлариға қаранг). Давид Юмнинг ҳар бир саҳифасидан, Гегель, Герберт ва Шлейермахерларнинг барча фалсафий асарларини жамлаганда ҳам олиб бўлмайдиган нарсаларни олиш мумкин.

Изчил оптимизм асосчиси Лейбниц ҳисобланади. Гарчи бирор марта ҳам унинг уйғунлик ва фарқланмас (нарсалар) ўхшашлик ҳақидаги қарашларини чуқурроқ ўрганмаган бўлсан-да, мен унинг фалсафадаги хизматларини рад этмоқчи эмасман. Унинг “Англаш ҳақида янги тажрибалар”ига келсак, бу – Локкнинг машхур асарини гўё тузатгандек бўлиб, енгилгина танқид билан суфорилган қисқача баённома, худди Ньютоннинг тортишув тизимиға қарши қаратилганга ўхшайди. “Осмон жисмлари ҳаракатлари сабаби ҳақидаги тажриба”га билдирилган омадсиз уринишдек. “Соф ақл танқиди” айнан мана шу Лейбниц-Вольф фалсафасини рад этади: унга нисбатан душманларча муносабатда, ҳатто уни йўққа чиқаради, ҳолбуки у Локк ва Юм фалсафасига нисбатан унинг давомчиси ва ривожлантирувчиси ҳамdir.

Агар ҳозирги фалсафа профессорлари турли йўллар билан Лейбницни, унинг авра-астарини ағдариб қарамасдан, яна оёққа турғазмоқчи, ҳатто кўкларга кўтармоқчи бўлсалар, бошқа томондан эса улар

¹Артур Шопенгауэр бошқа асрларида бу фикрга зид фикрлар айтган (тарж).

Кантни имкон борича камситиб, ўз йўлларидан четлатмоқчи бўлсалар, бу – “дастлаб яшамоқ” учун тўла асос яратади: ахир “Соф ақл танқиди” яхудий мифологиясини фалсафа сифатида кўрсатишга, “рух ҳақида” айрим воқеликка ўхшатиб ёки у ҳақда барчага маълум ва тайин шахс сифатида гапиришга йўл қўймайди, балки қандай қилиб файласуфлар шундай тушунчага эга бўлиши ва ундан илмий мақсадларида фойдаланишга ким ҳуқуқ берди, деб ҳисобот талаб қилади. Аммо, дастлаб яшамоқ, кейин эса фалсафа суқмоқ! Йўқолсин Кант! Яшасин бизнинг Лейбниц! – дейдилар.

Лейбницга қайтар эканман, шуни айтишим зарурки, оптимизмни мунтазам тарзда, кенг миқёсда ривожлантирган “Теодиця”си буюк Вольтернинг ўлмас “Кандид”ини яратишга сабабчи бўлганлигидан бошқа бирор хизматини эътироф эта олмайман. Тўғри, Лейбниц ўзи ҳам кутмаган ҳолда, тез-тез тилга олиб турадиган дунёдаги мавжуд ёвузлик учун юзаки кечирим сўрашга асосли баҳона топган: шуни айтадилар-да – айрим пайтда ёмонлик ҳам кетидан яхшиликни эргаштириб келади деб. Оптимизмга қарама-қарши бўлган бирор нарсага сиғиниш учун фақат ростгўй бўлиш кераклиги ҳақида Вольтер қаҳрамонининг номи шунга ишора қилиб турипти. Ҳақиқатан ҳам, гуноҳ, изтироб ва ўлим бир-бирига навбат бермай ўйнашаётган бу саҳнада оптимизм қизиқ бир шаклдаги кўринишда намоёнки, уни ҳазиломуз қабул қилиш мумкин. Гарчи биз унинг келиб чиқишини етарли даражада аниқ билмасак-да, Юм ўша сирли манбани кизиқарли тарзда очиб берди (бу – иккюзламачилик мақтовори билан ифодаланган оптимизм омадининг ҳакоратомуз тарздаги кўриниши).

Лейбницнинг, бу дунё яратилиши мумкин бўлган барча дунёлар ичидаги энг яхшиси, деган софистик далилига қарши жиддий ва вижданан – бу дунё яратилиши мумкин бўлган барча дунёлар ичидаги энг ёмони деган далилни келтириш мумкин. Зоро, “мумкин” дегани бу ким нимани хоҳласа ўз фантазиясини ишга солиб, шуни чизиб бериш дегани эмас, балки мавжуд бўлиши ва сақланиши мумкин бўлган дунё ҳақида бу фикр. Дунёмиз зўрға сақланиб туриш даражасида омонат қилиб яратилган, агар бундан ҳам ёмон қилиб яратилганда эди, аллақачон у қулаг тугар эди. Бинобарин, дунёни бундан ҳам ёмон қилиб яратиш умуман мумкин эмас, чунки у ҳолда мавжуд бўла олмас эди, демак, бизнинг дунё яратилиши мумкин бўлган дунёлар ичидаги энг ёмони. Амалда, нафақат сайёralар тўқнаш келиб қолганда, ҳатто улардан бирининг ҳаракати давомида бошқалари билан номутаносиблик ортиб борган тақдирда ҳам бу дунё тез орада барбод бўларди: фалакиётшуносларга маълумки, сайёralарнинг ўзаро айланма ҳаракатлари даври бир-бирига иррационал боғлиқ бўлиб, тасодифий тўқнашувлар юз бермаслигини ҳисоблаб чиқишиган, бунда, ҳар ҳолда табиий ҳалокатлар юз бермай, сайёralар мувозанати сақланиб туриши мумкин. Улар ўз ҳисобларида янглишмаганликларига (гарчи Ньютон бу фикрга қарши бўлса ҳам) ва сайёralар тизимининг бу абадий механик ҳаракати, бошқа нарсалар тўхтаб қолганда ҳам, тўхтаб қолмаслигига умидвормиз. Сайёранинг қаттиқ қобиги остида улкан куч-кувват мавжуд ва қандайдир тасодифий ҳодиса уни ташқарига чиқарип юборса, қобик устида-ги барча жонзод ҳалок бўлиши муқаррар: сайёрамизда бундай ҳодиса кам деганда уч марта рўй берган. Лиссабонда ва Гаитидаги зилзила, Помпей шаҳрининг вайронагарчилиги – булар бўлиши мумкин бўлган табиий оғатлар олдида ҳолва. Ҳатто химия фани ҳам аниқлашга ожиз-

лик қиласынан атмосферадаги сезилмас үзгаришлар натижасыда тар-қалған вабо, сарық безгак ва шунга үхаш қора ўлатлар миллионлаб одамлар ёстигини қурилади. Агар бу үзгаришлар бир неча баробар күпроқ бұлғанида Ер қозыда ҳаёт сўнар эди. Атмосфера ҳароратининг кутарилиши эса барча дарё ва сув манбаларини қуритиб юборарди.

Жониворлар аъзоларидағи күч-куват улар ҳаёт кечиришлари учун зарур бўлган миқдорни ташкил этади, улар буни сақлаб туриш ва авлодларини давом эттириш эвазига тинмасдан ўрнини тўлдириб туришлари керак. Шу сабабли жониворлар бирор аъзосини йўқотса ёки фаолияти чекланса, аксарият ҳолларда ўлимга маҳкум. Ҳатто одамлардан улар ақлли ва онгли бўлишларига қарамай, ўндан тўқизистаси муҳтожлиқдан кутулиш учун доимо кураш олиб боради, чоҳ ёқасида, ўлим хавфи остида яшайди, оғир ва машақкатли меҳнат эвазига турмуш посангисини базўр сақлаб туради.

Шундай қилиб, барча жонзот ва ҳар бир жониворга ҳаёт кечириши учун, факат жонини сақлаб туриш учунгина асқотадиган имконият берилган: шу сабабли уларнинг ҳаёти тинимсиз курашлардан иборат, ҳар қадамида уларни ўлим хавфи кутади. Кўпинча бу хавф-хатардан кутулиш имкони йўқлиги учун табиат наслнинг қирилиб кетмаслигини таъминлайди, шу сабабли жонзотлар керагидан ортиқча даражада зурриёт қолдиради. Сайёрамизда бир вақтлар яшаган, кейинчалик йўқолиб кетиб тошга айланган жонзотларнинг қолдиқлари бунга ҳужжатли далил ва гувоҳ бўла олади; кейинчалик улар мавжуд бўлишига имконият бутунлай қолмаган, бинобарин, улар яшаган олам мавжуд бўлиши мумкин бўлган энг ёмон оламларнинг ҳам ёмони ҳисобланган.

Моҳияттан олганда, оптимизм – ҳақиқий асл-наслимизнинг ноўрин мақтаниши, яъни ҳаётга айланган ироданинг ўз бунёдкорлигидан мағрурланишидир. Шу сабабли оптимизм нафақат сохта, ҳатто заарли таълимотдир. Амалда у ҳаётни, гўё биз истаган ҳолат сифатида, биз кўзлаган баҳт сифатида тасвирлаб беради. Шундан келиб чиқкан ҳолда ҳар бир одам ўзини баҳт ва роҳат-фароғатга сазовор, деб ўйлади, лекин, аксарият, у насиб этмаса, ўзини адолатсиз тарзда камситилган, ҳаётда мақсадга эриша олмаган омадсиз одам сифатида ҳис қилади: ваҳоланки, ҳаётимиз мақсадини охири ўлим билан тугайдиган меҳнатда, йўқчиликда, қашшоқликда, фам-андуҳда кўриш тўғрироқ бўларди (браҳманлик, хиндувийлик ва ҳақиқий насронийлик шунда кўради), чунки айнан мана шу қийинчиликлар биздаги ироданинг ҳаётга бўлган интилишини инкор этади.

“Янги Аҳд”да қийноқлардан иборат ҳаёт покланиш жараёнига қиёсланади, мусибат – насронийлик рамзи ҳисобланади. Шу сабабли Лейбниц, Шефтсбери, Боллингброк ва А. Поплар ўз оптимизмини байроқ қилиб чиққанларида кўпчилик ер чизиб қолди, чунки насронийлик оптимизмни чиқиширига олмайди. Вольтер ҳам “Лиссабон ҳалокати” номли шеърида оптимизмга қарши бўлиб, унга ёзган сўзбошисида буни тубдан аниқлаб берди. Бу буюк инсонни айрим сотқин олмон қофозбозлари ерга урмоқчи бўлсалар-да, мен уни меҳр билан кўкларга кўтаралман, у Руссадан анча юқори туради. Вольтернинг фикрлари фоятда чуқур, бу қуйидаги қарашларида намоён бўлади: 1) инсон ҳаётида ёвузлик ва мусибатнинг нисбатан кўплигини англаши; 2) ирода кучи мустаҳкам бўлиши зарурлигига қатъий ишонч; 3) коинотнинг фикрловчи аввали моддийлигининг эҳтимоллиги ҳақидаги Локкнинг фояларини ҳақиқий деб ҳисоблаши. Руссо бўлса, ўз декламацияларида бунга қарши

чиқади, масалан, "Савоя викарийсининг диний эътиқоди" номли протестант руҳоний- пасторларининг саёз фалсафасини тасвирловчи асарида. Худди шу руҳда Руссо оптимизмни кўкларга кўтариб, 1756 йил 18 августидаги Вольтерга ёзган узундан-узоқ маҳсус хатида унинг юқорида эслатилган шеърига қарши чиқиб, маъносиз, юзаки, нотўғри мантиқа суюниб хулоса қиласди. Руссо фалсафасининг ўқ чизиги ва асосий пойдевори – насронийлик таълимотидаги инсон зотининг бошланиши, азалий гуноҳи ва бузуқлиги эмас, балки у азалдан эзгуликка мойиллиги ва камолотта етишиш учун чексиз қобилиятга эга эканлиги, фақат цивилизация ва унинг мевалари уни йўлдан оздирганлиги, деб ўз оптимизми ва гуманизмини шу асосга қурганлигидир.

"Кандид" асарида оптимизмга қарши ҳазил-мутойиба услубида курашган Вольтер ҳам, ўлмас буюк асари "Кайн" (Қобил ва Ҳобил)да бу дунёқарашга фожиа услубида жиддий қарши чиқсан Байрон ҳам обскурант (расмиятчи) Фридрих Шлегел томонидан сўзиш эшитган. Қолаверса, агар мен ўз қарашларимни тасдиқлаш мақсадида барча замонлардаги донишмандларнинг оптимизмга қарши руҳда айтилган мулоҳазаларини келтирадиган бўлсам, уларнинг кети узилмасди, чунки уларнинг деярли ҳар бири бу дунё беҳаловат ва сурурсиз эканлиги ҳақида зўр гапларни айтганлар. Шу сабабли, мен ўз қарашларимни тасдиқлаш учун эмас, балки шу бобни безатиш учун шунга ўхшаш кўчирмалардан бир нечтасини келтириш билан якунламоқчиман. Даставвал шуни эслатмоқчиманки, греклар, насронийликдан ва юқориосиёликларнинг дунёқарашидан қанчалик узоқ бўлмасин, иродада ўрнининг қанчалик даражада кучли эканлигини қатъийлик билан тасдиқламасинлар, ҳар ҳолда улар мусибат борлиқнинг ич-ичига сингиб кетганлигини англаганлар. Трагедияни айнан шулар яратганлиги бунга яқол мисол бўла олади. Дастрраб Ҳеродот томонидан, кейинчалик бошқа ёзувчилар томонидан қолдирилган маълумотларга кўра, фракияликлар одати бўйича янги туғилган чақалоқларнинг дунёга келишини йифи-сиғи, дод-фарёд билан нишонлашган, бу дунёда ҳар қадамда ёвузвликлар хавф солишини унга айтиб йиғлашган, мархумни эса, аксинча, бу дунё мусибатларидан кутулганлигини айтиб, хурсандчилик ва ҳазил-мутойиба билан дағн этганлар. Бу ҳақда Плутарх ("Шеърият эркинликлари ҳақида") бизгача сақланган ажойиб шеърида шундай дейди:

"Улар туғилганларни қайғу-алам кутаётганлиги учун йиғлаб кутиб олишган; ўлганни эса мусибатлардан кутулгани учун дўстлари олқишиб, хурсандчилик билан кузатишган".

Халқларнинг қон-қардошлигини кўрсатиш учун эмас, балки ушбу ҳолатни ахлоқан тасдиқлаш учун шуни қўшимча қилиш керакки, мексикаликлар чақалоқни: "Болагинам, сен сабр-тоқат учун туғилгансан; сабр қил, изтироб чек, сукут сақла", деган сўзлар билан кутиб олганлар. Шу ҳиссиётга бўйсуниб, Свифт (Вальтер Скотт унинг таржимаи ҳолида келтирганидек) болалигидан бошлабоқ туғилган кунини хурсандчилик билан эмас, хафагарчилик билан кутиб олишни одат қилган. Ўша куни у уйида ўғил туғилганлиги ҳақида хабарни эшитгач, отасининг уйида Инжилдан Иов кўз ёши тўқаётганлиги ҳақидаги бўлимни ўқиб ўтирган.

Афлотун "Суқрот апологияси"да бу донишманд тилидан, ўлим бизни онгимииздан абадиян жудо қилганда биз учун эзгу тухфа бўлур эди, чунки бир кунлик уйқу ороми, ҳаётимииздаги энг баҳтли кундан кўра яхшироқдир, деган жойларини батафсил келтириш жуда узоқ вақтимизни олган бўларди.

Герақлитнинг: “Ҳаёт – номигагина ҳаёт, амалда эса бу – ўлим”, деб ёзади “Ҳаёт” сўзининг катта этимологияси” китобида. Эвстет “Илиада” ҳакида” асарида ҳам шундай деган.

Феогнитнинг машҳур гўзал шеърларидан:

Туғилмаслик – инсон учун энг катта баҳтдир,
Кўрмасидан күёш нурин, ёруғ дунёни.
Ё туғилиб, шу заҳоти ерга кирсайди,
Кўрмас эди бу ғам-алам, аччиқ рӯёни...

Софокль “Эдип Колонда” драмасида бу фикрни лўндароқ қилиб айтган:

Туғилмаслик – улуғ неъмат экан бизларга,
Модомики туғилдикми, тез кетган яхши.

Эврипид айтади:

О, инсон азоблари, тузалмас дардлар...

Гомер аввалроқ айтган:

Ер юзида нафас олиб, яшаб турғанлар
Орасида энг баҳтсизи инсонлар экан.

Ҳатто Плиний ҳам: “Табиат томонидан инсонга тухфа қилинган неъматлар ичida ўз вақтида келган ўлимдан бошқа яхшироқ нарса йўқ – бу ҳар бир инсонга берилган қалб давосидир”, деган.

В. Шекспир драмасида қирол Генрих IV тили билан айтади:

Келажакни биз аввалроқ билганда, эвоҳ,
Тушунардик, ҳаётимиз қадаҳи гоҳо
Шодлик билан тўлар, гоҳо ғам-андуҳ билан.
Қайси бири насиб этар – тасодиф иши,
Орзу қиласи энг баҳтиёр, муҳтарам зотлар
Ўлганимиз яхши эди бундай хорлиқдан...

Ниҳоят Байрон шундай деган:

“Ҳаётингда энг қувончили бўлган дамларингни ҳисобла; бесаранжомлиқдан ҳоли бўлган кунларингни ҳисобла, ҳаётинг қандай ўтган бўлмасин, шуни англағилки, умуман ҳаёт кечирмаганинг яхшироқ бўларди”.

Ва Бальтазар Грациан “Критикон” асарида (1 қисм, 5 фикрлар бошл. ва 7 фикрл. охирида) ҳаёт мусибатларини қора бўёқларда тасвиirlайди ва унинг фожия эканлигини муфассал кўрсатиб беради.

Лекин, ҳозирги кунларда ҳеч ким Леонарди (1798–1837 йй. – итальян шоири) каби бу масалага чуқур ва ҳар томонлама ёндошмаган. Бу муаммони ечишга у бутун борлиғи билан киришган; доимий мавзуси – ҳаётимизнинг масҳарали ва мусибатли ҳолатларини асарларининг ҳар бир сахифасида жуда кўп шакл ва кўринишларда, турли-туман образлар орқали ёритиб берганки, бу нарса ҳеч қачон кўнглимизга тегмайди, аксинча, таъсирчан ва жуда қизиқарлидир.

Рус тилидан Абдунаби Абдулқодир таржимаси



Хуррам РАЙИМОВ

Тойчоққинам бирам шүх

Бола билан капалак

Турфа рангли капалак
Үхшар аэропланга,
Енгил қанот қоқиши
Дилга ташлар аланга.

Уни күрган болакай
Кувиб сира толмайды,
Ловуллайди юзлари,
Ортидан ҳеч қолмайды.

Капалакни тутолмай
Бола бүлар күп ҳалак,
Бир-бирига үхшайды
Бола билан капалак.

Күприк

Катта бўлсам, албатта,
Мен қурувчи бўламан,
Келажакни олдиндан
Нақд қўрувчи бўламан.

Мен курган иншоотлар
Бўй чўзади кўкка тик,
Дилни-дилга боғловчи
Бўлади улкан кўприк.

Қандимни чой еб қўиди

– Ойи, менга қанд беринг,
Ичайин чойга солиб.
– Ҳозиргина бердим-ку,
Қайга кетди у Толиб?

– Берган ўша қандингиз
Устидан қуювдим чой,
Қандимни у еб қўиди,
Энди нима қилдим,вой?

Печкаси борми?

– Пальтонгни кийиб чиққин
Кўчада қор Азамат,
Иссиқ тутиб сени у
Совукдан сақлар, албат.

– Ойи, пальтом қандайин
Иситади, билмайман,
Печкаси борми ёки
Ундей бўлса киймайман?

Тойчоққинам

Тойчоққинам бирам шўх,
Унга ўзим қарайман,
Ёлларини эринмай
Силлиқ қилиб тарайман.

У бир жойга нигохин
Қадаб тураверар жим,
Тойчоқнинг бу ҳолидан
Йўқолар менинг тинчим.

Бўлар эдик у билан
Бундан ҳам ахил ўртоқ,
Тойчоқлиги рост бўлиб,
Бўлмагандা ўйинчок.

Биз бахтиёр

Кушлар каби сайроқмиз,
Юлдузлардек чақноқмиз,
Фам-андуҳдан йироқмиз,
Биз бахтиёр, бахтиёр,
Бахтимиз – шу гул диёр.

Ширинтоймиз, оппоқмиз,
Эркатою дўмбоқмиз,
Полвонжонмиз, кувноқмиз,

Биз бахтиёр, бахтиёр,
Бахтимиз – шу гул диёр.

Бийрон-бийрон сўйлаймиз,
Яйраб-яшнаб ўйнаймиз,
Завққа тўлиб куйлаймиз,
Биз бахтиёр, бахтиёр,
Бахтимиз – шу гул диёр.

Гулга тўлган фаслда,
Биз асалдан-асалда,
Темир бобом наслидан,
Биз бахтиёр, бахтиёр,
Бахтимиз – шу гул диёр.

Фунчадан ҳам нозикмиз,
Кўнгиллари ёзиқмиз,
Шоду хуррам ўғил-қиз,
Биз бахтиёр, бахтиёр,
Бахтимиз – шу гул диёр.

Денов





Умарали НОРМАТОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

БЕДОРЛИКДА ЎТГАН УМР

Тақдир мени ўтган асрнинг бир қатор моҳир сўз усталари билан танишиш, мулоқотда бўлиш, ҳатто, оға-ини, сафдош дўст, шогирд, улфат тутиниш баҳтига мусассар этди. Илк танишувдаёқ, қалбимда эҳтиром уйғотган адиллардан бири, шубҳасиз, Саид Аҳмад эди. Аллоҳ унга узоқ умр берди, роппа-роса саксон етти ярим йил яшади, бинобарин, ўзи айтганидай, саксон етти қиши, ёзни кўрди, бирини илҳом тўла ижод билан, бирини чилпарчин бўлган умидлар харобаси устида кўзёш тўкиб ўтказди...

Муқаддас китобларда аллоҳ бандасини бу фоний дунёга синаш учун юборади, деган доно ҳикмат бор. Қарантки, у туғилиб кўз очган бу қадим муқаддас юрт аср бошидаги мухорабалар, инқилобий талотўмлар туфайли бузгун-бенаво ҳолга тушган, синфий кураш жазаваси авжига мингтан, миллатнинг асл зиёли фарзандлари таъқибу таҳдид остига олинган, юрт таянчи – давлатмандларни қулоқ сифатида тугатиш власвасаси авжига чиққан кезлар эди. Сўнг турли-туман жазавали ташкилотлар, сургуналар, қатагонлар. Иккинчи жаҳон уруши, урушдан кейинги машаққатлар, яна қатагонларнинг янги тўлқини... улар комига тортилган миллионлаб тирик жонлар... Ана шулар орасида Тошкентдек шаҳри азимда тагли-жойли, бадавлат, зиёли оиласида дунёга келган Саид Аҳмад номли шўх, оловқалб йигитча ҳам бор эди. Ота томонидан бобоси Дадаҳўжабой жадидлар билан маслакдош, маърифатпарвар, онаси Зулфияхон эса қозининг қизи бўлгани учун, у дунёга келган оила бошига кетма-кет бало-қазолар ёғилди, аввал, отаси Ҳусанхўжани “халқ душмани” деб қамашди, сўнг Оқилхон, Имомхон деган акалари ҳибсга олинди, Мухторхон деган акаси эса Сталинград жангларида бедарак кетди. “Халқ душманлари” хонадонининг эркатои Саид Аҳмадни ҳар қадамда камситишиди.

Шу хил хўрликларнинг барча-барчасига унинг ўксик қалби дош беролди. Ўша мудҳиш дамларда рассомликка, сўз санъатига шайдолик унинг бирдан-бир овунчогига айланди. Шиорлар, плакатларнинг куни туқдан замон эди, алвоnlарга шиорлар ёзиб, чойхонаю агитпунктларга плакатлар осиб овунди, кун ўтказди. Айни пайтда, қўлига қалам олиб нималарнидир ёзишга чоғланди. Бора-бора журналистика ва бадиий ижод олами уни бутунлай ўзиники қилиб олди. Бу қутлуғ даргоҳга қадам қўяр экан, унинг кўнглида бир дунё айтгулик сўзлари, изҳор қўлгулик оҳу зорлари бор эди. Бироқ, у кезлари бу хил юрак сўзларини, оҳу зорларини айтиб бўлмас замонлар эди. Шеърлари ёд олинган шоирлар, романлари қўлдан қўймай ўқилаётган адиллар тевара-гида ҳасадлар урчиётганди. Энг даҳшатлиси, “халқ душмани” деб қатагон қилинаётган қалам аҳли хусусида матбуотда чиқаётган “айбнома”лар энди-гина қўлига қалам тутган Саид Аҳмад тақдирига ҳам дахлдор эди. Нима қилиш керак? Шундоқ ҳам оёқ ости қалқиб турган йигитча юрак дардини

қоғозга тушириб, бошини дорга тутиб берсинми? У замона зайдига қараб иш тутди. Бирин-кетин латифанамо, қизиқарли, аммо дил оғриқларидан холи енгил-елпи, олди-қочди ҳодисалар асосига қурилган күлгили ҳикоялар битди, 1940 йили уларни жамлаб “Тортиқ” деб номланган китобча ҳолида нашр эттирди. Бироқ, бу китоб устози Абдулла Қаҳҳорнинг кескин танқидига учради. Рад этиш мумкин бўлмаган танқидий руҳдаги таҳлилу далиллар билан баробар устоз Абдулла Қаҳҳор китоб муаллифининг истеъдодига, ижодий истиқболига катта умид билди. Афсус, бу умид-орзунинг рӯёбга чиқиши хийла кечикди. Яна ўша иллат асорати – замона зайдига “рассомлик фаолияти” – шиорлар, плакатлар руҳига мос асарлар ясашни давом эттирди. Энди, у журналистика оламига шўнғиди, улкан қурилишлар, пахта далаларининг шунқорлари ҳақида хабар, очерклар, режим рано кўрадиган “юлғич”, “фирибгар”ларни фош этувчи фельветонлар ёзди. Қўлига қалам олгандан буён ўн беш-йигирма йил давомида газета, журнал, радио орқали эълон этилган битиклари тўпланса, умр бўйи ёзганларининг учдан икки қисмини ташкил этадиёв. Тақдир ҳукми шафқатсиз: уларнинг деярли барчаси ўша давр вақтли матбуот саҳифаларида, радио эфири тўлқинларида қолиб кетди.

Ўтган асрнинг эллигинчи йиллар бошларида Саид Аҳмад ҳаётида яна бир фожиа рўй берди. Урушдан олдин оила бошига ёғган бало, қанчалар эҳтиёткор бўлмасин, энди уни ҳам ўз комига тортди. У ҳам ота ва акалари каби “халиқ душмани” сифатида айбланди. Эндинга оғзи ошга етганида – шоири Саида Зуннунова билан турмуш қурганидан ярим йил ўтар-ўтмас, у ҳам ҳибсга олинди, беш йиллик қамоқ, тергов, лагерь, жудолик азоблари, бу ёқда ёлғиз қолган она, ёш келинчак, унинг бошига тушган ситам-савдолар, оғир дамларда аёл – ёш келин кўрсатган мислсиз ирова, сабр-тоқат, матонат – бутун бир ҳам фожейӣ, ҳам қаҳрамонона достонга арзигулик саргузаштлар...

Шунча кўргиликлардан кейин, энди, у аввалгидек яшапи, ёзиши мумкин эмас эди. Биринчи навбатда, ҳақгўй устози Абдулла Қаҳҳор, довюрак умр йўлдоши Саида Зуннунова, қолаверса, китобхони қаршисида ёлғон, енгил-елпи нарсалардан асар ясашни ўзи учун энди ор деб билди. Боз устига, замон ҳам ўзгара бошлади, мустабид тузум таҳдидлари бир оз юмшаб, эркинлик шабадалари эса бошлади. Ўша кезлардаги руҳий ҳолати хусусида ўзи алам билан айтган дил сўзлари гоят қимматли:

“Биз ҳаммамиз, жами ижодкорлар офтобда куйиб, кечалари чивинга таланиб, қум бўронларида юз-кўзини дока билан ўраб ишлаётган юпун одамларни юрак амри билан ватанпарварлик бурчини адо этгани келган, чинакам фидойи, онгли, илғор совет гражданлари, азамат чўлқуварлар деб таърифладик”. Адид: “Аслида шундаймикин?” деган савол қўяди ва шундай аламли мушоҳадаларни ўртага ташлайди: “Бу тўғрида бирон дақиқа бўлсин ўйлаб кўрмадик. Қайтага уларни бахтиёр, тўқин совет оиласи, деб таърифладик. Ҳатто, чўл шамолларидан қорайиб сополга ўхшаб кетган юзларини гўзаллик тимсоли, деб тасвириладик. Кетмондан қадоқ бўлиб кетган қўлларини “олтин қўллар” дедик”. Энг ачинарлиси, “Ичингда шунча гап бор экан, нега миқ этмай юрибсан, деб ҳеч ким сўрамади...” Унингча, аслида: “Ижоднинг онаси – изтироб. Ижод – изтироб фарзанди. Биз буни жуда яхши билардик. Билиб туриб куймай, ёнмай ёзардик...”

Ижодкор учун бундан ортиқ кўргилик – фожиа бўлиши мумкинми? Адид фожианинг асл сабабини ҳам дангал айтади: “Чунки пролетар адабиётига шеър эмас, шиор керак эди. Социалистик реализм методи қўл-оёғимизни, ҳатто тилимизни ҳам боғлаб қўйганди. Бизда очлар йўқ, очлар чет элда, деса

ишонганимиз. Бизда камбағал йўқ, камбағал инқилобнинг нари ёғида қолиб кетган, деса чиппа-чин ишонганимиз. Ўрилика, талончиликка мұхтожлик сабаб эканлигини очиқ айтишга тилимиз боғлиқ эди... Биз ана шунақа забун ижодкорлар эдик".

Булар ёзувчи бош асари "Уфқ"қа қўл уриш араfasida кўнглидан кечган муроҳадалар. Энди, у бутунлай бошқача, яъни, фақат ҳақиқатни ёзишга, одамларнинг ичидаги дардини, юрагини ўртаётган армонларини рўйирост кўрсатишга чоғланади. Аммо, шу пайтга қадар ҳақиқатни ёзиб ўқса учгандар ертўлалардаги яккахоналарда офтоб кўрмай оламдан ўтганлар, Сибирь қаҳратонларида умрини поёнига етказган валломатлар қисмати бир дам бўлсин кўз олдидан кетмайди. Боз устига, дилидагиларни қоғозга тўкаётганида ўз бошига тушган кўргиликлар асорати уни тинч қўярмикин – темир кишанлар суяқ-суяқларигача эзиз ташлаган қўллари қалтирамасмикин? Аммо адаб аҳдида қатъий. Яратгандан мадад сўраб биринчи саҳифанинг бошига мумтоз адабиётимиз анъанасига кўра, "Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм" деб ёза-дию беихтиёр атрофга бир аланглаб олади. Бу муқаддас жумла роман туга-тунга қадар илк нусхасининг илк саҳифаси бошида машъалдек порлаб туради, фақат асар нашр учун кўчирилган нусхада замон тақозосига кўра тушириб қолдирилган. Бутун асар давомида адаб аллоҳ олдидаги аҳдига – ҳақиқатга содик қолади. Уч китобдан иборат трилогиянинг "Ҳижрон кунлари" деб номланган илк китоби иккинчи жаҳон уруши даври, аниқроғи, муаллифнинг ўзи бевосита шоҳид бўлган, яқиндан билган лавҳалари – кишиларимизнинг фронт орқасидаги ҳаётини, урушнинг уруш ортида қолгандар тақдиридаги асорати, урушдан қайтганлар қисматини ифодалайди. Ёзувчи уруш туфайли алоҳида шахслар, бутун миллат, Ватан бошига тушган оғир савдолар, жудолик дард-аламларини, фашизм ҳарбий жиноятининг мудҳиши оқибатларини рўйирост кўрсатади. Уруш туфайли бола отадан, ота боладан, маъшуға ошиғидан жудо бўлди, бирор умрбод майиб бўлиб тўшакка михланди, бирор касб-коридан, севгани санъатидан жудо бўлди. Уруш тўзони ота билан болани бир-бирига рақиб этиб қўяди, муштипар она нобоп ўғил қўлмиши туфайли уят, ор-номус исканжасида оламдан ўтади, бошқа бир она жангда ҳалок бўлган ёлғиз ўғли доғида телба бўлиб қолади... "Дод, деб йиғласа бўладиган ишлар ўтди бошимиздан", дейди чуқур изтироб билан асар қаҳрамонларидан бири.

Бир вақтлар ёзувчининг илк китоби "Тортиқ" ҳақида кескин танқидий мақола билан чиққан устоз Абдулла Қаҳҳор орадан чорак аср ўтиб шогирдининг бу романига чуқур эҳтиром билан фикр билдиради. "Уфқ"қа багишлиланган мақоласини "Илҳом ва жасорат самараси" деб атайди, ўзи ҳам илҳом ва шавқ ила тўлиб-тошиб дилидагиларни тўкиб солади: "Бу – соҳф ҳаёт, ёзувчининг қалбини ўртаган, ардоқлаган, унга илҳом берган ҳаёт тасвири, оғир, шу билан бирга гўзал, мунгли ва шу билан бирга фараҳбахш, мусибатга тўла ва шу билан бирга одамга қувват берадиган умид, унинг бошини "тошдан" қиласидиган ишонч барқ уриб турган ҳақиқий ҳаёт манзарасидир".

Асарни адабий танқидчилик ва китобхонлар ҳам илиқ қарши олди. Бундан илҳомланган адаб, трилогиянинг "Уфқ бўсағасида", "Қирқ беш кун" китоблари устида илҳом билан ижодий ишларини давом эттирди.

"Уфқ" устида иш олиб борган ўн беш йиллик давр Саид Аҳмад ҳаётининг энг тотли, шукуҳли йиллари бўлди. Умр йўлдоши Саида опа оилада адаб учун ҳамма шароитни яратиб берди, трилогиянинг "Қирқ беш кун" китоби Андижонда, Катта Фарғона канали бошланиши қисмига яқин боғ ҳовли-

да ёзилди. Асарнинг қўлдан чиққан ҳар бир саҳифаси, бобларини Саида опа кузатиб, ўқиб, адигба рағбат, мадад бериб борди.

“Уфқ”дан сўнг Саида опа тириклигига адабнинг “Келинлар қўзғолони” драмаси дунёга келди.



Афесус, шундан кейин орадан бир йил ўтиб чархи кажрафторнинг бандасини додга қолдирадиган яна бир шеваси рўй берди, кутилмаганда, Саида опа оламдан ўтди. Адабнинг шундан кейинги ўттиз йиллик умри жудоликтанҳолик изтироблари ичида кечди. Адаб бу йилларни қишин-ёзин устоз Абдулла Қаҳҳордан мерос қолган Дўрмондаги боғ ҳовлисида ўтказди. Тенгдош ижодкор дўстлари, садоқатли шогирдлари уни ёлғиз қолдирмасликка ҳаракат қилидилар. Салкам ўттиз йил давомида бу даргоҳдан дўсту қадрдорнинг, шогирдларнинг қадами узилмади, бу масканда кечган мароқли “мажолис-ун нафоис”лар, ҳазил-мутойибалар эл орасида ёйилиб кетди.

Шахсан камина ҳам улардан баҳраманад бўлганлардан бириман. Ўша йиллари Сайд Аҳмад юртимиз бўйлаб кетма-кет сафарларга чиқарди, фақат ўзи эмас, яқин дўст, шогирдларини ҳам ёнида бирга олиб юрарди. Сафарларда, турли давралардаги гурунгларда кўп кузатганман: сухбат йўналиши ҳаёт жумбоқларига, қалтис масалаларга, айниқса, сиёсатга келиб тақалгандা, устоз дарҳол гапни бошқа ёққа, ҳазил-мутойибага буриб юборарди. “Бизнинг ўтиришимиз политбюро мажлиси эмас, бунақа масалаларни ҳал этишини давлат арббларига қўйиб берайлик, сизу биз яйраб олди-қочдилардан гаплашайлик”, дея ҳазил-мутойибалар дафтарини варақлашга тушарди. Бирдан даврада кулги-қийиқириқ янграр, латифалар латифаларга уланиб кетарди...

Кўнглим сезиб турарди, ҳаётда, айни шундай давраларда бир оғиз қалтис сўзи учун боши кетганларни у кўп кўрган, кўриб юрак олдириб қўйган, ўзини ҳам, яқинларини ҳам аяш мақсадида, айни шундай йўл тутарди, беозор кулги, ҳазил-мутойиба унинг учун, эҳтимол тутилган бало-қазолардан

асраш-асраниш учун қалқон вазифасини ўтарди. Бир гал Сайд Аҳмад иккимиз сұхбатлашиб ўтирганимизда бирдан сардаftарини – бошдан кечирған мусибатларини сұzlай кетди. Ўша пайтта қадар бунақасини сира эшитмаган здим. Лол бўлиб қолдим. Шунча кўргиликлар, хорлик, разолатни бошдан кечириб бу хилда қувноқ, шўх-шодон ҳолда юриш, ичак узди, хушчақчақ асарлар ёзиш... Бунинг боисини сўраганимда, шундай жавоб қилганди: “Чамамда, мени айни шу нарса – ҳазил-мутойибага ўчлик, юмор ҳиссининг кучлилиги сақлаб қолди. “Яратганинг ўзи дард-офат билан бирга унинг давосини ҳам беради”, дейишади-ку! Агар менда айни шу кулгига ўчлик бўлмаганида, аллақачон ғам-кулфатлар қуюнида гарқ бўлиб кетардим. Эҳтимол, шу ғам-кулфатларни унтиши учун ҳам хушчақчақ нарсалар ёзгим келгандир. Пайти келганда, айтиб ўттай, кулги орқали одам боласи ҳар қандай бало-қазолардан, ҳатто ўлимдан ҳам ғолиб келганлигига кўп бор иқрор бўлганман...”



Устознинг мени лол қолдирган яна бир хислати – ундаги бедорлик. Сафарларда, ёз ойлари Дўрмондаги боғ ҳовлисида кўп бора шоҳид бўлганман. Тунлари уни мириқиб ухлаб ётганини деярли кўрмаганман. Ҳар гал бехос уйғониб кетганимда, Сайд Аҳмадни сигарет тутатиб, хаёл суриб ўтирган ҳолда кўйардим. Бир гал у: “Сенлар маза қилиб уйқуни урдиларинг, шундай чиройли тунни бекор ўтказдиларинг, мен эса миямда битта чиройли ҳикояни пишириб қўйдим, қани энди, шу дамда машинкам ёнимда бўлса, ярим соатда уни қофозга туширадим”, деганди. Устоз баъзан бедорликда ўй-мушоҳадалардан толиқкан чоғлари кўнглига энг яқин оладиган шогирдлари – Йўлдошли ёки Тўланбойни уйғотиб тонггача секингина гурунглashingib ўтиради. Баъзан эса, шумликка ўтиб Эркин, Ўткир ёки каминани уйғотиб бехос саволга тутарди. Бир гал мендан сўраб қолди: “Белинскийнинг маъшуқаси ким бўлган – исми ёдимдан кўтарилибди?” Эртаси тун ярмида Эркинни туртиб уйғотиб: “Клара Цеткин қачон туғилган?” дея безовта қилганди. Камина ҳам, Эркин ҳам кутилмаган саволга жавоб излаб, устозга қўшилиб тунни бедор ўтказган эдик...

Бу хилдаги бедорлик устоз учун түғма хислатмикин? Құрқув салтанати вахми, таҳлика авжига минган йилларнинг адеб шуури, руҳиятидаги асортларимикин? Еки изходий ўй-мушоҳада, тасаввур учун берилгандык имкониятмикин? Барча тахминларда қандайдир даражада асос бор. Шуниси қизиқки, бошқалардан фарқли ўлароқ, устозда кун бўйи тунги бедорликнинг ҳеч қанақа салбий оқибати сезилмасди. Бутун ҳаёти давомида уни ҳазил-мутойиба, юмор туйғуси билан баробар, айни шу бедорлик хислати бало-қазолардан асраб қолган, деб бемалол айтиш мумкин. Бир сұхбатда у: “Жуда кам ухлайман, доим тетик бўлишга ҳаракат қиласман”, деганди. Умрининг аксар қисми сафарларда, одамлар, дўстлари орасида, изходкор устоз, тенгдош, шогирдлар даврасида ўтган, ҳамиша давраларга ўзгача рух, шавқ бағишлиган Сайд Аҳмад айни шу жўшқин давраларда асарлари учун бой ҳазина йиққан, тунги бедорлик чоғлари эса улар кўнглида бадиий шакллар тусини олган, сўнг қоғозга тушган. Адеб асарларини ўқиганимда, давраларда, қувноқ гурунгларда айтилган лутф, латифа, ҳазил-мутойибаларнинг акс-садосини шундоққина кўриб, ҳис этиб тураман. Жумладан, адига катта шуҳрат келтирган, миллий комедиямизнинг “Майсаранинг иши”, “Шоҳи сўзана”дан кейинги энг юксак намунаси дея зътироф этилган “Келинлар қўзғолони” ҳам айни шу тарзда қувноқ, жўшқин давраларда туғилиб, бедорликда шаклшамойилини топган. Асардаги ўта ҳалқчил, пишиқ-пухта бадиий ифоданинг, сехрли кулгининг бош омили, замини ана шунда.

Комедиядаги кулги роят сержило. Унда, бир жиҳатдан, қаҳрамонлар табиатидаги айрим қусурларни чимдиб ўтиш бор. Айни пайтда, бу кулги одамга одамнинг меҳрини товлантирадиган, одамдаги ҳамдардлик, меҳр-муруват туйғуси билан йўғрилган ҳаётбахш кулгидир. Шу билан баробар, одамни ўйга толдирадиган шўх ва ҳазин кулгидир. Томошабин саҳнада Фармонбibi, унинг ўғиллари, келинлари хатти-ҳаракатини кўриб, кузатиб кўзидан ёш чиқар ҳолатда ҳандон отиб кулади ва театрдан шу одамлар билан дўст тутиниб чиқади. Айни чоғда, танти, мағрур “пошшо хотин”нинг пировардидага мағлуб ҳолатидан қисман ўқинади. Бугина эмас, синчиклаб мушоҳада қилинса, асар фақат шу хилдаги шўх ва ҳазин енгил ҳазил-мутойибалардангина иборат эмаслигига амин бўласиз. Ўша ҳазил-мутойибалар замирида авваллари биз пайқамаган жиҳдий маъно мавжудлигини – комедиядаги қувноқ ҳазил ва кулги билан йўғрилган комик ҳодисалар ифодасида асар ёзилган, саҳнага чиққан кеэлардаги жиҳдий бир ҳодисага – барчани тенглаштиришга, одамларни бир қолипга солишга йўналтирилган сиёсатга – “совет ҳаёт тарзи” ва унинг инқирозига ишоралар борлигини ҳам пайқаш қийин эмас.

Истиқлол йилларида адеб изходининг яна янги қиррлари намоён бўла бошлади. Истиқлолга эришганимизда Сайд Аҳмад етмиш икки ёшда эди. Кекса бўлишига қарамай, аввалги “қуш уйқусини” ҳам тарқ этиб, бутунаси илҳом ва изход оғушида яшади. Мана шу йиллари у кўпдан бери юраги дов бермай келган яқин кечмиш тарихимиздаги, ўз оилавий ва шахсий ҳаётидаги, Қодирий ибораси билан айтганда, “энг кирлик қора кунлар” фожиасини қаламга олишга чоғланди. Бирин-кетин “Сароб”, “Борса-келмас дарвозаси”, “Тақдир, тақдир”, “Офтоб ойим” каби лагерь ҳаётига оид туркум ҳикоялари майдонга келди. Аммо уларни қоғозга тушириш осонликча кечгани йўқ. 2000 йил 5 май санаси билан “Халқ сўзи” газетасида эълон этилган каминага йўлланган очиқ хатида адеб бу туркум ҳикояларнинг яратилиш чоғидаги руҳий ҳолати, изтироблари хусусида шуларни ёзади:

“Азизим Умарали! Сиз ҳар кўришганимизда “Бошиңгиздан ўтган воқеаларни ёзинг!” деб қистар эдингиз. Нима деб жавоб берганим эсингиздами?

У воқеаларни ёзмоқ учун хаёлан қамоқ лагерларига боришим, ўша азобуқубатларни қайтадан бошимдан кечиришим керак. Бунга энди юрагим бардош беролмас, дегандим.

Мана, “Борса келмас дарвозаси”га нуқта қўйдим. Ўрнимдан туралётганимда бошим айланиб ўтириб қолдим. Ичкари уйда телевизор қўриб ўтирган куёв ўғлим Маҳмуджонни чақирдим. У рангимни кўриб қўрқиб кетди. Шошиб томиримни ушлади. Ичкаридан аппарат олиб чиқиб қон босимимни ўлчади. 200га 130.

Биламан, бу инсулт остонасидағи ҳолат.

Беш кун кечаю кундуз ухламай ушбу хотирани ёздим. Гүё беш кун қайтадан қамалиб чиқдим.

“Сароб” деган ҳикоямни ўқигансиз. Унга ҳам нуқта қўйганимда шу аҳволга тушгандим. Ўшанда, мени шу Маҳмуджон ўлимдан сақлаб қолганди. Кечаси соат учда неварам шаҳар уйимизга телефон қилиб дадасига аҳволимни айтганида, у гўё Қибрайга учиб келган эди. “Тез ёрдам”ни чақириб касалхонага оборган.

“Сароб”да ҳам лагерь, қамоқ воқеаларини ёзгандим. Юрак кўтаролмади. Шундоқ бўлишини билатуриб ёзган эдим. Қандоқ қора кунлар бошимизга тушганини биздан кейингилар билсин, деб ёздим.

Ўқиб кўринг, маъқул бўлса беҳад қувонардим.

Сизга самимий салом билан С.А.

2000 йил 5 май”

Сайд Аҳмаднинг ушбу мавзудаги ҳикоялари ҳам ўзбекона миллий руҳга йўғрилган ҳолда ўзбекона нигоҳ билан идрок ва талқин этилган. Чунончи, “Борса келмас дарвозаси”га “халқ душмани” қизининг йикълаб айтган қўшиғидан шундай сатрлар эпиграф – бош сўз қилиб келтирилган:

*Бу Ватан қандай Ватандир, ҳар гўшасида турмалар,
Қўнгани бир ер тополмай осмонда йиглар турналар.*

Ватаннинг ўша йиллардаги манзарасини фақат Сайд Аҳмадгина шу тарзда ўта миллий, жонли, бетакрор тарзда ифодалаши мумкин эди.

Ҳикоя яна ўша “халқ душмани” қизи куйлаган қўшиқдан олинган қўйидаги мисралар билан якунланади:

*Сиз асир бўлган қафасни тишларим бирлан бузай,
Бузмасам маҳшар куни багримни армон тирналар.*

Бу байт адибнинг ушбу туркум ҳикояларидағи бошқа бир юят муҳим жиҳатга ҳам ишорадир. Асарларда қаламга олинган бири-биридан мудҳини, маломатли, ғам-ғуссага, мусибатларга тўла лавҳалар замиридан қандайдир одамга далда берадиган умид, унинг бошини “тошдан” қиласидиган қудрат, зулматни ёритадиган сирли-сеҳрли нур барқ уриб туради. Ёзувчининг беназир юмористик истеъдоди туфайли мусибатлар маконида ҳам кулги, ҳазил-мутойibalар учун ўрин топилади. Энг муҳими, деярли ҳар бир ҳикояда ўзлигини, қалбидаги имон-эътиқод, она-юрт, ўзгаларга ҳиммат, мурувват туйғусини йўқотмаган “боши тошдан” яралган матонатли инсонларга дучкеламиз. Жумладан, асарлардаги ҳикоячи – ровий (яъни, муаллиф) образининг ўзи ана шундай сиймодир.

Адибнинг йигирманчи аср охирида чоп этилган “Йўқотганларим ва топ-

ганларим” китоби ҳам адабий-маданий ҳаётимиизда муҳим ҳодиса бўлди. Ўз устоzlари, тенгдошлари, издош-шогирдлари ҳақидаги эссе ва бадиалардан иборат мазкур китоб ижодкорларимиз машъум замонларда қандай оғир шароит, вазиятларда яшаб ижод этгани, ўшандай замонларда ҳам ноёб бадиий дурданалар яратишга эришгани тўғрисида ҳаққоний тасаввур беради. Китоб муаллифи ижодкорларни қуруқ ҳимоя қилиш, нуқул улар шаънига ҳамду санолар ёғдириш йўлидан бормайди, уларни ҳаётда қандай бўлса, шундайича кўрсатади, шахсиятидаги, ижодидаги ожиз, зиддиятли ўринларни, уларнинг инжиқликларини ҳам рўйирост айтади. Кези келганда, бу борада, ўзини ҳам аямайди. Бу ҳол ўқувчига асло малол келмайди, аксинча, ўша улкан сиймоларга бизнинг ҳурмат-эҳтиромимизни янада оширади, уларни тўғри тушуниш, асарларидаги заиф, зиддиятли жиҳатлар боисини англашга ундейди. Аслида, адабиёт илмининг бош мақсади шу. Айни шу фазилати билан илмийликка асло даво қилмайдиган ушбу китоб баъзи саёс “соф” илмий тадқиқотлардан кўра, илмийликка кўпроқ дахлдордир. Адабнинг “Киприкда қолган тонг” (2003 й), “Зилзила” (2005 й) китобларига кирган хотиралирида ҳам шу руҳ давом эттирилган.

Шу тариқа, истиқлол йилларида адаб ўзини чинакамига эркин ҳис этди, узоқ йиллар кўнглига бетиним ғулгула солиб келган “қўрқув салтанати” ваҳмларидан халос бўлиб, дилидаги оҳу зорларини тўкиб солишга эришди. Боз устига, адабнинг адабиёт, эл-юрт олдидаги хизматлари муносиб тақдирланди. “Буюк хизматлари учун” ордени, “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвонлари билан мукофотланди.

Қисқаси, эл-юрт ардоғидаги суюкли адаб – Саид Аҳмад аллоҳ инъом этган узоқ ва машаққатли ҳаёт йўлидан мудом бедорликда омон ўтди, жамики синовларга сабр билан дош берди. Асарлари қаҳрамонлари каби ўзининг ибратли ҳаёти, беназир шахсияти, сухбатлари билан ҳам халқимиз, адабиётимиз тарихи, замондошлари хотирасида ёрқин из қолдирди.



Бир ишга киришмай туриб, ундан қутилиб чиқиш йўлларини мўлжаллаб
қўй.


АМИР ТЕМУР

Ўйлаш осон, уни амалга ошириш қийин. Инсоннинг хаёлларини ҳаётга
тадбиқ этиш дунёнинг энг қийин ишидир.

ГЕТЕ

Ақлли одам ақлини ишлатади. Доно одам бошқаларнинг ҳам ақлини
ишлатади.

БЕРНАРД ШОУ





Ойша ТУРОЛ

*Ҳаётимнинг оташиидир борлигинг***Ёниш**

кун дарахтга тегди
гул ёнди...

гул япроқقا тегди
сув ёнди...

ишқ кўзга тегди
вужуд ёнди...

кўл тупроқقا тегди
рух ёнди...

Кўзимда маржон донаси

бу саҳар
соатимни чалмиш чайкалар
тўлқинларда
соchlарнинг ифори йўқ
юрагингга пардалар
тортгансан...

сўлғин гул япроқлари
бехабар лаб буришимдан
кўзимда икки маржон донаси...

Тун билан кундуз

тингла боқ
тун билан кундуз
қандай севишар тинимсиз...

сен
сирли юрагимнинг
даъватсиз меҳмони...
хуррак ёлғизлигим ичра

ранжиган қиз болани
қандай қилиб овутдинг...

қанотларим кўпайди
етти қават фалақда
паришон нигоҳларинг
ҳозир мени қучсин самимият-ла...

жароҳатим янги ҳануз
ўқий олмасам севгинг ҳарфларин
хижжалашимни кут...
қалбим қалбинг зарбига
яқинда кўнікар ранжима
чўлимнинг қизиган қумлари
сарабларга ҳомиладор...

Унсиз фарёдим

сен
дудоқларимда унсиз ноламсан
юрагимда ҳаяжон
ҳаётимнинг оташиидир
борлигинг...

сен
буғдирсан
бир оз кейин ҳаволаниб
кетадиган
ёногимни силаган шамолсан
қайғумсан воз кечолмаганим...

исёнимсан замонга
тушуна олмаган туйғуларимсан
унсиз фарёдим қолажаксан
хатто сўнгги нафасимда ҳам...

Бир шаҳарни ташимоқ

бир кентни
кўлимда бир даста ясмин ила
таший оларман эҳтимол...

момақаймоқзорларда
очилди очилажак ҳуазун...

сенсизликини
бир дарё янглиғ симириб
ортидан
чукур нафас билан
учириб юбормолим керак
йироқлар кадар...

оғриган бир еримда
сиёхранг гуллар очилар истаксиз
очилмай сўлар япроқлари
сўлиб тўкилар...

бу кентни
артилган юзинг-ла
яна кезмолим керак
аммо бу сафар
кўлимда алвон чиннигуллар ила...

Тушунтири менга

ёлғизлик қандай тақсимланар
тун узатаркан кўлларин сахарга...

бир бўлак нон сингари
бўлишиларми қоқ ўртасидан...

сатр оралиғида нечун паноҳламас
синик шиша ҳуазунлар...

ёмғирсиз булатлар не ишга ярарки
кўзёшидан сувсаган эса юраклар...

англат менга илтимос
бўлинган соатлар ўртасида
сенинг ишинг не...

Бу кўча

бир жажжи қиз
тушларини тўплар булат мисоли
фалақдан...
севинчлари билан кўзгу тутар
юрагига
бекарор куз туфайли
ҳуазунлар тўкилар қўлларидан...
оғзини ҳеч очирмаган
бир қайғу айланар тилида
мажбурлар эшикларин...
бу танҳолик ичра топарсан мени
мен учун очилар бу кўча...

Ҳали сен борсан

йўқлигингда
яна қанча оқшом ўтажак
эшигимдан
аҳволимни сўрамасдан...

фикрларинг торлиги
мени умидсизлик ичра қолдириди...
бир куни
ичимда кечадан яширин
эрта тун таъқиқли
мингларча калима
зериқади кутмоқдан...

кечиқмай
бир ҳовуч ёғдум бўлармисан...
кўлларимга
мовий мунчоқ ясадим...
юрагим қанотида
сен ҳануз борсан...

Турк тилидан Алишер ТУРСУНОВ таржимаси



Отабек ЖУРАБОЕВ,
филология фанлари номзоди

ЛИРИКАДА ТАРИХ ТАСВИРИ

Инсонни, унинг маънавий оламини кашф этадиган яна бир қудратли восита борки, у ҳам бўлса, сўз санъати, бадиий адабиётдир. Адабиётни инсоншунослик деб, шоир ва ёзувчиларни эса инсон руҳининг муҳандислари, деб таърифланиши бежиз эмас...

Ислом КАРИМОВ

Адабиёт инсоният тарихи давомида фикрий ва қалбий тушунчалар ифодаси тараида кишилар шууридан ўрин олган. Аждодларимизнинг эътиқодий, маънавий ва руҳий қиёфалари бадиий адабиётда, хусусан, мумтоз адабий асарларда ўз аксини топган. Бадиий адабиётнинг бош вазифаси инсонни, гўзалликни ва ҳақиқатни васф этиш бўлиб, тарихий воқелик эса, бадиий замирида тасвирланади. Шу билан бирга, адабиёт моҳияти тақозосига биноан, тарихни, жумладан, тарихий воқеа-ҳодисаларни ва реал воқеликни тўлиғинча тасвирлашни мақсад қилиб олмайди. Лекин адабий манбаларда у ёки бу тарих ҳодисаси ва унинг тасвири бирмунча тўлақонли ва жозибали берилишини ҳам унутмаслик керак. Бошқача айтганда, ижодкор тарихий ҳодисаларга ўз руҳияти ва ғоясидан келиб чиқкан ҳолда, бадиий бўёқлар бериши мумкин.

Албатта, мазкур масалага у ёки бу даражада турлича муносабат билдириб келингани ҳам эҳтимолдан холи эмас. Биз эса, унга, асосан, Қўйқон адабий муҳити мисолида бир назар ташлапни ният қилдик. Негаки, мумтоз адабиётимизнинг XVII-XIX асрлар даври адабий муҳитлар теграсида ривож топган ва уларни изчил ўрганиш адабиёт тарихи тадқиқотчилари зиммасида турган кўплаб саволларга жавоб бўлади. Худди, шунингдек, муҳит ижодкорлари томонидан яратилган асарларда тарихий маълумотларнинг нечоғлилак акс эттани ҳамда уларнинг бадиий қиммати ва аҳамияти кабилар шулар жумласидан. Диққат марказига олмоқчи бўлганимиз эса лирик турдаги шеърлардир. Лекин масаланинг моҳиятига кириш учун, аввало, мазкур муҳитда яратилган тарихни акс эттирувчи бадиий асарларнинг мавзу кўлами ва жанр хусусиятига кўра таснифини келтириш лозим. Улар қуйидагилардан иборат:

Тарихий-бадиий достонлар;
Адабий наср намуналари;
Мумтоз лирик турдаги шеърлар.

Тарихий-бадиий достонлар.

XIX аср давомида Қўйқон хонлигидаги айрим ижтимоий-сиёсий воқеалар тарихини бадиий тарзда ифодалаган бир неча достонлар яратилгани мальум. Мисол сифатида Абдулкарим Фазлийнинг “Умарнома”, Увайсининг “Воқеоти Муҳаммадалихон”, Мутрибининг “Шоҳномаи девона Мутриб”, Ан-

далибнинг “Шоҳномаи девона Андалиб”, Абдулғафур Исматийнинг “Зафарномаи Худоёрхон”, Умидий Марғилонийнинг “Мактубчай Хон” сингари достонларини келтириш мумкин.

Мазкур достонлар маснавий жанрида ёзилган бўлиб, уларнинг ҳажми ҳам турличадир. Шуниси аҳамиятлики, улардан Фазлий қаламига мансуб достонгина форс тилида бўлиб, қолганлари ўзбекча ёзилган. Шубҳасиз, мазкур достонлар ўз даври воқеа-ҳодисаларини ёритишда қимматли маълумотларни берувчи манбалар ҳисобланади. Масалан, Увайсийнинг асарида Муҳаммадалихоннинг Қошғар юришига чиқиши тасвириланган. Гарчанд, бу достон тугалланмаган бўлса-да, у ўша давр ва сўз юритилаётган воқеани ўрганишда ҳамда тарих ҳақиқатини ёритишда ёрдам беради. Ёки, Умидий Марғилонийнинг «Мактубчай Хон» достонида Худоёрхон ҳукмронлигининг сўнгги йиллари бадиий аснода ҳикоя қилинган. Асар муаллифи, истеъододли шоир – Умидий мазкур воқеаларнинг кўпига ўзи шоҳид бўлган ва уларни реал тасвирилашга ҳаракат қилган. Масалан, бир ўринда шоир, рўй берган кўп қирғинларга сабабчи – Мусулмонқулнинг қатл этилишини тасвиirlар экан, унинг ўғли Абдураҳмон (Офтобачи)нинг ҳолатини шундай ифодалайди:

Йигит гўдак эди Офтобачи бил,
Ажал етмай, тириклий қолди ул йил.
Хўқандлик илкида қифchoқдин ўн минг
Тамоми бош кесилди, хок ила тенг.
Қолиб Офтобачи дилда ниқори,
Кўнгил оиласида бир губори.
Қасосин хондин олмоқ эрди бир кун,
Адоват кўнглида эрди анингчун...

Ушбу мисраларда муаллиф, келажакда отасидан ҳам ўтказиб жаҳолат, хиёнат ва разолатта борадиган Офтобачининг кўнглидаги адоватни ҳаққоний равишида ёритиб бера олган.

Адабий наср намуналари.

Айнан хонлик тарихи билан боғлиқ бўлган наср йўлида ёзилган тарихий асарлар кўп (40 тача) эканлиги маълум. Аммо, кам бўлса-да, шундай прозаик асарлар ҳам борки, уларни шу муҳитда яратилган бадиий насрнинг ўзига хос намуналари, десак янглишмаган бўламиз. Улар жумласига: “Тазкират ул-авлиё”, “Маълумоти Соқибий”, “Тазкираи Қайюмий”, “Қўқон тарихи ва унинг адабиёти”, Фурқатнинг айрим асарлари ва Муқимий мактубларини киритиш мумкин.

Абдулазиз Мажзубнинг “Тазкират ул-авлиё” (ёки “Тазкираи мажзуб”) ёдномаси манқабавий асардир (ЎзР ФАШИ фонди, 2662 рақамли қўллэзма, форсча, 132 варақ). Унда XVIII-XIX асрнинг биринчи ярмида, асосан, Туркистонда яшаган авлиё, олим ва ижодкорлар ҳақида турли ривоят ва ҳикоятлар берилган, шунингдек, тасаввуфнинг баъзи масалаларига ҳам тўхтаб ўтилган. Масалан, Махдуми Аъзам Косоний-Даҳбедий, Мусоҳон Даҳбедий, Шариф Ҳожа Тошкандий, Мирмақсуд Ҳожа Эшон, Оғоқ Ҳожа Эшон, Домла Исо Охунд, Ҳалифа Ҳусайн, Мавлавий Наманганий, Мавлавий Жабалий, Ҳалифа Ашур, Мулло Лутфуллоҳ Чустий, Ҳалифа Абдуқаюм ва ҳоказо. Яна, Сўфи Оллоёр, Машраб, Мирзо Жони Жонон, Мирзо Бедил каби машҳур шахслар ҳаёти ҳақидаги қайдлар ва айрим тарихий воқеаларнинг мавжудлиги ҳам асар мундарижасини бойитган. Шу билан бирга, асар муалли-

фи ўзи кўрган ва билган тасаввуф билан боғлиқ воқеалардан ташқари, айрим муҳим тарихий фактларни ҳам ҳикоялар воситасида келтириб ўтади. Мисол учун, Қўқон тарихига бағишиланган аксар асарларда хонликнинг айнан XVIII асрдаги тарихига оид маълумотлар нисбатан кам учрайди. Хусусан, бу даврдаги ҳукмдорларнинг ижтимоий-маданий фаолияти ҳақида манбалар деярли “инدامайди”. Ушбу тазкирада эса хонлардан – Абдулкаримбек, Абдулраҳимбек, Эрдонабий ва Норбўтабий билан боғлиқ айрим воқеалар ҳам сўзланади. Мисол учун, асарнинг бир ўрнида 1751-1752 ва 1753-1766 йилларда таҳтда ўтирган Эрдонабий (Абдулқаюмхон)нинг саройида бўлиб ўтган бир маснавийхонлик ҳақида маълумот бор. Унда хоннинг Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” асарини шарҳловчи улуғ олим, Мирмақсуд Ҳожа Эшонга юксак эҳтироми, у билан кўп бора ҳамсуҳбат бўлгани ва унинг маърифатли хон сифатидаги сиймоси акс этган.

Маърифатпарвар ва адабиётшунос Пўлатжон Қайюмовнинг “Тазкираи Қайюмий” асари гарчанд, ўзбек адабиётининг қадимги даврларидан то XX аср бошигача бўлган жараёнини, алоҳида шахсларни саралаш асносида ёритилган, антология тарзидаги асар бўлса-да, адабий ҳодисалар ва шоирлар ижодиётини баҳолаш давомида, айрим тарихий воқеаларга ҳам муносабат билдириб ўтилган. Домланинг яна бир асари “Қўқон тарихи ва унинг адабиёти”нинг қиммати эса унда Қўқон тарихига оид баъзи бир нодир маълумотларнинг берилишидир. Асар уч қўлёзма дафтардан иборат бўлиб, тарихий маълумотлар биринчиси (“Тарихий маълумотлар” қисми)дан ўрин олган. Масалан: “Хўқанд шаҳарининг дарбозалари”, “Хўқанд шаҳарида бўлган тарихий бинолардан мадрасалар тўйгрисида”, “Қўқон хонларининг авлоди”, “Сайийд Султоннинг тон кўтарилиши”, “Қўқоннинг таниқли кишилари”, “Ўзбек уруғлари”, “Ўзбек элидан етишган машҳур шайхлар” сарлавҳалари остида қизиқарли маълумотлар келтирилган. Ушбу мақолалар у қадар катта эмас. Лекин, қисқа, аммо аниқ ва пухта бу маълумотлар муҳим факт бўлиб, тасвирланган воқеаларнинг бир қисмига муаллифнинг ўзи гувоҳ бўлгани билан аҳамиятлидир.

* * *

Мумтоз лирик турдаги шеърларга эса биз алоҳида аҳамият бермоқчимиз. Биринчи галда, “таърих” дея номланувчи хронограммаларни таъкидлаш зарур. Бундай асарларнинг энг ёрқин намуналари Имомали Қори Қундузийнинг “Таворихи манзума”сида мужассам. Унда хонлар ва айрим давлат араббларининг вафотлари, мансабга келишлари ва яна бошқа воқеалар шеърий йўл билан қисқача тасвирланиб, абжад ҳисоби билан чиқадиган таърих айтилган. Яна бошқа Қўқон шоирлари томонидан ҳам бу жанрда ижод қилинган. Масалан, Акмал Хўқандий қаламига мансуб бир форсча таърихда шундай дейилади:

Бар он хатм шуд мансаби сарварий,
Ба Абдулкарим он шаҳи бобурий.
Бино кард шаҳре ба ин обранг
Ки, зад шишаи ҳафт кишвар ба санг.
Аз он табъи аҳли сухан шод буд
Ки, таърихи у Мазоҳиробод буд.

Мазмуни:

Сарварлик (подшоҳлик) мансаби
бобурий шоҳ Абдулкаримга хатм қилинганда,

(У) сув рангидек (шаффофф) шаҳарни бино қилди.
Бу билан етти кишвар (етти иқлим мамлакатлари)нинг
шишаси тошга урилди.
Бундан сўз аҳлининг табъи шод бўлиб (айтдилар),
Унинг таърихи Мазоҳиробод бўлди.

Мазкур парчада таърих моддаси “Мазоҳиробод” сўзи бўлиб, ундан абжад ҳисобида чиқадиган 1154 ҳижрий қамарий санани милодийга айлантирилса, 1741 йилга тўғри келади. Бу эса, Қўқон шаҳрининг ҳозирги ўрни янгидан бино бўлиб, иморатлар солинган санадир. “Мазоҳир” калимаси “ашёнинг кўриниши ва чиқсан жойи” маъносини билдириши билан бирга, яна “шарафланмоқ” мазмунини ҳам беради. Яъни, зукко шоир Акмал Ҳўқандий ўз шаҳрини “пайдо бўлиши ва чиқсан жойи билан шарафланган, обод маскан”, деб тарихга муҳрлаган. Шунингдек, унда яна Қўқон хонларининг келиб чиқишини Заҳириддин Муҳаммад Бобурга боғланишига ҳам ишора қилинмоқда. Демакки, Қўқон хонлари шажарасини темурийларга боғлаш, айрим тадқиқотчилар таъкидлаганидек, XIX аср бошларида эмас, балки ундан қарийб бир аср аввалроқ ҳам мавжуд эканлиги аёнлашади.

Ёхуд, Ҳусайнқули Муҳсиний девонида ҳам ўндан ортиқ таърихлар бор. Улардан бири қўқонлик машҳур нақшбандия шайхи Ҳакимхон халифа вафотига айтилганadir. Унинг охирни шундай:

...Суруши ғайб дедики, Муҳсин:
“Ба фавти таърих лак қазолик.
Қаронгулиғдур муридларига
Ки, бирдин ўчи чироги солик”.

“Чироги солик” бирикмаси таърих моддаси бўлиб, абжад ҳисобида ҳарфлар рақамга айлантирилганда 1315 чиқади. Энди, “ки, бирдин ўчи чироги солик” мисрасига кўра, солик (тариқат йўлчиси)нинг чироги ўчирилса, яъни, “чироқ” сўзидаги 1 сонига тенг “алиф” ҳарфи олинса, Ҳакимхон халифанинг вафот санаси келиб чиқади. Яъни, 1315-1=1314 (милодий ҳисобда 1897 йил).

Бу ерда тўғри шаклга эга “алиф” ёнаётган чироқ пилигини билдириб, “чироқ” сўзи ўртасидан “алиф”ни олиб қўйилса, бу сўз чиқмайди, яъни, “чироқ ўчади”. Шоир бу ўринда, Ҳакимхон халифани ўз даври тариқат аҳлининг йўлини ёритиб турган чироқ-ёргуллик сифатида тасвирламоқда. Ҳамда, ул зотнинг вафоти билан ана шу нур ҳам сўнди, деган фикрни чиройли тарзда ифодалай билган. Муҳсинийнинг бу йўсун фикрларини Ҳакимхон халифа вафотига бағишланган бошқа (Ҳазиний ва Фидоий) таърихлар ҳам тасдиқ этади.

Яна, мумтоз лирик турдаги асарлар – ғазал, мухаммас, мусаддас кабилардан ҳам унча-бунча тарихий асарларда берилмаган ёки эътибор қилинмаган фактни илғаб олиш мумкин, деб ўйлаймиз. Ўрнак тариқасида уч таҳаллусда (“Нодира”, “Комила”, “Макнуна”) ижод қилган Қўқон маликаси Мөҳларойим шеърларига мурожаат қиласак. Унинг ўнлаб асарлари турмуш ўртоғи, шавкатли хон ва истеъоддли шоир Муҳаммад Саид Амир Умархон ёди ва унга бағишланган фироқномалардан иборат. Аммо, Нодиранинг кейинчалик ёзган бир неча шеърларида ўғилларига мурожаати ҳам ўрин олган. Уларда биринчи галда Муҳаммадалихонни – Хон дея тилга олинади. Сўнгра, набираси (Муҳаммадалихоннинг ўғли) – Муҳаммадаминни ва ундан кейин-

гина кичик ўғли Султон Маҳмудхонни эслайди. Бироқ, кўп ўринда, унга Валинаъм ёки Валнаъми Султон деб мурожаат этади. Баъзи мисраларида эса, Султон Маҳмудхоннинг чечак касали билан узоқ муддат бетоб бўлганидан қайғу чеккани ва унинг тузалганига шукронасини билдиради:

Лиллаҳил ҳамд ки аз хосияти давлати Ҳон,
Офият топди чечакдин Валнаъми Султон...

Албатта, онанинг фарзандига қайғуриши табиий ҳол. Лекин, ўша давр ҳукмдор табақасининг бир-бирига муносабатини ва ҳонларнинг аҳволи билан боғлиқ бундай ўринларни лирик кайфиятдаги шу каби шеърлар восита-сида ҳам билиб олса бўлади.

Мавриди келганда, яна бир муҳим масалага муносабат билдириш ўринли. У ҳам бўлса, мумтоз адабиётта мансуб бирор лирик асарлаги у ёки бу ибора ёхуд ўҳшатицни айнан бирор-бир воқеа-ҳодисага тақаш. Чунки, бадиият намунасида, хусусан, лирик асарда аниқ ном ёки ишора (адресат) кўрсатилган тақдирдагина, маълум бир ҳулоса чиқарилса ўринли ва тўғри бўлади. Мисол учун, ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида Муқимиининг жуда гўзал ёзилган баркамол асарларидан бири – “Ахтаринг” радиофли газалини шундай сиёсий тус бериб таҳлил этилган эди. Ўша талқинда жумладан шундай дейилган:

“Рамзлар, кинояли иборалар билан ёзилган бу шеър мазмунини дикжат билан ўрганиш шуни кўрсатдики, Муқимиий қандайдир бир “жиноят”да айбланиб, ҳукумат маъмурлари томонидан таъқиб этилган ва қочишга, яширинишга мажбур бўлган...” (Муқимиий ҳаёти ва ижоди. – Т. 1970. 77-бет).

Бундай ғалат талқинга эса газалнинг қуйидаги матлаъси сабаб:

Подшоҳ йўқлатсалар ногаҳ, гадо, деб ахтаринг,
Тутманг ҳаргиз номими, баҳти қаро деб ахтаринг...

Ваҳоланки, шоир таржимаи ҳоли юзасидан олиб борилган энг сўнгги та-дқиқотлар бундай воқеа аслида бўлмаганини кўрсатмоқда. Мазкур шеърда эса ошиқнинг маъшуқасига нисбатан мурожаати ва висолга етолмаганидан афсус надомати акс этган, холос.

Ёки, шоирнинг яна бир машҳур – “Ақлу ҳүш учти бошимдин, эй пари, девонаман...” дея бошланувчи дилбар газалидан мувавишаҳ санъатига қўра чиқадиган “Адолхоним” исми ва:

...Мулки Ҳинду Марвдин келсан топардим эътибор,

Шул эрур айбим, Муқимий, мардуми Фарғонаман, – дея тугалланадиган мақтаъсидан келиб чиқиб, Муқимий ва Муҳии ўртасидаги “совуқчилик”га сабаб қидириш баҳси ҳам бундан бир неча йил муқаддам кўтарилиган эди (Ўз АС, 21.06.1996).

Бизнингча, аввало, ким нима дея фараз билдиришидан қатъи назар, “Мулки Ҳинду Марвдин” иборасидан шоир Муҳийнинг исми – “Муҳийиддин” сўзи араб ёзуви талабларига кўра чиқмайди, мисрада муаммо санъати ва унга ишора ҳам йўқ.

Иккинчидан, мазкур исм чиқмагач, аслида, газал Муҳии билан боғлангани ва унинг Адолхонимга аталиб, шу аёл туфайли икки ижодкор ўртасидаги муаммонинг қўйилиши ҳам асосланмайди.

Мувашшаҳ масаласи эса анъана билан боғлиқдир. Маълумки, XIX аср иккинчи ярми мумтоз адабиётимизда мувашшаҳчилик кенг урф бўлган. Масалан, ўша давр ижодкорларидан Ҳазинийнинг йигирма, Қорийнинг ўттиз, Фурқатнинг қирқ, Муҳйининг эса қирқдан ортиқ ва, ниҳоят, Муқимиининг ўзида етмишдан зиёд мувашшаҳ бор. “Адолхоним” мувашшаҳ-ғазали ҳам ана шулар сирасидан бўлиб, шоирнинг кўп сонли муҳлисларидан бирининг илтимоси ёхуд тақлифига биноан ёзилган. Бундай дейишимизга сабаб, ўша даврдаги аксар мувашшаҳлар, бирор-бир шеърият ихлосмандининг ўзи ёқтирган киши номига атаб шоирдан шеър ёзиб бериш ҳақидаги сўровига мувофиқ яратилар эди.

Учинчидан. Муқимиининг бу шеъри 1880 йиллар охири, 1890 йиллар бошидаги ижод маҳсулларидандир. Ҳақиқатда яшаган Адолхон эса бу икки шоирдан анча ёш бўлиб, баҳсга сабаб шеър дунёга келганида, у тахминан 7-8 яшар қизалоқ бўлганлиги, эҳтимол. Чунки, Адолхонга дугона дей таъкид этилган халқ артисти, моҳир санъаткор Лутфихоним Саримсоқованинг ёши билан қиёслаганда ҳам, бу ўринда бир англамсизлик бор. Устига-устак, Муҳйининг ўзи ҳам Муқимиидан 15 ёш катта эди. Энди, унинг Адолхондан қанча ёш улуғ эканлигини бир чамаласак ҳам, бу “муҳаббат учлигини” тасаввур этишнинг ўзи мантиққа унча тўғри келмайди. Балки, бу Адолхон Муқимиш шеърида номи мувашшаҳ қилинган шахс эмасдир.

Ва, ниҳоят, тўртингчидан, мунозара га сабаб бўлиб, тадқиқотчиларни ўзига бу қадар жалб этган асосий жиҳат назаримизда, ғазалдаги сўнгги байт, яъни, мақтаъдир. Шоир унда бошқа бир ердан келиб зътибор топиш мумкинлигини ва ўзининг “айби” “мардуми Фарғона” эканлигини “афсус-надомат” билан билдиради.

Бироқ, шуни ҳам таъкидлаш керакки, бундай мотив, яъни, ўз-ўзини қайсиидир маънода маломат қилиш ва нолиш оҳангги, Муқимиидан олдинги шоирлар ижодида ҳам учрайди. Тўғрироғи, бу жиҳат мумтоз шеърият услуби учун анъанавий хусусиятлардан биридир. Масалан, ўша XIX асрнинг биринчи чорагига қадар яшаб, ижод қилган Фозий Ҳўқандий ҳам бир мухаммасида шундай ёзади:

...Ўзга ердин келсам эрди, ортар эрди иззатим,
Фозиё, айбим будурким, шоири Ҳўқандийман.

Шу билан бир қаторда, кўплаб Қўйкон шоирларининг конкрет ва реал ижтимоий воқеликни тасвирлаган ғазал ва мухаммаслари борки, унда ўша даврдаги халқнинг ҳаёти, баъзи хонларнинг сиёсатидан норозилиги каби ҳодисалар акс этган. Айтайлик, Махмур сатиралари бунга мисол бўла олади. Ёки, кейинги даврдаги Қорий, Муқимиш, Завқий, Зорий, Ёрий каби шоирларнинг баъзи шеърларида мустамлака шароитида Қўйкон ва унинг атрофида яшаётган халқнинг аҳволи, жамият ҳаёти ва тарихий воқелик акс этган. Масалан, Муқимиш ҳажвиётининг воқеалари ва қаҳрамонлари айнан юқорида тилга олинган халқ вакиллари ва тарихий шароитдир. Унинг замондоши Завқий шеъриятида ҳам ижтимоий-сиёсий мотивлар яққол сезилади. Айниқса, шоирнинг бир неча мухаммас, мусаддас ва маснавийларида Қўйконда рўй берган тарихий ҳодисалар тилга олинади ва уларга муносабат билдирилади. Масалан, “Қиссаи Фарғона” шеърида:

..Куюб икки тараф Хиштлик масжиддин ҳавли, дўконлар,
Билинг, то бу тараф Хиштқўфруку ҳам Жомеъ, Каффонлар,

Асар йўқ расталардин, куйдуруб бу номусулмонлар,
Куюб кул бўлди беҳад кўп “Далойил” бирла “Қуръон”лар,
Худодин ўзга билмас, бу нечук асрор, Фарғона...

Парчада келтирилган Қўқондаги мавжуд жой номлари асар ёзилган вақт – 1918 йил, февраль ойида шаҳар босқинчилар ҳужумидан қай аҳволга тушганини билдиради. Бу ишларнинг сабаби ва “номусулмонлар” кимлигини эса Завқий шундай изоҳлайди: “*Мусаллат қилди ноҳақ фетълимиздин бошувикларни...*”

Бу каби узвий ва аниқ тасвир ва таҳлил эса, ҳамма шоирлар ижодида ҳам кузатилавермайди. Шу ўринда, бир муаммога дикқатни қаратсак. Ижолкорнинг воқеликка муносабати ихтиёриими. мажбурийми ёки тақлидийми?

Албатта, ҳар қандай ижодкор ўзи хоҳлаган вақтда, истаган асарини ёзади. Аммо, мумтоз адабиётимиздаги айрим тарихий-ижтимоий мавзудаги асарларнинг яратилишига эътибор қилинса, доим ҳам биз айтгандай бўлавермаган чиқади.

Маълумки, XIX асрнинг сўнгги чорагига келиб бадиий адабиётда туркум шеърлар яратиш ўзига хос тарзда урф бўлган. Мисол учун, Муқимий, Завқий, Зорий, Қорий, Рожий ва Фурбатнинг фирибгар Виктор Ахматов ҳақидаги “Бектур”, “Бектурбой” ҳажвларини эсласак. Ёки, Худоёрхон тақдиди билан боғлиқ манзумалар Фурқат, Завқий, Зорий, Муҳаййир ва Котиб томонидан қаламга олинган.

Эътиборни қаратмоқчи бўлганимиз яна бир катта туркумга сабабчи бўлган воқеа 1902 йил 16 декабрь куни Андижонда рўй берган даҳшатли зилзила эди. Муҳий, Муқимий, Зорий, Писандий, Ҳазиний, Камий, Ибрат, Насимий, Шавқий, Фаёз, Ҳатмий, Дабирий, Шоҳий, Олим Нурий ва Ҳамза (Ниҳоний) каби шоирлар бу фожиа таъсирида газал, мухаммас, мусаддас ва таърихлар битганлар. Туркумни Муҳий ва Насимий бошлиб берган, дейиш мумкин. Муқимийнинг бу ҳақдаги шеъри эса вафотидан сал аввалроқ “Туркистон вилояти газети”да босилган (1903, №15). Умуман, ўша – 1903 йилнинг январь-май ойлари оралиғидаги “ТВГ”нинг бир неча сонида шу туркумда турли шоирларнинг асарлари кетма-кет босилиб турган.

Муқимийнинг таъкидланган асарни ёзиш тарихига назар солсак, қизиқ бир жиҳат равшанлашади. У жиянига юборган сўнгги (сана қўйилмаган, таҳминан, 1902 йил охири ёки 1903 йилнинг аввалида ёзилган) мактубида шундай дейди:

“...Ва яна ушбу Фарғона мамлакатлари ичра Андижон деган бир шаҳримиз бўлур эрди, бунда зилзила бўлди. Баъзи одамлар илтимоси бўйинча, ночор бетоб одам бўлсан ҳам, беш-олти мисра назмга келтурууб, таърих бўлиб эрди. Бойларга ўқуб эшиткизилса, керак бўлур, деб ҳатга қўшиб юбордим...”

Эътибор қилинса, шоир негадир “баъзи одамлар илтимоси бўйинча” де-моқда ва жиянига ҳомий бўлган Москвадаги “бойларга ўқуб эшиткизилса” дея “ҳатга қўшиб” юбормоқда. Муқимий, бу таҳлит мактубларига кўра, умрининг охирги йилларида кўп касал бўлган ва беҳолликдан ижод қилишга ҳам қўли бормаган. Бундан эса шоирнинг бетоблик ҳолида ночорлигидан деярли шеър ёзмаётгани ва ушбу таърихни ҳам ўз хоҳиши билан эмас, балки, айнан “илтимос бўйинча” битгани англашилади.

Биз бошқа шоирларнинг мазкур – “зилзила туркуми”даги асарларини яратиш тарихига доир маълумотга эга эмасмиз.

Аммо, даврнинг яна бир истеъоддли шоири Абдуллажон Насимий Хўқандий ҳам “Бечора андижонлик” шеърида зилзила воқеасига ўз муносабатини билдиргани маълум (“ТВГ”. 1903, №8). Бироқ, сўнгги изланишларимиздан аниқланишишича, шоир мазкур воқеа билан боғлиқ яна бошқа асар ҳам яратган. У дастхат мусаввада (қоралама)сида бу шеърига шундай кириш сўзи ёзган:

“Таърих санаи 1320 йилда гурраи моҳи шавволда эрди. Хўқанд шаҳрини “Жомеъ”сига азбаройи намози Ийди рамазон үчун ийигилган мардум ҳузурларида мазкур Хўқанд шаҳрини қўрбоши – Қўрбоши Доддоҳ лутфу маҳрамат узасидин камоли маъюслик даражасида жаноби Ҳазрати Вожибул Вуҷуд даргоҳига зорез ва тазарру бирла бош уруб, Андижон мамлакатидаги бечораларни, бу юрган бенамоз, шаробхӯр, фосиқларни инсофин тилаб, жумла мўъмин бандаларни ушбу замони ибратнамонинг оғатидин сақлагил, деб қўл кўтариб дуо қилгонларида мазкур жамъ бўлгон мардум “омин” деб, ийиглаб турганиларини камина Хўқанд шаҳрида баққоллиг рас-тасида тургувчи фақирул-аҳқар Мулло Абдуллажон батахаллуси Насимиий назм силкига тартиб берди” (Насимий мусаввадаси, 107^а варақ).

Йигирма байтдан иборат мазкур маснавий шундай бошланади:

Қўрқаманким ер ютар деб элни бул афъолига,
Кўб хиёнат содир ўлди амлаку амволига...

Шеър давомида эса одамларнинг йифилиб дуо қилгани, мусибатга учраганларнинг тавба қилишлари лозимлиги кабилар баён этилган. Ва, у қуйидагича якунланади:

...Эй Насимий, тавба қил, тақдир ишига чора йўқ,
На ёзилмиш, банда кўргай сафҳаи девонига.

Кузатишимизга кўра, Абдуллажон Насимий Хўқандийнинг ушбу маснавийсидаги воқеага ёндашув “Бечора андижонлик” шеъридагидан ўзгачароқ.

Албатта, унинг қай бир шеърини аввалроқ яратгани ҳақида қатъий бир нарса дейиш қийин. Лекин, муаллиф сўз юритаётган воқеани ва шу шеър тарихини “1320 йил гурраи моҳи шавволда” деб кўрсатишига қараганда, “Ийди рамазон” намози ўқиладиган шаввол ойининг боши, яъни, биринчи куни ёзган. Агар, зилзила ўша йил рамазон ойининг ўн тўртинчи куни (16 декабр)да содир бўлганини назарда тутсак, шоир айтиётган воқеа бундан 15 кунча кейинроқ, аниқроғи, 1903 йилнинг 2 январига тўғри келади.

Демакки, Абдуллажон Насимий Хўқандий олдин ушбу маснавийни, сўнгра, “Бечора андижонлик” шеърини ёзган (“ТВГ”. 1903, №8) ва унда аввалги фикрини бирмунча ўзгартирганини кузатиш мумкин. Чунки, бу шеърни шоир ўзи ихлос қўйган устози Муҳинининг шу туркумдаги “Андижона” радифли мухаммаси йўналишида яратади. 18 банд (90 мисра) ҳажмдаги каттагина ушбу мухаммасида Муҳий даҳшатли зилзила воқеаси учун Андижон халқига итоб қилмаслик, бу тақдирнинг иши эканлиги, шаҳар зилзиладан аввал обод ва яхши эди, қабилидаги фикрларни таъкидлайди (“ТВГ”. 1903, №3). Мана, унинг дастлабки банди:

Таън айламанг азизлар, зинҳор Андижона,
Ҳақ амри бирла бўлған ҳамвор Андижона,

Қилған экан муқаддар Жаббор Андижона,
Доим дуо-у ҳайрат даркор Андижона,
Сан айлама маломат зинҳор Андижона...

Зиёвуддинхон Ҳазинийнинг шу туркумдаги “Этма” радифли мусаддаси-да эса, буткул бошқа кайфиятни кўрамиз. Шоир руҳиятига хос мискинлик ва хоксорлик ила яраттандан бандаларнинг гуноҳини тилаш шеър моҳияти-ни ташкил этган. Туркумга оид яна шундай мусаддасни Ҳамзанинг “Ниҳо-ний” тахаллуси билан, 1906-1914 йиллар давомида ёзиб борган, мумтоз жан-рдаги шеърларидан иборат девонида ҳам кўриш мумкин. Ҳар икки шоир шеърининг бошлангич бандлари шундай:

Ҳазиний

Гуноҳимни, худоё, рўзи маҳшарда ҳисоб этма,
Манга мушрику кофиirlар қаторида азоб этма,
Жаҳаннам оташига куйдуруб жисмим кабоб этма,
Санга қилдим тазаррӯъ, ноумид айлаб итоб этма,
Ўзинг раҳм айлагил, Фарғонани зеру туроб этма,
Бу дорулмулкни Тошканд, Андижон янглиғ хароб этма...

Ниҳоний

Худоё, ҳолимизни ушбу кундин ҳам батар қилма,
Балолар тийги келса, бошимизни бесипар қилма,
Биза бу зиндаликни оқибат бир кун заҳар қилма,
Бу беш кунлик жаҳондин ҳасрато бирла ўтар қилма,
Илоҳо, Андижондек зилзила бирла хабар қилма,
Бизи Фарғонани ҳам бир куни зеру забар қилма...

Шу муносабат билан таъкидланган эдики: “Табиий оғатларнинг одам-лар ҳуљ-атворига алоқаси йўқлигини тушуниб етмаган ёш шоир Ҳамза ҳам устозларига эргашиб ёзган шеърида мавжуд жамиятда ёмон кишилар кўпайиб кетганлиги, ноҳақлик авж олганлиги туфайли зилзила бўлганлиги-ни қайд қиласди...” (Ўзбек адабиёти тарихи, 5 том, –Т, 1980, 387 бет).

Албатта, бу фикр ўша давр мағкураси, яъни, собиқ шўро тузуми туфай-ли юзага келган ҳам дейлиқ. Лекин, шундан кейинги мулоҳаза илмий нуқ-таи назардан мунозаралидир. Унга кўра: “...Андижон зилзиласи 1902 йил деқабрь ойида бўлган. Демак, Ҳамза 14 ёшларида, Муқимий тириклигида у билан бир шаҳарда, бир руҳда ижод қиласа бошлаган ва демократик адаби-ётнинг ёш вакили сифатида адабиётга кириб келган..”

Биринчидан. Ҳамза Муқимий билан ҳамشاҳар бўлганидан фахрланган ва ундан ўрганганилиги табиий ҳол. Аммо, бу унинг “демократик адабиётнинг ёш вакили” бўлди дегани эмас. Негаки, “Девони Ниҳоний”нинг “демократик” йўсингдамас, балки анъанавий мумтоз адабиёт таъсирида яратилгани аниқ. Ҳусусан, сўз мавзуи бўлган асари ҳам.

Иккинчидан. Ҳамзанинг Андижондаги зилзилага бағишлиланган шеъри, гарчанд бир хил мавзуда бўлса-да, Муқимий асаридан тубдан фарқ қиласди. Ва, юқорида кўриб ўтганимиздек, у Ҳазиний шеърининг “қолипи”дадир. Айтиш мумкинки, Ҳамза ушбу шеърни ёзишда, бошқа шоирларнинг бу тах-лит асарига эмас, айни жаңр ва бир хил вазнда, Ҳазинийга назира қиласди. Яъни, таъкидланган туркумдан Ҳазиний услуби ва анъанасига амал қилиб асар яратган. “Девони Ниҳоний”даги ушбу ва яна бошқа бир қатор шеър-ларда ҳам Ҳазинийга эргашиш кучли. Бироқ, шуни ҳам таъкидлаш зарур-

ки, аслида, Ҳамзанинг руҳиятида Ҳазиний каби ғам ва мунг сезилмайди. Чунки, ижодкор Ҳамзанинг кўнгил олами ва қайфиятида жўшқинлик ҳамда ҳақпаратлик яққол намоёндир.

Учинчидан. Ҳамза ушбу шеърини айнан 14 ёшларида эмас, 17 ёши (1906 йил)да ёзган. Бунга доир ҳужжатни шоир ўз қўли билан тузган (Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи, Ҳамза архиви, №590 ҳужжат).

Муаллиф “Девони Ниҳоний”ни тартибга солаётган 1914 йилда Ҳазиний нафақат Фарғона, балки бутун Туркистонда “шоири оташзабон” сифатида танилган, унинг асарлари “машҳур ва марғуб” эди. Шунингдек, шоирнинг тўплами – “Баёзи Ҳазиний” 1910 ва 1915 йиллар давомида пайдар-пай саккиз маротаба Тошкентнинг Орифжонов, Лахтин ва Порцев матбааларида босилиб турган, кўплаб шеърлари куйга солиниб, қўшиқ қилинган эди. Ҳазиний шеъриятидан таъсиrlаниш масаласи ҳам айнан шу жиҳат билан алоқадордир. Фикримизча, янгиликка интилувчан ёш Ҳамза Ҳазиний шеърларидан ўрганган ва унга маълум маънода тақлид ҳам қилган. Буни эса, шаклланайтган ижодкор учун, табиии ҳол дея қабул қилиш керак.

Шундай қилиб, Андижон зилзиласи ҳақидаги асарларнинг яратилиши билан боғлиқ айрим жиҳатлар борасида, қўйидаги мулоҳазаларга келиш ўринлига ўхшайди:

1. Муқимиининг зилзилага бағишланган шеърида фожиадан хароб бўлган ҳалқ ва унга ёрдам берувчилар тавсифланган эди. Фикримизча, бу тахлит асарлар орасида энг реал ва аниқ тасвиirlар ҳам айнан Муқимиий шеърида мужассам;

2. Гарчанд, мавзу бир хил бўлса-да, унга ёндашув, тўғрироги, муаллифнинг қай ҳолатда воқеадан нечоғлик таъсиrlанини муҳим ўрин тутган;

3. Бир хил тарихий мавзуда Муқимиий каби “илтимосга биноан”, Муҳий каби таассуф билан, Ҳазиний каби мусулмонлар учун қайгуриб, Абдулла-жон Насимий Ҳўқандий каби замона аҳволи, воизнинг маърузаси ва устоздан таъсиrlаниб, Ҳамза каби эса устозларга тақлидан асар яратиш мумкин экан.

Албатта, бу муаллифларга заррача бўлса-да, итоб қилиш эмас. Фақат, бадиий асардаги тарихий воқеликнинг тасвиirlаниши биринчи галда ижодкорнинг аҳвол-руҳиясига боғлиқ эканлигини таъкид этмоқ, холос.

Адабий манбалар, хусусан, лирик асарларда, тарихий ҳодисаларнинг тасвиirlаниши ҳақида яна кўплаб бошқа ижод намуналари мисолида ва яна ўзгача бир тур нуқтаи назар билан ҳам талқин қилиш мумкин. Аммо, юқорида таъкидлаганларимиздан, хулоса қилиб айта оламизки, Қўқон адабий муҳити доирасида яратилган айрим бадиият намуналари, жумладан, баъзи лирик жанрлардаги асарлар, хонлик ва кейинги мустамлака даври тарихи билан боғлиқ бир неча фактларни беради ёки бирор реал воқеага аниқ муносабатни акс эттиради.

Уларни атрофлича ўрганиш ва таҳлил этиш эса, тарихни тўлақонли акс эттиришда ёрдамчи манбалардан бири бўлиб қолиши, шубҳасизdir. Адабиёт доимо ўзининг энг олий вазифаси – инсони комилни васф этиш ва таърифлашдан тарих давомида чекинмагани аён бўлиб бораверади. Улуғ ижодкорларимизнинг адабий меросларига ёш авлод муҳаббатининг баландлиги ва улар билан доимо фахрланмоқлик туйғуси эса, янгидан-янги изланишлар сари етаклаши ҳам шоёни ҳақиқатдир.



Малика ИБОДУЛЛАЕВА

Күзларимдан сени ахтарар йўллаф

Шамшоддек қаддимга мажнунтол ғуур,
Тушларим эшишиб оролда сув йўқ.
Кўзгумда кўпаяр ажину ғудур,
Шамол сочим тортиб қилаверар дўқ.

Кўзларимдан сени ахтарар йўллар,
Кийилиб бормоқда зулфимга аза.
Йиртиқ юрагимни пардамга илдим –
Қаттиқ согинибди сени дераза.

Қари-и-и-б қолди бувам,
Қатқалоқ даладай юзи серажин.
Дўппилари ярашар бирам,
Тагида яшириб қўрошин изин.

Бувамнинг кўзлари – Сир, Аму,
Дил тоғ. Дард муз.
Зўрга сизар томчи ёш.
Тупроққа ҳурмати бувамнинг –
Аллоҳни зикр айлаб, ерга қўяр бош.

Тош юмшатган қўллари қадоқ,
Белбоги – дастурхон, чопони – кўрпа.

Нигоҳидан яшнар ҳар гиёх,
Бувам – замин. Фалак суюнган ўра.¹

Шу устун бешиги синмасин,
Ҳануз тушунмайман ўзимни, бироқ,
Бўлсайдим бувамнинг ҳассаси
Ёки дўпписига қалампирмунчоқ.

Уни кўрсам, юрагим ёниб,
Туйгуларим кўзин ёшлайди.
Юрак қурғур ўз хонасидан
Отилгудай ура бошлайди.

Эшитмайман. Сўзлайсан ҳамон,
Сабр косам секин ҳўплайман.
Дардинг тугаб, кеттганинг замон
Юрагимни ердан чўплайман...²

Дайди согинч хаёл қушида
Умид ила излайди сени.
Тентак қалам тили учида
Кўрсатишга уринар мени.
Ҳар куни...

Ҳар куни...

Ҳар куни....

Ой тўлса ҳам кетмайди доти,
Мен – ҳазондан куч олган дарахт.
Гўшанганд ҳам хотирам боғи,
Фамларимга келин бўлган бахт.

Малика Ибодуллаева. Хоразм вилоятининг Қўшкўпир туманида туғилган. Ҳозирда Урганч Давлат университети филология факультетининг учинчи босқич талабаси. Шеърлари журналда илк бор нашр этилляпти.

¹ Ура – устун маъносида.

² Чўпламоқ – бир-бир териб олмоқ маъносида.



Ҳакимжон КАРИМОВ,
профессор

БУГУНГИ НАСРНИНГ ХУСУСИЯТИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

Ҳаёт ва жамиятдаги барча ўзгаришларнинг асоси инсон тафаккуридир. Аёнки, тафаккур руҳият тадқики бўлган адабиёт асносида юксалади.

Маълумки, бадиий ижоддаги муайян йўналиш ўз-ўзидан юзага келмайди. Унинг ҳам ўз асоси, тарихи бўлади. Истиқлол даври ҳикоячилиги даги янгиланиш ва тамойилларнинг вужудга келиши худди шундай омилларга боғлиқ. Яъни, унтилган қадриятларнинг тикланиши, маънавиятнинг асоси бўлган динга эътиборнинг кучайиши, давлат бошқарувида демократик йўналишнинг пайдо бўлиши, бозор иқтисодининг таркиб топиши сингарилар. Бу ўзгаришлар одамларни бошқача ҳаракат қилишга ундали. Аниқки, бундай саъй-ҳаракатнинг барчаси онг, тафаккур орқали бошқарилади. Зоро, шундай экан, тафаккурдаги эврилиш адабиётда ўз ифодасини топиши муқаррар ва табиийдир. Хўш, бу ўзгаришлар истиқлол даври ҳикоячилигига қандай янгилик ва тамойилларни юзага келтирди? Булар қўйдагилардир: жанрда ғоявий-тематик кўлам кенгайди; ижтимоий, ахлоқий, маънавий, оиласвий масалага эътибор кучайди; гуманистик мазмун ва руҳий таҳдил теранлашди; миллий ўзига хослик кенг қулоч ёйди; инсоннинг ҳаётдаги ўрни, яшашдан мақсади каби масалалар моҳияти фалсафий йўналишда очиб берилди.

Бадиий адабиётда миллийлик деганда, аксарият адабиётшунослар буни урф-одатда, миллий либосда, фаолиятда, саъй-ҳаракатда, нутқда кўришади ва шу ҳолатларда ўз мужассамини топади, деб билишади. Тўғри, бу ҳолатлар миллийликни белгилайдиган омиллар хисобланади. Лекин мазкур восита ва омиллар ўзида миллийликни тўлиқ ифодлайди, деб бўлмайди. Чунки булар миллийликнинг зоҳирий кўринишларидир. Маълумки, зоҳирийлик бу шакл. Шакл эса ҳеч қаҷон масала моҳиятини белгиламайди. У белгилашга хизмат қиласидиган воситадир. Миллийлик биринчи навбатда, руҳиятда ўз мужассамини топади. Миллийликни белгилайдиган бошқа хусусиятларнинг барчаси унга боғлиқ, ундан келиб чиқади. Руҳият эса инсоннинг табиатини ва ўзлигини белгилайдиган илоҳий куч, маънавий озиқдир. Руҳияти кучли одам тўғри йўлдан тоймайди, эътиқодидан воз кечмайди. Кўп манбаларда қайд қилинган, таъкидланган миллатга хос бўлган хусусиятлар, яъни, жамоа бўлиб яшаш руҳининг устунлиги; ота-она, маҳалла-кўй; умуман, жамоатга юксак ҳурмат-эътиборнинг кучлилиги; она тилига муҳаббат; каттага ҳурмат ва кичикка иззат; аёл зотига эҳтиром; сабр-бардош ва меҳнатсеварлик; ҳалоллик, меҳр-оқибат кабилардир. Бу хусусиятларнинг барчаси миллий руҳиятнинг маҳсулидир. Чунки, мазкур фазилатлар инсоннинг жисмидан эмас, туйғусидан келиб чиқади. Бугунги кун адабиётининг қаҳрамони мана шу хусусиятга эга.

Шундай асарлардан бири Ҳуршид Дўстмуҳаммаднинг "Махзуна" номли ҳикоясидир. Ҳикояда оилани муқаддас санаш, унга гард юқтираслик аёллик бурчи эканлигини ич-ичдан ҳис қилишилик, шунингдек, ташқаридан кириб келган баъзи бир "маданий" ҳолатларни миллий рухга ёт деб билиш ёрқин акс эттирилган.

Одамларнинг турли тийнатга эга бўлиши барчага маълум гап. Лекин бу нарсанинг бежиз эмаслиги кўпчиликка аёнмас. Улуф аллома Беруний бу ҳақда шундай дейди: "Одам табиати жиҳатидан бир-бирига зид аъзолар қўшилмасидан таркиб топган мураккаб танага эга бўлганлиги боис, унинг ҳолати ўз характеристига кўра, хилма-хил ва турли-туман бўлади". Шундан борлиқдаги ҳар бир инсон ўз зоҳирий ва ботиний дунёсига эга. Жаҳон адабиётida мангуликка дахлдор асарларда шундай ёзилган. Бироқ, шўро даври адабиётida кишиларни синжаларга, типларга ажратиб, тийнатларини бир хилластиришга ҳаракат қилиндики, албатта, бу жараён хато эди. Бугун адабиёт ўз ўзанига тушди. Яъни, инсоннинг ўэлизини инкишоф қилиш орқали кишини ўзини ўзига рўпара қилишга эътибор қилинмоқда. Киши кўзгуга қараганда, албатта, бирор зоҳирий "камчилигини" тузатади, ўзига ўзи рўпара келганда эса, ўзини ботиний иллатлардан халос этади. Чунки, Француз ёзувчиси Стендалъ айтмоқчи: "Адабиёт – катта йўлга қўйилган кўзгу". Унда кишининг борлиғи намоён бўлади.

Ҳар бир давр ўзининг янги қарашлари ва тамойилларини юзага келтириши табиий ҳол. Модерн руҳидаги асарларнинг юзага келиши ва бирмунча жонланиши шунинг маҳсулидир. Тўғри, модерн, умуман олганда, адабиётда янги йўналиш эмас. У Farb адабиётida аллақачондан бери мавжуд. Лекин у ўзбек адабиётida янги тамойилдир. Бизнинг адабиётга унинг кеч кириб келишининг объектив ва субъектив сабаблари бор. Объектив сабаби шундаки, модерн руҳидаги асарлар замирида ғайритабии психологияк ҳолат бўлиши билан бирга, воқеа-ҳодисалар рамзий тасвирларда, рамзий маъноларда ифодаланади. Маълумки, тоталитар жамият бунга йўл қўймасди. Субъектив сабаб эса модерн хусусиятини, унинг йўналиши ва моҳиятини ўзлаштирган ижодкорнинг етишиб чикмаганлиги. Бунинг сабаби тузум сиёсати ва мафкурасига бориб тақалади. Бизнинг адабиётда модерн мустақилликдан сўнг анча ривожланди. Назар Эшонқулнинг "Маймун етаклаган одам", "Тўзон", "Оғриқ лаззати" ҳикоялари шу сирага мансуб асарлардир. Буларнинг барчаси модерн талабига жавоб беради, яъни, кучли рамзийликка эга. Ёзувчининг "Тўзон" ҳикоясида ўз даври учун дастурламал бўлган китоб ҳакида гап боради. Китоб борасида сўз юритиб, ёзувчи, жумладан, шундай дейди: "Китобда айтарли ҳеч воқеа йўқ, тил ҳам занглаган косов каби курук, жозиба ва нафосатдан ҳоли, дағдаға ва вахм тўла манзаралар жой олган, кўримсиз, айтиш мумкинки, гоятда дағаллик билан ёзилган зил-замбил жумлалардан иборат эди".

Бу китоб ўша даврда барча билиши зарур бўлган, лекин шуурга шуур қўшиш ўрнига мияни ғалвирак қиласидиган "КПСС тарихи" ва "Илмий коммунизм" дарслклариидир. Мазкур китобларни мияхўр деса ҳам бўлади. Чунки у онгдаги илмий Фикрларни, илм ҳазинасини парчалаб ташлайди. Оқибатда, мияда Фикр ўрнида тўзон ўйнайди. Бу тўзон кўп нарсани домига тортади. Ундан Фикрловчи одамнинг омон қолиши душвор.

Бугунги ҳикоянавислик янги номлар эвазига ҳам бойияпти. Улар асосий эътиборини дунё воқеаларини қайд қилишга эмас, инсоннинг ботиний оламини таҳлил этиш орқали дунё, замон воқеа-ҳодисаларига муносабат билдиришиб, умумбашарий фалсафий ҳақиқатни илгари суришлари, уни инсон қисмати инкишофида онгга сингдиришлари кишини хурсанд қиласиди. Наргиз Ғуломованинг "Ёмғир қўшиғи" ҳикоясида шу ҳолни кўриш мумкин. Ҳикоя қўйидагича бошланади: "Тун бўйи ёққан ёмғир тонгга яқин оз-моз шаштидан тушгандек бўлди, аммо тинишни ўйламади". Маълумки, табиат мукаммал, унда ҳамма нарса уйғунликда яратилган. Ёмғир табиатга ҳаёт

бахш этибгина қолмай, оламни губорлардан ҳам тозалайди. Шундан, ёмғирдан сүнг олам равшанлашади, ўзгача тароват касб этади. Бу ҳол давомлийликка эга. Агар инсонда шу ҳол кечса, унинг ҳаёти, турмуш йўли ҳамиша ойдин ва нилуфарий айвон бўлади. Ҳикояда ушбу ҳақиқат Баҳодир ва Муҳаббат образларида фоят ишонарли ва асосли тарзда очиб берилади.

Аристотелнинг катарсис таълимотига кўра, ўта фожиавий ҳодиса кишини қаттиқ изтиробга солади, ўз навбатида, кишини руҳан покладиди, ноҳақликка, адолатсизликка, зўравонликка қарши киши қалбиди исён туйгусини юзага келтиради.

Ҳикоячиликдаги хусусият ва тамойилларни қиссачиликда ҳам кўриш мумкин. Чунки ҳикоя насрда биринчи босқич бўлиб, ундаги ўзгаришлар катта жанрларда кенгайтирилган йўсинда ўз тасвирини топади. Қиссачиликда маънавий-ахлоқий ва фожийлик масаласи анча кенг бадий ифодаланади.

Ички кечинмалар, туйгулар, ҳислар инъикоси орқали инсон қиёфасининг тўла намоён бўлиши бадийликнинг муҳим мезонидир. Бу ҳол, ўз навбатида, истиқол адабиётининг ўзига хослигини белгилайди. Нормурод Норқобиловнинг "Қоялар ҳам йиғлайди", "Тоғ одами" қиссалари бунинг ёрқин мисолидир. "Қоялар ҳам йиғлайди" қиссасининг қаҳрамони Эрна зар полвоннинг ҳар бир ҳаракати, қадам босиши, ўтириши, атрофига нигоҳ солиши, гапириш йўсими мақсад сари йўналтирилган, яъни, бу нарсалар у қандай шахс эканлигидан далолат беради. У ўз эътиқоди ва ақидасига эга шахс. Унингча, жўмардликнинг асоси оила, шундан унга қилча хиёнат аралашиши керак эмас. Шундагина насл тоза бўлади. Насли тоза инсон гўашасига меҳр қўяди. Уни мұқаддас деб билади. Иродаси кучли, руҳан соғлом бўлиб етишади. Унинг етти пушти шу ақидага амал қилган ва бу ақидани узиш унинг аждодлари руҳига хиёнатдир. Лекин ўғли Ўсар бу ақидани бузади. Ҳатто отасига қўл кўтаради. Бундан қоялар ҳам ғазабга келиб, кўчкисини кўчиради, қалъадай тошлардан бири уни йиқитади, сўнг, чоғрок харсанг белидан босади. Қисса ҳаётий ҳақиқатнинг бадий талқини воситасида инсоний фалсафадан сабоқ беради, кишини кўп нарсадан огох қиласди.

Ҳаётда инсон қўли билан яратилган, юзага келтирилган барча нарсани йўқотиш ёки барпо қилиш мумкин. Лекин ноҳақлик ва адолатсизлик туфайли инсоний ғурур ва шаънининг топталиши оқибатида, қалбда юзага келган сувайдони йўқотиб ҳам, ўчириб ҳам бўлмайди. Чунки у инсоннинг вужудига жойлашади. Уни йўқотиш ўзини ҳам жисман йўқ қилиш демакдир. Табиийки, сувайдо юракда бўлгач, кишини безовта қиласди. Башарти инсоннинг инсонийлигини белгилаб берадиган шу туйғу устидан кулинса, мазах қилинса, бу ҳол дунёдаги барча ёвузликлардан кўра ҳам ёвузликдир. Кўнгил туйгулари пора-пора қилинган қалб изтироби эса, барча азоблардан ҳам азоблидир. Чунки унда инсоннинг кўнгил майли билан маънавий олами, одамийлик ва инсоний қисмат, тақдир юзма-юз қиласди. Албатта, бундай хусусият барча одамлар учун эмас, балки жўмард инсонларга-гина хос хусусиятдир. Бу нарса Нормурод Норқобиловнинг "Тоғ одами" қиссасида ўзининг бадий ифодасини топган.

Инсоният олами ҳамиша икки – маданият ва маънавият мукаммаллигига талпинади. Негаки, маданият фароғатли турмушни юзага келтирса, маънавият инсон комиллигини таъминлайди. Лекин бу нарса ўз-ўзидан юзага келмайди. У инсон фаолиятига боғлиқ. Инсонни англаш, унинг барча жабха ва пучмоқларининг қаърига кирмоқ демакдир. Сабаби, инсоннинг аъмолисиз ҳаёт – жамиятда (табиатда эмас) ҳеч нарса содир бўлмайди. Бугунги адабиётнинг замирида худди шу ҳақиқат ётади. Абдуқаюм Йўлдошнинг "Тимсоҳнинг кўз ёшлари" номли қиссаси бунга яққол мисолидир.

Қисса қаҳрамонларининг барчаси зиёлилар. Ҳаёт ҳақиқатидан маълумки, мазкур қатламнинг соғлом фикрлаши, адолат учун кураши жамиятнинг халқ манфаатига қаратилган тўғри йўналишини белгилайди. Агар улар-

нинг ҳаётга қараси, уни идрок этиши ҳақиқатдан йирок, шахсий манфаатига қаратилган бўлса, ҳаёт-жамият олға силжиш ўрнига, тобора таназзулга юз тутиб боради. Кисса қаҳрамонлари мана шу иккинчи тоифага мансуб шахслар. Ёзувчи бу ҳақда гапирмайди, деталларда ва тутган ишида кўрсатади.

Киши онггида, дунёқарашида ўзгариш бўлмас экан, ҳаётида, турмуш тарзида, табиатида ҳам ўзгариш бўлмайди. Бундай шахслар нурли чўққи-лар сари кўтарилилмайди, балки зулмат ботқоғи тубига бота боради. Қалбида инсонликни таъминлайдиган туйғулар сўниб, куфр уруғи сепила бошлийди. Бу ҳол инсониятнинг ўзинигина эмас, жамиятни ҳам тараққиётдан қолдиради. Чунки барча ўзгариш инсоннинг саъи-ҳаракатига боғлиқ. Шойим Бўтаевнинг "Бир кунлик меҳмон" номли қиссасида худди шу нарса ўзининг бадиий ифодасини топган. Кисса сюжетини бир кунлик воқеа ташкил қиласи. Ана шу бир кунлик воқеа тасвирида, умуман, тараққиётдан орқада қолган қишлоқ ва унинг одамларининг қиёфаси гавдалантирилади. Асар шаҳарда вазирликда кичик бир лавозимда ишлайдиган Сайдмурод Олимовнинг қишлоқдаги курсдоши Холмўминнинг йўқлаб келиш воқеасидан бошланади. Сиртдан қараганда бу одатдаги ҳол. Лекин у мақсад сари йўналтирилгани учун аҳамиятлидир. Ёзувчи бу мақсад ҳақида бир оғиз ҳам гапирмайди, балки ҳолатни тасвирларда аниқ кўрсатади.

Кейинги давр адабиётида воқеа-ҳодисалар, ижтимоий муаммолар тасвиридан кўра, инсоннинг руҳий олами, руҳий кечинмалари, дард ва изтиробларини тасвирлаш етакчилик қиляпти. Чунки барча ҳаётий масалалар, муаммолар инсон хатти-ҳаракатига бориб тақалиши бор ҳақиқатdir. Бу борада, айниқса, инсоннинг инсонийлигини белгилайдиган эътиқод, ҳалоллик, поклик, ахлоқий масалалар муҳимdir.

Детектив йўналишдаги асарларнинг кўпайиши ҳам бугунги насрнинг хусусияти ва тамойилларини белгилайди. Детектив асар воқеалари жуда катта мантиқ асосига қурилмоғи ва унинг моҳияти кучли фалсафий тафаккур орқали очилмоғи даркордир. Ана ўшандагина, асар жиноят хусусида ёзилган лавҳа, бадиий ва ҳужжатли очерклардан фарқ қилиб, бадиий асарга айланади. Лекин бу сирада юзага келган барча асарларда ҳам бунга риоя қилинган деб бўлмайди. Детектив саналиши учун биринчи навбатда, асар сюжети сирли воқеа асосига қурилиши, тугун ортидан тугуннинг юзага келиши, онг сирни очиш, тугунни ечишга йўналиши, мияни "чатнash" даражада фаолиятга ундаши, тасвир суръатининг шиддаткорлиги, фош этишда тафаккурга суюнилиши, буларнинг барчаси жиноятни очиш жараённада рўй бермоғи даркор. Муҳими, асарнинг замиридаги foя жиноятчиликка қарши курашнинг бадиий-эстетик қуролига айланмоғи керак. Яна бир хусусияти, асар ички оламидаги интеллектуалликнинг кучлилиги, яъни, жиноятни фош қилишда тафаккурнинг бекиёс имкониятларини ишга солиниши, шунингдек, ички туйғу асосида мантиқий тафаккурга таяниб хулоса чиқариш ҳолати устунлик қилмоғи лозим. Алишер Ибодиновнинг "Латофат" дўқонидаги қатл" қиссасига шу нұқтаи назардан ёндашсак, қатор эътиrozлар туғилади. Кисса детектив талабига риоя қилинмай, яъни, жиноят тугуни ўрнига қишлоқда баҳоли қудрат тириклигини ўтказиб юрган, ширингина оиласи ва икки фарзанди бўлган Аҳроржоннинг шаҳардаги ишбилармон, бадавлат тоғаси таклифи билан шаҳарга келиб, ташқариси сунъий оқ мармар кошин билан безатилиб, пештоқига ҳозирги ва араб имлосида "Латофат" дея ёзилган дўкон хизматчисига айланганидан бошланади. Ундан кейин Аҳроржоннинг Латофатни севиб қолиш тарихига ўтилади.

Латофатнинг фожиаси ҳам ишонарли кучга эга эмас. Чунки ўшандай шармандали ҳолдан сўнг, хеч бир аёл ўзига кўнгил қўйган одамдан умидвор бўлолмайди. Зероки, шундай экан, унинг дўқонига келиши атайнликдан бошқа нарса эмас. Аслида, унинг ўлдирилишида ҳам асос йўқ. Хулоса қилиб айтсак, мазкур асар юкоридаги асосларга кўра, детективлик тала-баларига жавоб бера олмайди.

Ёзувчининг кейинги, хусусан "Деразангни чертганида ёмғириу шамол", "Бу қаро тун-дунё" қиссаларини ўқиган китобхон бир нарсани, яъни, қиссадан қиссага ўтган сари детектив асар талабларини ўзлаштириб бораётганини, ҳатто замон хусусиятидан келиб чиқиб, янги ифода йўналиши топганлигини яққол сезади.

Мустақилликдан кейин ёзилган романларда ҳам янги хусусият ва таймойиллар юзага келди. Бу тарихий шахслар сиймосини яратишга эътиборнинг ортиши; воқеа-ҳодисалардан кўра, инсоннинг ўзига эътибор кучайиши; инсоннинг руҳияти ва қалбини кашф қилишга мойилликнинг авж олиши; инсоннинг саъй-харакати, табиати, ҳаётий мантиқ асосида батафсил тасвирланиши; модерн йўналишдаги романларни юзага келиши кабилардир.

Мустақиллик шарофати билан тарих ва тарихий шахсларга муносабат ўзгарди, яъни, тарихий жиҳатдан тўғри ёритила бошланди. Шундай асарлардан бири Бўрибоя Аҳмедовнинг "Амир Темур" роман-хроникасидир. Хўш, роман-хроника киши онгигга қандай қадриятларни сингдиради?

Биринчидан, Соҳибқирон хусусидаги турли қарашларга барҳам берди. Маълумки, Амир Темур хусусида бир-бирига зид фикрлар бадиий асарлардагина бўлмай, ўз замондошлари томонидан ёзилган тарихий манбаларда ҳам кўзга ташланар эди. Хусусан, Ибн Арабшоҳ ўзининг "Темур тарихидан тақдир ажойиботлари" китобида Амир Темур Чингизхон қонунлари ва йўл-йўриқларини Муҳаммад пайғамбар шариатидан устун кўрганлигини ёзиб, файридин-мўғулга чиқариб қўяди. Шунингдек, унинг Соҳибқирон Боязидни асир олгач, унга бўлган муносабатлари хусусида ёзганларини ўқиган китобхон Амир Темур шахсияти ҳақида аниқ бир хulosага кела олмай, иккиланиши табиийдир.

Иккинчидан, Амир Темур юришларининг асл моҳиятини инкишоф қилиш билан бу ҳаракатнинг асл сабаби кўп манбаларда ёзилгандек, бутун дунёга, ҳеч бўлмаса унинг ярмига ҳукмрон бўлиш эмас, балки жумлаи жаҳонни ҳар тоифадаги адолатсиз подшоҳ ва мурсидлардан (фасодчи, бузғунчи) химоя қилиш, "бозоргон ва зиёратчиларни йўлтўсар босқинчиларнинг таъадди ва зулмидан кутқариш," феодал тарқоқликка барҳам бериб, марказлашган давлат барпо этиш орқали ўзаро низоларни йўқ қилингандигини англашади.

Учинчидан, куч адолатда эканлигига ишонтиради.

Тўртинчидан, Амир Темур ва унинг даврининг ҳақиқий аҳволи, маданияти, одамлари ахлоқи, урф-одати, сиймолари хусусида аниқ тасаввур уйғотади.

Бешинчидан, Амир Темур барпо этган Мовароуннаҳр давлатининг қудратини тан олиб, Испания, Италия, Франция ва Англия каби йирик Farb мамлакатлари маданий ҳамда иқтисодий алоқалар ўрнатиш учун ҳаракат қилганликлари, шу ниятда ўз элчиларини юборганиларни аниқ ҳужжат асосида инкишоф қилинади.

Асарда фаолият кўрсатган, воқеалар тизимини ҳаракатга келтирган образларнинг барчаси тарихий шахслардир. Уларнинг бажарган иши, ўй-фикри, кимлиги, қандай зийнатга эгалиги бир шахс фаолияти билан белгигиланади, яъни, Амир Темур саъй-ҳаракати орқали бир шахс кўпчиликни ҳаракатга келтириб, уларнинг шахс сифатини, ҳаётдаги ўрнини, халқи, Ватани тақдирида тутган ролини кўрсатса, қисмати, фожиаларидан кишининг ўз келажагига тегишли бир хулоса ясашга ундаса, ўз навбатида, буларнинг барчаси Соҳибқиронни бутун борлиғи билан киши кўз олдида гавдалантиришга хизмат қиласди.

Қайсики бадиий асарда инсоний ички кечинмалар жараёни, изтиробла-ри моҳияти ўзининг фалсафий талқинини топса, ўша асар ҳар қандай жамият ўзгаришида ҳам умрини тугатмай яшаб қолади. Пиримкул Кодировнинг "Она лочин видоси" номли янги романи ҳам шундай фазилатта эгали-

ги билан китобхон қалбини забт этади ва маънавий оламини бойитиш орқали, ўз ҳайт йўлини тўғри белгилашга имкон туғдиради. Бу нарса эса, ўз навбатида, жамиятнинг инсонийлашувига, демократиянинг янада кучайишига асос ҳам бўлади. Чунки ҳалқи комил бўлган жамиятдагина адолат ва инсон манфаатларига йўналтирилган қонун ҳукм суради. Демак, роман инсон камолотига хизмат қилади. Хўш! Асарнинг бундай ижобий таъсир кучи нималарда кўринади?

Биринчидан, тарихий воқелик инсон фаолияти, қисматидан айри ҳолда эмас, балки чамбарчас боғлиқ тарзда тасвиirlанганлигига. Иккинчидан, инсон изтиробларига боис бўлган вазиятнинг келиб чиқишибабини таҳлил қилиш борасида бизга таниш бўлган сиймоларнинг – Шоҳруҳ Мирзо, Гавҳаршодбеким, Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Алишер Навоий, Абулқосим Бобур, Абусайид Мирзо, Ёдгор Мирзо, Алоуддавла, Абдулатиф ва бошқа тарихий шахсларнинг қандай инсонлар эканлиги изҳор қилинганлигига ва уларга нисбатан аввалги мафкуравий қарашларга аниқлик киритиб, олдинги тасавурларни ўзгартирганида. Учинчидан, инсоний изтиробга дучор этган воқеалар моҳиятини очиб бериш борасида, шахснинг ботиний дунёсини кўрсатишида. Тўртинчидан, энг муҳими, одамийлик, маънавиятнинг замини, илдизи илмда эканлиги ҳаётий шахслар тимсолида ўз исботини топганлигига, асарнинг бу фазилатларини китобхон воқеалар оламида англаб олади. Бунга у мушоҳада қилиш орқали эришади. Чунки ёзувчи тарихий воқеликка бўлган ўз нуқтаи назарини оғзаки баён килмаган, романнинг сюжет чизиги замираига синтдирган. Асар воқеаларини шу тарзда куриш ёзувчи маҳоратидан далолатдир.

Истиқлол барча воқеаларни тўғри англаш ва тўғри ёритиш, тарихий шахсларни эса давр сиёсати, мафкураси нуқтаи назаридан эмас, балки ҳаётий ҳақиқат ҳамда тарихий жихатдан ҳаққоний инкишоф қилиш имконини берди. Муҳаммад Алининг "Улуғ салтанат" тетралогиясида шу нарса ёрқин ўз ифодасини топган. Бадиий асарда, албатта, воқеаларни ҳаёлий яратиш, кўшиш, олиш ҳодиси бўлади. Мазкур тетралогия ҳам бундан мустасно эмас. Лекин улар ёзувчи ғоясини ифодалашдан ташқари, тарихий рухини бериш билан воқеаларни аниқ манзарасини нақшлантирган, замон ва маконини белгилаган, шунингдек, қаҳрамонлари қиёфасининг ёрқинлигини, жонлигини юзага келтирган. Чунки тетралогияда воқеалар тасвирида тарихийликдан чекинилмаган. Бундай жихат барча, яъни, етакчи образлар қаторида эпизодик персонажлар тасвирида ҳам ўз ифодасини топган.

Бу воқеалар тарихдан бир лаҳза ҳам узилмайди, доимо давр руҳи "куршовида" берилади. Маълумки, инсонийликнинг муҳим белгиларидан бири, дўйстликка садоқат, ўрни келганда, улардан кўмагини аямаслиkdir. Амир Темур шундай қиласди.

Романда Жаҳонгир Мирзо ва Хонзода бегим ҳаёти билан боғлиқ бўлган тасвиirlар киши қалбини яшнатиб юборади. Бир-бирига мос, бир-бирига интиқ ёшларнинг қовушиши кишини қанчалик хурсанд қилса, йигирма яшар шаҳзоданинг касалдан кундан-кунга сўлиб бориши ва фарзандини қўлга олишга мадори етмай, бурнидан қон отилиб, жон таслим қилиш ўринлари Хонзода бегим бағрини қанчалик куйдирса, киши қалбини шунчалик вайрон қиласди. Булар тетралогиянинг биринчи китоби – "Жаҳонгир Мирзо"да инкишоф қилинган.

Тетралогиянинг иккинчи китоби – "Умаршайх Мирзо" деб аталади. Асар Олтин Ўрда хони Ўрусхоннинг машварати, унга сўз қайтарган Тўхтамишнинг отаси Тўйхўжанинг ясоққа ётқизилиши воқеалари билан бошланади. Шу воқеа муносабати билан чингизийлар авлоди, хусусан, Ўзбекхон, Ўрусхонлар ҳақида анча кенг тушунчага эга бўламиз. Ва, кўп тарихий воқеаларни очиб бериш баробарида, тарихий шахсларнинг, жумладан, Амир Темурнинг табиатини, шахсиятини инкишоф қилишга, шунингдек, сюжет кўламини кенгайишига имкон берадиган Тўхтамишхон характеристи кириб келади.

Лекин романда реал тарихда бўлмаган, ҳаётий мантиқ инкор қиласидиган ўринлар ҳам мавжудки, соф тарихий асарда бундай ҳолнинг бўлмаслиги дурустдир. Амир Темурни "тит-питиси чиқиб кетган қулоҳ, эгнида уриниб-роқ қолган жанда кийиб" дарвеш ҳолда бозору маҳалла-гузарларни айланаб чиқиши, шахсни бўрттиришдан бошқа нарса эмас. Тўғри, ҳалқ эртаклари, достонлар, ҳатто ёзма адабиётда ҳам бундай ҳол учрайди. Бу, энди, ҳалқнинг, ижодкорнинг идеалидир. Буни Амир Темурдек реал шахсга кўчириш жоиз эмас. Айниқса, ўша кийимда, ариқ бўйида ўтирган қизнинг исмини сўраши, ўша давр, тарих нуқтаи назаридан қараганда, ҳаётий мантиқка тўғри келмайди. Сабаби, шариат ва тариқат қоидалари буни инкор этади. Шунингдек, дарвеш ахлоқига ҳам зиддир. Чунки уларнинг номаҳрамга гап отиши асло мумкин эмас.

Бадиий асарга жозиба бағишладиган, унга кишини оҳанрабодай тортадиган нарса инсон қалб туйғуларини, изтиробларини, айниқса, инжа хилқат ҳисобланган аёллар қалб дунёсини очиб беришдир. Тетралогиянинг учинчи китоби – "Мироншоҳ Мирзо"да шундай қилинган. Сароймулхонимнинг салтанатда тутган ўрни, малика ва шаҳзодаларга инсоний фазилат жихатидан амалий таъсир ўтказиши китобхонга кўп маънавий озуқа беради.

Тарихий шахслар ҳақида бадиий асар яратиш ниҳоятда мураккаб жараён. Чунки тарихни жонлантиришдан ташқари, тарихий шахснинг табиатини, маънавиятини, руҳиятини ҳаётий мантиққа, тарихий воқееликка зид бўлмаган ҳолда ифодалаш керак. Бу эса баёнда эмас, аниқ воқеа орқали тасвирланиши, хатти-ҳаракатида, фаолиятида кўрсатилиши, ўй-фикр, гап-сўзида очиб берилиши лозим. Бу, албатта, осон иш эмас.

Хар бир давр ўз муаммоси, концепцияси, позицияси ва қиёфасига эга бўлади. Бу ҳол нафакат одам, балки жамият фаолиятига ҳам таъсир қилиб, унинг йўналишини ҳам белгилайди. Маълумки, ҳаётдаги ҳар бир ўзгариш инсон фаолиятисиз кечмайди. Шукур Холмирзаевнинг "Олабўжи" романни эзгулик ва фосиқлик дунёсининг инкишофи асосига қурилган. Эзгулик оламини Ултон, Ашим (Қорабой), Хуррам, Турсунтош (Турсуной), Абдуқаюм, Дунё, Қобиллар ташкил қиласа, мунҳатлик дунёси Тўхлибой Кўчкоров, Бахор, Бўтабой Сўпиеv, Тараканов, Маҳфират Эгамқоловалар фаолиятида ўз ифодасини топади. Роман полифония хусусиятига эга. Унда тоталитар жамият тузумидаги барча негатив ҳолат ва иллатлар инкишоф қилинган. Бу ҳолат асарнинг биринчи саҳифасидан бошлаб то ниҳоясигача давом этади.

Бугунги кун адабиётининг қаҳрамонлари ўта маънавиятли ва ўта мулоҳазакор шахслар. Оlam ва одам ҳақида кенг фикр юритади, ҳаёт, жамият иллатларидан, ноҳақликдан, ёлғончиликдан, энг муҳими, имон ва эътиқодсизликдан қайтушишади, изтиробга тушишади. Яна шуниси муҳимки, улар иллатларни жамият, муҳитга боғлашмайди, балки барчасига инсоннинг ўзи сабабчи деб қарашади.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Бозор" романининг асосида худди шу нарса ётади. Бозор сўзи рамзий маънога эга. У икки маънони англатади. Биринчи маъно – ҳаёт, жамият, бугунги кунни ифодалайди. Ҳаёт ва жамиятнинг таназзули одамларнинг, унга муносабатида табиий, диалектик қонун асосида бўлмасдан, волюнтаристик асосда бўлса, бозорнинг ичидан емирилиши у ердаги қаллоблик, одамлар ҳақига хиёнат килишлик, яъни, тарозидан уришлик, алдамчилик, риёкорликдир. Бу инсоннинг қалбида инсоний туйғулардан кўра, нафс туйғусининг етакчилик қилишидан далолатдир.

Иккинчи маъноси – инсоннинг инсонийлигини, табиатини, маънавиятини, комиллигини белгилайдиган макон, маҳак тоши. Ҳақиқатдан ҳам бозордаги хатти-ҳаракат, одамларга бўлган муносабатда билинади. Адид бу ҳақиқатни образлар тизмаси орқали очиб беради.

Улуғбек Ҳамдамнинг "Мувозанат" романни жуда вақтида ёзилган асардир. Романнинг бош қаҳрамони Юсуф. Асарнинг барча воқеалари унга боғлиқ равишда кечади. Тўғри, у ҳамма воқеаларда бевосита иштирок эт-

майди, лекин уларнинг юзага келиши унинг саъй-ҳаракатисиз бўлмайди. Бундан кўринадики, Юсуф асарнинг ўқ илдизи ва гёё кўзгусини ташкил қиласди. Чунки биз у орқали ҳаётнинг ҳамма пучмоқларидағи ҳолат ва вазиятларидан, шунингдек, одамларнинг изтироб ҳамда фожиаларидан хабардор бўламиз. Инсон бошига тушган кулфат, фожиадан кутилиш учун ташки оламдан эмас, ботинидан мадад тиласа қалбидаги мувозанатни сақлаб қолади. Юсуф шундай қиласди.

Адибнинг "Исён ва итоат" романни ҳам муаммоли бўлиб, унда итоат ва исённинг моҳиятини бадиият орқали очиб беришга уринади, яъни, қаҳрамонларининг қисматида, ўй-фикр, мулоҳазасида, саъй-ҳаракатида кўрсатишга интилади. Ўзининг бу борадаги қарашларини Табиб орқали илгари суради.

Бугунги романлар кечаги романлардан бир қанча ҳусусияти билан кескин фарқ қиласди. Яъни, одамнинг қалб изтироблари, қувончларининг бетакрор таҳлили ва руҳиятининг турфа кўринишлари инкишофи билан, шунингдек, воқеа-ҳодисалар тасвирининг батафсиллиги ҳамда уларнинг ҳар бири мақсад сари йўналтирилгани, қаҳрамонларнинг ўта миллий ва индивидуаллашгани билан ҳам характеристери. Бир сўз билан айтсан, воқеа-ҳодисадан кўра, инсон, унинг қалби таҳлили биринчи ўринга чиқсанлиги билан ҳам аҳамият касб этади. Бу ҳусусият Луқмон Бўрихоннинг "Жазирамадаги одамлар" романидаги ўз ифодасини топган.

Романдаги ҳар бир қаҳрамон фаолияти, албатта, инсонийликка даъват этади ёки ёмон ҳаракатлардан қайтаради. Бу нарса ақлли гаплар ёки фалсафий фикрга эга бўлган нутқ ирод этиш билан амалга оширилмайди, балки хатти-ҳаракатнинг жонли тасвири, гап-сўзларнинг ҳаётйлиги, индивидуаллиги билан намоён бўлади.

Хозирги давр адабиётида янгича шаклларни қўллаш, шаклда турли тажрибалар қилиб кўришга уринишларни кузатиш мумкин. Бир қадар мураккаб асарлар замираидаги ётган ғояларни тезда илғаш қийин. Уларни тўла тушуниш маҳсус тайёргарликни талаб этади. Чунки серқатлам сюжет йўналишига асосланган бундай асарларда воқееликнинг ўзигина ифодаланмай, янгича услублар ёрдамида уйғунлашгани ҳолда ўтмиш ва бугун, ривоят ва реал ҳаёт тарзлари акс эттирилмоқда.

Оlam муаммоси, унинг воқеа-ҳодисалари сабабини хис қилиш, ёритишдан кўра, инсон олами сирли, уни англаш, инкишоф қилиш мураккабдир. Чунки инсоннинг ўзи, унинг қалби бутун бир оламдир. Қолаверса, оламдаги (табиат ҳодисаларида бошқа) барча жараёнларнинг юзага келиши, рўй бериши, ҳаётда эзгуликнинг тантаси ҳам комил инсоннинг ўй-фикри, ҳаётий фалсафаси ва уни амалга оширишдаги саъй-ҳаракатига боғлиқдир. Бундан кўринадики, ҳаётдаги ҳар жабҳанинг мақсад сари йўналиши инсон заковати ва унинг маҳсули туфайлидир. Кейинги давр адабиётида худди шу нарсани очиб беришга эътибор кучайяпти.

Хулоса қилиб айтсан, бугунги адабиёт ўз ўзанига тушди, яъни, мавзулар бир хиллигидан қочиб, ўз нигоҳини кенг оламга – инсон қалбига қаратди. Ижодкор ўз асари орқали илгари сурмокчи бўлган концепциясини плюрализм тамойилига асосланиб акс эттиряпти. Бу бугунги адабиётнинг бош ҳусусиятидир.

**Муқаллас ТОЖИБОЕВА,
ЎзМУ докторанти**

“ҲАЁТИ ЖОВИДОН МИЛЛАТ”

Ўзбек халқи кўп асрлик тарихи ва бой маданияти билан жаҳон адабиёти хазинасига ўз улушкини қўшиб келган.

Хусусан, жадид адабиёти ва шу йўналишда асарлар ёзган ижодкорларнинг тақдири XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошларидағи ижтимоий воқеликнинг бадиий ифодаси эди. Бинобарин, бу давр жадид ижодкорларининг кўзлаган мақсади ва тузган режаси тайин: туркий маънавий меросни, шунингдек, мумтоз адабиёт анъаналарини том маънода чукур ўрганиш, давом эттириш, миллат орасида кенг ва тенг ёйиш, уни ривожлантириш, ҳурфикарлик ва миллий истиқтол учун кураш эди. Шунинг учун ҳам жадид адабиёти намояндадарининг ижод маҳсуллари миллатни уйғотган, уни истиқболга етаклаган қадим адабиёт заминида пайдо бўлган ишқ, маърифат, ҳақиқат, табиат ғояларини янада тараққий қилдиришга йўналтирилган.

Жадид адабиётининг ўзаги, пайдо бўлиши ва унинг такомил топиши, шубҳасиз, мумтоз адабиётимиз илдизларига бориб уланади. Жадид ижодкорлари ижодиётининг энг қимматли жиҳати шундаки, улар мумтоз адабиётимизда юкори поғоналарга кўтарилиган анъанавий ғазал, мухаммас, таркибанд, робойи, чистон каби шеърий шаклларни, янги ғоялар билан бойитган ҳолда давом эттирганлар. Шунингдек, мавзу ва жанр доирасини кенгайтириб, сатира, юмор ва драматик усуслда ҳам қатор асарлар яратганлар.

Жадид ижодкорлари ёзувларига назар ташласак, уларнинг маҳорати ҳамда ижодий эволюцияси кўпроқ ғазал жанрида намоён бўлганини кузатиш мумкин. Ижодкорлар Навоий, Бобур каби улуғ даҳолар издошлири сифатида, улар ижодида яратилган ғоявий-бадиий анъаналарини ўзига хос тарзда ривожлантирадилар, Ватан тақдиридан куюнадилар ва унинг истиқболига ишонадилар, инсонни, мұхаббатни, гўзаллик ҳақидаги орзуларини куйладилар, маърифатпарварлик қарашларини тараннум этадилар, ижтимоий воқеликни ҳам ғазал шаклига сингдирадилар.

Ишқ-муҳаббат, севги-садоқат мотивлари адабиётимиз каби қадимийдир. Шоир Исҳоқхон Ибрат ижодида бу мотив алоҳида мазмун касб этади, таъбир жоиз бўлса, ибратона жўшқинлик, ҳасрат билан жаранглайди. Ибрат лирикасида ишқий кечинмаларнинг кутилмаган лавҳалари ишончли ва ҳаётний тарзда ифодаланади:

Рамуз, дилбари жонон, мани адо қиласиз,
Бу телбаларни яна ғамга мубтало қиласиз.
Сучук тил била табассум қилиб, сўраб ҳолим,
Аввалда ваъда бериб, охири жафо қиласиз.

Сиддиқий Ажзий эса, ўз салафлари ва ҳалафлари қаторида, асарларнинг тасвир сираси қилиб реал ҳаётни олади. У ҳаётбахш ишқ билан бир

қаторда, замона ва аҳли замона ҳаётини куйлайдики, шоирнинг давр садолари сингдирилган битиклари ўтган аср йигирманчи йиллар ўзбек ижтимоий шеърияти учун муҳим материал бўла олади.

Хилолинг сувратидек, эй фалак, қаддим дуто этдинг,
Вужудим оташ ҳасратила ёндурудунг, фано этдинг.
Балолар ўқларин ёғдирдинг, ижро ўлди у бешак,
Бу мақсаддан бани маҳдуди пайкони бало этдинг.

Бундай йўсингдаги шеърлар миллий-маърифий рух билан уйғуллашиб, мумтоз адабиётдаги маърифатпарварлик мавзусини янги поғонага кўтаргани аниқ. Бу борада, Аваз Ўтар ижоди анчайин характерли. У халқининг, миллатининг тақдиди йўлида ҳамиша куюниб яшаган. Шоирнинг асосий ғам-ташвишларидан бири ўз халқини маърифатли кўриш эди. Шунинг учун ҳам у илм ва маърифатни куюнчаклик билан тарғиб қиласди:

Топар экан қачон, ё раб, ҳаёти жовидон миллат,
Топиб илму ҳунар бирла маорифдин нишон миллат.

Маърифатпарварлик ғояларини ўзига хос усуlda тараннум этган шоир Аваз Ўтар "миллатни илму урфондан баҳраманд" этиш зарурлигининг мукаммал ифодасини беради, ҳатто, бу борада, ота-оналарга ҳам масъуллик вазифасини юклаб, "ота бирла онага фарз ўқитмоқ бизни мажбурий", деган фикрни илгари суради.

Жадид ижодкорлари Шарқ адабиёти тажрибаларини чуқур ўрганганлари ҳолда, табиий эҳтиёжларидан келиб чиқиб ўз ҳис-туйгуларини ифодалаганлар. Бу борада, адабиётшунос олим, профессор Иброҳим Ҳаққулов: "анъанавийлик – Шарқ адабиётининг ўзига хос хусусияти ва ҳаракат йўли. Унда умумий ўхшашлик ва такрор ҳам, янгилик ва қашфиёт ҳам бор. Шоирликнинг мақсад ва интилишлари, эришган натижа ва муваффақиятлари гоҳо бир-бирига гоятда монанд", деган фикрни билдиради. Бундай анъана жадид ижодкорлари ижодида нафақат назмда, балки насрда ҳам давом этган. Масалан, Абдулла Авлонийнинг "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" номли таълимиy-ахлоқий асари Шарқ мумтоз адабиётининг йирик намояндаси Саъдий қаламига мансуб "Гулистон"нинг тадрижий давоми сифатида яратилган. Саккиз бобдан ташкил топган таълимиy-тарбиявий "Гулистон"-да яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик каби жиҳатлар ҳам назмий, ҳам насрый тарзда уйғуллаштириладики, бу ижодкорнинг ҳаёт тажрибаларидан чиқарган ахлоқий хулосаларини китобхонларга таъсирчан қилиб етказишдаги ўзига хос усули эди. Шунинг учун ҳам етти аср бўлибдики, мазкур асар қалбларда ихлос топиб келмоқда. Саъдий ҳикматлари, кейинги давр адабиётидаги таълимиy-тарбиявий асарлар яратилиши учун ҳам "хамиртуруш" бўлиб хизмат қиласди. Олти асрдан кейин ёзилган Абдулла Авлонийнинг "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" (1914 йилда илк бора чоп этилган) асари Шарқ мумтоз адабиётининг улуғ намояндаси изидан бориб, унинг панд-ўгитларини янгитдан, қайтадан ривожлантириди. Саъдий ўгитномасининг довруғдор бўлиши, унинг фақатгина ғоявий юксаклигига эмас, балки бадиий жиҳатдан ҳам ўзига хослигидадир. Асарда фикрлар содда, аммо таъсирли қилиб, аввал насрда ифодаланади, насрый ҳикматларнинг равон ўқилиши ва уқилишини кичик ҳикоятлар ичida берилган мақоллар, турли бадиий воситалар, ички қофиялар таъминлайди. Ҳикоятлар сўнггида эса, мазмунни чуқурлаштириш мақсадида, фикрлар шеърий мисраларда ўз холосасини топади. Бу эса, айтилмоқчи бўлган гап мазмунини янада тезроқ ва аниқроқ тарзда етказишга хизмат қиласди.

Абдулла Авлоний ўз фикрларини таъсирчан ва ёрқин ифодалашда, айнан, Саъдий йўлидан бориб, таълимиy-тарбиявий характердаги "Туркий гу-

листон ёхуд ахлоқ" асарида оқилона фикр-ҳикматларни беришда қурук, яланғоч ваъзхонликдан, сафсатабозликдан ўзини йироқ тутади, аксинча, фикр-ғояларини қиёмига етказиб айтишда янги сўзни топиб қўллашга алоҳида эътибор қаратади. Сўзларни топиб ишлатишга, оз сўзга кўп маънони сингдиришига ҳаракат қиласи. Унинг сўзлари қиска, лўнда, аммо аник, жонли ва ёқимли. Жонли ва ёқимли сўз билан ифодаланган кенг фикр катта аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" нинг яратилиши, XX аср ўзбек адабиётида воқеа бўлди. Зотан:

"Иффат деб нафсимизни гуноҳ ва бузук ишлардан сакламоқни айтилур. Бизларни гуноҳ ва маъсиятдан (исён – М.Т) сақлагувчи, ҳаром-ҳаришдан нафсимизни асрагувчи фақат иффатимиздур. Ахлоқ соҳиби, иффат эгаси қалбини, виждонини поклаб, тилини ёлгон, гийбат, бўхтон ва моловъяни (маъносиз – М.Т) каби ёмон сўзлардан сақлар. Чунки инсонга иффатидан кўпроқ тил иффати лозимдур. Бошимизга келадургон кулфат ва заҳматларнинг аксари ёмон тилимиздан, андозадан ортук сўйлаганимиздан келур.

Ўйламай сўйлаган оғринмай ўлар,
Фикр ила сўйлаган йиғламай кулар".

Кўринганидек, сўз ва иборалар равон ва табиий, фикр – равшан, ифода – аниқ. Сўз қўллашдаги қисқалик аниқлик билан уйғунлашган, фикр равшанлиги эса ифода равшанлигини таъминлаган. Абдулла Авлоний асарда бадиий тасвирий воситалардан, жонли ифода ва мақоллардан фойдаланишда ҳам саъдиёна йўл тутган. Шунинг учун ҳам асар катта эстетик қимматга эга.

Абдулла Авлонийнинг "Мухтасар тарихи анбиё ва тарихи ислом" асари ибтидоий мактабларнинг учинчи ва тўртинчи синф ўқувчилари учун ёзилган маҳсус дарслик сифатида қайд этилса-да, ўзбек мумтоз насрининг бебаҳо дурдоналари бўлган ислом дини ва пайғамбарлар тарихини ёритувчи Носируддин Бурхонуддин Рабгузийнинг "Қисаси Рабгузий", Алишер Навоийнинг "Тарихи анбиё ва хукамо", Алихонтўра Соғунийнинг "Тарихи Муҳаммадий" асарлари йўналишидаги тарихий-адабий манба сифатида ҳам қадрлидир. Ўзбек мумтоз насрининг илк намуналари бўлган ушбу асарлар Абдулла Авлонийнинг катта ишга кўл уришига туртки бўлган. Абдулла Авлоний устозлар ўғитларидан руҳланиб, уларнинг асарларини чуқур ўрганиб ва улардан унумли фойдаланиб, ўзининг муazzзам асарини яратган.

"Туркий гулистон ёхуд ахлоқ"да ислом тарихи баёни ва Одам алайҳиссаломдан Муҳаммад алайҳиссаломгача ораларида ўтган пайғамбарларнинг қиссалари равон тилда ҳикоя қилинган. Асарда ўқувчиларга тушунарли бўлган содда иборалар ва бадиий воситалардан кенг фойдаланилган. Шунинг учун ҳам асар ғоявий-таълимий ва бадиий жиҳатдан мукаммал ёзилган.

Кўринганидек, жадид ижодкорлари ижодининг энг характерли жиҳати шундаки, улар мумтоз адабиётимиз тарихида юқори босқични эгаллаган шеърий шакллар ҳамда ғоявий-бадиий анъаналарни йигирманчи аср жадид адабиёти шароитида давом эттиридилар ҳамда ўзига хос тараъза ривожлантиридилар.

Саъдулло ҚУРОНОВ

ШЕЪРИЯТДА ГЕОМЕТРИК ИЗЛАНИШЛАР

Шеър насрый асардан кўра кучлироқ эстетик таъсир этиб, ўзига хос завқ берга олиши билан ажралиб туради. Албатта, шеърнинг бу сифати унда ҳис-туйғунинг мос ритм, мусиқий охангда ифодаланиши билан ҳам боғлиқ. Бироқ, шеърнинг таъсир кучи биргина оҳангдорлик билан таъминланмайди. Шеър ҳис-туйғу ифодаси экан, унинг таъсири кўп жиҳатдан шу ҳис-туйғунинг қандай ифода этилишига ҳам боғлиқ бўлади. Шеърий ифода образ асосида амалга ошиб, образда шоир ўз ҳис-туйғуларини тавсифлаб ёки худди мусаввирдай тасвирлаб ифодалаши мумкин.

Янги давр адабиёти шеърнинг ташқи қурилиши, унинг график шакли ҳам аҳамиятли ифода воситаси эканлигини кўрсатди. Жумладан, йигирманчи аср ўзбек шеъриятида зинапоя шаклидаги мисралар, сўзларни алоҳида мисрага айлантириш, турли усусларда товуш товланишларини беришга интилиш, бош ҳарфлар билан ёзиш каби қатор усусларнинг кўриниши бунинг далилидир.

Шу жиҳатдан қараганда, Фахриёрнинг "Геометрик баҳор" шеъри шакл тарзидан, аниқроғи, ифода йўсенидан ўзига хос бўлиб, унинг матнида турли график белгилардан муҳим ифода воситаси сифатида фойдаланилган. Янги ҳодисага муносабат ҳам турлича: баъзилар уни маъқуллайди, баъзилар шаклбозликка мойиллик дейди, баъзилар эса "ўта кетган бемаънилик" деб, кўл силтаб қўя қолади. Аслида ҳам шундаймикан? Наҳотки шеърдаги геометрик шакл, белги ва суратларнинг лирик ифодага тааллукли жиҳати йўқ бўлса?

Фахриёрнинг "Геометрик баҳор" шеъри янги ҳодисадай кўринса ҳам, унинг илдизлари ўтмиш адабий анъаналаридан озиқланади. Масалан, хаттотлик санъатида араб ёзувидаги сўзларни турли шаклга солиб, кўз олдимизда бирор нарса суратланадиган тарзда ёзиш азалдан бор нарса. Ёзувни санъат даражасига кўтарган хаттотлар мазмундан олдин шакл, яъни, аввал "кўриш" орқали таъсирлантариш ва маълум таассурот уйғотиш мақсадини кўзлаганлар. Farбда бу санъат каллиграфия деб аталиб, унинг тарихи жуда қадим даврларга бориб тақалади. Юкорида келтирилган "Геометрик баҳор" каби асарларга ҳам, аввало, хаттотлик ёки каллиграфия санъати анъаналарининг давоми, унинг ривожидаги янги бир босқич деб қарап мумкин. Зоро, Farбда ўтган аср бошларидан кенг оммалаша бошлаган фигурали шеърлар, график шеърлар ва каллиграммаларнинг ҳам илдизи каллиграфия санъатига бориб туташади. Чунки бундай асарларда ҳам ўқувчига, аввало, нигоҳ орқали таъсир ўтказиш мақсад қилинади. Хуллас, бу турдаги шеърлар ўзининг икки минг йиллик тарихига эга бўлиб, ўтмиш ва ҳозирги адабиётда бундай асарларни жуда кўп учратиш мумкин бўлади. Ф.Рабле, С.Полоцкий, Г.Державин, Л.Кэрролл сингари шоирлар бу жанрда сермаҳсул ижод этишган. Аммо график шеърларнинг янги бос-

кичдаги ўзига хос кўринишини яратган ижодкор сифатида француз шоири Гийом Аполлинер эътироф этилади.

Ўтган аср бўсағасида санъаткорларнинг оламни ўзгача йўсинда ифода-лашга интилиши foят кучайган эди. Янгича ифода йўсими, аввало, тасвирий санъатда кузатилади. Агар модернизмга қадар тасвирий санъатда на-турани реал акс эттириш устуворлик қилган бўлса, модернизмнинг илк йўналишларида ёқ реаллик бутунлай рад этилади. Шу тариқа, фовизм, кубизм, футуризм, абстрактизм каби бир қанча йўналишлар юзага келади. Гийом Аполлинер шеъриятига рангтасвирдаги ана шу ўзгаришлар, айниқса, кубизм йўналишининг таъсири катта бўлган. Шоир Пабло Пикассо, Жорж Брак ва яна бир қанча кубист рассомлар билан яқиндан дўст эди. Гийом Аполлинернинг айтишича, бу даврда рассом ва шоирлар ўзаро ҳамфирк эдилар. А.Салмон, М.Жакобс, Б.Сандрап, Ж. Кокто каби шоирлар доимий равишда кубизмни қўллаб турганлар, ўzlари ҳам бу йўналишнинг ҳақиқий ишқибозларидан бўлишган.

Хуллас, икки минг йиллик тарихга эга график шеъриятнинг янги босқичдаги шакли рангтасвирнинг модерн йўналишлари билан ўзаро уйғунлиқда вужудга келади. Назаримизда, рангтасвир ва шеъриятнинг ўзаро синтези асосида яратилган "Геометрик баҳор" номли шеър ҳам график шеърият намунаси сифатида тасвирий санъатнинг ана шу йўналишлари, хусусан, кубизм билан муқояса қилиб ўрганилиши керак.

"Геометрик баҳор" ўн бир қисмдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири мазмунан нисбий алоҳидаликка эга. Зоро, қисмларининг ҳар бирида баҳорга хос манзара, ҳолат ё кайфиятнинг тасвирланиши билан шеър бир бутун лирик ҳодисага айланади. Профессор Умарали Норматов "Геометрик баҳор" ҳақида сўз юритаркан, шундай ёзади: "Ижтимоийликдан холи", "соф лирика" намуналари ҳам теран инсоний, умумбашарий фалсафий рух билан йўғрилган. Бундай рух эса анъянавий шеъриятдагидан фарқли ўлароқ, кўп ҳолларда янгича йўлларда намоён этилган... Туркумнинг қолган ўн фасли ҳам шу тариқа турли-туман шакллар-рамзлар симфонияси ва фалсафасидан иборат. Майсанинг игнадай ўткир тили "кўрсатиш чизигидай фақат олдинга" юради, бинобарин, баҳор ҳаракатини тўхтатиб бўлмайди". Дарҳақиқат, мазкур шеърда бир-бирининг таъсирида юзага келувчи турли-туман мавзулар, фалсафий мушоҳадага ундовчи фикрларни кўришимиз мумкин.

"Геометрик баҳор" тасвирлаш тамойили жиҳатидан кубизм йўналишига ўхшаб кетади. Маълумки, Уйғониш даврида ёқ, "поэзия – гапиравчи рангтасвир", "рангтасвир – соқов поэзия", деб билинган. Чунки расм гунг ҳоли-ча ҳис-туйғуларни ифодаласа, шеърдаги ҳис-туйғуга йўғрилган сўз тасаввуримизда сурат чизади. Яъни, аслида, бу икки санъат – эгизак. Фахриёр шу ёндошликни яна ҳам мустаҳкамлашга интилади: турли шаклларни (уларга маълум даражада рассомликка хос унсурлар деб қараса бўлади) сўзга кўмакчи этишга уринади. Шакллар сўзнинг имконларини тўлдиради, сезги-ларимизга таъсир этади ва, пировардида, тасаввуримизда рангин сурат жонланади:

...улар бир-бирига қовушганида (✉)

кўкаради боғ (✉)

Баҳор боққа майсанинг тили (▲)

билин кирар билдиримай

👤 (илон) нинг оғзида жаннатга

кирган шайтон сингари.

Кубизм йўналишидаги сурат маълум геометрик фигуralарни ёдга со-либ, мусаввир оламни шу шакллар воситасида англашга уринади. Бу йўна-

лишнинг ифода йўсинглари кенг, аммо рассомлар учун картинада борлик-нинг реал хусусиятларини акс эттириш чегаралаб қўйилган эди. Шу боис, кубистлар тасвиридаги шакл аниқ эстетик предмет сифатида кўрилмайди. Бу билан ташки кўринишдан олинадиган таъсир аҳамияти йўқолиб, тасвирий ифодада нарсанинг моҳияти асосий ўринни эгаллади. Ички моҳият эса чексиз, керак бўлса, тўрт ўлчамли фазога ҳам сифтайди. Борлиқнинг таниш манзаралари акс этган сурат тахайюлга ўз доирасидаги эркинликни берса, аниқ эстетик предмет сифатида кўрилмайдиган ажабтовур шакллар тасаввуру хаёлга мутлақ эркинликни тақдим этади. Айни чоғда, тахайюлгина чексизлик ортидан изма-из юришга қодир.

Фахриёр "чизган" тасвирда ҳам кубизмга хос ана шу жиҳатларни сезиш қийин эмас. Шеърни ўқиркансиз, тасвирни нафақат онггинизда шакллантирасиз, балки, бевосита кўзингиз билан хәёлингиздаги манзарага таъсир этасиз. Яъни, сўз билан чизилаётган тасвир маълум белги билан параллел келтириларкан, тасаввур этилган манзара ва кўрилаётган белги онггинизда беихтиёр қоришиб кетади. Ўз-ўзидан нореал, кубизмдаги каби геометрик фигуруларни эслатувчи тасвир вужудга келади.

Булбуллар ◉ (айланы) сайрап баҳорда,
табиат ҳукми шу,
◉ (сайроқ қирралари) ни
эговлаб ташлайди гулнинг чиройи.

Шеърдаги белгиларга муайян бир маънони англатувчи унсур сифатида-гина қарамаслик керак. Чунки шеър матнидаги сўзларнинг ўзиёқ, муайян бир манзарани яратишга муваффақ бўлмоқда. Бу ўринда, фигуруларга таассуротга таъсир этувчи восита сифатида қараш ўринлидир. Айни пайтда, ушбу шаклларнинг бадиий образ эканлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Одатда, образ ҳақида сўз борганда, шакл ва мазмун бирлиги, мазмунсиз шакл ва шаклсиз мазмун бўлмаслиги кўп таъкидланади. Бироқ, нега шакл бирор аниқ маъно юкини ташимагани ҳолда ҳам сезгиларимизга таъсир қилиши ва муайян ҳислар орқали тасаввур уйғотиши мумкин бўлмас экан? Ахир, мазмунсиздек кўринган шу шакллар ижодкор англаған моҳиятни ҳисларига йўғириб ифодалаяпти-ку.

"Геометрик баҳор"ни "кўриш" ва ҳис қилиш ўз-ўзидан содир бўлавермайди. Чунки асаддаги тасвир шоир тасаввуридаги олам асосида "чизилиб", унинг илк таассуроти муайян тасвирни, ўз навбатида, бу тасвир кейинги таассуротни келтириб чиқаради. Шу силсила асосида эстетик завқ яхлитлик касб этиб, тасвир эса тобора абстраклашиб боради. Шу сабаб шеърни англашда шоир тасаввуридаги тасвирнинг кетма-кетлиги ва изчил давомийлиги назардан қочирилмаслиги керак. Агар ўқувчи шеърдаги ана шу тасвирий оқимга туша билса, шоирнинг мантиққа асосланмаган айқаш-үйқаш оламини кўра бошлайди. Балки, ўқувчи бунда ҳеч қандай мазмун топа билмас, аммо у ҳайратланади, олаётган таассурлари эстетик завқ бағишлиайди.

"Геометрик баҳор"даги барча шакллар ҳам моҳиятан тенг қийматли эмас. Баъзан белгилар "чизилаётган" тасвирдаги бирор белгининг кўринувчи сурати сифатидагина келтирилади:

Шамол ҳукм юргизар тунда,
◉ (ой)ни учирган шамол,
юлдузли осмонни,
ойсиз осмонни

пуфлаб шиширар.
— (Қавариқ осмон).

(Осмон) (▲) (елкани)ни кўтарган борлик
тунбўйи ҳовузда сузib чикади
ва етиб олади тонгга амаллаб...

Тун манзарапарининг гўзал ва ҳайратга солувчи тасвири туширилган мисраларга эътибор қаратайлик. Бунда келтирилган белги ва суратлар ўзига хос эстетик завқ берса олишлиги билан шеърдаги бошқа қисмлардан ажралиб туради. Шамолнинг кучли эсиши, увиллашлари чексиз осмонни пуфлаб шишираётгандай бўлади. Осмон шишади — ■. Энди, унинг шишиган шакли вертикаль ■ ҳолатда келтирилади. Бу худди кеманинг елканларига ўхшаб кетади. Кучли шамол туннинг қора пардаларини елкандай учиради-ю, борлик тун бўйи сузуб юради. Ўқувчи гўзал ташбеҳлар воситасида реал ҳаётда кузатган тун манзарапарини онггида тикларкан, эндиликда, кўраётгани унинг учун анча таъсирли ва ҳайратга солувчи бўлиши табиийдир.

Негадир бу турдаги асарни мутолаа қилган ўқувчиларнинг аксарияти етарлича эстетик таъсир сезмаганини такидлайдилар.

► Унинг уни игнадай ўткир
учбурчакнинг таянч тўғри чизиги
ортга йўл бермас,
учбурчак
→ (кўрсатиш чизиги)дай
фақат олдинга юрар.

Ҳақиқатдан ҳам, эътибор қилинса, шеърнинг эмоционал ҳусусиятлари кўринмаётгандай бўлади. Бу йигирманчи аср бошларида вужудга келган янгича эстетик ифода, дунёни узук-юлук линиялар, тартибсиз шакллар воситасида кўрсатишга уриниш сабаблари билан боғлиқ бўлса керак. Боиси, мазмундан кўра, шаклнинг устувор қўйилиши асаддаги эмоцияни муайян даражада кучизлантиради. Кубист рассомлар ҳам ўз ишларида эмоционалликдан қочиб, туйғу ўрнини шакл билан тўлдиришга уринадилар. Улар бу каби тартибсиз тасвир дунёнинг нисбий моҳиятини кўпроқ ифодалай олишини қайд этадилар.

Шеър матнида бу каби белгиларнинг келтирилиши ўқувчини шоир тасвурнидаги тасвирга яқинлаштиради. Боиси, бу фигуранлар сўз воситасида ифодаланмай, уларнинг айнан сурати келтирилмоқда. Ўқувчи онггида белги ёки суратнинг айнан шакли намоён бўлиб, истайдими-йўқми у шоир кўрган тартибсиз шакллардаги оламни кўра бошлидай.

Сўқмоқлар четидан юради
■ тоқقا ўрлаган баҳор,
харсангларни айланиб ўтар.
→ (Зовлардан ўтолмай қолганда баҳор)
■ сўфитўргай бўғзида
уни олиб ўтар тогнинг ортига...

Ушбу мисраларга эътибор қилинса, ундаги матн табиатни тасвирламай, кўпроқ тавсифлаб ифода этаётганини кўриш мумкин. Яъни, манзара ифодасида детализация асосида чизилган тасвир мавжуд эмас. Аммо матн

билин параллел равишида көлтирилган шакллар тасаввур этилаётган манзара күринишини түлдиради. Маттнинг ўзи бир мунча мавхум таассурот уйғотса, геометрик шакллар баҳорнинг зовлардан қандай ўта олмаслигини изоҳлаб беради. Ўз-ўзидан шакллар билан қоришган таассурот ҳам матн уйғотган тасвиридан сезиларли фарқ қиласи.

Санъатда эстетик нигоҳ деган тушунча мавжуд. Шундай одамлар борки, улар оддий кўз илғамаган нарсаларни кўради. Бу хусусият, кўпроқ, мусаввирлар ёки шу соҳани тушунадиган, рангларни ҳис қила оладиган инсонларда мавжуд. Эстетик нигоҳи ўткир одамлар табиатдаги ранглар уйғунлигини ҳам, шаклларнинг бошқалар кўзидан пинҳон мазмунини ҳам ҳис қила оладилар. Бундай одамларда таассурот олиш ва тасаввур қилиш хусусиятлари ҳам ўзгаларга ўхшамаган тарзда кечади. Инсонга хос шу жиҳатдан келиб чиқсан ҳолда, Фахриёрнинг “Геометрик баҳор” шеъри барча ўкувчиларни таъсирлантиришга қодир дейишдан йироқмиз. Аммо, биз истаймизми-йўқми олам ҳақидаги асосий ахборотни кўз воситасида қабул қиласи. Шу жумладан, эстетик таъсирланишимизда ҳам нигоҳ энг муҳим омил саналади. Шу сабаб тасвирий санъат, кинематография, фотография каби санъатлар бизнинг эстетик озиқланишимизда асосий соҳалардан хисобланади. Шеъриятнинг бу санъатлар билан ўзаро синтезга киришиши эса, албатта, унинг ифода имконлари ва таъсир кучини оширади. Шоир шу эҳтиёж билан шеър шакли устида изланишлар қиласи. У манзарани худди мусаввирлардай чизишга, воқеликни кино эпизодларидай ҳаракатдаги тасвирида жонлантиришга уринади. Шоир ўз тасаввуридаги олам тасвирига мос ифода усулини излайди ва ўзича топади. Тасаввуридаги ўзини чексиз ҳайратлантирган оламни тасвирашга анъанавий йўл ожиз, шу боис, ўкувчига “кўрсатиб” таъсир ўтказишга интилади, уни тасаввуридаги пала-партиш, сирли ва ўзига хос дунёга йўналтиради.



Дилшода МУБОРАКОВА,
Тошкент Давлат Шарқшұнослик институты аспиранти

ТАСВИР ҚИРРАЛАРИ

Замонавий миср адабиётида “янги роман” йұналишида ижод қилаётган адиллардан бири Суналлоқ Иброҳим ҳисобланади. Суналлоқ Иброҳим ижтимой ҳаётга фаол аралашған, ундаги муаммоларни чуқур англаб, нозик ҳис кила олган ёзувчи сифатида инсоннинг ранг-баранг ички дүнёси, дардташвишлари, орзу-умидларини бадий таҳлил қиласы. Ёзувчининг “Бу ҳид” (1964), “Август қолдузи” (1974), “Комитет” (1981), “Байрут – Байрут” (1984), “Зот” (1992), “Шараф” (1997), “Варда” (2000), “Американлы” (2003) романлари китобхонлар эътирофига сазовор бўлган ва ҳар бири адабий ҳодиса сифатида қабул қилинган. Айниқса, унинг “Зот” романы ўзига хос услуби жиҳатидан ажралиб туради. Роман қаҳрамони оддий аёл, адеб унга алоҳида ном ҳам танламайди. Асарга “Зот”, яъни, араб тилида “бир аёл зоти” деган маънени англатувчи ном қўяди. Асар воқеалари давомида қаҳрамоннинг фикр доираси аста-секин ўса бошлайди, чунки у ижтимой мухитга бефарқ қарамайди. Адиб, қаҳрамони ҳаётида, фикрларида, кечинмаларида, кайфиятларида содир бўлаётган кичик ўзгаришларни унинг ўзига хос тилида беради ва асар ғоясини очиш, тасвирлаётган воқеалар характеристикасини ифодалашда улардан кенг фойдаланади. Улар орқали ёзувчи ўзи тасвирлаётган даврдаги инсонлар хулқ-атворини, уларнинг ўйларини ва фикр даражасини кўрсатади. Романда ҳикоячининг роли ҳам ўзгарган. У қаҳрамон – аёлнинг болалиги, унинг турмуш ўртоғи, оиласи, кундалик ҳаёти ва ҳатто уйқудаги тушлари тўғрисида ҳам баён этади. Қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатини ўзига хос муболагали-маҳзун кулгу (юмор) билан ифодалайди. Лекин шундай бўлса-да, анъанавий, тақлидий реалистик романларда ҳалол ва ҳаром, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги муносабатларни ёритувчи муаллиф ролига нисбатан бу асардаги муаллифнинг роли ва тутган ҳолати қаҳрамонга яқинроқ. Агар олдинги романларида ҳужжатли маълумотлар асар матнининг бир қисмiga айланган бўлса, энди, бу романда ёзувчи матнни икки қисмга бўлган. Бирида, қаҳрамоннинг ҳаёти ёриталади, иккинчисида, оммавий ахборот воситаларидан олинган биринчи қарашда тартибсиз кўринган маълумотлар келтирилади. Қаҳрамон ҳаётидаги воқеалар, ўзаро сұхбатлар бадий ифодавий тасвир орқали баён этилади. Матбуотдан олинган рекламалар, турли эълонлар ва расмий ахборотлар эса, матбуот тилида келтирилади. Матбуотдан олинган ахборотни келтиришда, муаллифнинг роли истеъдодли журналист ролига яқин бўлиб, ахборотларни жамлайди, эътиборга арзийдиган можароли воқеаларни

тәнлаб, уларни таснифлайди. Уларда түрли ахборотлар, тижорат эълонлари, расмий рекламалар, журналистик воқеалар ўз аксини топган. Булар орқали ўзгача бир олам намоён бўлади. Бу олам – оммавий ахборот воситалари олами бўлиб, унинг қаҳрамонлари кўзга кўринган сиёсатчилар, банк ва тушунарсиз инглизча номлар билан аталган инвестиция ширкатлари мудирлари, мансабдор шахслар, сал фурсатда миллионерга айланган "тадбиркор" инсонлар бўлиб, улар жуда қисқа вақтда бойликларни қўлга киритишган. Муаллиф фикрича, оммавий ахборот воситалари оламида ахлоқий ва ахлоқсизлик, ҳақиқат ва ёлғон ўртасидаги чегара ювилиб, йўқ бўлиб кетган. Суналлоҳ Иброҳимнинг мазкур романи композициясида янги миср жамиятининг умумий образларидан ташкил топган воқеалар тизимидағи "рихла" услубини қўллаган. Ўқувчи қаҳрамон – Зот ортидан тижорий маҳаллалар, инглиз ва араб мактаблари, марказий полиция идораси, касалхона, Искандария порти, сихат идораси котибияти, Зафт шаҳри ва бошқаларга боради. Ўқувчи бу маконларда юз берәётган ҳодисаларни бошқа замоннинг ахлоқий қиймати ва олий қадриятлари намуналари билан тарбияланган содда аёл нигоҳи орқали кўради. Газеталарда чоп этилаётган ёлғон маълумотларни очишда ёзувчининг зукколиги яққол намоён бўлади. Уларни тасвирлашда муаллиф газетадаги маълумотларнинг ўзига таянади. Газетадаги ахборотларни таснифлайди, ҳозирги пайтдаги газеталарни олдин ёритган маълумотлари билан солишириди ва аввал келтирилган маълумотлар қанчалик рост ёки ёлғон эканлиги ўқувчига аёнлашади. Масалан: инсонлар маблағларини кўпайтириб беришни вайда қилаётган банк ва ширкат эълонлари қайд этилади, сўнгра, бир неча вақтдан кейин ўша ширкат ва банк раҳбари инқирозга учраб, берилган барча пулларни олиб хорижга қочиб кетаётгани тўғрисидаги маълумот таъкидланади. Яна бир мисол: ўзининг ҳалол меҳнати туфайли топган пуллари билан фахрланувчи янги миллионерлар ҳақидаги мақола келтирилади, сўнгра, орқасидан тўплаган пуллари чайқовчилик, товламачилик, ёлғончилик эвазига йиғилган пуллар эканлиги ҳақидаги ва бунинг таъсирида пайдо бўлган жанжални ёритувчи хабар айтилади. Шунингдек, мазкур газеталарда маҳаллий маҳсулотлар ўрнига, миср бозорларини тўлдирган импорт маҳсулотларнинг эълонлари, мазкур овқат ва дориларни истеъмол қилган инсонларнинг заҳарланганлиги тўғрисидаги хабарлар ҳам берилади. Шунингдек, янги маблағ тўплаш ва уни одамларга тарқатиш учун пайдо бўлган ширкат ҳақидаги катта эълон ва ундан кейин бу ширкатнинг сотилиши ҳақидаги хабар ҳам келтириладики, буларнинг барчаси ҳақиқатдан йирок, тўқима саробга ўшайди. Тез бойиган "тадбиркор" инсонлар, аслида, ёлғончи бўлиб, роман воқеалари баёни ва хужжатли матн оддий инсонлар олами ва оммавий ахборот воситалари олами билан параллел кетади ва уларнинг орасида қаттиқ боғланиш бор ва унда тенглик ва бетарафлик макони йўқ. Чунки оммавий ахборот воситалари олами муаллиф ибораси билан айтганда, "марказий тарқатиш аппарати" эди ва бу аппарат роман қаҳрамонларининг ҳаётига таъсир этувчи кучли воситадир. Бу восита одамлар қалбига, фикр юритиш услубига, уларнинг майллари, ҳиссиятларига ҳам таъсир қиласида ва улар учун юқори идеалларни, ижтимоий ахлоқ намуналарини ҳам яратади ва, ҳаттоқи, уларнинг тушларига ҳам киради. Оммавий ахборот воситаларининг доимий босими натижаларини, рекламаларнинг одамлар ақлига таъсирини турли кўринишларини шоён этади. Мана шу таъсирларнинг садосини биз қаҳрамон – Зотнинг архивда бирга ишлайдиган ҳамкасб аёллар ўртасидаги сұхбатларидан, эркакларнинг бир-бири билан газета ёки телевизорда кўрган воқеалар ҳақидаги юритган мулоҳазаларидан, Зот яшайдиган бино аҳли ўртасидаги воқеалардан,

кафелларини, жиҳозларини урф (мода)га қараб ўзгартиришга, янги русумдаги нарсалар билан алмаштириш иштиёкларидан англаймиз. Аёлнинг марказий қаҳрамон сифатида романга танланиши тасодифий эмас, чунки аёл болаларини овқатлантиришда, соғлом авлодни вояга етказишда мұхим роль йўнайди. Бу оддий аёл ўзининг зиммасига катта масъулиятни олади, яъни, у болаларининг нафақат жисмоний, балки руҳий ҳамда маънавий тақдирiga ҳам масъулдир. Шу боис, Зотнинг болаларини тоза озиқ-овқат билан бокишига, уларни соғлом вояга етказишга бўлган хатти-ҳаракатлари унинг инсонийликка ишончи ва иймони билан бօгланиб кетади. Шу билан бирга, миллатнинг истиқболи учун куонади. Аёлнинг соғлом авлод учун бўлаётган бундай ҳаракатлари бесамар бўлса ва соғлом авлод учун асл соғлом озиқ-овқат тополмаса, қандай истиқбол бўлади? Суналлоҳ Иброҳим бу ва бунга уйғун ҳаётий муаммоларни бадиий, таъсири ва жозибали кўрсатишга ҳаракат қилади. Озиқ-овқат мавзуси романда марказий ўрин эгаллайди ва ҳужжатли матн кўп хабарларга асосланиб, хориждан олиб келинаётган ва маҳаллий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳақида батафсил ёзади. Хориж ва маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари тақкосланади ва озиқ-овқатлардан заҳарланиш ҳолатлари ҳам кўрсатилади. Романнинг якуний қисмида Зот йиглаб, қўлида айнигана маҳаллий консерва маҳсулоти билан турган ҳолатда тасвирланади. Ва, бу замонавий араб насридаги энг таъсиричан кўринишdir. Чунки унда истеҳзоли кулгу ва қаҳрамонга нисбатан ачиниш уйғунылиги бор. Шак-шубҳа йўқки, истеъмолчи жамиятнинг мұхитида асл инсоний қадриятларни сақлаш муаммоси фақат миср жамиятигагина хос бўлган муаммо эмас. Бу ҳозирги инсониятнинг мұхим муаммосидандир. Мазкур муаммони миср адиби бадиий маҳорат билан ифода этган. Уни талқин этишда постмодернизмга хос ўхшашлик бўлса-да, тасвир негизида катта фарқ бор. Чунки араб романчилиги ўзининг кўп намуналарида инсоний ахлоқийликни юзаки, нисбатан, сўз ўйини ва маънолар ўйини сифатида қабул қилмайди. Шу жиҳатдан қараганда, Суналлоҳ Иброҳим қаҳрамоннинг ички дунёсини, ҳиссиятларини тасвирлашда ўзининг касбий тажрибасидан келиб чиқади ва, маълум маънода, Хемингуэй таъкидлаган қуйидаги фикрга таянади: “Фақат ўзинг билган нарсалар ҳақида ёз. Бу жуда қулай ва ажойиб. Бунда мавзу қамраган доира тор бўлса ҳам, у чукур мазмунли, маъноли ва ҳақиқатга яқин бўлади”. Унинг барча асарларида, хусусан, “Зот” романнда ҳам қаҳрамоннинг шахсий ҳолатлари ва кундалик ҳодисаларга муносабати доираси кенгайиб, инсониятнинг масалалари даражасига кўтарилади. Суналлоҳ Иброҳим ўз миллатига хос бўлган хусусият ва жиҳатларни қаҳрамонлари табиатида, уларнинг дунёқарашлари, ҳаракат ва ўзларини тутиш ҳолатларида, бир-бирлари билан бўлган мулоқотларида ишонарли ҳамда жонли тасвирлайдики, бу, албатта, асарнинг миллийлигини таъминлашда бош омил бўлиб хизмат қилади.



Шодмон ОТАБЕК

СҮНГИ ДАРВЕШ

Янглишмасам, ўшанда биринчи курсда әдик. Ётоқхонада биэдан уч-түрт босқич юқорида ўқыйдиган талабалар ҳам бор әди. Аラлаш-куралаш яшаганимиз учун бутун туриш-турмушимиз ўртада, ошкора, ўзаро кирди-чиқди, күшничилик одатий ҳол әди. Шундай бир ҳолат сира эсимдан чиқмайды. Юқори босқичда ўқыйдиган, бўйи ўртадан пастроқ, жиккаккина, хушрўй, истарали, ҳамиша негадир бир хил – қора кўйлак кийиб юрадиган бир йигит кўпинча хонамизни тақиллатиб, сигарет сўрар, биз чекмаслигимизни айтардик, у эса узр сўраб қайтиб кетар, аммо бир неча кундан кейин яна ўша илтимосини тақрорлар, шунда жонимизга тегар, намунча хира бўлмаса, дея орқасидан тўнғиллаб қўяр әдик.

Орадан қанча кунлар, ойлар ўтди, билмайман, бир куни «Шарқ юлдузи» журналининг янги сонида атоқли адаб Асқад Мухторнинг «Оқ йўл»и билан Рауф Парфи деган номини биз ҳали эшитмаган бир ҳаваскорнинг туркум шеърлари босилди. Фотосурати ҳам берилган әди, бундоқ қарасак, ўша – биэдан сигарет сўраб юрадиган «хира» йигит!.. «Ё тавба!» дея шеърларини талашиб-тортишиб ўқий кетдик. Айниқса, ёмғир ҳақидаги шеъри шундоққина юрагимизга кўйилиб қолди.

*Ёмғир ёғар, шигалаб ёғар,
Томчилар томчилар сочимга.
Ёмғир ёғар, шигалаб ёғар,
Ҳам қайғумга, ҳам қувончимга.*

Мен бу шеърни ҳозир шоирнинг китобларига қарамай, ёддан тикляяпман. Ҳа, у бир ўқишида эсда қоладиган, биз шу пайтгача ўқиган, билган шеърларга мутлақо ўхшамас әди. Атоқли адаб Рауф Парфи ҳеч кимникига ўхшамаган бир овоз билан куйлаб юборганини бежиз таъкидламаганди. Раҳматли кейинчалик, орадан кўп йиллар ўтиб, Рауф Парфи таникли шоир бўлгач, шогирдини асоссиз танқидлардан ҳимоя қилиб катта таҳлилий мақола ҳам ёзган әди.

Кейинчалик қўшиқ қилиб куйланган яна бир шеъри тилга тушиб, оммалашиб кетганига гувоҳ бўлганмиз. Бу – ҳозир хонанда Илҳом Фармонов суйиб куйлаётган ўша машҳур қўшиқ:

*Балки ўчган эдим ёдингдан
Ширин хаёлингни буздимми?
Лайло, Лайло, сенинг ёнингда
Япроқ каби кўрдим ўзимни,
Ширин хаёлингни буздимми?*

Айрим мисралари кейинчалик қайта ишланган бу шеърни биринчи марта Рауф Парфининг Фозил Усмон деган ногирон курсдоши қўшиқ қилиб, жўшиб-ёниб куйлаган. Илк бор раҳматли ёзувчи Рустам Раҳмон ва журналист, ҳажвчи шоир Тўлан Кўзибоевларнинг саъй-ҳаракати билан «Ёшлик» радиостанцияси орқали эфирга берилган.

Рауф Парфининг ҳамма асарлари ҳам юқорида қайд этилган шеърлари каби содда, тушунарли эмас. У хос шоир эди. Кутимаган, бекиёс, бетакрор образлиликка асосланган, турли рамзлар, мажозлар, мураккаб тимсолларга йўғрилган шеърларини тушуниш учун шунчаки дидли-Фаросатли китобхон бўлишнинг ўзи камлик қиласи. Бунинг учун алоҳида бир тайёргарлик, малака, қобилият ва шеъриятни нозик тушунадиган бадий дид ҳам керак. Рауф Парфи айнан худди шундай шеърхонни кўз олдига келтириб ёзарди. Бундай китобхонлар эса ҳамиша саноқлидир. Шу ўринда атоқли рус шоири Пастернакнинг: «Буюк китобхонлар пайдо бўлгандагина буюк адабиёт пайдо бўлади», деган ибратли гапи эсга тушади. Рауф Парфи бундай китобхонлар кўпайишни кутолмасди. Шу боис у инсоннинг армони ва андухи ҳақидаги аламли битикларини имкони борида қоғозга тўкиб қолиш учун интиларди.

Рауф Парфи шеъриятида Туркистон қайғуси, турк бирлиги foяси устивор йўналиш касб этди. Ижодидаги бу қутлуғ, ўзак масалага истиқлол соғинчи оҳанглари ҳамоҳанг бўлиб, шеъриятини ичдан нурлантириди, юксак бир чўққига қўтарди. Шоирнинг «Сабр дарахти» китобида шундай сатрлар бор: «Ў, сабр дарахти – қутлуғ Туркистон». Шоир матбуотдаги бир сұхбатида фикр-мулоҳазаларини янада куйинчаклик билан, очиқ баён этади: «Миср-Бобил, Хитой-Хиндистон, Рум, Эрон, Оврупо, Америка сингари Турон-Туркистон, Турк дунёси жаҳон илму фани, маданияти, адабиёти ва санъати хазинасига муносиб мерос берди ва беражақдир. Шоирларимиз Туркистон руҳини, ўзбек руҳини куйладилар. Зоро, ўзбек руҳи ўлмасдир, ўзбек руҳи бутун Турк дунёсининг меросидир. Ўзбек миллати бу олтин мероснинг эгаси, бу мерос бутун жаҳон учун, бутун инсоният учун аллоҳ инояти-ла гўзал армуғондир. Ўзбек миллати жаҳон тамаддунини бир поғона баланд қўтарган буюк миллатдир. Ўзбек бўлиб туғилган, ўзбек деган номни муқаддас билиб, тану руҳида асрраган инсон нақадар баҳтли инсондир».

Шоир кўнглининг туб-тубидан отилиб чиқсан бу залворли эътироф, бу ички нидони хотиржам, ҳаяжонсиз ўқиш мумкин эмас. Зоро, кўп асрлар давом этган истилолар, зулмлар, қатағонлар туфайли миллий ғурури топталган, қадди букилган, ўзлигини унугтаёзган, онгу шуурига қуллик психологияси сингдирилган ҳалқининг озод бўлишини, ўзлигини танишини, рўшнолик кўришини истаган, ўз миллатини чин юрақдан севган, миллати билан фахрланган, миллатига юкинган, миллатининг бағри бутун бўлишини астойдил хоҳлаган миллий шоиргина шундай дея оларди. Бу дил изҳори шоирнинг эзгу орзулари, дарду армонлари инъикоси бўлмиш ўлмас шеърияти моҳиятига янада теранроқ, сергакроқ назар ташлашга ундейди. Шунда сиз устоз ИброҳимFaфуров «Рауф» деган мансурасида «Кўзи – Туркистоннинг кўзи, Сўзи – Туркистоннинг сўзи, ўзи – Туркистоннинг ўзи» дебя бежиз ёзмаганини англайсиз...

Рауф Парфи шеърияти осонгина, бир ўқишида ҳазм қилинадиган битиклар эмас. Унинг шеъриятидаги мураккабликлар, образли ташбеҳлар, кося тагидаги нимкосалардан ҳадиксирайдиганлар аввал сувни лойқалатишига уриниб кўришди. Гоҳо ҳассос шоирни тушкунликда айблашди, айрим сатрларини матндан узиб олиб, бўлакча талқин қилишди. Шоир ўз вақтида бунга муносиб жавоб берган эди: «Мозор сукунат, жимлик билан руҳни тарбиялайди, санъат эса мунг ёрдамида кўнгилдаги касал туйғуларни даволайди».

Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмидаги ўзбек шеъриятида биронта шоир изланишлари Рауф Парфи ижоди каби кўп баҳсу мунозараларга сабаб бўлмаган. Бу баҳсларда шоир ижоди жиддий қайта синовдан ўтди, шеърияти «забт этилмаган чўкки» (Улуғбек Ҳамдам) дея эътироф этилди. Хайриятки, 37-йиллар ортда қолган эди, соғлом фикр ғолиб чиқди. Донишманд адаб Асқад Мухтор, Озод Шарафиддинов, Иброҳим Faфуров, Иброҳим Ҳақкул каби зукко олимлар шоир ижодини тўғри, холис таҳлил ва талқин этдилар.

Муҳими – Рауф Парфи ижоди ўзбек шеъриятида янги тўлқин, янгича бир йўналиш пайдо бўлишига йўл очди. Устоз кулбасидаги (кўпинча кулбанинг ўзи бўлмасди) шеърхонликлар, адабиёт ҳақидаги тонготар, дилкаш гурунглар ҳеч қачон унutilмайди, соғинч билан эсланади. Тилак Жўра, Назар Шукур, Чори Аваз, Аъзам Ўкта (аллоҳ уларни ўз раҳматига олган бўлсин) ва Тўра Мирзо, Чоршаъм, Турсун Али, Рустам Мусурмон, Баҳром Рўзимуҳаммад, Мухаммад Faффор, Носиржон Тошматов каби шоирлар Рауф Парфига астойдил ихлос қўйган, устоз ижодидан руҳланган, илҳомланган.

Рауф Парфи (турли йилларда чоп этилган «Карвон йўли», «Акс садо», «Тасвир», «Хотирот», «Кўзлар», «Қайтиш», «Сабр дарахти», «Сукунат», «Товба», «Сўнгги видо» каби ихчам китобларига киритилган шеърлар жамланса, битта салмоқли «Сайланма» бўлар экан) ҳаётлигига шоирлик шон-шуҳратининг нашъу намосидан андак баҳраманд бўлса-да, айрим номдор, донгдор ижодкорлар каби оммабоп ва ҳаммабоп шоир бўлмаган, бунга ўзи ҳам интилмаган. (Зоро, оммавийлик санъатнинг бош мезони ҳам эмас). Улуғбек Ҳамдам таъкидлаганидек, «Унинг учун шоирлик ТИРИКЧИЛИК ЭМАС, ТИРИКЛИК, Борлик ва Йўқлик, Аввал ва Охирдир!»

Рауф Парфи ҳаётлигига ўз қўли билан тартиб берган охириги китоби «Сўнгги видо» деб аталади. Ўз-ўзидан бу ном энди рамзий маъно касб этган. Китоб муқовасида шоирнинг яхлит фотосурати берилган. Сочлари кордай оппол, ўзига ярашган соқол-мўйлови қиров боғлаган шоир кўзлари туб-тубида чексиз бир маҳзунлик, адоқсиз бир ғусса зоҳир. Тўйиб-тўйиб йиғлаб, эндиғина юпанган, тин олган болакай кўзларини эслатади. Бу кўзларга хотиржам тикилиб бўлмайди. Мен ҳаётда уни кўп кузатганман. Негадир, ўзи кулиб турганда ҳам кўзларидаги ўша мунгли ифода сўнмасди.

Рауф аканинг шеърлари нимаси биландир ўзига ўхшайди, ўзини эслатади, ўзи ҳақида ҳикоя қилаётган мунгли, адоқсиз бир куйга ўхшайди. Агар унга қулоқ тутсак, уни тинглай ва англай билсак, шоир ҳақидаги энг муҳим, энг керакли, энг ҳаяжонли кечинмалардан огоҳ бўламиз. Шоир дил изҳори бағоят самимий. Дарвоқе, шоир ҳаётда ҳам самимий, кўнгли очик, дилкаш инсон эди. Машҳур шоир бўлиб танилганда ҳам болаларча соддалиги, беғуборлигини сақлаб қололди. Шу боис ҳамиша атрофида дўйствари, муҳлислари гирдикапалак эди, атай уни кўргани узоқ-узоқлардан келишар эди. Уни устоз санаган, унга пирга сифингандай ихлос қўйган ёшлар, улфатлар ҳам кўп эди. Бундай мулоқотлар кўпинча ичкиликсиз ўтмасди. Афсуски, шоир кўпларнинг бошига етган бу иллатдан бир умр қутулолмади. Балки ҳаётдан эрта кўз юмишига ҳам қисман шу одати сабаб бўлгандир.

Ҳамма нарса қатъий ҳисоб-китоб асосига қурилган, дарвешликни мутлақо кўтармайдиган замонда Рауф Парфи беғараз, ҳокисоргина, дарвешона яшаб ўтди. Осон бўлмаса-да, шу мушкулотнинг уддасидан чиқа олди. Ҳа, у янги замондаги СЎНГГИ ДАРВЕШ эди. Шоирнинг ҳаёт тарзи, туриш-турмуши билан яхши таниш бўлган одамнинг ҳаёлига беихтиёр шу тушунча келади.

Сархушлик, мастоналиқ, телбаворлик, ошиқоналиқ фидойиликка эш бўлиб, ижодкорлик салоҳиятини юксакликка олиб чиқиш чиндан ҳам бир мўъжизадир. Ҳаётда ўзидан кечиб, дарвешликни, «Бир оз гўдак, бир

оз...шоир, бир озгина девона»ликни (Эркин Воҳидов), «Софлар орасида ўгай»ликни (Абдулла Орипов) ихтиёр этган шоирлар камдан кам учрайди. Тақдирнинг бу залворли юки ва заҳматини кўтармоққа ҳамма ҳам қодир эмас. Рауф Парфи эса бу машаққатга тоб берди.

Рауф Парфининг жамики фазилату нұксонлари, дарвешона ҳаёт тарзи, ҳамма-хаммаси яхлит ҳолда унинг тугма шоир эканлигини эслатиб, таъкидлаб турганга ўхшарди. Шахсиятида оддий сўзлар билан тушунтириш қийин бўлган қандайдир бир жозиба бор эдик, шу нарса муслислари ва дўстларини оҳанграбо янглиғ мудом ўзига тортарди.

Рауф аканинг ғаройиб, беҳаловат туриш-турмушини кузатган одам унинг қачон шеър ёзишга вақт топишини тасаввур қилолмасди. Дарҳақиқат, улфатчилик, сарҳушлик, ит ётиш, мирзо туриш қабилидаги хокисор, дарвешона ҳаёт тарзини ихтиёр этган шоирнинг кўнглига яна шеър сифишини тасаввур қилиш қийин эди. Балки шунинг учун ҳам Рауф ака айrim ижодкорлар каби сермаҳсул бўлмагандир. Озгиною созгина ёзгани яхши бўлгандир.

Рауф Парфи минбар шоири эмасди. Шу боис расмий давраларга интилмас, юксак минбарлардан шеър ўқишини унчалик сўймас эди. Мен унинг турли учрашув, анжуман, расмий тадбирларда (уни камдан кам таклиф этишарди) шеър ўқиганини бир-икки бор кўрганман, холос. Мабодо шеър ўқишига тўғри келиб қолса, замонасозлик қилиб, оммабоп ва ҳаммабол эмас, ўзига маъқул бўлган шеърларини ҳавола этарди. Шеър ўқиганда ширали, титроқ, айни чоғда ҳазин овозида ажиб бир улуғворлик оҳангига пайдо бўлар, шу асно ўзи ҳам бутунлай бошқа одамга айланиб қоларди. Шунда уни тинглаш кўп мароқли эди. Гоҳо ўзи эътиқод кўйган суюкли шоирлари – Чўлпон ва Нозим Ҳикмат (баъзан туркча ҳам ўқирди) шеърларидан ҳам ўқиб берарди. Адабий жараённи, айниқса шеъриятни синчиклаб кузатар, бу ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашар, кутилмаган кузатиш-хуносалари билан кўпчиликни ҳайратлантирас эди. Масалан, замона зайли билан бизда ТАМА АДАБИЁТИ пайдо бўлганини афсус билан таъкидларди. Шоирнинг бир оғиз лутфи билан мўлжалга бехато урувчи ушбу ибора адабий муҳитда истифодага кириб оммалашди.

Шоир ҳадди сифадиган, дилтортар давраларда яйраб-кувнаб, тинимсиз ҳазил-хузул қилиб ўтирас, ажойиб, бетакрор лутфлари, ҳазил-мутобаларини эшитган киши уни ҳаётда ҳеч қандай ташвиши йўқ, баҳтиёр одам деб ўйлаши мумкин эди. Шу ўринда бир шоирнинг «Қаҳ-қаҳ уриб куламан нечун, ўзгалар ғамгинлигим билмасин учун» деган мисраси хаёлга келади. Рауф ака ҳам кўпинча кўнгил тубидаги асл дарду ҳасратларини пинҳон тутаётганга ўхшарди. У гапирганда ҳамма жон қулоги билан, берилиб тингларди. Чунки унинг воқеликка муносабати ҳам ўзига хос эди, дикқатни тортарди, теша тегмаган гаплари гоҳ кулгили, гоҳ шеърлари каби образли-рамзли бўларди. Жиддий тарзда ҳазил қилас, ҳазил или жиддий гапираварди. Буни тушунган тушунар, тушунмаган талмовсираб ўтираверарди.

Эсимда, 1995 йилнинг авжи қиши палласи шоир билан ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижод уйида бирга яшаганмиз. Ошхона ёнида бир эски кутубхона бўларди. Ўша кунлари кутубхонани тартибга солишаётганди шекилли, бир четда чанг босган эски китоблар уюлиб ётарди. Рауф ака улар орасидан анча-мунча нодир китобларни топиб, хонасига олиб чиқиб бир четга чиройли таҳлаб кўяди. Бир гал хонасига чиқсан Нобел мукофотини олган Кнут Гамсунгнинг китобини ўқиётган экан. Шоир китобни танлаб, саралаб ўқир, унга анча-мунча асар ёқмас, адабиётга талаби жуда юксак эди. Шарқ ва Фарб бадиий тафаккурини пухта ўзлаштириб, омужта қилган эди. Ижодида

бу яқол сезиларди. Унинг наздига, адабиёт ҳаётнинг жүн изҳори эмас, агадиятга дахлдор илохий мұйжиза эди.

Рауф Парфи ўзбекнинг буюк шоири Чўлпоннинг астайдил чин муҳлиси эди. Чўлпон меросини яхши ўзлаштирганди, ундан илҳомланарди, таъсирланарди. Унинг ижодида «Қачон тонг отадир менинг юртимда, Қачон адо бўлар ғамга ботган ғам», «Агар юрак ютиб қилсан ошкор – Сўзларим зулмга отилган ўқдир» каби Чўлпонга ҳамоҳанг сатрлар кўплаб учрайди. Юқорида таъкидлаганимдек, Рауф ака шеърни ниҳоятда таъсирчан ўқирди, овозида бетакрор бир жозиба бор эди. Чўлпоннинг ўша машҳур «Тириксан, ўлмагансан, Сен-да одам, сен-да инсонсан, Кишан кийма, бўйин эгма, Ки сен ҳам ҳур туғилғонсан!..» деган шоҳ сатрларини ички бир титроқ, ҳаяжон билан ўқиганда беихтиёр кўзларига ёш қалқиб чиқарди. Мавриди келгандা Чўлпон ижодини тарғиб қилишдан эринмасди. Бир замонлар Болтиқбўйи мамлакатларига сафар қилиб, дарвешлиги боис, у ерда тўрт-беш ой қолиб кетганида Чўлпон шеърларини ўзи баҳоли қудрат русчага таглама (подстрочник, яъни сўзма сўз ўгириш) қилиб, шу ерлик шоир дўстларининг она тилида таржима қилдириб чоп эттиради, натижада Чўлпон ижоди Болтиқбўйи халқларида катта қизиқиш уйғотади. Афсуски, бу ноёб воқеадан ҳатто аксарият адабиёт муҳлислари ҳам ҳабардор эмаслар. Рауф ака матбуотдаги сұхбатида шундай ёзганди: «Абдулҳамид Чўлпон зулмга қарши, сталинизмга қарши, озодлик учун, дунёвий шеърият учун, ҳуқуки учун курашаётганларнинг сардорларидан биридир. Халқ шундай шоирини кўп замонлардан бўён кутган эди. У келди ва кураш майдонига чиқди. Ҳақ ва Ҳақиқат йўлида курбон бўлди.»

Дўрмондаги дилтортар сұхбатларда ҳам Рауф ака Чўлпон ҳақида кўп гапиравди. Бу файзли маскан айниқса қиши палласи ижодкорлар билан жуда гавжум бўлар, у ердаги самимий, дилкаш, бетакрор гурунгларнинг нашъу намосини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмас эди. (Уч карра нашр этилган «Дўрмон ҳангомалари» деган китобимнинг хамиртуруши ҳам ана ўша ерда қорилган). Адиблар бу ерда ҳаммага ҳам айтавермайдиган сир-асори, ижодий режалари билан ўзаро ўртоқлашар, адабиёт ҳақида тўйиб-тўйиб гурунглашар, ўртадаги дўстлик, хайриҳоҳлик ришталари янада мустаҳкамланар эди. Мен бу мулоқотларни ғанимат билиб, «Замондошлардан эсадалик-дастхатлар» (ижодкорнинг дастхатини жуда қадрлайман, дастхат билан совға қилинган китобларни алоҳида, авайлаб сақлайман) деган бир дафтар тутган эдим. Дўрмонда яшаётган шоирлар бир-иккитадан шеърини ўз кўли билан ўша дафтаримга ёзиб беришган. Унда Азиз Абдураззок, Тўра Сулаймон, Усмон Азим, Абдулла Шер, Ориф Одилхонов, Ихтиёр Ризо, Ошиқ Эркин, Шукур Курбон, Мухаммад Раҳмон, Азим Суюн, Ҳабибулло Саид Фани, Қамчибек Кенжа, Фарид Усмон каби шоирлар қатори Рауф Парфининг ҳам қимматли дастхати бор. Шоир ёмғир ва Лайло ҳақидаги шеърини лотин алифбосида битган, дафтар ҳошиясиға худди Пушкин ўз қўлёэмалари четига чизгандек, ёмғир ва қиз тасвирини ҳам туширган, ҳатто «Лайло» қўшиғи нотасининг (шоир нотани билармиди – ҳабарим йўқ) аввали ҳам акс этган эди. Аслида Рауф ака билан батағсилроқ бир сұхбат қилишни кўпдан ўйлаб юрган эдим. Режамга кўра, бу сұхбат фақат қоғоз эмас, видеотасвирга ҳам муҳрланиши, авлодларга яхши, қимматли бир хотира бўлиб қолиши лозим эди. Мақсадимни ўзига айтганимда шоир хурсанд бўлиб, бажонудил бунга рози бўлган ва сұхбатга жиддий тайёргарлик кўра бошлаган, ўзимча муҳим деб билган саволларни қоғозга тушира бошлаган эдим. Афсус-надоматлар бўлсинки, кейинчалик бошқа ишларга чалғиб кетиб, бу эзгу ниятни амалга оширишга улгуролмадим. Бандасининг умри аллоҳ омонати эканини кўпинча унутиб қўямиз...

Катта истеъдодларнинг ҳаёт ва адабиёт ҳақидаги қимматли фикр-мулоҳазалари ҳамиша юксак қадрият ҳисобланган. (Афсуски, атоқли адиларимизнинг ҳар хил муносабат билан турли жойларда айтган эътиборли фикрларини Гётенинг котиби Эккерман каби ёзиб борадиганлар йўқ). Энди Рауф ака билан ҳаёлий сұхбат қилмоқдан ўзга чора тополмаймиз. Ҳа, ҳаёлий сұхбат... Шоирнинг дунёқараши, фикрлаш тарзи, истеъоддининг йўналиши ва ўзига хослигидан келиб чиқиб, жавобларни тахминлаш мумкин. Шоир билан юзма-юз ўтириб қилинган гурунгнинг нашъу намосини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Ижодкор, агар у ШАҲС бўлса, унинг ўрнини ҳеч ким, ҳеч нарса босолмайди. Демак, жўнгина, аммо бирдан бир тўғри холоса-сабоқ шу – ҳамма ишни ўз вақти-соатида қилиш, истеъодларни ҳаётлигида қадрига етиш керак экан!..

Яхшиямки саволлар қайд этилган дафтарнинг бошқа бир саҳифаларига Рауф ака ўзаро сұхбатимизда айтган айрим фикрларни ёзиб қўйган эканман. Уларни ютоқиб, кўзимга суртиб, қайта-қайта ўқийман:

«Ижодкор ўз шахсини, шахсининг бутунлигини сақлаб қолиши керак. Мен ҳамиша шунга интиламан. Айримларга ўхшаб гоҳо валдирайверишим мумкин, лекин ботинан, ички бутунлигимни, шахсимни сақлашга интиламан».

«Робинранат Тагор жуда буюк шоир, ҳайронман, негадир уни ўқишмайди, билишмайди. Ахир Чўлпонлар унга сұянишган. Тагор бир умр инглизларнинг мустамлакачилик сиёсатига қарши курашган бўлса, Чўлпон чоризм зулмига қарши исён қилган».

«Мумтоз адабиётимизни, тилимиз асосчиси Алишер Навоийни кўпчилик ўқимайди, тушунмайди, ҳатто шоирларимиз ҳам уни яхши билмайди. Луғатларга Навоий сўзларини киритиш керак, ҳеч бўлмаса Х асрдан кейинги сўзларни киритиш лозим. Луғатимиз фариб, у тилимиз бойлигини акс эттира олмайди».

Рауф ака санъатнинг бошқа турлари билан жиддий қизиқар, айниқса, қўшиқчилик ҳақида, айрим ҳофизлар қўшиқ матнини яхши англамаслиги борасида кўйиниб гапиради. Рангтасвирга алоҳида меҳр қўйганди, рассомлар ҳаётига бағишлиланган китобларни топиб ўқир, дафтarlари ҳошиясига бежирим суратлар чизиб юарди. Аксарият таникли рассомлар билан яқин дўст эди. Уйсиз-жойсиз қийналиб юрганда маълум муддат кандакор дўсти Омон Азизнинг ертўладаги устаҳонасида яшади.

Рауф ака ўзаро гурунгларда бир куни рангтасвир санъати ҳақида шундай деган эди:

«Рассомнинг кўнглида бир дарди бўлмаса барибир асари яхши чиқмайди. Техниканинг ўзи билан бирон натижага эришиб бўлмайди. Агар дарди бўлса, одамлар, ҳалқ ичига кирса, унинг оғриқ-дардларини ҳис этса, асаридаги ранглар гапира бошлайди».

Рауф ака ҳар қандай одам билан осонгина тил топишар, нотаниш одамлар билан кўришаётганда ҳам юзларига самимий табассум ёйилар, муомала-мулoқотда жуда содда, ўта ишонувчан эди, шу боис кўпинча панд еб юарди. Одамларга баҳо берганда уларга яхши ёки ёмон дея жўнгина таъриф бериб ўтирасди. Кутимаганда шундай бир ғалати ўхшатиш ёки қиёслаш қиласардики, ўша одамнинг бутун характеристи, соҳт-сумбати шундоққина киши кўз ўнгига яққол гавдаланарди. Масалан, бир куни Дўрмонда сайр қилиб юрганимизда илгари юкоридаги сұянган тоғлари туфайли катта мансабларга эришган, аммо замона зайлар билан мансаб-мавқелардан мосуво бўлса-да, ҳали-ҳамон эгардан тушгиси келмаётган ўртамиёна бир ёзувчи ҳақида ачиниб шундай деган эди: «Фалончи боёқиши ўзи яхши йигит, лекин ичиди бир стержен-хода борга ўхшайди, кўнглида мен доимо баланд мавқеда юришим керак дегандек

бир тушунча бор, шу боис ҳамиша отдан тушса ҳам эгардан тушгиси келмай, ғұдайиб юради».

Сир эмас, ҳаётда күп жабру жафо чеккан одамлар күпинча дийдаси қотиб, аламзада бўлиб қолади, мавриди келганда чекилган изтироб-аламларнинг ҳиссасини чиқариб олишга уринади. Рауф акага бундай одатлар ёт эди. У күнглида губор сақламайдиган, боладек бегубор, кечиримли инсон эди. «Менга зуғум қилганларнинг ҳаммасини кечириб юборавераман, – деган эди шоир бир сұхбатимизда, – шунда ўзимни улардан халос этаману енгил тортаман, акс ҳолда ҳар қадамда бўладиган зуғумлардан ўлиб кетишинг ҳеч гап эмас».

Афуски, шоир барибир зуғумлардан тўла-тўкис қутулолмади. Биз уни асрай олмадик. Замондошлари уни тўлиқ тушуна олмадилар, шундок ёнларида буюк бир шоир яшаб ўтганини англаб етмадилар. Аксарият буюкларнинг қисмати шундай якунланган. Беихтиёр хаёлга қуидаги сатрлар келади:

*Оҳ, шоир қисмати ярқироқ, гулгун,
Завқларга тўлар у, Бир Сўзни излар,
Дунёда ҳеч бир зот билмас, не учун,
Айрича кулар у, айрича бўзлар.*

Фаришталар яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам омин дермиш. Ҳаётдан эрта кетган айрим шоирлар гўё ўз тақдирини башорат қилгандек, негадир ўлимни тез-тез тилга олишади. Ҳар гал шунақа шеърларга кўзим тушганда ички бир титроқдан ларзага тушиб, сергак тортаман. Рауф акада ҳам шундай шеърлар бор эди. «Мен сизни севаман, аллоҳ кечирсин, Мен сизни севиб ўлганман, Кечирингиз ўлган одамни» деб ёзади шоир 1994 йили бир шеърида.

Рауф Парфининг маъракасида садоқатли шогирди, шоир Тўра Мирзо Куръони каримнинг Ёсин сурасини узоқ ўқиди. Ҳаммамиз сомеъ бўлиб, бош эгдик. Бундок разм солсам айримларнинг кўзида ёш халқаланди. Мен ҳам мижжаларимга қалқиб чиқкан ёшлиаримни тиёлмай мутаасир бўлдим. Ҳаёлимга «Бу дунёда рўшнолик кўрмаган шоир эрта кетди, (раҳматли ёшини сўраганларга «Мен йигирма беш ёшимда тўхтаб қолганман» дея ҳазил қилас, кўринишдан соч-соқоли барвақт оқарган бегубор гўдакка ўхшарди), аллоҳ раҳматига олган бўлсин, ҳали яшаса бўларди» деган аламли фикр қайта-қайта урилди. Кейин, Шайхзоданинг машхур сатрларини эсладим: «Ўлганда юз соат йиғлаб тургандан, Уни тиригида бир соат йўқланг».

Биз уни тиригида йўқлай олдики? Қадрига етолдики?..

Бу оғриқли саволлар бегам яшашимизга ҳали кўп ҳалақит беради...

Рауф Парфидек сўнгги дарвеш шоир эса қайта дунёга келмайди...



ГУЛҚАЙЧИ

Турсунбой АДАШБОЕВ

ПАРОДИЯЛАР

Ёлғон айтсам..

Күзларинг бир жодуки, билсанг,
Етти иқлим қолгусидир лол.
Сажда этгум, ишора қилсанг,
Соҳиби күз, эй қоши ҳилол.

Темур УБАЙДУЛЛА. “Күзларинг” шеъридан.

xxx

Эх, бу күзлар, дунёдек чексиз,
Осмон каби тубсиз, бепоён.
Сажда учун ишора шартмас,
Бошгинамни урайин қаён?

Ох, бу күзлар, денгиздек теран,
Фарқ бўлишим мумкин жонгинам.
Шу күзларнинг қалини учун
Ол, Чинозни, Тўйтепани ҳам.

Сатқаи сар тақдирим, умрим,
Күзларингнинг қурбони бўлай.
Сабаб, ўта нозик йигитман,
Ёлғон айтсам ёрилиб ўлай...

Агар, севсанг...

Севсанг,
Осмонга чиқ, ойни олиб кел,
Тонглар водийсини тўша йўлимга!
Сомон йўлларидан чечаклар териб,
Бахтнинг шодасидай тутгил қўлимга!

Озода БЕКМУРОДОВА. “Севсанг” шеъридан.

Озодабегим!
Шартларингиз қалтис ва мушкул,
Алпомишилар йўқ, ҳозир демак,
Ойни олиш лозим бўлса агарда
Ошиқлар космонавт бўлиши керак.

Ҳозирги йигитлар не билан машғул,
Барчага аёndир гапнинг дангали.
Парилар бозорда савдо қилишар,
Муштумга айланган девнинг чангали.

“Ёрилтош”нинг ёрилмоғи гумондир,
Сомон йўлларида гуллар чечаклар.
Қизлар қайтар ҳорғин дала тарафдан,
Бошда бир боғ молга юлган печаклар...

Хаёлим чалғиди... Кўқда ғилмонлар,
Мовий ёғдулардан тутар гўшанга.
Янгалар охиста чиқиб кетаркан,
Дер: – Куёв бунча ҳам латта, бўшанг-а?..

Топган топалоқ...

Ўзи битта,
Қулоғи битта...

Олқор ДАМИН. “Бир қулоғи кесилган эшак”.

Ўзи битта,
Қулоғи нўлта...

Олқор ДАМИН. “Икки қулоғи кесилган эшак”.

Ажабтовур топишмок,
Арзир “кашфиёт” десак.
Кўзингдан ўтар дарҳол,
Сабрли ҳайвон бешак –
Афандининг улови,
Бечора, шўрлик эшак.
“Қулоғи нўлта” бўлса,
Тўрт туёғи саросар,
Думи эса аросат.
Дўстим Олқор Даминга
Мавзу танлаш бобида,
Тилаймиз дид, фаросат.

Йўқлов

Чумчуклар этар чир-чир,
Ёмғир ёғади шир-шир.
Қатик ичилди хўр-хўр,
Мазза, сен ҳам ичиб кўр.

Мўмин АВАЗ. “Кел биродар” шеъридан.

Келинлар пичир-пичир,
Кампирлар висир-висир,
Ўт ёқсанг исир-исир,
Молимиз қисир-қисир.
Мехмонлар сиз-биз,
Жиззалар жиз-биз.
Мошинлар тир-пир
Хурраклар хир-хир,
Овозлар fat-fat,
Карнай ват-ват,
Қойил, ҳай-ҳай,
Яшанг, бай-бай.
Тол шохида
Сайрап булбул,
Тумшуғини
Қайраб булбул
Дейди: – Машқинг
Fўр ва думбул,
Fўр ва думбул...

Болаларга йўриқнома

Вақтни ўтказмас бекор,
Яхши ўқиган бола.
Ялқовлардан қилас ор,
Яхши ўқиган бола.

Ҳайдар ТЎРА. “Яхши ўқиган бола” шеъридан.

Катталарга жойин берар,
Кичикларга чойин берар
Яхши ўқиган бола.

Қадди-басти расо бўлар,
Кексаларга асо бўлар
Яхши ўқиган бола.

Қисқа қилас каломини,
SMSда саломини
Яхши ўқиган бола.

Дарслардан вақти ортмайди,
Қизларнинг сочин тортмайди
Яхши ўқиган бола.

Таътил пайти эчки боқар,
Олма териб, ўрик қоқар
Яхши ўқиган бола.

Яхши бола, бу йўл-йўриқ
Сенинг учун шартга кўра,
Ушбу дастур муаллифи,
Шоир тоғанг Ҳайдар Тўра.

Шайдолик

Нилуфардан чиройли юзинг,
Бинафшадан гўзалсан сўлим.
Атиргулдан ифорли юзинг,
Ер юзида танҳосан гулим.

Бахтиёр РОЗИҚ. “Гулим” шеъридан.

Кизил гулим,
Сафсар гулим.
Сарик гулим,
Оқ гулим.
Ер юзида
Танҳо гулим,
Тоқ гулим.
Момақаймоқ,
Қоқи гулим.
Бойчечагим,
Кизғалдоғим,
Гулхайримсан,
Ойчечагим.
Лолам ўзинг,
Бўтакўзим,
Турфа гулга
Ва сунбулга
Макон бўлган
Далам ўзинг.
Гапнинг рости,
Пора қилдинг
Юрагимнинг қатини.
Жоним эшит,
Давот қилиб
Мен оққушнинг патини
Китоб ёздим, жўнатаман
Гулларнинг рўйхатини...

ШАРҚ ЙОЛДУЗИ

2010

3-сон

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮПМАСИ

* Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин.
Таҳририятта юборилган материаллар муаллифларга қайтарилемайди.

* Обунага монеълик кўрсатилса, Тошкент – 100000, Амир Темур тор кўчаси, 2.
Республика «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясига мурожаат қилинсин.

Манзилимиз: 100127, Тошкент шаҳри. Ўзбекистон кўчаси, 16-а уй.
Телефонлар: 227-00-81, 245-22-99. E-mail: sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга руҳсат этилди 15.06.2010 йил.
Қоғоз бичими 70x108 1/16. Оффсет босма усулида тип. № 1-қоғозга босилди.
Босма тобоги 12. Шартли босма тобоги 16,8. Адади 2200 нусха.
Буюртма № RP-309/10.

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига
0562-рақам билан рўйхатга олинган.

Оригинал макет «AKADEMNASHR NMM» нашриётида тайёрланди.

Мусаҳҳиҳ: Д.Маҳмудова, Ф.Рахимова

«RUTA-PRINT» қўшма корхонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Янги тарнов 1-тор кўчаси 8-уй